

С.А. САЛИХОВ

МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

С.А. САЛИХОВ

МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг
2014 йил 31 октябрдаги мажлисida мухокама этилган ва
5610100 - Хизматлар соҳаси (Товарлар экспертизаси хизматларини
ташкил этиш) таълим йўналиши талабалари учун тавсия этилган

ЎҚУВ КЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ - 2015

Салихов Суръат Акрамович - биология фанлари доктори, профессор. “Мутахассисликка кириш”. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2015 йил, 263 бет.

Ўқув қўлланмада бозор иқтисодиёти шароитида “Мутахассисликка кириш” (Хизматлар соҳаси (товарлар экспертизаси хизматларини ташкил этиш) фанининг Ўзбекистон Республикасини “Таълим тўғрисида” ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Конун талаблари асосида ва мутахассисликнинг максади, моҳияти, мазмуни ва Ҳукумат қарорлари вазифалари ҳамда кенг истеъмолдаги озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини экспертизаси тўғрисидаги маълумотлар берилган.

Мазкур ўқув қўлланма Олий ўқув юртларининг бакалавр таълим йўналиши талабалари ва ушбу соҳа бўйича барча қизикувчилар учун мўлжалланган.

Масъул мухаррир: Ибрагимов Назрулла Набиевич – техника фанлари доктори, профессор

Такризчилар:

Назарова Раъно Рустамовна – ТДИУ, ТИФ кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори

Самадов Аскаржон – иқтисод фанлари номзоди, доцент

МУНДАРИЖА

	Кириш.....	4
1-мавзу:	Мутахассисликка кириш фанининг максади ва вазифалари.....	5
2-мавзу:	Тошкент давлат иқтисодиёт университети тарихи...	14
3-мавзу:	Ўқув жараёнини илмий асосда ташкил этиш, ўқитиш шакллари, ўқув режа ва дастурлари.....	28
4-мавзу:	Талабаларнинг мустақил ишлашини ташкил этиш..	46
5-мавзу:	Талабаларнинг ўқув илмий-тадқиқот ишлари ва уларни ташкил қилиш.....	60
6-мавзу:	«Рейтинг тизимини ташкил қилиш ва якуний давлат аттестацияларини топшириш тартиби».....	70
7-мавзу:	Озиқ-овқат товарлари товаршунослиги ва унинг назарий асослари.....	81
8-мавзу:	Халқ истеъмоли товарлари сифат қўрсаткичларини аниклаш.....	97
9-мавзу:	Халқ истеъмоли товарларини стандартлаштириш...	106
10-мавзу:	Дон ва дон маҳсулотлари экспертизаси.....	116
11-мавзу:	Қанд, асал, крахмал ва қандолат маҳсулотлари экспертизаси.....	128
12-мавзу:	Мева ва сабзавотлар экспертизаси.....	144
13-мавзу:	Лаззатли маҳсулотлар экспертизаси.....	167
14-мавзу:	Сут ва сут маҳсулотлари экспертизаси.....	180
15-мавзу:	Гўшт ва гўшт маҳсулотлари экспертизаси.....	202
16-мавзу:	Пластмасса товарлари экспертизаси.....	215
17-мавзу:	Майший кимё товарлари экспертизаси.....	231
18-мавзу:	Нефт ва нефт маҳсулотлари экспертизаси.....	244
	Глоссарий	259
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	261

КИРИШ

Мутахассисликка кириш фани талабаларга университетдаги ўкиш жараёнида олий таълим муассасаларига таалуқли бўлган, унинг мазмуни ва моҳиятини ифодалайдиган томонлари билан тўлароқ танишиш имкониятини беради. Бу фан орқали олий таълим муассасасининг тузилиши, унинг бошқариш тизимидағи бўгинлари, уларнинг ҳар бирини ўкув жараёнида тутган ўрни ва роли ҳамда талабанинг мутахассислиги бўйича тушунча беради.

Бозор муносабатларининг мухим бўгинларидан бири бўлган товарлар экспертизаси тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш замирида иктисодиётни ривожлантириш, ҳалкаро стандартлаштириш тизими талабларига мос келувчи товарларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва улар фаолиятини янада такомиллаштириш шу куннинг долзарб вазифаларидан хисобланади. Ҳар кандай жамиятда бозорнинг асосий обекти товар ва хизмат хисобланади ва унинг асосий вазифаси истемол қийматга эга бўлган товар ва хизматларни ишлаб чиқариш обекти хисобланади.

Иктисодиётни самарали бошқариш унинг мухим бўлган товарларни сифатини ўрганишни, уларнинг ишлаб чиқариш технологик усусларини, функциясини ва истеъмол қийматини билишни тақозо киласди.

Мазкур «Мутахассисликка кириш» курси кадрлар тайёрлаш бўйича таълим стандартлари асосида ишлаб чиқилган намунавий ўкув дастури асосида яратилган, «Мутахассисликка кириш» курси барча ўқитиладиган ихтинослик фанларининг дебочаси бўлиб талабаларга шу йўналиши бўйича ўқитиладиган барча фанларни ўзида мужассамлаштирган холда ўргатади.

Бу фан кенг истеъмолдаги озиқ-овқат ва ноозик-овқат товаршунослиги ва товарлар экспертизаси билан қизикувчиларга таълим йўналиши бўйича билим беришга, жумладан, ташкил қилиш ва олиб бориш, уларни усуслари, бошқариш холида бозор субъектлари билан муносабатларини ташкил қилиш ва умуман, товарлар экспертизасини асосларини ўргатишга мўлжалланган.

Мазкур ўкув кўлланма Тошкент давлат иктисодиёт университетига кирган Хизматлар соҳаси (товарлар экспертизаси хизматларини ташкил этиш) таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган, бўлиб, у университетни ташкил топиш тарихи, бошқарув структураси, ахборот ресурс маркази (АРМ), шунингдек олийгоҳдаги ўкув жараёнини ташкил этилиши ва олиб бориш тартиблари, курс иши, реферат, назорат иши, бошка услубий ишлар ҳамда ихтинослик фанлари билан танишитиради.

1-мавзу: Мутахассисликка кириш фанининг мақсади ва вазифалари

Режа:

1. «Мутахассисликка кириш» фанининг предмети ва вазифалари
2. «Мутахассисликка кириш» фанининг олдига кўйган мақсади
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури хамда «Таълим тўғрисида»ги қонунлардан келиб чиқадиган вазифалар

1. «Мутахассисликка кириш» фанининг предмети ва вазифалари

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси ва кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмларидан бири деб, таъкидланади кадрлар тайёрлаш миллий дастурида. Узлуксиз таълим тизими ўқув тарбия жараёнини ҳар томонлама етук баркамол авлодни етишириш учун шартшароитлар яратади.

Шу сабабли, мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий тамойиллари белгиланади. Булар таълимнинг устуворлиги, таълимнинг демократлашуви, таълимнинг ижтимоийлашуви, таълимнинг инсонпарварлашуви, таълимнинг миллий йўналганилиги, таълим ва тарбиянинг узвий боғликлилиги, иқтидорли ёшларни аниқлаш, юкори даражада билим олишлари учун шартшароитлар яратиш кабилар. Жамият талаб қилаётган узлуксиз таълимга тегишли бу қонункоидалар ўқитиш, билим беришдан яъни таълим жараёнинг хам самарали таъсир кўрсатади. Педагогикада таълимнинг илмий-назарий, услубий асослари алоҳида, яъни дидактика қисмида ўрганилади. Бу жараёнда таълим принципларига ҳам алоҳида тўхталади.

Таълим жараёни мураккаб хамда кўп кирралидир. Унда ўқитувчи ва ўкувчилар фаол иштирок этадилар. Бу жараённинг мудаффикиятли ва самарали натижаси таълим жараёнининг қонун-коидалари, яъни таълимга кўйилган дидактик талабларга кай даражада амал қилишларига боғлиқ.

Ўқитиш билиш фаолиятининг ажралмас қисми, сифатида инсоннинг теваароф тафаккурига атрофидаги дунёни билишнинг умумий қонунлари асосида содир бўлади. Шу сабабли шахсни ўқитиш, тарбиялаш, баркамол авлод қилиб етишириш жараённида бир бутунликда эришиш зарур. Ўқитувчи қачонки таълим тамойилларини яхши ўзлаштирган бўлгандагина уни самарали бошқариш, ўқитишнинг самарали усулларини тўғри танлаш имкониятига эга бўлади. Шунинг учун ўқитиш тамойиллари таълим жараёнининг энг муҳим

масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан тўғри ҳал килишнинг асосий негизи хисобланади.

Таълим тамойиллари ўкув юртлари олдида турган улкан вазифалар асосида белгиланади. Улар бир бири билан ўзаро мустаҳкам боғлиқ ҳолда бир системани ташкил этади ва ҳар бир дарсда дидактик тамойилларнинг бир нечтаси иштирок этиши мумкин. Улар таълим олдида турган асосий максадларни ҳал этишга ўз хиссасини қўшади. Таълим тизими ислоҳ килинаётган ҳозирги жараёнда ўкувчи талабаларга мустақил билим бериш, уларни эркин, мустақил фикрлай оладиган инсонлар қилиб тарбиялашда, таълим тамойилларини чукур англаш ва ҳаётга татбиқ этиш муҳим муаммолардан хисобланади.

Ўкув юртларida бериладиган билим илмий характерга эга бўлиши фан техника ютуқ, ихтиорлар ва қашфиётларини ўзида ифода этиш лозим. Шундай экан, ўқитувчи илм фандаги янгиликлардан хабардор бўлиши лозим, ўкув фанлари ҳам илм фан асосида яратилади. Ўқитишнинг илмийлик тамойиллари таълим жараёнида ўкувчи талабаларни ҳозирги замон фан техника тараққиёти даражасидаги илмий билимлар билан куроллантириш, айникса талаба ёшларни илмий тадқиқот усуслари билан танишириб боришга қаратилган.

Илмийлик таълимнинг мазмунига ҳам, усусларига ҳам алоқадордир. Шундай экан билиш, илм фан билан ўкув предмети ўртасида ҳамкорлик ўзаро боғликлар бўлишига эришиш лозим. Таълимнинг хамма босқичларида илмий изоҳлардан фойдаланмоқ лозим.

Назарий билимларнинг амалиёт билан, турмуш тажрибалари билан боғлаб олиб бориш таълимнинг етакчи қоидаларидан бири хисобланади. Таълим-тарбия соҳасидаги ютуқлар, энг аввало назария билан амалиётнинг ўзаро боғликлилигига асосланади. Шундагина ўкувчи-талаба ўрганаётган ўкув материалининг туб моҳиятини тушуниб этади ва амалиётда улардан фойдалана олади. Бунинг учун ўқитувчи таълим жараёнида талабаларнинг фаол иштирок этишларига эришмоқ лозим. Талаба фаол иштирок этса билимларини онгли тушуниб ўзлаштиришга олиб келади.

Таълимдаги онглилик ва фаоллик, талабадан кўтарилик кайфият, кўпроқ билимга интилиш, мустақил фикрлаш ва хулосалар чиқаришга ундаиди. Билимларни онгли ва фаол ўзлаштириш ўқитиш жараёнинг психологик томонларида ўз ифодасини топади.

Ўқитиша назарий билимлар қанчалик қатъий ифода этилса, талабанинг фикр юритиши ҳам шунчалик аниқ ва равшан бўлади ва ўкув материалларини онгли ўзлаштириш даражаси ҳам ошади. Таълим тизими ислоҳ қилинаётган ҳозирги жараёнда ёшларнинг мустақил фикр юритиши, мустақил суратда билим олишга интилиши талаб қилинади. Бунинг натижасида билимларни

ўзлаштиришнинг жараёни ижодий тус олади. Бундай шароитда ўқитувчи-талаабанинг машгулотларга муносабати ва бу жараёнда ўзини қандай тутишига эътибор бермоғи лозим. Ёшлардаги ўқишистаги таълим жараёнининг зарурый ва мантикий қисмидир. Шундай экан, таълимнинг самараадорлиги ўқитувчини талаабаларни ўқишга изчил ва мунтазам қизиктириб боришга боғлиқдир. Бунинг учун, ўқитувчи, уларни ижодий муносабатда бўлишга, мустакилликка, ишчанликка одатлантириш лозим.

Таълим жараёни, унинг мазмуни унда кўтарилган ҳаётий масалалар ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Шу сабабли таълим, шахс шаклланишининг асосий манбаидир.

Талаба илмий билимларни ўзлаштирас экан, унинг дунёғараси ҳам, иродаси ва ахлоқий сифатлари, имон-еътиқоди ва қобиляти ҳам ўсиб ривожланиб боради. Таълимнинг тарбиявий имкониятларидан фойдаланишида ўқитувчи аввало таълимни услубий жихатдан тўғри ташкил этишга, ўкув материалининг мазмуни билан боғлиқ тарбиявий мақсадни аниқ белгилашга ва билим олишга қизиктира олишга боғлиқдир. Шу билан бирга, ўқитувчининг талабалар олдидаги обрў-еътибори ҳам муҳим тарбиявий аҳамиятта эгадир.

Ўқитиш жараёнини кўргазмали ташкил этиш зарур. Ҳам эшитиш, ҳам кўрсатиш орқали ўкув материалиларини идрок килиш, уларни онгли ва пухта ўзлаштириш, билимларни турмушдаги заруриятни англаб олишларига асос солади, диккатни барқарорлаштиради. Шунинг учун ҳам, кўргазмали материалилар ўрганилаётган мавзу мазмунига мос келиши, талаабанинг ёши ва билим даражасига боғлиқ бўлиши ҳамда улардан фойдаланишининг самарали йўл ва воситаларини кўллаб ва ишлаб чиқиш лозим. Кўргазмали материал ўкув предметларининг характеристири ва мазмунига қараб турли-туман бўлиш мумкин.

Жумладан:

а) буюм ва нарсаларни асл табиий ҳолда кўрсатиш (ўсимликлар, хайвонлар, экспурсия чоғидаги кўрсатиладиган нарса-буюмлар)

б) тасвирий кўргазмали материалиларни намойиш қилиш (расмлар, фотосуратлар, кинофильмлар ва б.к.)

в) нарса ва буюмларни шартли белгилар орқали кўрсатиш (схема)

г) овозли кўргазмали материалилар (граммастикка, овозли кинофильмлар)

Билимлар турли йўл воситалари орқали пухта ўзлаштирилгандагина у мустаҳкам эсда қолади, бу эса ўкув материалиларини онгли ўзлаштиришга, назария билан амалиётни боғлашда кўргазмалиликка амал қилишга ва билимларни такрорлаш орқали мустаҳкамлашга боғлиқдир. Таълимнинг бош мақсади эса билимларни системали ва пухта ўзлаштиришdir.

Таълим жараёнидаги муваффақиятларга факат билим беришда, талаабанинг ўзига хос шахсий хусусиятларини хисобга олганда эришиш мумкин.

Дарс жараёнида шу университет талабаларига тегишли умумий хусусиятларни ва ҳар қайси талабага тегишли хусусиятлар ва таълимнинг ҳар бир босқичида эътиборга олиниши даркор. Бунга эришиш учун ўқитувчи талабаларни кузатиши ва уларни руҳий оламини ўрганиш лозим. Фақат шундагина талабадаги камчиликларни келиб чиқиш сабаблари аниқланади ва уларни бартараф килиш учун изланишлар олиб борилади.

Мустақилликнинг биринчى йиллариданоқ мамлакатимизнинг иқтисодий жиҳатдан кийин ахволда бўлишига қарамасдан, кадрлар сиёсатига иқтисодиётимиз самарадорлиги ошириш мумкин бўлган йўналиши сифатида катта эътибор қаратилди.

Сўнгги йилларда кадрлар тайёрлаш масаласига эътибор янада кучайди ва 1997 йили Олий мажлиснинг тўққизинчи сессиясида «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тўғрисида» қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар узлуксиз таълим тизимининг ўзбек моделини аниқлаб берди.

Бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги даврида иқтисодчи кадрларга бўлган талаб ошиб бораётганлиги билан бирга уларнинг сифат даражасига ҳам эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳалари учун иқтисодчи кадрлар етказиб беришда Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг хиссаси улкан бўлиб, «Банк иши», «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит», «Иқтисодиёт», «Бизнес», «Туризм» йўналишлари бўйича бакалаврлар ва шу бакалаврларнинг базавий олий маълумоти асосида олий касбий таълимнинг магистриратура йўналишларида кадрлар тайёрланмоқда.

Шу боис, университетимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиқиб, иқтисодиётнинг муҳим соҳаларидан бири бўлган ТИФ банк тизими учун кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Университетда «Иқтисодиёт» йўналиши бўйича ҳар йили 800 дан ортиқ бакалаврлар тайёрланади. Шу билан бирга ҳозирги вактда университетда иқтисодни турли йўналишлари бўйича 250 дан ортиқ магистрлар тайёрланмоқда.

Иқтисодиёт учун кадрлар тайёрлашда университетнинг барча кафедраларида катта миллий-услубий ва педагогик тарихга эга. Университетимизда иқтисодиёт фанларини фаолиятининг хусусиятли томони бўлган ўта талабчанликка риоя килиш, иқтисодиёт соҳасидаги ўзгаришлар ва янгиликларни дархол англаш ва янгиликларни талабалар онгига етказиши ҳозирги кунда ҳам кафедра педагогларининг асосий бурчидир.

Корхона ва ташкилотлар ёки бозор муносабатларининг аксарият бошқа субъектлари асосан ўз маблагларига таяниб фаолият кўрсатадилар. Шу боис, бу субъектларнинг ўз фаолиятида хато ва камчиликларга йўл қўйиш, маблагини самарасиз ишлатиш, ўз даромадининг камайишига, молиявий ахволининг

ёмонлашувига олиб келади. Шу сабабли, банк тизими учун университетимизда тайёрланаётган кадрлар чукур билимли бошқариш фаолияти натижасини олдиндан тахмин қила олиш қобилятига эга бўлиши лозим.

Юкоридагилардан келиб чиқсан ҳолда мутахассисликка кириш фанининг вазифаси талабаларга университетимиздаги таълим жараёни билан танишитириб, уларни келажакда етук мутахассис бўлиб етишишларига замин тайёрлайди.

2. «Мутахассисликка кириш» фанининг олдига қўйган мақсади

Мустакил Ўзбекистон Республикаси таракқиётида таълим устувор соҳа ҳисобланади. 1997 йил 27 августда қабул килинган «Таълим тўғрисида»ги таълим барча йўналишларини ислоҳ килиш ва ривожлантириш учун имкон яратади.

Таълим ислохоти ва истиқболини белгилашда куйидаги тамойилларини устувор йўналишлари асос қилиб олинган:

1. Таълим-тарбиянинг инсонпварварлилиги ва демократияйлиги;
2. Таълим тизимининг узлуксизлиги, изчиллиги, илмийлиги ва дунёвийлиги
3. Таълимда умуминсоний ва миллий, маданий ва маънавий қадрияларнинг устуворлиги
4. Миллати, эътиқоди, динидан қаътий назар барча фуқаролар учун таълим олиш имконияти яратилганлиги
5. Таълим муассасаларининг сиёсий партиялар ва ҳаракатлар таъсиридан холилиги асос қилиб олинган.

Таълим ислохотида асосий эътибор, таълим-тарбиянинг миllibий замирини мустаҳкамлашга, таълимнинг иш бошқарув тизимларини такомиллаштиришга унинг моддий-техника базасини замон талабларига мослаштиришга, таълим-тарбия жараёнини жаҳон андозалари даражасига кўтаришга қаратилган. Янги ўкув стандартларини дастурлари, дарсликларни яратиш таълим сифатини оширишда ягона мезон бўлди. Мамлакатимизда чукур ўрганиладиган мактаб тармоғи тез ривожланди, масалан, 1991 йилда турли фанлар чуқурлаштириб ўрганиладиган мактаблар 799 та бўлса, 1998 йилда 9143 тага этди. Янги турдаги ўкув масканлари вужудга келди. Халқ таълими тасарруфидаги 185 та, 292 та литсей фаолият кўрсатган бўлса, 1998-1999 йилдан бошлаб академик литсейлар, касб-хунар коллежлари ташкил этилди. Таълим муассасаларининг ўкув режалари, таълим шакллари ва усулларини ишлаб чикишда эркинликларга эга бўлганликлари принципиал жиҳатдан янги бўлди. Уларда «Иқтисод назарияси», «Иқтисодий билим асослари», «Инсон ҳуқуқлари», «Менежмент ва

маркетинг асослари», «Маънавият ва маърифат асослари» ва бошка шу каби фанлар ўқитиладиган бўлди.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида хунар таълими ҳам ислоҳ килинади. Улардан 260 дан ортик ишчига касби бўйича таълим берилди. 1995-1996 йилларда 140 та хунар литсей, 18 та миллий хунар литсей, 50 бизнес мактаблари ташкил этилди.

Ўзбекистонда 12 йиллик мажбурий таълим жорий килинди. 9-синфни битирган ёшлар 3 йиллик академик литсей ёки касб-хунар колледжларига киритишини такозо этадиган ислоҳотлар босқичма-босқич ўтказилади. Биринчи босқич ўтиш даври бўлиб, у 1997-2001 йилларда давом этди, таълимнинг ривожланиши учун хукукий месъёрлари, илмий методик, моддий шартшариотлар яратади. Иккинчи босқич 2001 йил ва 2005 йилларни ўз ичига олади ва миллий дастур тўлиқ амалга оширилади. Учинчи босқич 2005 ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган бўлиб, ундан тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш асосида кадрлар тайёрлаш тизимини янада тақомиллаштирилди ва ривожлантирилди. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иктисадий ва ижтимоий ривожланишининг ўзига хос йўлини танлаш, кадрлар тайёрлаш тизилмаси ва мазмунини қайта ташкил этишни зарур қилиб қўиди. Мактабгача таълим соҳасида ташкил этилган болалар боғчалари, ҳамда боғча мактаблар тармоқлари ривожланиб бормоқда. Болаларга чет тилларини хореграфия, тасвирий ва мусикӣ саънати, компьютер саводхонлиги асослари ўрганувчи юзлаб гурухлар ташкил этилди.

Янги типдаги мактаблар ва умумтаълим ўкув юртлари тармоғи ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда 238 та литсей ва 136 та гимназиялар мавжуд. Республикада жами 197 минг киши таълим олаётган 258та ўрта касб-хунар таълими ўкув юрти ишламоқда. Уларда ойлий маълумотли ўқитувчи ва мухандис педагоглар меҳнат килмоқда. Ўзбекистон Олий мактаб тизими 66 ойлий ўкув юргини шу жумладан 18 та университет, 42 та университетни ўз ичига олади. Улардан 164 минг талаба таълим олмоқда, 18 та университетнинг 14 таси Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейинги икки йил ичida ташкил этилади. Олий ўкув юртларида ишләётган ўқитувчининг 52%и фан доктори, фан номзодларидан иборат.

Олий таълимда кадрлар тайёрлашнинг марказлаштиришдан хукукий йўналишга ўтказиш олиб борилмоқда, университет таълими ривожлантирилмоқда. Билимларнинг янги тармоқлари бўйича кадрлар тайёрлаш тизими йўлига кўйилди. Олий мактабни кўп босқичли тизимига ўтказиш амалга оширилмоқда. Абутурентлар рейтинг асосида баҳоланмоқда. Олий малакали илмий ва илмий педагог кадрларга талаблар ошмоқда. Олий аттестатсия тизими ташкил этилган. Жами илмий ва илмий-педагог

кадрларнинг 8%ини докторлар ва 37%ини фан номзодлари ташкил ташкил этади.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларнинг қайта тайёрлаш тизимида 23 та университет, 16 та факультет, 4 та марказ 14 та малака ошириш курслари ташкил этилди.

Иқтидорли болалар ва ўкувчи ёшларни кувватлаш бўйича давлат сиёсати олиб борилмоқда. Истеъдодли ёшларга кўмак бериш, уларни қўллаб-куватлаш, уларнинг қобилият ва истеъдодини ўстириш бўйича маҳсус фонdlар ташкил этилди, қобилияtlilarни чет элдаги етакчи ўкув юртларида ва илмий марказларда ўқитиш ва стажировкадан ўtkазиш йўлга қўйилди. Фан ва таълим соҳасида халқаро алоқалар кенгайиб бормоқда. Шунга қарамай, содир этилган ўзгаришлар кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ва шакллантириш иктиносидий ижтимоий ривожлантириш талабга мувофиқ бўлиши бўйича Республикада доимий ишларни амалга ошириш лозим. Кадрлар тайёрлаш тизимида демократик ўзгаришлар ва бозор ислоҳотлари талабларига мувофиқлиги, ўкув жараённинг моддий-техника ахборот базаси етарли даражада эканлиги, дарсда ўкув-услубий ва илмий адабиёт хакида дидактик материалларни етарлиги, таълим тизими ва фан, ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва фойдали интегратсияни йўлга қўйилганлиги кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизимидағи ўзгаришлар ўзини натижасини бермоқда. Мактабгача таълим ва тарбия аҳволи талаб даражасида жавоб бермоқда.

3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда «Таълим тўғрисида»ги конунлардан келиб чиқадиган вазифалар

Юкорида таъкидланганидек 1997 йил Олий Мажлис томонидан «Таълим тўғрисидаги конун» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Ўз навбатида, давлатимиз томонидан таълимни ва кадрлар тайёрлаш миллий тизими такомиллаштириб борилмоқда. Унинг кўп варианти тизими жорий этилиб, таълим муассасаларининг ўз-ўзини пул билан таъминлашни ривожлантириш, хусусий ва чет инвеститсияларининг таълим соҳасига жалб этилиши ривожлантирилмоқда. Республика фуқаролари учун кейинчалик уларни тўлашнинг мослашувчан тизимга асосланган таълим кредитлари бериш механизmlари шакллантирилган. Узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини моддий жиҳатдан қўллаб кувватлашда донорлар ва хомийларнинг мавқеи кучайиб бормоқда. Пуллик таълим хизматлари кўрсатиш, тадбиркорлик, маслаҳатлар, экспорт, ноширлик, ишлаб чиқариш вазифаларига мувофиқ бошка тарздаги фаолияти ҳисобида таълим муассасаларининг даромадлари кўпайиши

таъминланади. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий кисмлари қўйидагилардан иборат:

Шахс - кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматлар истеъмолчиси ва уларнинг амалга оширувчisi;

Давлат ва жамият- таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни кабул қилишни кафиллари;

Узлуксиз таълим - малакали ракобатбардош, кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартини, кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш мухитини ўз ичига олади;

Фан - юкори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илгор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчи;

Ишлаб чиқариш - кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молиялаш ва моддий техника жиҳатдан таъминлаш жараёнинг қатнашчиси;

Ўзбекистон Республикаси томонидан инсон ҳукуклари, таълим ва конвенцияларнинг бажарилиш, кадрлар тайёрлаш соҳасида жаҳон илгор тажрибасини хисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг барча жиҳатларига даҳлдор бўлиб, уларнинг ривожланиш омилларидан биридир.

Мактабгача таълим.

Мактабгача таълим бола соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишни таъминлайди, унда ўкишга интилиш хиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди. Мактабгача таълим бола 6-7 ёшга тўлгунча давлат ва нодавлат мактабгача тарбия болалар муассасаларида ва оиласарда амалга оширилади. Мактабгача таълим муассасаларининг мақсади ва вазифаларини рўёбга чиқаришда маҳалла, жамоат, ҳайрия ташкилотлари, ҳалкаро фондлар фаол иштирок этади. Мактабгача таълимни ривожлантириш учун қўйидагиларни амалга ошириш керак бўлади:

- а) малакали тарбиячи ва педагог кадрларни устувор равишида тайёрлаш;
 - б) мактабгача таълимни самарали психолого-педагогик услубларини излаш ва
- жорий этиш;
- в) болаларни оиласа тарбиялашни ташкилий педагогик, психологик ва услубий жиҳатдан таъминлаш;
 - г) замонавий ўқув услубий кўлланмалар, техник воситалар, ўйинчоқлар ва уларни яратиш хамда уларни ишлаб чиқариш;

д) мактабгача ёшдаги болаларни, халқнинг бой, маданий, тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида маънавий аҳлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш;

е) мактабгача муассасаларнинг хар хил турлари учун тури варианктардаги дастурларни танлаб олиш имкониятини яратиш;

ж) мактабгача тарбия ва согломлаштириш муассасалари тармогини қўллаб-куватлаш ва ривожлантириш механизмини ишлаб чиқиши;

Умумий ўрта таълим:

9 йиллик ўқищдан иборат умумий ўрта таълимнинг бу тури бошланғич таълимни камраб олади, шунингдек ўқувчиларнинг фанлар асослари бўйича мунтазам билим олишлари, уларда билим ўргатиш эктиёжини асосий ўқув иммий ва умуммаданий билимларни миллый ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий аҳлоқий фазилатларини, касб танлашни шакллантиради.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими.

Академик литеий, давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта маҳсус таълим беради. Касб-хунар коллежи тегишли давлат таълими асосида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими беради. З 9 йиллик дастур асосида Олий таълим, Ўрта маҳсус касб-хунар таълим негизига асосланади ҳамда икки босқичга эга.

Бакалавриат.

Мутахассисликлар йўналишлари бўйича фундаментал ва амалий билим бералигандан, таълим муддати камида 4 йиллик таянч олий таълимдир.

Магистратура.

Аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган бакалавриат негизида таълим муддати 2 йил давом этадиган олий таълим.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. «Мутахассисликка кириш» фанининг предмети ва вазифаларига nimalar kiradi?

2. «Мутахассисликка кириш» фанининг олдига қўйган мақсади nimalardan iborat?

3. Кадрлар тайёрлаш миллый дастури ҳамда «Таълим тўғрисида»ги конунлардан келиб чиқадиган вазифалар

2 - мавзу: Тошкент давлат иқтисоднёт университети тарихи

Режа:

1. Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетининг ташкил топиши
2. ТДИУда тайёрланадиган бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари
3. Университет жамоаси ва бошқарув тизими, институт тараққиётининг йўналишлари
4. ТДИУнинг кадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажаришда ўрни, роли ва келажакдаги вазифалари
5. “Товарлар экспертизаси хизматларини ташкил этиш” таълим йўналиши зарурлиги, мақсади ва вазифалари.

1. Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетининг ташкил топиши

Хозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети СССР Совет Халқ Комиссарлари томонидан 13 август 1931 йилдаги қарори билан ташкил этилган. 1932 йилда институтга 47та абитуриент қабул килинган эди. 1940 йилда унда ўқиётган талабалар сони 240тага етди. Улуғ Ватан урушигача даврда институт профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш муаммолари яхши ҳал қилинган. Масалан, 1931 йилда Институтнинг 10 та кафедрасида илмий даражага эга бўлмаган бирорта ҳам ўқитувчилар бўлмаган бўлса, 1941 йилга келиб 58 та ўқитувчидан 10 та фан номзоди ва дотсентлари, битта фан доктори бўлган.

1946 йилда Давлат банклари системасига кадрлар тайёрлаш учун кредит-иктисод факултети ва хисоб-иктисод факултети ташкил этилган. Сўнгги қабул қилинувчилардан колхозлarda бухгалтерия хисобини юритиш учун мутахассислар тайёрлашга гурухлар ажратиб олинди. 1947 йилдан иқтисодий саноатга ва қишлоқ хўжалигига мутахассислар тайёрлана бошланди. 1948 йилда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда иқтисодчиларни тайёрлаш учун кечки факултет очилди. 1950-1951 йилларга келиб институт 6 йўналиш бўйича иқтисодчи етказиб берадиган 5та факултет ва 15та кафедра бўлган.

Ўзбекистоннинг молия, банк, хисоб-иктисод идоралари ва хўжалик корхоналарини малакали кадрлар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида 1991 йил 13 майда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 3 июн 154-сонли қарорига биноан Тошкент Халқ хўжалиги институтининг замирида Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Молия институти ташкил этилди. Тошкент Давлат

Иқтисодиёт Университетига иқтисод фанлар доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик М. Ш. Шарифхўжаев ректор этиб сайланган.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетига иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик С.С.Уломов сайланган.

ТДИУ ватанимиз иқтисодиётига турли иқтисодчиларини етказиб берган ва хозирда қўйидаги факултетлар бор:

- 1) Иқтисодиёт;
- 2) Бухгалтерия хисоби ва аудит;
- 3) Банк иши;
- 4) Туризм;
- 5) Бизнес;
- 6) Менежмент;
- 7) Ахборот технологиялари ва статистика.

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетида қўйидаги ўкув курслари мавжуд:

- 1) Бакалавриат - 4 йил
- 2) Магистратура - 2 йил
- 3) Катта илмий ҳодим - 3 йил
- 4) Малака ошириш институти

ТДИУ қошидаги литсея ва гимназия.

2. ТДИУда тайёрланадиган бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари

Ўзбекистон ўзининг давлат мустақиллигини қўлга киритгач, миллый хукукий давлат барпо этиш, демократик жамият асосларини яратиш, бозор муносабатларини шакллантириш, маънавий қадриятлар ва миллий ўзлини англашни тиклаш томон ўзига хос йўл билан ривожланиш йўлига кирди. Маъмурий-бўйруқбозлик бошқарувига асосланган тоталитар тузумдаги янги, эркин, очиқ демократик жамиятга ўтиш молия-кредит йўналиши бўйича замонавий қадрлар тайёрлашга бевосита боғлиқ эди. Шу муносабат билан Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетининг мавқеи янада ўси, у республикада иқтисод мутахассисликлари бўйича қадрлар тайёрловчи асосий таянч олийгоҳига айланди.

ТДИУ 7 та факультет, 28 та кафедра ва ўкув, илмий-текшириш лабораториядан иборат. Бундан ташқари, университетимиз кошида ўқитувчи ва бизнес ҳодимларни кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, солик органларига ҳодимлар тайёрлаш ўкув маркази, иқтисодиёт литсеей

фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, маънавият ва маърифат маркази, янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиётини ўрганиш маркази, иқтисодий билимлар клуби ва бошқа бўлимлар фаолият кўрсатмоқда.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида талабалар бакалавриатнинг 15 йўналишида, магистратуранинг 43 мутахассислиги бўйича тахсил оладилар.

ТДИУ Россия, Германия, Франция, АҚШ, Англия, Истроил ва бошқа давлатлар университетлари ва тадқиқот марказлари билан яқин алоқа қиласди. Бир канча илмий тадқиқот ишлари халқаро грант соҳиби. Тошкент давлат иқтисодиёт университети республикамизнинг иқтисодий-илмий ташкилотлари ва университетлари учун илмий-методик база ҳисобланади. Институт чет эл мамлакатлари ҳамкорлигига (Германия, Россия) ўкув китобларини тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 1995 йил 18 декабр 277-сонли буйруғига биноан Тошкент давлат иқтисодиёт университетига базавий олий ўкув юрти макоми берилди ва унга регионал олий ўкув юртлари биринчириб кўйилган. Тошкент давлат иқтисодиёт университети вилоятлардаги бу олий ўкув юртларига молия-кредит ва бухгалтерия ҳисоби бўйича мутахассислар тайёрлашда ўкув, услугубий ишларни такомиллаштиришда кўмаклашмоқда.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети миллий иқтисодиётимизнинг барча тармокларига аниқ иқтисодий билимларга эга мутахассисларни тайёрлаш ва бозор иқтисодиётининг барча қийин жабҳаларида оптимал ечим топа оладиган иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашга қаратилган.

3. ТДИУ жамоаси ва бошқарув тизими, университет тараққиётининг йўналишлари

Тошкент давлат иқтисодиёт университети бугунги кун талабларига жавоб берса оладиган ўкув ва моддий техника базасига, ташкилотлараро заминига эга. Университет 1200 та замонавий компьютерлар ишлаб турибди. Шулардан 840 таси интернет тармогига уланган. ТДИУ кутубхонасида етарли даражада ўкув, услугубий ва илмий адабиётлар тўплланган. Хориждан келтирилган адабиётлар ҳам анчагина.

Хозирда ТДИУ 509 та профессор ўқитувчи ҳодимлар хизмат қиласди, шулардан 45 та фан доктори, 30 профессор ва 182 фан номзоди, 104 та дотсентлар талабаларга сабоқ беради.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети жаҳон иқтисодиёти фанининг ютукларидан ҳамда банк-молия йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш соҳасидаги тажрибалардан баҳраманд бўлиш ва унга ўз хиссасини кўшиш максадида АҚШ, Германия, Англия, Франция, Туркия ва бошқа кўплаб

хорижий, шунингдек МДҲ мамлакатларининг университет ва институтлари билан узвий алоқа ўрнатган ва ҳамкорлик қилмоқда.

1995 йилдан бошлаб институтда иктисадчиларни тайёрлашнинг икки босқичли тизимига ўтилди. Биринчи босқичда тўрут йил давомида бакалаврлар тайёрланади. Иккинчи босқичда бакалавр дипломини олган иктидорли ёшлар икки йиллик магистратурда ўқидилар.

Тошкент давлат иктисадиёт университети бозор иктисадиёти шароитида мамлакатимизнинг барча ташкилотлари учун Ташки иктисадий фаолият, Миллий банки ва унинг жойлардаги шаҳобчалари бухгалтерия ва аудит хизматлари, сугурта, солиқ ва соликка тортиш инспекциялари, биржалар, турли мулк шаклидаги корхоналар ва муассасалар эҳтиёжларини қондиришга мўжалланган малакали бакалавр-иктисадчи, магистр-иктисадчиларни тайёрлайди.

4. ТДИУнинг кадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажаришда ўрни, роли ва келажакдаги вазифалари

Ўзбекистоннинг кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳар томонлама камол топган, жамиятда, турмушга мослашган, таълим ва қасб ҳунар дастурларини онгли равишда танлаш, кейинча пухта ўзлаштириш учун ижтимоий, сиёсий, хукукий, психологик ва бошка тарздаги шароитлар яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини хис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутади.

Бу конунга асосан Ўзбекистон таълим системасини тубдан қайтақуриш ва такомиллаштириш назарда тутилган бўлиб, у мустақил Ўзбекистонни гуллаб яшишига, унинг куч-куватини оширишга ва довругини бутун дунёга тарқатишга лойик бўлган мутахассисларни тайёрлашга қаратилган.

Юкори малакали мутахассисларни тайёрлашда таълим ҳақидаги қонунда курсатилган ташкилий услублардан ташқари талабаларнинг фанларни мукаммал ўзлаштиришни осонлаштирувчи янги замонавий услубларни жорий қилиш, ўкув жараёнини компьютерлаштириш, фанни амалиёт билан узвий равишда боғлаб ўқитишни ҳам жорий қилиш керак бўлади. Мутахассислигингиз банк соҳаси бўлганлиги сабабли энди банк тўғрисида кискача изоҳ бериб ўтамиз.

Банк деб пул маблагларини йигувчи, саклаб берувчи, кредит-хисоб ва бошқа воситачилик оператсияларни бажарувчи муассасаларга айтилади. Товар пул муносабатларининг бўлиши ва уларнинг ривожланиб бориши барча иктисадий-ижтимоий тузилмаларда банкларнинг бўлишини тақозо қиласди. Банклар ўрта асрларда пулдорлар томонидан пулни қабул қилиб олиш ва бошка

давлат, шаҳар пулига алмаштириб бериш асосида келиб чиқкан. Кейинчалик пулдорлар ўзнинг бўш турган маблағларидан фойда олиш мақсадида уларни вактинча фойдаланишга маблағ зарур бўлган субъектларга қарзга беришган. Бу хол пул алмаштирувчи пулдорларнинг банкирларга айланишига олиб келган.

Банк сўзи италянча «банка» сўзидан олинган бўлиб, стол аникроғи «пуллик стол» деган маънени англатади. Ўрта асрларда италянлик пулдорлар хамёнларидағи, идишлардаги тангаларни стол устига қўйиб ҳисоб-китоб килганлар. Банклар пайдо бўлишининг нуктаси бўлиб, ХИИ асрда Флорентсия ва Венетсияда ташкил қилинган кичик жиробанклар ҳисобланади. Кейинчалик шундай банклар Амстердамда, Гамбургда, Миланда, Нюренбергда, Генуяда вужудга келган. Бу банклар асосан мижозлари-савдогарлар ҳисобланган. Улар ўртасида накд пулсиз ҳисоб-китобларни олиб борган. Бу банклар ўз мижозларини монеталар таркиби бузилиши туфайли зарар кўришдан ҳимоя килган. Улар ҳисобларни маълум суммадаги қимматбаҳо металлни ифодаловчи маҳсус пул бирлигига олиб боришган, ўзларинг бўш пул маблағларини жиробанклар давлатга қарзга, чет эл савдогарларига ссудага берган.

Англия банк тизими юзага келган ва ривожланган биринчи давлат ҳисобланади. Англия банкирлари олтин билан шуғулланувчилар ва савдогарлардан келиб чиқкан.

Тарихда биринчи юзага келган банк Англия банки ҳисобланаб, у 1694 йилда акционер банк сифатида ташкил бўлган. Бу банк акционер-емиссион банк бўлиб, унга давлат томонидан банкнотлар чиқаришга рухсат берилган. Кейинчалик саноат ривожланиши билан банклар бошка мамлакатларда хам ташкил қилиниб борган. Банкларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳаражатлар ва талабларнинг ошиши савдо капитали айланишининг тезлашуви билан боғлиқ бўлган. Натурал хўжалик муносабатларининг тугаши савдо-сотиқ муносабатларининг ривожланиши пуллик ҳисоб-китоблар олиб боришга, кредитнинг ривожланишига йўл очди. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ёлланма меҳнатнинг жалб қилинишига олиб келган, ёлланма меҳнат учун ҳакнинг пул шаклида тўланиши, доимий пул айланишини юзага келтирди. Пул айланиши эса, банк томонидан бошқариш жуда зарур эди. Шундай қилиб банклар маблагларини йигиш ва тақсимлаш оркали ссуда капитали ҳаракатини бошқара бошлади. Ссуда капиталистдан фарқли ўлароқ банкир тадбиркор сифатида ўз ишлаб чиқариш фаолиятини олиб борган. Агар саноат соҳасидаги пулдор ўз капиталини, саноатга, савдогар савдога қўйса, банкир ўз капиталини банк ишига қўяди. Ссуда капиталисти асосан ўз бўш капитални қарзга берса, банкирлар асосан четдан келган маблагга таянади. Ссудага маблағ берувчи пулдорнинг даромади ссуда фоизи бўлса, банкирнинг даромади - банк фойдаси ҳисобланади. Банклар корхона

ташкылот, давлат муассасалари, ахоли бўш пулларини жалб қилиш орқали катта ҳажмдаги капитални ўз қўлларида жамлайдилар ва даромад келтирувчи капитал ҳаракатини бошқариб борадилар. Банкларнинг йириклишуви ва улар фаолиятининг такомиллашуви уларнинг маҳсус корхоналар - кредит муассасаларига айланишига олиб келади. Шундай қилиб, банк фаолияти ўз хужжатида мавжуд бу бўш маблагларни жалб қилиш ва ссуда капиталини тақсимланишини ўз ичига олади. Банк ўз фаолияти давомида маълум даромадга эга бўлади. Бу даромад банк жалб қилинган ресурсларга тўлайдиган фоиз билан жойлаштирилган ресурслар билан оладиган фоиз ўртасидаги фарқ (маржа)дан иборат бўлади.

Банк иш бажарадиган функтсиялар уларнинг бажарадиган вазифаларига қараб турли хил бўлиши мумкин. Банк тизими микиёсида олиб қарайдиган бўлсак банклар куйидаги функтсияларни бажаради:

- вактингча бўш турган маблагларни йигиш ва капиталга айлантириш
- кредит муносабатларида воситачилик қилиш
- тўлов жараёнларида воситачилик қилиш
- муомилага кредит воситаларини чиқариш

Йқтисодиётдаги вактингча бўш турган маблагларни йигиш ва уларни капиталга айлантириш - банкларнинг илк функтсияларидан бири ҳисобланади. Бу функтсиянинг амалга оширилиши натижасида бир томондан, хукуқий ва жисмоний шахслар жалб қилинган маблаглари бўйича маълум микдорда даромадга эга бўладилар, иккинчи томонидан, бу маблаглар банкларнинг кредитлаш кудратини ташкил қиласи ва шу ресурсларга асосланган ҳолда банклар ссуда оператсияларини олиб борадилар. Вактингча бўш маблаглар банклар иштирокисиз бир корхона томонидан иккинчи корхонага вактингча фойдаланишига бериладиган бўлса, бу муносабатларни ташкил қилишда маълум қийинчилклар юзага келиши мумкин:

- кредитга сўралаётган сумма билан кредитга берилиши мумкин бўлган сумма ўртасида номутаносиблик бўлиши;
- ортиқча бўш маблагга эга бўлган корхонанинг маблагларни вактингча фойдаланишига берадиган муддати маблаг зарур бўлган корхонани қониқтирмаслиги;
- банклар иштирокисиз корхоналарни тўғридан-тўғри кредитлашда қарз берувчи қарз олувчи корхонанинг молиявий ахволини тўлик ўргана олмаслиги мумкин. Қарз олувчининг тўловга лаёғатсиз бўлиши кредитор корхонанинг ҳам молиявий ахволини ёмонлашувига ва бошқа салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Халқ хўжалигидаги барча бўш пул маблагларининг банк томонидан йигилиши натижасида вужудга келадиган кредит ресурслари ҳисобидан қарз олувчи корхонага зарур бўлган суммалар, зарур бўлган муддатда кредит

беришга имконият яратилади. Ундан ташкари, банк корхоналарининг тўловга лаёғатлилигини ҳар томонлама ташкил қилиши, уларнинг молиявий аҳволини якколроп баҳолаб бера олиши мумкин.

Иктиносидий ривожланишининг ўсиши банк кредитининг қўлланилиши кўламини кенгайтириб боради. Кредит фақатгина ҳар кунги фаолият билан боғлик ишлаб чиқариш ва муомила жараёнининг қисқа муддатли эҳтиёжлари учун эмас, балки узоқ муддатли капиталга бўлган эҳтиёжни қоплашга йўналтиради.

ХХ аср 60-йилларидан бошлаб банклар йирик мижозларга хизмат кўрсатишга ихтиослаша борди. Бу максадни амалга ошириш учун банклар маблагларни жалб қилиш миёсини, истеъмол учун кредитлар бериш кўламини кенгайтириди. Тўловнинг воситачилик функциясида банклар ўз мижозларининг топширикларига асосан тўлов жараёнини амалга ошириади. Хисоб варакаларига маблагларни қабул қиласи, пул тушумларининг ҳисобини олиб боради, мижозларга пул маблагларини беради.

Хисоб-китобларнинг банк орқали олиб борилиши муомила харажатларининг камайишига олиб келади. Мижоз мамлакат ичida ва бошка мамлакат билан кийинчиликсиз ўз маблагларини банк орқали ўз хисоб варакасидан бошка корхона хисоб варакасини ёки бошка мамлакат банкига ўтказиши мумкин. Муомилага кредит воситаларини чиқариш. Банк кредитининг маёнбай вактинча бўш маблаглар ва капитал бўлиб колмасдан, кредит асосида чек-депозит эмиссияси амалга оширилади. Банк томонидан бериладиган кредит миқдори мавжуд жамғармалардан кўп бўлса, банк чек-депозит эмиссиясини амалга ошириш мумкин. Ундан ташкари, кредит ёрдамида муомилага нақд пуллар - банкнотлар чиқарилади.

Банк кредит пуллар чиқариш депозитлар яратиш йўли билан тўлақонли пуллар ўрнини босувчи кредит воситаларини вужудга келтиради.

Ўзбекистонда банк тизимининг шаклланиши ва ривожланиши мамлакат раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган бозор иктиносидётига ўтиш тамойиллари асосида босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, банк тизимида бозор ислохотлари иктиносидётнинг бошка соҳаларга нисбатан бирмунча жадалпроқ суръатлар билан рўй берди.

5. Хизматлар соҳаси “товарлар экспертизаси хизматларини ташкил этиш” таълим йўналиши зарурлиги, мақсади ва вазифалари

Бозор иктиносидёт шароитида саноатда ишлаб чиқарилган товарлар ва уларни сифат кўрсаткичларига юкори баҳо кўйилмоқда. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарларни рақобатдошлигини ошириш ва уларни халкаро стандарт

талабларига жавоб берадиган қилиб ишлаб чиқариш Ўзбекистонни экспорт потенсиалини оширишда катта аҳамиятга эга.

Мамлакатимизнинг миллий истиқоллаштируви боис «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатда амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий ўзгаришларни хисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини кенг қўламда ислоҳ қилишнинг ибтидоси бўлди. Бозор иқтисодиёти шароитида ахолининг юқори сифатли, хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш энг муҳим муаммолардан бири саналади. Республикамизда сўнгги йилларда қабул қилинган «Истемолчиларнинг хукуқларини химоя килиш тўғрисида»ги, «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунлари, чорвачиликни, сохибкорликни ва боғдорчиликни ривожлантириш борасидаги қатор қарорлар ва фармонлар бунинг яққол намунасирид. Таънийки, кишлоқ хўжалик хом ашёлари етиштириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидаги ўзгаришлар истемолчиларга сервис хизмати кўрсатишнинг ҳам янги-янги турларини шакллантиришни талаф килади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори айни муддао бўлди. Бу эса товарларнинг сифат экспертизаси, хизматлар ва ишларни сертификатлаштириш борасида ҳам малакали кадрлар тайёрлаш зарурияти борлигидан далолат беради. Шу асосда 2006 йилда 810000 – «Хизмат кўрсатиш» таълим соҳасининг 5811600 – «Сервис (сифат экспертизаси, хизмат кўрсатиш ва ишлар сертификатсиёси)» бакалавриатураси учун Давлат таълим стандарти тасдиқланди. Мазкур таълим стандартида эса «Товарлар сифат экспертизаси» фанини ўқитиш кўзда тутилган.

Кадрлар тайёрлаш тизими ислоҳини муваффакиятли амалга ошириш энг аввало олий таълимнинг барқарор ва аниқ мақсадли ривожланишини таъминлашни кўзда тутади.

Товарлар сифат экспертизаси фанини ўқитишнинг асосий мақсади бўлажак мутахассисларга маҳсулотларни экспертизасининг мақсади, моҳияти, обьектлари, субъектлари, товарлар сифат экспертизаси ўтказишнинг ўзига хос-хусусиятлари, товарларни саклаш, ташиб жараённада бўладиган ўзгаришлар ва бу ўзгаришларнинг товарлар сифатига таъсири кабилар ҳакида билимларни беришдан иборатdir.

«Товарлар сифат экспертизаси» фанининг мақсади –товарларни экспертиза қилишнинг аҳамияти, ҳар бир гурӯҳ товарларининг сифат экспертизасини ўтказишнинг ўзига хос-хусусиятлари ҳакида назарий ва амалий билимларни

беришдан ва амалий ишлар бажаришга ўргатишдан иборатдир.

Экспертиза (лотинча-тажриба) – бу фан, техника, иқтисод, савдо ва бошқа соҳаларда маҳсус билим талаб қилинадиган маълум бир масалаларни ечиш учун мутахассис-экспертлар томонидан тадқиқотлар олиб бориш демакдир.

Экспертиза халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўлланилади ва унинг куйидаги турлари мавжуд:

- а) товар экспертизаси;
- б) технологик экспертиза;
- в) суд экспертизаси;
- г) хукуқшунослик соҳасида экспертиза;
- д) тиббий экспертиза;
- е) аудиторлик экспертизаси;
- ж) экологик экспертиза ва х.к.

Экспертиза ўтказиш тарихи қадим-қадим замонларга бориб тақалади. Лекин, экспертизанинг методологик асоси XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ривожлана бошлади. Шу асосларни билмасдан туриб экспертизани юкори даражада ўтказиш мумкин эмас. Шу сабабли ҳам бу ўкув фанининг максади, вазифалари, обьекти ва субъектларини аниқлаш зарур.

Истеъмол товарлари бозорида ракобатни ташкил этиш, сифатини такомиллаштириш хисобига товарларнинг ракобатбардошлигини таъминлаш зарурияти экспертиза услубларини яхши ўзлаштирган юкори малакали мутахассисларни тайёрлашни талаб этмоқда.

Юкори баён этилган максадларга эришиш учун «Товарлар экспертизаси» фанининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

- а) «Товарлар экспертизаси» фанининг структурасига кирувчи экспертиза элементларини аниқлаш;
- б) таянч иборалар, атамалар ва коидаларни ўрганиш;
- в) Товарлар экспертизаси қўлланиладиган соҳаларни аниқлаш ва уларни ўтказишнинг асосий ва тамойилларини аниқлаш;
- г) Товарларни экспертиза килиш усуллари ва услубларини ўрганиш;
- д) Товарларнинг сифатини таъминлашдаги хуқуқ ва мажбуриятларни ўрнатиш;
- е) Товарларни экспертиза ўрнатиш учун зарур бўладиган жиҳозлар ва услубларни ўрганиш;
- ж) озиқ-овқат товарлари экспертизасини ўтказишни ташкил килишни билиш;
- з) Товарлар экспертизасини ўтказишда зарур бўладиган хужжатларни расмийлаштириш ва натижаларни таҳлил қилиш коидаларини билиш ва бошкалар.

Хар қандай фаний үрганиш, авваламбор унда кўлланиладиган асосий тушунчаларга таъриф беришдан бошланади. Бу фандаги худди шундай тушунчаларга масалан: «Озиқ-овқат», «Озиқ-овқат маҳсулоти», «Озиқ-овқат хом ашёси», «Озиқ-овқат маҳсулоти муюмаласи», «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати», «Озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги», «Овқатга қўшиладиган биологик фаол қўшимчалар», «Озиқ-овқат маҳсулотининг яроқлилик муддати», «Озиқ-овқат маҳсулотини қалбакилаштириш», «Токсикологик – гигиеник экспертиза» кабилар киради.

Кўпчилик ҳолларда ҳар хил меъёрий хужжатларда бир хил тушунчаларга турлича таърифлар бериш ҳоллари учрайди. Бу эса уларни амалиётда кўллашда баъзи бир қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шу сабабли бу тушунчаларни асосий конункларда қандай келтирилган бўлса айнан шундай тарзда баён этиш мақсадга мувофиқ хисобланади. Биз ҳам шу тамойилга амал қилган ҳолда бу фанда фойдаланиладиган асосий тушунчаларнинг мазмунини 1997 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунига асосланниб келтирамиз.

- озиқ овқат – озиқ-овқат хом ашёсидан тайёрланган ҳамда натурал ёки қайта ишланган ҳолида истеъмол қилинадиган маҳсулотлар;
- озиқ-овқат маҳсулоти – озиқ-овқат хом ашёси, (шу жумладан, этил спирти), озиқ-овқатлар (шу жумладан алкоголли ичимликлар) ва уларнинг таркибий қисмлари, озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқатларга тегиб турадиган моддалар, материаллар, ёрдамчи ва қадоклаш материаллари ҳамда улардан тайёрланган буюмлар бирга;
- озиқ-овқат хом ашёси – озиқ-овқат ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган ўсимлик, ҳайвонот, микробиология, шунингдек, минераллар обьектлари, сув;
- озиқ-овқат маҳсулоти муюмаласи – озиқ-овқат маҳсулотларини мъйлум шартлар билан сотиш, етказиб бериш ва топширишнинг бошқа шакллари;
- озиқ-овқат маҳсулотининг сифати – озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол хоссаларини белгилаб берадиган ва унинг одамлар ҳаёти ва соғлиги учун хавфсизлигини таъминлайдиган меъзонлар мажмуи;
- озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги – озиқ-овқат маҳсулотининг санитария, ветеринария, фитосанитария нормалари ва коидаларига мослиги;
- овқатга қўшиладиган биологик фаол қўшимчалар – озиқ-овқат хом ашёсини қайта ишлаш йўли билан ёки сунъий усулда қилинган ҳамда бевосита овқат билан бирга истеъмол қилишга ёки озиқ-овқат маҳсулотлари таркибиغا

күшишга мүлжалланган табиий айнан ўхшайдиган биологик фаол моддаларнинг концентратлари;

- озиқ-овқат маҳсулотининг яроклилик муддати (фойдаланиш муддати) – бу муддат давомида озиқ-овқат маҳсулотини сақлаш, ташиш, реализатсия килиш чоғида хавфсизлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилган тақдирда у фойдаланишга ярокли бўлиб туради, бу муддат тамом бўлганидан кейин эса маҳсулот одамлар хаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлиб қолиши мумкин;

- озиқ-овқат маҳсулотини қалбакилаштириш - озиқ-овқат ҳом ашёсининг хамда озиқ-овқатларнинг хоссалари ва мезонларини атайлаб қўшиладиган табиий ҳолдаги ёки синтез қилинган моддалар, бирикмалар;

- токсикология-гигиена экспертизаси - озиқ-овқат маҳсулоти устидан амалга ошириладиган бир туркум лаборатория тадқиқотлари бўлиб, улар мавжуд нормалар ва қоидалар билан киёслашга мүлжалланган бўлади.

Озиқ-овқат товарлари сифат экспертизаси фанининг обьектлари материаллашган озиқ-овқат ҳом ашёлари ва озиқ-овқат товарлари хисобланади. Мазкур фан бўйича назарий билимларни баён этишда озиқ-овқат товарлари куйидаги гурухларга бўлинib, уларнинг сифатини экспертиза қилишнинг ўзига хос-хусусиятлари баён этилади: дон, ун, ёрма, нон ва макарон маҳсулотларининг экспертизаси; хўл ва кайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларининг экспертизаси; крахмал, қанд, асал ва қандолат маҳсулотларининг экспертизаси; ёгларнинг экспертизаси; сут ва сут маҳсулотларининг экспертизаси; гўшт ва гўшт маҳсулотларининг экспертизаси; балик ва балиқ маҳсулотларининг экспертизаси. Шундай қилиб, озиқ-овқат товарлари экспертиза фаолиятининг асосий обьекти сифатида қаралади.

Умуман товар тушунчasi мураккаб тушунча бўлиб, адабиётларда унинг таърифи турлика келтирилсада, лекин товарнинг истеъмол қийматга эга бўлиши кераклиги алоҳида кайд этилади. Адабиётларда келтирилган таърифларни ўрганиш ва умумлаштириш асосида товарнинг истеъмол қийматини куйидагича таърифлаш мумкин. Товарнинг истеъмол қиймати – уларнинг истеъмолчилар (харидорлар, мижозлар) маълум эҳтиёжларини кондира олиш қобилиятини таъминлай оладиган истеъмол хусусиятлари ҳамда таркибий тузилиши кўрсаткичлари мажмуига айтилади. Демак, истеъмолчи томонидан харид қилинаётган ҳар қандай товар, хусусан озиқ-овқат товарлари маълум бир истеъмол қийматга эга бўлиши ва улар истеъмолчилар талабини кондириши зарур хисобланади.

Озиқ-овқат товарларининг истеъмол қийматини белгиловчи мухим кўрсаткичларидан бири уларнинг инсон хаёти, соглиги учун хавфсизлиги энг

мухим хисобланади. Шу сабабли ҳам бугунги кунда хаёттый фаолиятимизда кўлланилиб келинаётган «Стандартлаштириш тўғрисида»ги (1993 й.), «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги (1993 й.), «Истеъмолчиларнинг хукуқларини химоя килиш тўғрисида»ги (1996 й.), «Озиқовқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги (1997 й.) Конунларининг қабул қилиниши бунинг яққол намунасиdir.

Озиқовқат товарлари билан ишлайдиган субъектларга эса товаршунос-експертлар, маркетологлар, сотучилар, сотувчи менежерлар, омборхона ходимлари, озиқовқат лабораторияси ходимлари кабиларни киритиш мумкин.

Озиқовқат товарлари сифат экспертизасининг предмети бўлиб озиқовқат товарларининг истеъмол қиймати, шунингдек уни билиш ва таъминлаш услублари хисобланади. Факатгина озиқовқат товарларининг истеъмол қийматигина уларнинг товарлигини белгилайди, яъни улар истеъмолчиларнинг аниқ бир эҳтиёжларини қондиради. Агар озиқовқат товарлари қиймати бўйича истеъмолчи эҳтиёжини қондирмаса, у ҳолда бу товарга талаб шаклланмайди ва ундан фойдаланилмайди.

«Товарлар экспертизаси» фани экспертилар, тижоратчилар, маркетологлар ва бошқа мутахассисларни тайёрлашда керак бўладиган бирдан-бир фан бўлмасдан у табиий-илмий, математик, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш асослари каби умумихтисослик фанлари билан биргаликда ўрганилади.

Озиқовқат товарлари сифат экспертизаси фанининг тамойиллари.

Хар қандай фан ва касбий фаолият маълум бир тамойилларга таянган ҳолда фаолият юритади.

Озиқовқат товарлари сифат экспертизаси фанининг тамойиллари бўлиб хаққонийлик, ҳеч кимга бўйсунмаслик (мустақил фаолият юритиш), лаёғатлилик, системали ёндашув, самарадорлик ва хавфсизлик сингари тамойиллар хисобланади. Куйида бу тамойилларнинг мазмунини кенгроқ ёритишига ҳаракат киласиз.

Хакконий (тўғри) баҳолаш тамойили деганда эксперт баҳолашни ўтказиш жараённида суюъект томонидан йўл кўйилиши мумкин бўлган хатоларни иложи борича камайтириш, хатоликка йўл кўймасликдан иборатдир. Бу тамойилга амал қилиш осон кечмайди, чунки эксперт баҳолашда иштирок этувчиларнинг ҳар бир индивидуал кўрсаткичларга эгадир.

Масалан, уларнинг сезиш органлари ҳар хил ривожланган, билим ва малакалари, касб-корлари ҳам ҳар хил бўлиши мумкин.

Шу сабабли бу камчиликларни тузатиш учун маҳсус ўлчов воситалари ва услубларидан фойдаланишади.

Масалан, эксперт комиссияларини маълум бир кўрсаткичлари бўйича

ташкىл этиш ҳам шунга киради.

Хеч кимга бўйсунмаслик тамойили эксперт натижаларининг ҳаққонийлигини тъминлашнинг бирдан-бир шартидир. Бу тамойилнинг асосий маъноси шундан иборатки, экспертизинг экспертиза натижаси билан кизикадиган ҳар қандай одамга боғликлек жойи бўлмаслиги керак. Эксперт натижаси билан кизикадиган томонлар эса ишлаб чиқарувчи, сотовчи ва товарни истеъмол килувчилар ҳам бўлиши мумкин.

Лаёғатлилик (компетентность) тамойили экспертизинг товаршунослик соҳасидаги маҳсус билимга ва товар билан ишлаш тажрибасига эга эканлиги билан тушунирилади. Товар экспертизасини ўтказиш учун биринчи навбатда товарнинг физик, кимёвий, физик-кимёвий хусусиятларини ва уларга тъисир килиш омилларини яхши билиш талаб этилади. Бундан ташкари эксперт товар ишлаб чиқариш технологияси, товар харакатини ташкил этиш, тижорат фаолияти хужжатларини юритиш, нарх сиёсати, маркетинг, менежмент каби маҳсус фанлардан ҳам етарли даражада билимларга эга бўлиши максадга мувофиқ хисобланади. Шу сабабли ҳам мана шу фанларни ўқитиш «экспертиза» соҳасида таълим олувчи талабаларнинг ўқув режасига албатта киритилади.

Экспертлар ҳам бошқа мутахассислар сингари ўз малакавий билимларини янгилаб ва чукурлаштириб боришлари керак. Бунинг учун улар илмий, ўқув адабиётларини ўрганиб, мустакил равишда доимий малакаларини ошириб боришлари талаб этилади.

Системали ёндашув эксперт учун исталган эксперт баҳолашда зарурдир. Бунинг моҳияти экспертиза учун зарур бўладиган маълумотларни маълум гурухларга, системаларга киритишдан иборатdir. Масалан, товарларни экспертиза килишда уларни маълум гурухларга киритиш катта аҳамият касб этади. Уларни бундай гурухларга киритиш илмий асосланган бўлиши керак. Лекин, бу соҳада хозиргача маълум камчиликлар мавжуд.

Самарадорлик тамойили шундан иборатки, товар экспертизасининг сўнгги натижаси товарлардан ратсионал фойдаланиш, товарларнинг силжишини тўғри ташкил этиш, ҳом ашё, материал, электроенергияларни тежаш, шунингдек материал ва товар чиқимларини камайтиришни тъминлаши зарур.

Масалан, янги товарларни эксперт баҳолашда албатта ҳом ашёлар сарфига катта эътибор берилади. Шундан сўнграгина янги товарни катта микдорда ёки кичик ҳажмда ишлаб чиқариш ҳақида карор қабул килинади.

Товарнинг ва хизматларнинг хавфсизлиги товар экспертизасининг асосий тамойилларидан бири хисобланади. Хавфсизлик деганда товарнинг киши организмига келтирадиган зарари халқаро ташкилотлар тавсияларидан

ошмаслиги керак (МС ИСО 8402, 2.8 банди).

Товар экспертизасининг ўтказишида эксперталар товарлар ва хизматлар кишиларнинг хаёти, соглиги ва атроф-мухитга қанчалар зарарли таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳисобга олиши зарур.

«Товарлар экспертизаси» сифат экспертизаси, гигиеник экспертиза ва фитосанитария экспертизаси сингари экспертиза турларини ўз ичига олади. Озиқ-овқат товарларининг сифат экспертизасининг якуний хуносаси бўйича далолатнома тузилади ва шу асосда мувофиқлик сертификати берилади.

Гигиеник экспертизанинг мақсади озиқ-овқат товарларининг кишиларнинг хаёти, соглиги ва истеъмолчиларнинг мол-мулки учун хавфсизлигини тъъминлашдан иборатдир.

Озиқ-овқат товарларига гигиеник талаблар куйидагиларни ўз ичига олади:

- а) кимёвий, радиатсион, микробиологик, хавфсизлик кўрсаткичларини;
- б) балиқ ва нобалиқ сув жоноворларининг паразитологик хавфсизлик кўрсаткичларини;
- в) озиқ-овқат қўшимчаларининг рухсат этилган концентратсия (ПДК) кўрсаткичларини ва ҳоказоларни.

Давлат санитария хизмати органлари томонидан озиқ-овқат товарлари ва хом ашёларига берилган гигиеник сертификати озиқ-овқат маҳсулоти, технология, ускуна ва бошқа жарайёлар амалдаги санитария нормалари ва коидаларига мос эканлигини тасдиқлайдиган ҳужжатдир.

Гигиеник сертификати озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга жорий этишда, чет эл товарларини мамлакат ичкарисига олиб киришда мажбурий ҳужжат ҳисобланади.

Гигиеник сертификатни бериш учун асосий ҳужжат аккредитатсиядан ўтган синов лабораториялари томонидан бериладиган синов баённомаси ҳисобланади. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларини ўраб-жойлаш учун ишлатиладиган материаллар, идишлар ҳам гигиена сертификатига эга бўлиши талаб этилади.

Фитосанитария экспертизаси ўсимлик маҳсулотларининг карантин хавфсизлигини аниқлаш учун ўтказилади.

Фитосанитария экспертизасининг мақсади қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг тарқалишининг олдини олишдан иборатдир. Фитосанитария экспертизасининг натижаси бўлиб, экспертиза далолатномаси ёки фитосанитария сертификати ҳисобланади.

Ўсимлик хомашёларига фитосанитария сертификатисиз мувофиқлик сертификати бериш такиқланади.

Назорат ва муроҳаза учун саволлар

1. Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети қаочон ташкил топган?
2. ТДИУда кандай мутахассисликлар мавжуд?
3. Институт жамоаси ва бошқарув тизими, институт таракқиётининг йўналишлари ҳақида маълумот беринг.
4. ТДИУнинг кадрлар тайёрлаш миллий дастури қандай аҳамиятга эга?
5. “Товарлар экспертизаси” мутахассислиги ҳақида маълумот беринг.

3-мавзу: Ўқув жараёнини илмий асосда ташкил этиш, ўқитиш шакллари, ўқув режа ва дастурлари

Режа:

1. Ўқув жараёнини фан ва техникадаги сўнгги янгиликларни олган ҳолда ташкил этиш
2. Маъруза ва амалий дарсларни ташкил этиш асослари.
3. Ўқув жараёнида намунавий ўқув режа ва дастурлар, уларни ишлаб чиқиш, тасдиклаш ҳамда амалда кўллаш.
4. Мутахассисликка кириш фанини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари

1. Ўқув жараёнини фан ва техникадаги сўнгги янгиликларни олган ҳолда ташкил этиш

Хар бир жамиятнинг келажаги унинг таълим тизимининг кай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Оғир ижтимоий, сиёсий, иқтисодий қийинчиликларни ёнгиб ўтиб, таракқиёт йўлига кирган мамлакатимизда илфор технологияларни жорий килиш, миллий қадриятларни сингдирган ҳолда таълим ташкил этиш, бу жараёнини пухта ва самарали амалга ошириш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада 1997 йил тарихий хужжат Республикамизда «Таълим тўғрисида»ги конуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллний дастури» қабул килиндики, улар мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини ислоҳ килишнинг ташкилий, илмий ва методик асоси бўлиб, вазифаси ва асосий мақсади комил инсон ва етук малакали мутахассис тайёрлашдир.

Хозирги замон XXI аср фан ва техникаси борган сари юкори даражада сифати жиҳатдан янги масалаларни ҳал этиш, яъни ижтимоий-иқтисодий амалиётга туб янгиликларни жорий этиш. Уларни амалга ошириш жараёнларни туб ўзгартиришга йўналтирилган. Шу сабабли XX аср охирида барча ривожланган мамлакатларнинг илмий сиёсати ўз потенциалини мустахкамлашгагина қаратилмасдан, балки унинг ютукларини самарали

амалиётта табиқ этишни таъминлайдиган жараёнларга ҳам қаратилади. Ҳозирги вактда ўқитиш ва тарбиялашнинг янги технологияларига сифат жихатдан тез ўтиш учун объектив асос юзага келди, чунки ижтимоий ва иктиносий ҳаётдаги инноватсион жараёнлар ўз-ўзидан таълимда ҳам туб ўзгаришларни тақозо этмоқда. Ҳеч бир ўқитувучи эртами-кечми бу жараёнга кўшилмасдан четда колиши мумкин эмас. Ўқитувчининг анъанавий иш усуллари, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интегратсияси, ўқитишни компютерлаштириш сифатларни ўзлаштириш зарурати буларни илмий-методик асослари эҳтиёжини туғилишида объектив омил бўлиб келмоқда.


Кейинги йилларда адабиётларда турли билим соҳаларида янги ахборот технологияларни яратиш ва ишлатиш масалалари кенг ёритилмоқда. Ахборглаштириш муаммоларига бундай ёндашув тасодифий эмас. Кўплаб мамлакатларда ўтказилаётган тадқиқотларни кўрсатишича, бутун ижтимоий ишлаб чиқариши ахборотни ишлаб чиқаришга кўп даражада боғлиқ бўлиб, бунда энг муҳим сармоя инсон билимидир.

Ҳозирги кунда мактабларда ўкувчиларни бошланғич синфларданоқ компютерлар билан ишлаш ўзлаштирилмоқда. Демак, сиз ўз ҳаётингиз ва билим олишингиз жараёнида жуда кўп хилдаги информатсион системаларга дуч келгансиз ва уларнинг хизматидан фойдалангансиз. Ушбу тажрибангизни хисобга олган ҳолда информатсион системалар ҳақида бироз тушунчага эгасиз деб ўйлаймиз? Ҳаётда деярли барча соҳаларда кўлланиладиган информатсион системаларнинг қандай турлари мавжудлигини биласизми? Нега барча соҳаларда факатгина бир хил информатсион системаларни ишлатиш мумкин эмас ва уларнинг хилма-хил турлари кайси кўрсатгичлар орқали аниқланади?

Информатсион системалар маълумотларни йиғиш, узатиш, саклаш, қайта ишлаш, кидириш ва натижаларни чиқаришга хизмат қиласди. Бу системалар инсон фаолиятининг барча соҳаларида: саноатда, транспортда, банк-молия соҳаларида, илмий-текширув, лойиҳа-конструкторлик, ўқитиш системаси ва бошқа соҳаларда ишлатилади.

Информатсион системалар ўқитиш жараёни ҳам кенг кўламда кўлланилмоқда. Мисол тариқасида университетимизда бир катор мутахассисликлар бўйича ўқитишга мўлжаллаб яратилган ПЛАТО системасини кисқача келтирамиз. Бу системада ҳар бир ўкувчи ўз компютери ёрдамида электрон дарслик ва электрон доскага мурожаат қилиши мумкин. Улар асосий маълумот манбаи бўлиб хизмат қиласди. Электрон дарслик матн ва расмлардан иборат бўлиб, ўкувчи талабига кўра унинг мониторига исталган матн ёки сурат ўтказилади.

Үқув жараёнида монитор экранында матн ёки график шаклдаги турли масалалар хосил бўлади, турли холатлар модельлаштирилади, ўқувчи ўтказиши керак бўлган тажриба шартлари берилади ва ҳ.к. Ўқувчи жавоблари ва унинг



Хар бир ташкилотда мавжуд бўлган бўлимлар ва улар бажарадиган вазифаларни куйидаги жадвал асосида аниқлашимиз мумкин:


иш натижалари дархол компьютерда қайта ишланиб унинг билими баҳоланади. Асосий курсдан ташқари ўқувчи бошқа предметлар бўйича маълумот сўраши мумкин. Бундан ташқари ўқувчининг фан материали бўйича ва ўқитиш методикаси бўйича ўз мулоҳазаларини билдириши ҳам кўзда тутилган. Информатсион системалар фақатгина компьютер ва унинг қандайдир программавий таъминоти эмас, балки ташкилотни бошқаришни сифат жиҳатидан тубдан ўзгартириб юборадиган программавий-техник-ташкилий системадир. Уни самарадор ишлатиш учун ташкилотни, унинг бошқарувини ҳамда информатсион технология воситаларини жуда яхши тушуниш лозим. Самарали информацион системалар ташкилотнинг ажралмас қисмидир.

Асосий ташкилий функциялар ва ишлар

Функция	Максад
Сотув ва маркетинг	Ташкилотнинг маҳсулоти ва хизматларини сотиш. Ишлаб чиқариш
	Маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш
Молия	Ташкилотнинг молиявий маблагларини бошқариш (пул, актсия, заём ва бошқалар)
Бухгалтерия	Ташкилий ва молиявий операцияларини хисобга олиш ва бошқариш
Кадрлар	Ташкилотга ишчи кучини жалб килиш, унинг малакасини ошириш, улар ҳақида ёзувлар юритиш

Ушбу функциялар бир-бирига жуда бөглиқ бўлгани учун ҳам ташкилот информатсион системасини қуриши бир уринишдағ амалга ошириб бўлмайди. Бунинг учун бир неча марта ҳаракат килиб, хилма-хил бўлимларнинг муаммоларини ҳал қилган ҳолда охирги натижага эришилади. Қуйида келтирилган тасвирда информатсион системалар тузётганда ишлатиладиган билим соҳалари келтирилганки, уларга риоя қилинмаган тақдирда бир қанча муаммолар келиб чиқиши мумкин.

Техник ёndoшув



Сиз жуда кўп марта «информация ташувчилар» деган жумлани эшитгансиз ва унинг нималигини биласизми? Қуйида информация ташувчилар, уларнинг турлари тўгрисида ва уларга маълумотлар қандай усууллар оркали ёзилиши ҳақида маълумот берамиз.

Хозирги пайтда информация ташувчиларнинг қуйидаги асосий турлари мавжуд ва улар ўз имкониятлари ҳамда сифимларига мувофиқ равиша хилма-хил соҳаларда ишлатилишилари мумкин:

Магнит информация ташувчилар - магнит ленталар, қаттиқ ва юмшоқ магнит дисклар, магнит цилиндрлар, магнит карталар ва ҳоказолар. Уларда маълумотлар асос материалнинг магнит хоссаларини ўзгартириш ҳисобига ёзиладилар ва ўқиладилар.

Оптик информация ташувчилар - уларга маълумотлар мухитнинг оптик хусусиятларини ўзгартириш ҳисобига ёзиладилар ва ўқиладилар.

Магнитооптик информация ташувчилар - бундай турдаги маълумот ташувчиларга маълумотлар магнит ва оптик хусусиятларнинг бир-бирига боялиқлиги туфайли ёзиладилар ва ўқиладилар.

Електрон информация ташувчилар - бундай турдаги маълумот ёзиш воситалари маҳсус микрочиплар асосида ташкил килинган бўлиб, электрон схеманинг хусусиятларига боғлиқ равишда хилма-хил ҳажмдаги маълумотлар ёзиш имконини беради.

Голографик информация ташувчилар - уларда информация ёзишнинг голографик усулларидан фойдаланган ҳолда ёзиладилар ва қайта ўқиладилар. Бундай хилдаги информация ташувчилар катта ҳажмлардаги маълумотларни ёза олиш хусусиятлари билан бошқаларидан ажralиб турадилар. Эзилиш кўрсаткичларини ўзгартирган ҳолда бундай маълумот ташувчиларнинг биттасига бошқа ёзувлар сақланган ҳолда бир неча марта маълумот ёзиш ва ўқиш мумкин.

Маҳсус информация ёзиш воситалари - булар компьютерда кўлланилаётган программавий таъминот билан боғлиқ бўлиб, катта миқдордаги маълумотларни ёзиш, саклаш ва ўқиш имконини беради. Мисол сифатида флеш-диск деб аталган кичик хотира қурилмаларни келтириш мумкин. Уларнинг габарит ўлчамлари жуда кичик бўлишига қарамай, бир неча юзлаб мегабайтдан гигабайтларгача ҳажмдаги маълумотларни ёзиш ва саклаш имконини беради.

Ҳар бир турдаги информация ташувчига маълумот ёзиш ва ўқиш ўзига хос қурилмалар ҳамда мосламалар орқали оширилади.

«Мультимедиа воситалар» деган тушунча сизга нимани билдиради ва уни компьютерда ишлатиш сизга қандай кўшимча имкониятлар беради? Мултимедиа деб номланган тушунча маълумотларни бир канча ифодаланиш усулларидан фойдаланган ҳолда ифодалаш бўлиб, у ҳар бир информация ифодалаш воситасида хилма хил турларда тасвир этилади ёки кўрсатилади. Масалан, китоб, газета ва журналларда матн ва график материаллар кўрсатилса, радиода овоз ва мусика, телевидение ва кинода эса харакатланувчан обьектлар, мусика ва овоз ифодаланади ёки тасвирланади. Демак, уларнинг ҳар бирида хилма -хил турдаги маълумотлар алоҳида ҳолда ифодаланади. Ҳисоблаш техникасининг ривожланиши ва унинг турли хил соҳаларга кириб бориши матнни, овозни, гапни, графикани ҳамда видео хужжатларни бирлаштириш ва уларни бир вактда ифодалаш имконини яратди. Бу хилдаги комплекс хужжатларни мултимедиа хужжатлар деб атала бошланди ҳамда уларни яратишга ва улар билан ишлашга ёрдам берадиган программавий воситаларни мултимедиа программалар деб аталди, бундай ишларни бажаришга имкон берадиган қурилмаларни эса мултимедиа воситалари деб номланди.

Булардан келиб чиқсан ҳолда мултимедиа деб хилма-хил турларга мансуб маълумотларни бир бутун интерактив мухитда бирлаштирувчи программавий, аппарат ва информатсион воситаларга айтилади дейишимиз мумкин.

Интерактив мухит деганда, маълумотларни кўриб чишиш жараёнини бирбирига боғлиқ равишда бошқариш мумкинлиги таъминланган ҳолатга айтилади. Яъни, фойдаланувчининг информатсион воситага таъсир кўрсата олиши интерактивлик деб аталади. Ушбу интерактивликни амалга оширилиш мумкинлиги имконияти хисоблаш техникасининг мултимедиа воситаларини бошқа техник воситалардан фарқини ташкил қиласди. Кўпчилик ҳолларда мултимедиа тушунчаси овозни эшиттира оладиган воситалар ҳамда лазер компакт дисклари билан ҳам боғлиқ ҳолда тушунилади. Ҳар кандай мультимедиа компьютернинг ажралмас кисми бўлиб компакт дисклардан маълумот ўқувчи ва ёзувчи курилма хизмат қиласди. Демак, мултимедиа компьютер товуш картаси ва СД-РОМ билан таъминланган бўлади, мултимедиа монитор эса товуш колонкалари ва товушнинг баланддигини бошқара оладиган курилмалар билан жиҳозланган бўлади, мултимедиа протессорнинг буйруклар системасига овоз ва график тасвирлар билан ишлай оладиган маҳсус инструкциялар қўшилади, мултимедиа программавий таъминот эса СД-РОМ ларда ёзилган бўлиб, унинг таркибига мултимедиа маълумотлар ва улар билан ишлаш имкониятини берадиган программалар киради. **Windows** операцион системасининг асосий менюсида Мультимедиа деб номланган меню бўлиб, мультимедианинг барча стандарт воситалари унда жойлашган.

2. Маъруза ва амалий дарсларни ташкил этиш асослари

Ўзбекистон Республикаси мустакилликни қўлга киритган ilk кунлариданоқ Республикада таълимни ташкил этиш соҳасида туб ислоҳотларни амалга ошириш, уни юксак даражада такомилаштириш ва жаҳон таълими даражасига кўтариш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Мустакил Ўзбекистоннинг «Таълим тўғрисида»ги конуни 1992 йил июл ойида ва шу конуннинг янги таҳрири 1997 йил 29 августда қабул килинди. Ушбу қонунларда Республикасида таълим тизими, унинг асосий йўналишлари, мақсад ва вазифалари, таълим босқичлари ва унинг моҳияти каби масалалар ўз ифодасини топган. Изчил таълимни ташкил этишдан кўзланган мақсад ёш авлодга чукур билим бериш, улардаги мавжуд истеъодларини ривожлантиришдан иборат. Самарали таълимни ташкил этиш ижтимоий жамият тараққиётининг миллатнинг, ҳалқнинг порлоқ келажагини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ягона ва узлуксиз бўлиб, мазкур тизим доирасида фаолият юритувчи муассасалар таълимни босқичма-босқич амалга оширилиши учун хизмат қиласдилар. Ўзбекистон Республикасида таълим тизими куйидаги босқичларда амалга оширилади: Мактабгача таълим - бошлангич таълим - ўрта таълим - ўрта маҳсус таълим -

олий таълим бакалавр – магистратура, катта илмий ҳодимлар. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул килиниши бутун таълим тизимини тубдан ислоҳ килишга имкон яратди.

Дарс - мактаб таълимининг асосий ташкилий шакли. Дарсларни ташкил этиш ва унинг самародорлигини таъминлашда ўқитувчининг ўрни бекиёс. Ҳар кандай жамиятда дарслар жамият томонидан таълим олдига кўйилган вазифаларни бажариш учун хизмат қиласи. Замонавий таълим тажрибасида бир дарс учун белгиланган стандарт вакт мавжуд. Бу вакт таълим муассасаларининг табииати, таълим босқичлари ва ўқувчилар имкониятидан келиб чиқиб ташкил этилади. Бугунги кунда дарсларни ташкил этишга нисбатан кўйидаги дидактик талаблар кўйилмоқда:

- дарсларни демократик тамойиллар асосида ташкил этиш;
- дарсларда ўқувчилар эркинлигини таъминлашга эришиш ва бошқалар;

Айни вактда таълим тизимида энг кўп кўлланиладиган дарс типлари кўйидагилар:

1. Янги билимларни баён килиш дарси;
2. Ўтилган материални мустахкамлаш дарси;
3. Тақрорий -умумлаштирувчи ва кириш дарслари;
4. Арапаш дарслар;

Дарсларнинг факултатив машғулотлари, семинар, ўкув конференциялари каби турлари мавжуд. Мустакил Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълимининг мазмуни аввало, комил инсон ва малакали мутахассисни тайёрлаш жараёни мазмуни билан белгиланади. Ушбу мақсадни ўзида акс эттирилган маълумот мазмуни ўкув режаси ва дарсликлар мазмунида намоён бўлади.

Ўкув режаси - барча таълим муассасаларида сўзсиз амал килиниши лозим бўлган давлат хужжатидир. Унда ўрганилиши керак бўлган ўкув предметлари, мазкур предметлар учун яратиладиган ҳафталик соатлар ҳажми кўрсатилади. Таълим муассасалари учун мўлжалланган ўкув режаси давлат таълим стандартининг таркибий кисми бўлган таянч ўкув режаси асосида ва тегишли вазирлик томонидан тасдикланади. Дарслик - муайян ўкув предмети мазмуни ўкув дастурида кўрсатилган ҳажмида дидактик талабларга мувофиқ равишда батафсил баён килиб берадиган ўкув китоби саналади. Дарсликнинг характерлик хусусиятлари - бу унинг мазмунининг ўкув дастури мазмунига мос келишидир. Дарсликда материал бўлимлар бўйича тақсимланади. Дарсликлар ўкув материалларини тўлароқ ва чуқурроқ эгаллаб олишга ёрдам берувчи ўкув кўлланмалари билан тўлдирилиши керак. Бундай шарт шароитлар асосида таълим олаётган ёшлар ўз билимларини давом эттиришлари учун чет элларга бориш имкониятлари яратилади.

Таълимни ташкил этиши шакллари деганда, аниқ муддатда ўқитувчининг талабалар билан олиб борадиган машғулот турларини тушунамиз. Таълимнинг ташкилий самарадорлигини ошириш билан боғлиқ илмий-назарий, услугубий ва амалий муаммоларни ҳал қилиш ишлари олиб борилмоқда. Бу борада мустақил Ўзбекистонимизда «Кадрлар тайёрлаш миллый дастури»ни амалга оширишда таълим тизимига янги педагогик илмий технологияларни татбиқ қилиш ишлари олиб борилмоқда. Таълимни асосий вазифаси талабаларни илмий билимлар, кўнкималар, малакавий билим билан қороллантиришдан иборат. Таълим жараёни ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги фаолияти ва икки томонлама ҳарактерга эга бўлиб, яъни унда икки томон - талаба ва ўқитувчи фаол иштирок этади. Ўқитувчи ўқув жараёнинда аниқ максадни кўзлаб, режа ва дастурлар асосида билим, кўнкима ва малакаларни сингдиради, талаба уни фаол ўзлаштириб олади. Билдириш, билиш мураккаб зиддиятли жараёндир. Бу жараёнда инсон психологиясига тегишли сезги, идрок, тасаввур, тафаккур каби жараёнлар фаол иштирок этади ва муҳим рол ўйнайди.

Дарс таълимнинг асосий шакли экан, у илмий, тизимли, тушунарли, онгли, фаол бўлиши, билимлар мустахкам ўзлаштирилиши, талабаларнинг шахсий хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда ташкил этилиши лозим. Ҳар бир дарснинг мудаффакияти кўп жиҳатдан машғулотнинг тўғри ташкил этилишига боғлиқдир. Бу даврда аудиториянинг тинглашга руҳий жиҳатдан тайёр эканлигини ўрганиш лозим.

Иккинчи босқичли олий таълим тизимида ўзига хос таълим шакллари мавжуд, буларга маъруза, амалий машғулотлар, кафедра ўқитувчиларнинг очиқ маърузаларда қатнашиши, маъруза матнини тайёрлаш ва муҳокама қилиш, фанлар бўйича дастурлар тайёрлаш кабилар олий таълимнинг кўп киррали йўналишлари ва шаклидир.

Олий таълим тизимида маъруза ўқув жараёнининг ҳам усули ҳам шакли хисобланиб, у талабаларга фан асосларини оғзаки, узвий ва мунтазам сингдиришга хизмат қиласди. Маъруза туфайли талаба шу фаннинг моҳиятини тушуниб боради ҳамда уларни эркин фикрлашга, фан устида ўйлашга мажбур этади. Шу туфайли маъруза илмий тафаккурни ривожлантиришнинг ўзига хос мактабига айланади. Маърузани шундай ўқишилари керакки, унинг таъсирида талабаларда шу фанга, унинг вазифа ва келажагига нисбатан турли карашлар, илмий эътиқод, гоя ва миллый мағкура асослари шакллансан. Бунинг учун ўқитувчи ҳар бир маърузанинг мазмунини фандаги янгиликлар билан бойитиши ва танлай билиши лозим. Маъруза ижобий ҳамкорликда ташкил қилингандагина самарали натижа беради. Бунинг учун маъруза жараёнинда ҳам таълими, ҳам тарбиявий вазифаларни самарали амалга ошириш йўлларидан

бири - ўқитувчи ва талабалар ўртасида дўстона, фаол муносабатларни тиклаб олинишидан иборат.

Бундан ташқари, маъruzанинг самарали натижаси талабаларнинг ўқув жараёнидаги руҳий ҳолатларни кай даражада хисобга олинишига боғлик. Назарий билимларнинг амалиёт билан, турмуш тажрибалари билан боғлаб бориш таълимнинг етакчи қоидаларидан ҳисобланади. Таълим соҳасидаги ютуклар, энг аввало, назарий билим билан амалиётнинг ўзаро боғлиқлигига асосланади. Шундагина талаба ўрганаётган ўқув материалларини туб моҳиятини тушуниб этди ва амалиётда улардан фойдалана олади. Бунинг учун ўқитувчи таълим жараёнидаги талабаларнинг фаол иштирок этишларига эришмоқ лозим.

Ўқув жараёни ёшларга билим бериш, уларда кўникма ва малакаларни хосил қилиш янги ҳакиқатларни оча олишга қодир бўлган ижодий мантиқий тафakkурни тарбиялашдир.

Талабаларнинг эркин фикрлаш қобилятини ўқув ва амалий машғулотлар ўтказиш йўли билан ўстириш лозим. Шунингдек, ўқув жараёнидаги талабага янада чукурроқ билим бериш, уни яхши ўзлаштира олишлари учун фанга тегишли янги адабиётлар, конунлар, йўрикномалардан фойдаланиб, мавзуларни кенг ёритиб бериш лозим. Шу билан бирга компьютер технологияларидан фойдаланиш ўқув жараёнини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўқитувчи талабанинг билим фаолиятини ташкил этиш мақсадида ўқув ишларини олиб борар экан, аввало таълим беришда ўз вазифасини, яъни билим бериш орқали мақсадни ҳал қилиши лозимлигини унутмаслиги керак. Бу мақсадлар ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги фаолиятни бирлаштиради.

3. Ўқув жараёнидаги намунавий ўқув режа ва дастурлар, уларни ишлаб чиқиши, тасдиқлаш ҳамда амалда кўйлаш

Ўқув жараёнидаги таълим мазмуни ўқув режалари ва дастурларга асосланниб олиб борилади.

Ўқув режаси - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 343-сонли «Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ университет кафедралари томонидан ишлаб чиқариладиган хужжатdir. Унга барча таълим муассасаларида сўзсиз амал килинади. Бу хужжатда фанлар ва шу фанлар учун ажратилган соатлари кўрсатилади. У Олий таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади. Ўқув режасида фан учун ажратилган соатлардан ташқари бу фанни қайси курсда ва қайси семестрда ўқитилиши ҳам кўрсатилади. Шу билан бирга ўқув режасида шу фан бўйича семестр якунидаги топширилиши лозим бўлган синов ёки

имтихон ҳам бириктирилди. Агарда шу фанда курс иши, мустакил иш, лабаратория иши, назорат иши топширилиши лозим бўлса, бу ҳам ўкув режасида ўз аксини топади.

Ҳар бир алоҳида фан учун ўкув дастури тузилди. Дастур ўкув режасига асосланади. Фаннинг мақсади, ўкув режаси бўйича ажратиладиган соат ва билим ҳажми унинг тизим мавжуд жамиятнинг гоявий, иқтисодий ва сиёсий йўналишини ўзида акс эттирадиган давлат ҳужжатидир.

Ўкув дастурида фан бўйича талабаларга бериладиган илмий билим, кўнірма ва малакаларнинг белгилаб борилади. Дастурда фаннинг мазмуни, кетма-кетлиги иккинчи мавзу биринчисини тўлдириши изчиллик билан ёритилади ва маълум мавзулар орқали кўрсатилади. Ўкув дастурида шу фан бўйича талабаларга берилиши лозим бўлган билим, кўнірма-малакалар кичик мавзуларда ифодаланиб, мавзу мақсади қисқача изоҳланади. Фаннинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиккан ҳолда йўналишларга ажратилади. Улар бобларга ажратилади. Боблар катта мавзуларга ажратилади, катта мавзулар кичкина мавзуларга бўлинниб, шу мавзу юзасидан талаба қанақа билим ва малака олиши лозим бўлса, шу қисқача ифодаланиб берилади.

Ўкув дастурининг ўзини амал қилиниши лозим бўлган қўйидаги қоидалари мавжуд:

1. Дастурнинг аниқ бир гояя асосланғанлиги.

Мустакил жамиятимиз тараққиётининг тамойилларига асосланган ҳолда ислоҳ қилинган ҳар бир соҳадаги фан, иқтисодиёт, техника, ишлаб чиқариш, ижтимоий муносабатлар кирраларида эришилган ютуклар илмий ўкув асосда акс эттирилиши лозим.

2. Дастур илмийлик принципига асосланади.

Ҳар бир таълим гоялари илмий жиҳатдан текширилган, ишончли далиллар, кузатишлар, манбалар ва материаллар асосида киритилади.

3. Ўкув дастури аниқ мазмун ва мантиқ гояларини ўзида акс эттиришилозим.

Дастурда фаннинг мақсад ва вазифалари, ундаги билим мисоллар асосида ўргатилади. Акс ҳолда ўрганилаётган билим асосларини назарий жиҳатдан тушуниш кийин бўлади.

4. Назария билан амалиётнинг бирлиги принципи.

Талабалар назарий олган билимларини амалиётда кўллай олиш кўнікмасини шакллантиришни назарда тутади.

5. Ўкув дастурини фаннинг тарихий сабоқлари хисобга олинади.

Вакт ўтиши билан фан оламида янги-янги кашфиётлар, маълум бир илмий конун қоидалар пайдо бўлиб, фан такомиллашиб боради. Дастур фаннинг келажакдаги истиқболини қисқача ифодалайди.

6. Ўқув дастури хужжатлар ислоҳ қилинган таълим, давлат томонидан тасдиқланган режа асосида тузилади.

1. Таълимий мақсад - ўқув материалларининг мазмунини билиш, яъни ушбу фанга тегишли илмий билимларни ўзлаштириш ва амалиётга татбиқ қила олишидир.

2. Тарбиявий мақсад - фан асосларини ўзлаштириш орқали унинг мазмунида ётган ғоялар, дунёғарашлар ўзининг шахсий сифатларини, имон-эътиқодини шакллантиришдир.

3. Ривожлантирувчи мақсад - таълим жараёни таъсирида шахснинг ақлий камолотини, билиш кобилятини, ўқишига, меҳнатга, ўз мутахассислигига бўлган муносабатини ривожлантиришдан иборат.

Бу мақсадларни амалга ошириш натижасида талабада мустақил ишлаш истеъоди пайдо бўлади. Уни ўйлашга ўргатади, таълим жараёнида тафаккур хукмронлик килади. Таълим турли босқичларда амалга оширилади:

1-босқич: Ўқув материалини идрок қилишдан иборат. Бунда талаба таълиминг мазмуни билан танишиб, ўзининг билиш вазифалари нимадан иборат эканлигини билиб олади. Бунда сезги, идрок, тасаввур каби жараёнлар иширок этади.

2-босқич: Улар ўқув материалларини тушуниб оладилар, унинг моҳиятини англайдилар ва умумлаштирадилар. Натижада уларда янги билимлар пайдо бўлади. Амалий синтез, таҳлил ва тақкослаш, хулоса чиқаришдан фойдаланадилар.

3-босқич: Янги билимлар, машқлар, мустақил ишлар, ўқитувчининг кўшимча изохлари, кўргазмали куроллари орқали мустаҳкамланади.

4-босқич: Улар ўзлаштириб олган билимларни имкониятига қараб амалиётга татбиқ қила оладилар.

Буларни билиш орқали ўқитувчи таълим-тарбия жараёнини самарали бошқариш мумкин. Шунинг учун ўқув жараёнининг хамма босқичларида ўқитувчи етакчи ва бошқарувчи вазифасини ўтайди. Юкоридаги фикрлардан хулоса чиқарадиган бўлсак, ўқитиш жараёни билиш ва ўрганиш фаолиятининг мухим тармоғи сифатида катор вазифаларни бажаради.

Жумладан:

a) талабаларда билим, кўнікма ва малакаларни хосил қиласи;

b) уларда дунёғарашни, келажакка ишонч ва касбга эътиқодни ўстириади;

в) ёшларни муайян даражада билимли, ўқимишли, маданиятли, тарбияли кишилар бўлиб етилишига, кобиляти ва истеъодларини ўстиришга эришилади.

Бу вазифаларни бажаришда ўқитувчи ўз касбига лаёғатли бўлмоғи лозим. Шунингдек, ўқитувчи талабага ўз фаолиятининг обьекти сифатида қараши, унинг эҳтиёж ва қизиқишиларини тушуна билиши лозим.

Бундан ташқари, ўқитувчи таълим жараённида ҳар бир талабанинг билими ва тарбияланганлик даражасини аниқлай олиши, ўқув материалларини тўғри танлай билиши, тахлил қила олиши ва умумлаштира олиши педагогик маҳорат учун зарур бўлган таълим усуллари, воситалари ва шаклларини мукаммал билиши, талабага нисбатан талабчан бўлиши, педагогик вазиятга қараб улардан унумли фойдалана олиши, таълим натижаларини даслабки ва кейинги кўрсаткичлар билан тақослаши, тахлил қилиши, хуласалashi лозим.

Шундагина ўқитувчи кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабалари даражасида таълим жараёнини ташкил килади ва бошқаради.

4. Мутахассисликка кириш фанини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг таълим тизимининг кай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Оғир ижтимоий, сиёсий, иқтисодий қийинчиликлар енгигб ўтиб, тараққиёт йўлига кирган мамлакатимизда илгор технологияларни жорий қилиш, миллий қадриятларни сингдирган ҳолда таълимни ташкил этиш, бу жараённи пухта ва самарали амалга ошириш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ҳусусан, таълимнинг ривожланган йўналишларини прогноз қилиш соҳасида ишнинг аник шароитларига мослашуви дастурий таъминот комплексларининг яратишга ёрдам берувчи замонавий талаблар орқали янги методни қўллаш долзарбидир. Кўпинча «инноватсия» атамасининг ўрнига унга яқин турдаги атамалар ҳам ишлатилади. Масалан, такомиллаштириш....

Инноватсиянинг таърифига тўхталсан, у лотинча «иноватис» - бу янгилик, янги тартиб қонди деган маънони беради. Янгилик - бу техник, технологик ихтиро ва ютукларидан амалий фойдаланишдир. У илмий категория сифатида таълимга янгилик киритиши англатади. Янгилик кўпинча янги методлар, усуллар, воситалар, янги концептсиялар, янги ўқув дастурлари тарбия усуллари бошқаларини киритиш ва қўллашдан иборат. Янгилик атама сифатида таълимни модернизатсиялаш ёки замонийлаштириш тушунчаси ичига тўла киради. Таълимдаги янгиликларни ўзлаштирибгина қолмасдан, балки улар сингиб кетиши лозим. Улар педагогик новаторларни тарбиялашга олиб келади. Новаторлик иши ҳамма вақт янгиликларнинг таркибий қисми бўлиб келган. Гарчи, вақти келиб ўқитувчиларни ўқитадиган машиналар алмаштирадиган фикрлар мавжуд бўлсада, ҳозир ўқитувчи таълимда билимлар жараёнини бевосита элтувчиси сифатида марказий ўрин тутади. Ўқитувчи доим зарур. Ўқитувчи меҳнатида техник ютуклардан ва биринчи навбатда, компьютер

технологиялари ютуқларидан фойдаланиш зарурлиги ҳақидаги ғояларни илгари суради.

Ҳақиқатдан ҳам, хозирги вактда ўқитишнинг илғор педагогик ва техник воситаларга асосланган технологиялар ишлаб чиқилмоқда. Бироқ бу нарса ўз навбатида куйидаги муаммони ҳал этишини зарур деб қўяди, яъни таълим технологиялар бўйича мавжуд қасбий билимлардан ташқари таълим соҳасида меҳнат киладиган мутахассисларнинг маҳсус тайёргарлиги ҳамда техник, илмий, психологияк ва иқтисодий тайёргарлик талаб этилади.

Маълумки, янгиликлар турли мамлакатларда ўзига мос равища юзага келади ва татбиқ этилади. Улар соҳаларда, шу жумладан, таълим соҳасида турлича ўз ифодасини топади ва бунинг устига битта билим соҳасининг ўзидан турлича тарқалади. Ихтиrolар кўпинча физика, химия, биологияда амалга оширилади. Педагогик назария ва амалиётнинг таҳлили шуни кўрсатадики, таълим соҳасида умумжаҳон аҳамиятига молик бўлган куйидаги асосий янгиликлар хосдир:

- молиялаштириш ва бошқариш соҳаларидаги ўзгаришлар;
- таълим тизимидағи ўзгаришлар;
- таълим технологиясидаги ўзгаришлар.

Шундай килиб янги техник воситалар, янги технологиялар таълимда янгиликлар киритиш йўлидаги компонентлардан биридир. Бироқ уларни татбиқ этиш ва амалда фойдаланишда билим аслида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бунинг учун маҳсус тайёргарлик, катта куч ва кўп вакт сарфлаш зарур, яъни таълимда инноватсион жараёнларнинг татбиқ этилиши билан, ўқитувчининг роли пасайди эмас, балки ўкув тарбия жараёнининг барча босқичларида янада ортади. Таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ҳар ўқитувчи ўз ролини ва вазифасини муваффакиятли амалга ошириши учун у факат ўз фани соҳасида эмас, балки психология, иқтисодиёт ва таълим технологияларидан ҳам чукур билишмга эга бўлиши керак.

Кейинги йилларда адабиётларда турли билим соҳаларида янги ахборот технологияларни яратиш ва ишлатиш масалалари кенг ёритилмоқда. Ҳозирги замон ахборот технологияларининг асосини куйидаги Зта техника ютуғи ташкил этади :

1. ахборотни машина ўқидиган ташувчиларда жамлаш мухитининг пайдо бўлиши (магнит ленталар, кинофильмлар магнит дисклар, компакт дисклар)
2. ахборотни ер шарининг исталган нуктасига вақт ва масофа бўйича мухим чегералашларсиз етказилишини таъминловчи алоқа воситаларнинг ривожланиши, аҳолини алоқа воситалари билан кенг қамраб олиш (радио,

төлөвдөнүү, маълумотларни узатиш тармоклари, йўлдош алоқа, телефон тармоғи ва х. К)

3. ахборотни компьютерлар ёрдамида берилган алгоритм бўйича автоматлаштирилган ишлаб чиқариш имкони (саралаш, таснифлаш, керакли шаклда ифодалаш ва яратиш)

Янги ахборот технология (ЯАТ) ларнинг 2 та катта гурухга ажратиш мумкин:

1. Ахборотни структуралашган кўринишида сақлаш ва шу билан унга кириш ҳамда ундан фойдаланишини осонлаштириш имконини берадиган барча технологиялар.

Фойдаланувчни керакли ахборотни турли излаш протседуралари, масалан, калит сўзлар ёрдамида топади.

2. Фойдаланувчининг маълумотлар базалари ва банклардаги катта ҳажмли ахборотга киришини таъмин этадиган технологиялар мансуб. Ахборотни излаш диалог шаклида, доимо янгиланиб ва тўлдирилиб туриладиган маълумотлар базаларидан фойдаланувчилар ўз шахсий эҳтиёж ва кизиқишиларига мос равища ахборотни танлашлари лозим.

Иккинчи гурухга барча коммуникациялар, электрон почтани, телеконференциал алоқани, йўлдош алоқани, ЭҲМ тармокларини ва хокозоларни ўз ичига олади.

Демак, ЯАТ - бу одамларнинг билимларини ривожлантирадиган ва уларнинг техника ва ижтимоий жараёнларни бошқариш бўйича имкониятларни кенгайтирадиган маълумотларни ташкил этиш, сақлаш, ишлаб чиқиш, тиклаш, узатиш усуслари ва техник воситалардир.

ЯАТ таълимда мухим ўрин тутиб қуидагича вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради:

- ҳар бир одамга хос бўлган ноёб фазилатлардан иборат индивидуал қобилиятларни ўқитилаётган ўқувчи-талабаларда очиш, сақлаш ва ривожлантириш, уларда билиш қобилиятлари ўз ўзини комолотга етказишга интилишни шакллантириш;

- боғлик ҳодисаларни комплекс ўрганиши, табиатшунослик, техника, ижтимоий фанлар ва саънат орасидаги ўзаро боғлиқликнинг чамбарчаслигини таъминлаш;

- ўқитиш ва тарбия жараёнларнинг мазмун, шакл ва методларни доимий динамик янгилаш. Таълим тизими нуқтаи назаридан ЯАТнинг жорий этилиши билан бирга юзага келадиган ушбу муаммолар мухимdir:

- техник муаммолар - булар таълим тизимида фойдаланадиган электрон хисоблаш ва микропротессор техникасига кўйиладиган талабларни, уни кўлланилиш хусусиятларини белгилайди;

- программа муаммолари - булар таълим тизимида фойдаланиш учун программа таъминотининг таркиби ва турларини, уларнинг кўлланиш таркиби ва хусусиятларини белгилайди.
- тайёргарлик муаммолари - булар ўқитувчи ва ўкувчи талабаларнинг хисоблаш техникасидан фойдаланиш укувлари билан боғлиқ.

Ўқитиш технологиялари доимо ахбороти бўлган, чунки улар кўп хиллик ахборотни саклаш, узатиш, фойдаланувчиларга етказиш билан боғлиқ эди. Компьютерлар ва коммуникатсия воситалари пайдо бўлиши билан ўқитиш технологиялари тубдан ўзгарди. Ўқитишнинг янги ахборот технологиясини ўқитишни ахборот технологияларининг бугунги кунги техник воситалардан фойдаланиб ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги жараёни деб таърифлаш мумкин.

Ўқитишнинг янги ахборот технологиясининг амалга оширилиши қўйидагиларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади :

- ўқитишнинг техник воситалари сифатида компьютерлар ва коммуникатсия воситалари ;
- ўкув жараёнини ташкил этиш учун мос системали ва программа таъминоти;
- ўкув-тарбия жараёнида янги ўқитишнинг техник воситаларини татбик этиш бўйича мос методик ишланмалар.

У ЯАТ доирасида ўқитишнинг янги шакллари, методлари, воситалари ҳакида гапирилганда, янги технологиялар техник воситаларнинг муҳимлигини кайд этиш лозим. Масалан, ўқитишнинг видеокомпьютер системаларининг кўлланилиши 2 та технологиянинг аудиовизуал ва компьютер технологияларининг афзаллигини амалга ошириш имконини беради.

У ахборотни визуал, матнли ва график шаклларнинг бирга кўшиш воситасини таклиф этади. Масалан, ўқитувчи-талабаларнинг ўқитишнинг якуний боскичи видео системадан фойдаланиш ишлаб чиқиш жараёнининг видео ёзувини синчилаб кўриш ва муҳокама этиш асосида ишлаб чиқариш технологиясини тақомиллаштириш йўлларини таклиф этишга, меҳнатни моделлаштириш, вақт ва материаллар иктисад қилиш йўлларини топишга имкон беради. Таълим видеокомпьютер системаларини тарқатиш техник ва программа таъминотининг юкори нархи ва ўқитиш жараёни учун программа таъминотининг йўклиги ҳозирча етарли эмас. Компьютер системаларининг программа таъминоти тақомиллашмоқда ва ривожламоқда.

Интеллектуал автоматлаштирилган ўқитувчи системаларининг (ИАУС) жорий этилиши ўқитиш жараёнининг ўкувчи-талабанинг тайёргарлигига боғлиқ равишда мослашувчан бошқаришни амалга ошириш мумкин. Ўкув жараёнида ЯАТ техник воситаларидан фойдаланишда экспертилк-ўкувчи

системалар (ЕУС) алохига ўрин тутиши мумкин. ЭУС - экспертили ўқитувчилар, услубиётчилар ва мутахассислар жамоасини тайин фан соҳаларида самарали алмаштирадиган автоматлаштирилган ахборот системаларидан иборат. Масалан, ўкув максадларида гиперматни системалардан фойдаланишда компьютер зиммасига тушунчалар ва уларнинг бояганишлари кўринишида ифодаланадиган янги материални баён этиш бўйича иш юкланди. Тугунларни кўриб чиқиши бу саволлар, тушунчалар, мейллар ва кўрсатмаларни кўриб чиқишидир.

Бундай системалар билан ишлашда ўқитувчи талабалар учун факат ўкув материали структурасигина эмас, балки унинг бу структурани ўзлаштириши билан боғлиқ ўз шахсий фаолияти ҳам таҳлил мавзуси бўлади.

Дарсда ўқитувчи билан талабанинг ўзаро муносабат жараёни шахсий алоқага асосланган. Ўқитувчи дарсда истисносиз барча ўкувчиларнинг фаолиятларини йўллайди ва контрол килади, шунингдек, ўкувчиларнинг ўзлари орасидаги ўзаро алоқа ва ўзаро назоратни қўллаб-қувватлайди. Ўқитувчининг дарсдаги иши барча ўкувчиларнинг дарснинг ўзидаёт ўрганилаётган билим асосларини эгаллашлари, зарур кўникма ва малакаларни хосил килишлари учун замин яратади.

Шундай қилиб, дарс - таълим муассасасидаги ўкув ишининг ташкилий формаси бўлиб, унда ўқитувчи аниқ белгиланган вакт доирасида ўкувчиларнинг доимий синф билан қатъий жадвал бўйича шугулланади, ўкув программасига мувофик ўзи белгилайдиган дидактик ва тарбиявий вазифаларга эришиш учун хилма-хил методларидан фойдаланади.

Қадим замонлардаёт тараққийпарвар олим ва педагоглар ўкув ишини ташкил қилишнинг таълим-тарбиявий масалаларни муваффакиятли ҳал килишга ёрдам берадиган ҳамда ижтимоий тараққиёт эҳтиёжларига жавоб берадиган шаклларни излаганлар.

Дарс ўқитишнинг 3 системаси:

1) *Индивидуал ўқитши* - бунда ҳар бир ўкувчи ўз топширигини бажарган ва хатто ўқитувчи группа билан шугулланганда ҳам, улар бир бола билан алохига шугулланади.

2) *Синф - дарс системаси* - унинг афзалликлари унинг тежамлигига, ўқитишнинг тушунарлилиги, изчиллиги, ҳамда ўкувчилар колективини таркиб топтириш учун шароит яратишидир. Бунда ўқитувчининг роли катта ва у таълим-тарбия жараёнининг ташкилотчиси ва бошқарувчиси ҳисобланади.

3) *Маруза - семинар системаси* - бунда ўкув жараёнининг алохига звеноларга бўлиниши ва ҳар бир звенода ўкув жараёнининг ихтинослашган формалари (лекциялар, семинарлар, амалий машгулотлар)нинг бўлиши характерлидир. Унинг камчилиги ўқитувчининг

ўкувчилардан маълум даражада узоклашганидир. Афзалиги эса, ўқитишнинг чукурлиги, илмийлиги, энг яхши техник жиҳозланганлик, тежамкорлик таъминланади.

Хозирги кунда ёшларга, уларнинг маданияти, маънавияти, жисмоний тарбияси ва билим олишига жуда катта эътибор берилмокда. Шундай экан, ўқувчи ёки талаба дарсга келар экан, унда кизикиш уйготиш, уни бирор максадга йўналтириш керак. Бунинг учун, ўкув жараёнини фан ва техникадаги сўнгги янгиликларни хисобга олган ҳолда ташкил этиш керак. Дарс жараёнида фақат оғзаки маъруза эмас, балки ҳар хил деворий газеталар келтириб ёки замонга мос килиб ҳар хил янгиликлар билан талабаларни кизикитириш зарур. Ўкув жараёнида намунавий ўкув режаси ва дастурлари, уларни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш ва албатта амалда кўллаш керак.

Бизга маълумки, Ўрта Осиё хусусан, Ўзбекистон ҳалқи назарий жиҳатдан бошқа ривожланган мамлакатларга нисбатан 50 йилга олдин турибди. Аммо, шу билан бирга, амалий жиҳатдан 50-100 йил оркада турибди. Шундай экан, кўпроқ амалий жиҳатдан ёндашиб керак. Токи ҳар бир талабами, ўқувчими ўкиётган нарсасини амалиётда кўллаб, ўз кўзи билан кўриб, ўзига хос хулосалар чиқара олсин.

Ўкув предмети ўзига тегишли фан асослари тушунчалари системасини, бу тушунчадан келиб чиқадиган асосий қоидалар ва қонунлар, натижаларни, шунингдек, бу қоидалар ва натижаларнинг ифодалашнинг сўз ва символик воситалари (термин, символ, формула ва хокозолар)ни ўз ичига олади.

Ўкув предмети тегишли фандан асосий қоидаларнинг ифодаланиши билан фарқ килади. Ўнда натижа-хулосалар унчалик кенг берилмаган, тушунарлиликнинг дидактик принцип ва шугланувчиларнинг ёш хусусиятларини хисобга олиш зарурлиги билан белгиланадиган бошқа фарклари бор. Бироқ бу фан маълумотларини қисқартирилган ёки соддалаштирилган ҳолда бериш эмас, балки уларни ўкув протессига мувофиқ равишда педагогик жиҳатидан қайта ишлашдир. Ҳар бир ўрта, умумий таълим мактаблари, олий ўкув юртлари ўзларининг ўкув режасини тузишда, ўкув фанларини танлашда ўрта таълимнинг ёки олий таълимнинг вазифасига амал қилинади. Масалан, ўрта таълим фан асосларини пухта билишни, демократик, мустакил дунёғараш асосларини пухта билишни, соглом ёш авлоднинг эстетик, ахлоқий ва маънавий жисмоний тарбиясини таъминлаши керак. Мактабнинг ўкув режаси демократик маънавий тарбиянинг ҳамма томонларини - табиат, жамият, ишлаб чиқариш асослари, санъат ва жисмоний тарбия ҳакидаги билимларни камраб олиши керак.

Академик литеӣ, коллежларда эса, ўкув режасида мажбурий фанлар билан бирга факультатив машгулотлар, ўзининг соҳасига хос фанлар бўлиши

назарда тутилади. Олий ўкув юртлари учун ўкув фанлари танлашда бутунлай бошқача ёндашилади. Мисол тарикасида ТДИУ 1-курс барча кундузги бакавлариат йўналишлари учун тузилган ишчи ўкув режасини кўриб чиксак. Бунда албатта, 1-курсда талабалар тўгри мактабдан келган бўлиши мумкин, уларда эса университет талабаларига кўнизиш ҳосил қилиши учун мактаб программасига хос фанлар ўтилади. Масалан. Ўзбекистон тарихи, Ўзбекистон Республикаси Конститусияси, экология ва шунга ўхаш фанлар. Лекин, шу билан биргаликда мутахассисликка тайёрлаш учун Иқтисодиёт назарияси, мутахассислик тили, Мутахассисликка кириш каби фанлар ҳам ўтилади. 2-3 курслардан бошлаб эса тўлиқ мутахассислик фанлари ўтилади.

Университет аудиторияларида олинган назарий билимларни мустахкамлашнинг асосий йўлларидан бири банкларда мутахассислик фанлари бўйича малакавий амалиётнинг ташкил қилинишидир.

Ҳозирги кунда харакатда бўлган Давлат таълим стандарти асосида тузилган ўкув режасига асосан ИИ курсдан бошлаб талабалар назарий ўқиши жараёнини амалиёт билан боғлашиб олиб бориш имкониятига эга. Талабаларнинг мутахассислик фанлари бўйича олган назарий билимларини амалиёт билан боғлаш жараёни «оддийдан мурраккабга» тамоили асосида ташкил қилинган. Талабаларнинг амалиётини ташкил қилишининг бу тамоили моҳияти шундаки, ИИ курсда талаба банклар ва уларнинг фаолияти, хизмат турлари билан танишиши учун танищув амалиётига чикадилар. Бу амалиёт дастури нисбатан содда бўлиб, талабалар мутахассисликлари бўйича, унинг бўлим ва бошқармалари, таркибий структураси ва уларнинг вазифа ҳамда функциялари билан танишадилар. И

ИИ курсида талабалар барча ўқитиладиган мутахассислик фанларни ўзида умумлаштирувчи битирув малакавий амалиёти ўтайдилар. Бу битирув малакавий амалиёт 7 ҳафтага мўлжалланган бўлиб, бу амалиёт банк фаолиятини чуқурроқ ўрганишга ундовчи мукаммал дастурга эга. Амалиёт давомида талаба банкнинг умумий фаолияти ва мижозлари билан танишади ҳамда бухгалтерия бўлими, кредит бўлими, пул муомаласи бўлими, валюта бўлими фаолияти, кичик бизнесни кредитлаш, лойхаларни молиляштириш бўйича дастурда белгиланган вазифаларни бажарадилар ва хисоботлар тузадилар. Малакавий амалиёт талабалар билимини мустахкамлашга, банк тизимида кечеётган ўзгаришларни билишга, талабани банкнинг жамоат ишларида қатнишишга, ўзини мутахассис сифатида тутишга, келажакдаги иш фаолияти тўғрисида тасавурларга эга бўлишга имконият яратади.

Назорат ва муроҳаза учун саволлар

1. Ўқув жараёнини ташкил этишда сўнги янгиликлар.
2. Маъруза ва амалий дарслар қандай ташкил этилади?.
3. Ўқув жараёнида намунавий ўқув режа ва дастурлар, уларни ишлаб чикиш, тасдиқлаш ҳамда амалда қўллаш ҳакида гапириб беринг.
4. Мутахассисликка кириш фанида ўзига хос хусусиятлар.

4 - мавзу : Талабаларнинг мустақил ишлашлни ташкил этиши

Режа:

1. Талабаларни ўқитиш жараёнида мустақил ишларини ташкил қилишнинг ўрни.
2. Мустақил ишлари тематикасининг тузилиши.
3. Талабалар билим даражасини оширишда мустақил ишнинг зарурлиги ва аҳамияти.
- 4.Мустақил иш талабаларнинг таълим олишдаги асосий жараён сифатида.
5. Китоб устида ишлаш ва унинг босқичлари.
6. Кутубхонадан фойдаланиш йўллари ва аҳамияти.

1. Талабаларни ўқитиш жараёнида мустақил ишларини ташкил қилишнинг ўрни

Президентимиз таъкидлаганларидек, «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараккӣтининг пойдеворидир».

Инсониятнинг бугунги глобал тараккӣти ўзагида таълимнинг, айнича, олий таълимнинг бекиёс ўрни бор. Дунё тамаддунинг айни даврдаги энг йирик муаммолари тўрт дастурий йўналиш атрофида жамланган. Булар - тараккӣт, атроф -муҳит муҳофазаси, тинчликни барқарор этиш ҳамда фан ва техникадир. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ҳеч качон фан ва техника амалиёт билан хозиргидек, бирга бўлмаган эди. Ҳозирги даврга келиб, мамлакатларнинг саноат ва интелектуал тараккӣтлари орасида сиёсий-иктисодий мусобақа фан ва техника, технология ва таълим соҳасига ўтди.

Мамлакатимизда бозор иктисиётига ўтиш жуда кўп соҳаларни, жумладан таълим тизимини ҳам ислоҳ қилишни ўз ичига олади ва шу ўринда 1997 иили Республикаизда «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тўғрисида»ги Конунлар қабул қилинганини таъкидлаш лозим. Чунки, кадрларни тайёрлаш вазифаси, мамлакатимизни бутунги ва келажақдаги тараккӣтни белгилаб берувчи муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Миллий

дастур тизимли ёндошувга асосланган бўлиб, унинг учала боскичининг ҳам асосий мақсади - ракобатдош кадрларни тайёрлашга қаратилгандир.

Кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилинишини муваффақиятли амалга ошириш энг, аввало, олий таълимнинг барқарор ва аниқ мақсадли ривожланишини таъминловчи, ислохотларни амалга оширишнинг муайян йўл-йўриклиарини қамраб олган меъёрий хужжатларни ўз вақтида ишлаб чикиш ва татбиқ этишни кўзда тутади. Шу мақсадда, Олий ва ўрта маҳсус мактаб муаммолари университет томонидан ишлаб чиқилган ҳамда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Олий ва ўрта маҳсус таълим Вазири буйруги билан тасдиқланган тегишли меъёрий хужжатлар амалга кирилмокда.

Талабаларнинг билим олишларини осонлаштириш ва самарали қилишнинг асосий воситаси - уларни жалб қила олиш хисобланади. Юкорида айтиб ўтилган рейтинг тизими шундай услублардан бири хисобланади, амалий дарсларни «ўйин» тарзида ўтиш ҳам талабаларни фанни ўрганишга бўлган кизиқишиларини оширувчи услублардан бири хисобланниб келинади. Иқтисодий фанларни «ўйин»лар ёрдамида ўрганиш услуби 40 йилдан ортик давр мобайнида АҚШ, Буюк Британия ва Германияда муваффақият билан амалга оширилмокда. Айниқса, бу услубни талабаларга иқтисодий билимлар пойдеворини берувчи, талабада иқтисодиёт тўғрисида бир бутун тасаввурни билишга имкон берувчи «Иқтисодиёт назарияси» фани бўйича амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳозирги аҳборот технологияларини иқтисодиётнинг барча соҳаларга кириб бориши таълим - ўқитиш жараёнларида ҳам илғор педагогик услубларни кўллаш имконини бермоқда. Улар қаторига XX асрнинг 90-йилларида шаклланиб, ҳозирги шароитда жадал суръатларда тарқалиб бораётган «Масофавий ўқитиш» киради.

Масофавий ўқитиш - бюджет телекоммуникатсия воситалари ва компютерларда бажариладиган ўқитиш жараёни бўлиб, бюджет жараён икки томонлама аҳборот алмашув - синхрон ва асинхрон тарзда амалга оширилади, ҳамда унда электрон почтаси, электрон диалог, электрон конференция, телефон, телекакс, пейджер, сунъий йўлдош алоқаси, аудио-видео ва телевизион каби воситалар кенг кўлланилади. Бюджет ўқитиш шакли анъанавий ўқитиш шакли ўрнини олмайди, балки уни тўлдиради ва мазмунан бойитади. Масофадан ўқитиш - бу адаптив, модуллик технология бўлиб, педагогик жараёнларни автоматлаштириш имкониятини беради. Бундан ташқари, масофадан ўқитиш талабаларда масъуллик хиссасини кучайтириш билан бир пайтда, ўқитувчини ҳам мустакил равишда ўз билимларни ошириб боришга унрайди. Шу билан бирга, масофадан ўқитишни жорий қилишда ҳам

муаммолар мавжуд. Истиқболда бюджет технология мамлакатимизда замонавий телекоммуникатсия тармоқларини ривожланиш даражасига қарал, янада кенгрөк тарқалади ва кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишда ўз ўрнини олади.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, ҳар бир индивиднинг ақлий камолоти, билимдаги фаоллигининг юксаклиги, ижодий фикрлаш қобилиятининг ривожи унинг ўз устидан қандай даражада мустақил ишлай олишигига боғлиқдир. Таалабаларни рақобатбардош мутахассислар қилиб тарбиялаш, бир томондан, уларга билим беришнинг янги шакл ва услубларини кенг жорий этиш, бу борада профессор-ўқитувчиларнинг масъулиятини ошириш, шунингдек етакчи хорижий давлатлар тажрибасидан унумли фойдаланишга боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, уларнинг мустақил билим олишларининг даражасига ҳам боғлиқдир.

2. Мұстақил ишлар тематикасینинг түзилиши

Хар бир талабанинг мустакил ишлашини ташкил этиш энг оддий бўлиб кўринадиган куйидаги холатларга боғлиқидир:

- Вакт таксимоти ва кун тартибининг мавжудлиги;
 - Дарсдан ташқари вактдан унумли фойдалана билиш технологиясига;
 - Ҳар бир ўқитиладиган фан бўйича талабанинг ўзи устида мустакил ишлашини такозо этувчи топшириклар мажмусининг ишлаб чиқилганига;
 - Мутахасисликка кириш курсини юкори савиядаги ўқитишни йўлга кўйиш орқали мустакил ишлашга эҳтиёжни шакллантириш ва шу кабилар.

Олий ўкув юртидаги бу ҳолатларнинг қандай даражада ҳал этила бориши, яъни талабанинг ўз устида мустакил ишлашини самарали ташкил этиш - мазкур таълим-тарбия талабларига унинг муваффакият билан мослашиб олиш ишига хизмат килади. Талабанинг ўз устида мустакил ишлаш шакллари турли-тумандир, улар жумласига:

- Янги адабиётлар рўйхатини тузиш;
 - Мустакил конспект;
 - Фанлар бўйича таянч ибораларнинг изоҳли луғатини яратиш;
 - Ўрганилаётган фаннинг энг долзарб муаммоларини қамраб олган мавзулар бўйича реферат ёзиш, турли жамгармалар томонидан зълон қилинган танловларда иштирок этиш;
 - Илмий тезислар тайёрлаш;
 - Ижтимоий-сиёсий, иктисадий мавзуларда бўлиб ўтадиган илмий-амалий анжуманлар, семинар-мулоқотлар ва давра сухбатларига тайёргарлик кўриш;

- Ўрганилаётган фани бўйича мавжуд асосий адабиётлардан аннотатсиялар ёзиш;
- Машқ ва масалаларни ечиш, лойихалар устида ишлаш, амалий иш ўйинларига ёки бошқа амалий ишларни бажаришга тайёргарлик кўриш;
- Хар бир ўрганаётган фани бўйича ишлаб чиқилган топшириклар тизимида назарда тутилган барча назорат ишларини бажариш;
- Ўрганаётган фани бўйича жадвал, схема, график, слайдларни тайёрлаш;
- Интернет тармолидан самарали фойдаланиш;
- Курс иши, хисобот, битириув малакавий ишлар тайёрлашлар кўзда тутилади. Энди мустақил ишлаш шаклларининг айрим турларига қисқача тўхталиб ўтайлик:

Конспект қилиш - мустақил ишлашнинг аниқ шаклидир.
Конспектлаштириш

ижодий жараён бўлиб, у талабанинг мантикий қобилиятини ўстиради, фикрини аниқ ва қисқа баён этишга ўргатади.

Реферат - бу ўрганилаётган фан бўйича энг долзарб ёки талаба учун катта кизиқиши ўйғотган мавзу билан боғлик бўлган бир ёки бир неча адабиётлардан фойдаланган ҳолда, уларнинг мазмунини танқидий ёндошув асосида мустақил қайта баён қилиши.

Назорат иши - талаба бажариши лозим бўлган мустақил ишларнинг шаклларидан бирни бўлиб, амалий машғулот дарсларидан ўтиб улгурilmagan мисол ва масалалар, амалий иш ўйинлари ва бошқотирмалар тест топшириклари кўрининишида бажариш учун уйга вазифа тарикасида берилади.

Талабаларнинг ўз устида мустақил ишлашининг қолган шаклларини, хусусан, аннотатсия, тезис, лугат, жадвал, схема, график ва слайдларни тайёрлаш ва ёзиш кабилар ҳам муҳим бўлиб, уларнинг қай даражада бажарилишини талабанинг умумий рейтингини аниқлаш ҷоғида эътиборга олиниш аҳамиятидир.

Маълумки, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» кенг камровли бўлиб, таълим беришнинг кетма-кет босқичлари билан биргаликда ўқитишининг турли шаклларини янада такомиллаштиришини ҳам назарда тутади.

Талабаларнинг келажакда ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишишида турли меъёрий ҳужжатлар ва адабиётлар билан ишлашида уларнинг олий ўкув юртларида мустақил таълим бўйича олган малака ва кўнникмаларининг аҳамияти каттадир. Ҳозирги замон талабларидан келиб чикиб яратилган янги намунавий ўкув дастурларида деярли барча фанларга мустақил таълим соатлари ажратилгандир. Ана шу ажратилган соатлардан талабаларга билим беришда ва мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш ўқитишининг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Талабаларнинг мустакил таълим олиш самараадорлигини оширишда куйидаги омилларни янада кучайтириш зарурдир.

1. Ҳар бир талабанинг ўқитилаётган фан бўйича дарслик, ўкув қўлланмалари, маъруза матнлари ва бошқа ўкув-услубий материаллар билан тўлиқ таъминланишига эришиш;

2. Ўкув режасида мустакил таълим мавзуларини ўзлаштириш учун зарур бўлган асосий ва қўшимча адабиётларни аниқ кўрсатиш;

3. Ўқитувчининг мустакил таълим кўнникмаларини хосил қилишда ҳар бир гурухга талабага индивидуал ёндошувига эришиш;

4. Мустакил таълим бўйича талабаларнинг олаётган билими ва ўзлаштириш даражасини доимий назорат қилишга эришиш;

5. Университет ва кафедралар доирасида ўтказиладиган анъанавий тадбирлар конференцияларига кўплаб талабаларни жалб этиш.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир талабанинг ўкув жараёни ва ўкув машгулотларидан ташқари вактларда амалга оширадиган ишларнинг барча шакл ва хусусиятларини ўзаро уйғунлаштириш услубиятини жорий қилишмамлакатимизда Ватанга, ҳалқга баркамол авлодни - етук тарбияланган мутахассисни вояга етказиш «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да илгари сурилган вазифаларни тўлиқ амалга оширишга хизмат қиласди.

3. Талабалар билим даражасини оширишда мустакил ишнинг зарурлиги ва аҳамияти

*Дунёда шимдан бошқа најсом йўқ ва бўлмагай
(Ином ал-Бухорий)*

Билимдонлик инсоннинг олий ва муқаддас фазилатидир. Билим инсонни маданият, маърифат сари юксалитиради ва ёмон иллатлардан сақлайди. Шунинг учун ҳам билим нурга, зиёга ўхшатилади.

Ҳар бир давлат келажакда ҳам ўз макомини сақлаш ва янада ривожланиш учун ёш авлодга чукурроқ билим беришга интилади. Шу жумладан, Ўзбекистон ҳам мустакилликка эришганидан кейин таълим-тарбия соҳасида кўп ислоҳотлар ўтказди. Айниқса, олий таълим соҳасида анча ўзгаришлар юз берди. Олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларига қабул қилишнинг тест тизими жорий этилди. Олий мутахассислик таълими бакалаврлик ҳамда магистратурага бўлинди ва ҳакозо. Бу қилинган ишларнинг ҳаммаси талабаларни янада чукурроқ илм олишига, ўз қасбининг устаси бўлиб етишиши учун қилинган харакатлардир.

Олий таълим ўрта мактаб таълимидан анча фарқ килади. Олий даргоҳ билан ўрта мактабнинг асосий фарқи шуки, ўрта мактаб таълими мажбурий бўлиб, мактабда ўқувчилар мажбуран ўқитилади. Олий даргоҳда эса аксинча. Олий даргоҳда талабалар, асосан, мустақил таълим оладилар. Мустақил ишлаш юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг асосий усулидир. Ҳозирча республикамизда умумий таълимнинг 30 фоизигини мустақил таълимга ажратилган. Бу эса, ҳозирги давр талаби бўйича кам кўрсатичдир. Чунки, маъruzani фақат тинглаб, 20 фоиз ўзлаштириш мумкин. Агар, маъruzani ҳам тинглаб, ҳам ёзиб олинса, 30 фоиз ўзлаштириш мумкин. Агар, талабанинг ўзи мустақил ўқиса, 70-80 фоиз ўзлаштириши мумкин.

Шунинг учун ҳам Европа давлатларида ва бошқа ривожланган давлатларда мустақил таълимга умумий таълимнинг 70 фоизи ажратилган. Хорижда мустақил ўқишининг аҳамияти катта. У ерда лектор асосий тушунчани беради. Талабанинг ўзи эса мустақил ўқиб, тайёрланиб, ўз устида ишлайди. Ҳозирги кунда талабалар учун имкониятлар чексиз. Минглаб китоблар жамланган кутубхоналар талабалар хизматида. Интернетда хоҳлаган соҳа бўйича маълумот олиш мумкин.

Ҳозирги бизнинг талабаларимиз ҳам аста-секин чет эл таълим технологияси бўйича билим олишига ўтишмоқда. Юртимизда Италия, Сингапур, Англия ва Россия билан ҳамкорликда 6 та университет ва институтларни ташкил қилиниши бунга яққол далилдир. Бу университет ва институтларда талабаларнинг мустақил ишлари асосий ўринда туради.

Мустақил ўқишининг моҳияти, бунда талабалар бир дакиқа ҳам тинчмайди. Тинмай ўқийди, ўрганади, ўз устида ишлайди. Ҳар бир талаба худди шундай тартибида билим олиши керак. Акс ҳолда университет ёки университетни тутагтган мутахассис ҳозирги замон мутахассиси олдига кўйилган талабларига жавоб берадиган.

Ҳозирги кунда республикамизда давр талабларига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш яхши йўлга кўйилмоқда. Бунда хориж университетлари билан алоқалар асосий ўрин тутади. Президентимизнинг қўйидаги сўзлари фикримизнинг яққол далилдир. «Олий ўқув юртини ислоҳ килаётганда, уларнинг бошқа давлатлардаги олий ўқув юртлари билан алоқасини мустаҳкамлаш зарур. Ўз домлаларимиз билан чекланиб қолмай, четдан ҳам домлалар чакириши йўлга кўйишишимиз керак»¹.

Талабаларнинг билимини оширишда нафақат четдан домлалар чакириш, балки домла ва талабаларни хориж университетларида ўз малакаларини оширишлари яхши самара беради.

«Халқ сўзи» газетаси 2001 йил август.

5. Мустакил иш талабаларнинг таълим олишдаги асосий жараён сифатида

Мустакилликка эришган мамлакатимизда ёшлар таълими ва тарбиясига ниҳоятда катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги конунида таълим республика ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб айтилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 2001-йил 16-августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли карорига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2005-йил 21-февралдаги 34-сонли бўйруғи билан тасдиқланган «Талаба мустакил ишини ташкил этиш, назорат килиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида»ги низомга асосан ишлаб чиқилган ва кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилишда талабаларнинг мустакил ишларини ташкил этиш, назорат килиш ва баҳолаш тартибини белгилайди.

Талабанинг мустакил иши ўкув режасида муайян фанни ўзлаштириш учун белгиланган ўкув ишларининг таркибий кисми бўлиб, у услубий ва ахборот ресурслари жиҳатидан таъминланади ҳамда бажарилиши рейтинг тизими талаблари асосида назорат қилинади.

Ўкув сёместири якуннада талабанинг мустакил иши бўйича тўпланган рейтинг баллари ҳар бир фан бўйича гурух рейтинг қайдномасида жорий баҳолаш, оралик баҳолаш, якуний баҳолаш каторида мустакил баҳолаш (МБ) шаклида қайд этилади. Умумий балл хисобланиб, мустакил иш учун ажратилган соатлар хажмида аникланади ва талабанинг рейтинг дафтарчасида ҳамда ўкиш якуннада биритувчига такдим этиладиган диплом иловасида қайд этилади.

Ўқитиладиган фаннинг хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда, талаба мустакил ишини ташкил этища бошқа шакллардан ҳам фойдаланиши мумкин.

Ўкув фанлари бўйича намунавий ва ишчи дастурларда талаба мустакил ишини шакли, мазмуни ва ҳажми ифода этилади.

Талаба мустакил иши учун ажратилган вакт бюджетига мос равищда ҳар бир фан учун тегишли кафедраларда мустакил ишнинг ташкилий шакллари, топшириклар, вариантлар ишлаб чиқилади ва факултет илмий-усулбий кенгашида тасдиқланади. Ўз навбатида, мустакил ишни бажариш учун фанлар бўйича талабаларга зарурий методик қўлланма, кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Университет ректорати томонидан талабаларга мустакил ишларни ўз вактида бажариши учун компьютер техникаси ва интернет тармоғидан самарали фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиб берилади.

Шунингдек, талабаларнинг мустакил ишлари кафедра йигилишларида ва факултет Илмий кенгашларида муҳокама этиб борилади ҳамда, университет раҳбарияти томонидан юқори даражада баҳоланганд мустакил иш маънавий вадодий жиҳатдан рағбатлантирилади.

Ўз навбатида, мустакил ишларни ёзишда талаба турли-туман ахборот воситаларидан фойдаланади. Шу ўринда, республика аҳолисининг ярмини ёшлар ташкил этиши, тарихимиз, миллий анъаналаримиз, қадриятларимизнинг тикланиши, ёшларда ўзлигини билишга бўлган хиссиятнинг кучайиши, хилмачил ахборотларга бўлган эҳтиёжнинг кучлилиги, жамиятнинг, даврнинг тезкор ривожланишига муносиб, хозиржавоб бўлишда кутубхона ва ундаги ахборот воситаларининг ўрни бекиёс.

Чунки, дунёда бўлаётган барча воқеа ва ҳодисалар, янгиликлар, ихтиrolар ва қашfiётлар, янги технологиялар аввало, китобда ўз аксини топади.

Кутубхонада китобхонларнинг талаб ва эҳтиёжига, қизиқишига мослашган китоб фонди жамланиб, керакли ва зарур манба ҳамда ахборотларни тез, осон етказиб бериш йўллари усул ва воситалари ишлаб чиқилган.

Китоб таълим ва тарбия беришда жуда катта ўрин эгаллайди. Бусиз ҳақиқий инсонни тарбиялаш мумкин эмас. Талабаларга билим берувчи асосий манбалардан биридир. Китоб ўқиши ва ўқитиш жараёни билан узвий боғлик.

Кутубхона мустакил равища китоб танлаш ва китобдан ўзига керакли билимни олиш йўлларини, ўқилган нарсалари устида фикр юритишни ва унга танқидий қарашни, шу билан бирга китобларни тартибли равища ўқишини ўргатади.

Китоб тавсия этилганда унинг бадиий қиймати, мазмуни ғояси, таъсир кучини албатта билиш лозим. Бунинг учун у адабиёт, санъат, китобшунослик каби фанларнинг асосини ўзлаштирган бўлиши керак. Китобни шунчаки ўқиш ва ўқиганни сўзлаб беришгагина эмас, ўқилган материал китобхонни фикрлаш, чукур ҳис этиш, уни ўрганиш ва баҳолай олишига ўрганиш зарур. Шундагина ўқилган материал китобхоннинг эсида қолади, уни тарбиялади, китобни севишига ўргатади, шаклланишига ёрдам беради. Шунинг учун ҳам китобхонларнинг билимни оширишда улар ўқийдиган китобларни тушунарли ва кўргазмали бўлишига ҳаракат қилинади.

Китоб танлашда кўйидаги қоидаларга амал қилинади:

Танланган китоб мавзуни тўлиқ ёритиб бериши ва алоҳида саволларга жавоб бериши, мавзу ғоясини очиб бериши, бадиий юксак бўлиб, китобхоннинг билим олишига ёрдамлашиши, уни қизиқтириши ва унга янгиликлар ҳақида тўлиқ ҳабар бериши лозим. Китобни танлашда хилма-хил воситалардан фойдаланиш лозим.

Адабиётларни танлаш манбалари катологлар, картотекалар, маҳсус библиографик кўлланмаларни кўллаш мумкин.

Китоб кишиларнинг ҳаёти ва турмушида муҳим ўрин олган. У ҳалқ маданиятининг энг муҳим манбаларидан бири, ёш авлодни тарбиялашнинг курдатли воситаси. Китоб жаҳон маданияти хазиналаридан, фан-техника ютукларидан баҳраманд қиласди.

Китоб дунёни билишга энг яқин ёрдамчи. Китоб билим манбаи инсонни эстетик-аҳлоқий тарбиялаш воситаси. Машхур кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятида китобларнинг ўрни юксак.

5. Китоб устида ишлаш ва унинг босқичлари

Кутубхона - босма ва айрим қўлёзма асарлардан оммавий фойдаланишини таъминловчи маданий-маърифий ва илмий муассасаси: мунтазам равишда босма асарлар тўплаш, сақлаш, тарғиб қилиш ва китобхонларга етказиш, шунингдек, ахборот-библиография ишлари билан шугулланиш, омманинг маданий савиясини оширишда фаоллик кўрсатади. Китобхонларга хизмат кўрсатиш кутубхонанинг асосий фаолияти бўлиб, колган барча фаолиятлар асосий фаолият учун хизмат қиласди. Китобхонларга хизмат кўрсатишнинг асосий максади уларни ахборот ва адабиётга бўлган талабларини имкон борича тўлиқ кондириш ва адабиёт танлашларига ёрдам беришдан иборат. Ҳар бир кутубхона ўз турига кўра китобхонларни табакаларга бўлиб, алоҳида китобхонлар гурухларига ажратган ҳолда хизмат кўрсатишни ташкил қиласди. Адабиётлар тарғиботининг барча шакл ва усуслари китобхонлар талабларини имкон қадар тўлиқ ва тезкорлик билан қондиришга қаратилади.

Ёзувнинг пайдо бўлиши ва ҳужжатли манбаларни, айниқса, қўлёзма ва кейинчалик босма китобларнинг кўпайиши кутубхоналарнинг ривожланиши ва юзага келишига шароит яратди. Кутубхоналар ёзма ёдгорликларни сакловчи хазина сифатида жуда қадимда пайдо бўлган. Милоддан аввалги 2-минг йилликда сопол битиклари сақланган кутубхоналар бўлган. Милоддан аввалги 7 аср ўрталарида Шарқдаги кўп саройларда, қадимги Миср ва Рим ибодатхоналари қошида кутубхоналар бўлган. Қадимги даврдаги кутубхоналардан энг машҳури Александрия (Искандария) кутубхонасидир.

Ғарбий Европада илк ўрта асрларда монастир ва ибодатхоналар қошида кутубхоналар ташкил этилган. Китоб босишининг ихтиро қилиниши кутубхоналар ривожланишида янги даврни бошлаб берди. Сарбонна, Гейделберг университети қошида, шунингдек, Ватикан кутубхонаси, Париждаги Кироллик кутубхонаси каби кутубхоналар пайдо бўла бошлади.

Ўзбекистон худудида Милоддан аввалги 1-минг йилликнинг сўнгти асрларида дастлабки кутубхоналар пайдо бўлган. Дастрлабки кутубхоналар хукмдорлар саройларида ва ибодатхоналарда ташкил этила бошланган. Туron ҳалқлари Миср, эрон, Юнон ва уларга кўшини бўлган ҳалқлар билан яқин алоқалар ўрнатган, ўша даврдаги мавдуд кўлёзмалар билан ҳам таниш бўлган. Ўзбекистон ҳалқларининг қадимги ёзма ёдгорликлари сакланмаган. Берунийнинг хабар беришича, китоб хазиналари ва уларни сақловчилар турли истилолар даври (7-9 асрларда) йўқ қилиб юборилган. 9-10 асрларда Ўрта Осиё фан ва маданият ривожланди. Бухоро, Самарқанд, Марв, Урганч, ва бошка йирик шаҳарлар хукмдорлари саройларида кутубхоналар мавжуд бўлганлиги ҳакида маълумотлар бор. 13-асрда Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Балх ва бошка шаҳарлар маданият марказлари, олимлар тўпланадиган жой бўлиб, уларда йирик кутубхоналар бўлган.

Хозирги кунда замонавий техника кутубхоначини кўл меҳнатидан озод этиб, уни асосий вазифаси - китобхонлар билан маданий тарбиявий ишлар олиб боришга кўпроқ вакт ажратишга имкон яратмокда. Дунёдаги энг йирик кутубхоналар:

АҚШнинг КОНГРЕСС кутубхонаси (Вашингтон); Британия кутубхонаси (Лондон); Франсия, Австрия, Швейцария, Япония ва бошқа мамлакатларнинг миллий кутубхоналари, Россиядаги РОССИ давлат кутубхонаси (Москва); Россия миллий кутубхонаси (Санкт-Петербург) ва бошқалар.

Ўзбекистонда Ўзбекистон Навоий номли миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг асосий кутубхонаси, Ўзбекистон Миллий Университетининг асосий кутубхонаси ва бошқалар.

Електрон кутубхона - интернетнинг ажойиб имкониятларидан биридир. Бу кутубхонанинг электрон шаклидир. Кутубхона деганда, одатда кўз олдимизда китоблар турган узундан узок китоб жавонли катта хоналар келади. Электрон кутубхонада жавонлар вазифасини жилдлар, китоблар вазифасини Интернет сахифалари бажаради. Бу кутубхона маълумотлари электрон кўринишида бўлади ва компьютерда жойлашади. Бу кутубхонадан фойдаланиш жуда кулаги.

Бир неча йил аввал бир мақолини топишга бир неча ой вакт сарфлаш зарур эди. Бугун бунинг учун бошқа шахарга бориш ва вакт сарфлаш зарурати йўқолди. Электрон кутубхоналар ёрдамга келди.

Бундан хуроса чиқаришимиз мумкинки, бугунги кунда ўқиш учун кўлланма ва дастурлар етарли.

Електрон кутубхона одатдаги кутубхонадан бир канча қулайликларга эга:

- Жойнинг тежалиши, яъни китобларни сақлаш учун маҳсус жойнинг зарурати йўқлиги;

- Нодир асар ва маълумотларни саклаш ва улардан фойдалана олиш имкониятининг мавжудлиги;
- Фойдаланишининг қулагиллиги ва енгиллиги;
- Қидирув тизимларининг мавжудлиги;
- Маълумотлар ҳажмининг чекланмаганлиги;
- Вақтнинг тежалиши ва чекланмаганлиги, яъни ундан 24 соат мобайнида фойдаланишингиз мумкин;
- Кўшимча хизматларнинг мавжудлиги;
- Маълумотнинг аудио, видео ва компьютер графикаси ёрдамида сифатли ва яхшироқ акс эттириш мумкинлиги.

КОНГРЕСС Кутубхонаси Конгресс кутубхонаси Капитолий биносининг шаркий қисмida жойлашган. Кутубхона бюджети ўзининг катталиги жиҳатдан дунё кутубхоналари ичida ўзига хос аҳамият касб этади. Кутубхонада **100 млн.** нусхадаги мақола, турли мавзудаги **29 млн. китоблар** мавжуд. Бундан ташқари у ерда турли ҳариталар, мусика композитсиялари, фотографиялар мавжуд.

Кутубхонадан Америка ҳёти ва маданияти тўғрисида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Айниқса, ҳар бир президент ҳакида, Жорд Вашингтондан то Жорд Буш ҳакида тўлиқ ва кизикарли маълумотлар мавжуд. Кутубхона коллекцияларида Хитой, Япония, Россияга оид информациялар ҳам керагича топилади. Кутубхонанинг биринчи навбатдаги мажбурияти АҚШ Конгрессига илмий жиҳатдан ёрдам беришdir. Лекин, у миллий кутубхона вазифасини ҳам бажаради. Бош кутубхоначини АҚШ президенти тайинлайди ва у Сенат аъзоси хисобланади.

Конгресс кутубхонаси 1800 йилда ташкил этилган. Кутубхонанинг афзалликларидан бири, бу ерда турли тоифадаги кишиларга ва ногиронларга ҳам турли имкониятлар мавжуд. Кутубхонада китоблар 21 алфавит, нарфи бўйича фан тармокларига ажратилган.

Масалан :

- А - умумий масалалар
- Б - Философия, Сотсиология ва диний масалалар
- С дан Ф гача - Тарих
- Г - География, Антропология
- Х - Ижтимоий масалалар
- Ж - Сиёсий масалалар
- К - Хукуқ
- Л - Таълим
- М - Мусика
- Н - Санъат

6. Кутубхонадан фойдаланиш йўллари ва аҳамияти

Кутубхонанинг киши онгини шакллантириш ва ривожлантиришда, кишиларнинг фикрлаш қобилиятларини чукурлаштиришда, унинг комил инсон бўлиб етишишидаги тутган ўрни жуда катта. Ҳар бир инсон ким бўлишидан, қандай соҳада иш юритишидан қатъий назар, китоблардаги билимларга таянади ва кутубхона фондидан фойдаланади.

Кутубхона бу китобларнинг, кўлёзмаларнинг қозогза ёки бошқа нарсаларга ёзib қолдирилган маълумотларнинг йигинидиси хисобланади.

Дунёнинг деярли барча мамлакатларида кутубхоналардан маълумот алмасиш, алоқа воситалари ва таълим соҳасида кенг фойдаланади. Кутубхоналардан ҳар хил жабҳаларда фаолият юритувчилар, яъни талабалар, ўқитувчилар, олимлар, тадбиркорлар ва мамлакатни бошқариш аппаратида меҳнат қиласиган ходимлар ва бошқалар фойдаланади.

Кўплаб одамлар кутубхоналардан ўз ихтисосликларидан бошқа соҳалар ҳакида қўшимча маълумотларга эга бўлиш учун ва бўш вактларидан унумли фойдаланиш учун ишлатади.

Талабалар кутубхоналардан, асосан, газета-журналлар ўкиш, лектсияларни тўликлаштириш, мустакил бажариш учун берилган вазифаларни бажариш учун фойдаланади.

Кутубхоналарнинг маданий, тарихий урф одатларимизни, тарихимиҳ ҳақидаги маълумотларни сақлашда ва келажак авлодга етказишида тутган ўрни катта. Масалан, бизгача тарихимиға тааллукли кўплаб китоблар, кўлёзмалар, ёзма ёдгорликлар етиб келган. Бебаҳо диний китобларимиз «Авесто» ва «Куръону Карим» бунга мисол бўла олади. Шу билан тенги йўқ алломаларимизнинг, яъни Ал-Хоразмийнинг «Алжабр», Берунийнинг «Геодезия», «Хиндистон ўтмиши» аждодларимиздан ёдгорлик», Ибн Синонинг «Ал қонун фит тиб», Юсуф Хос Xожибининг «Кутадгу билик», Мухаммад Қошғарийнинг «Девони лугат ат турк», Алишер Навоийнинг кўплаб газалу достонлари бизга ўтмиш билан алоқа воситаси хисобланган китоблар орқали етиб келди. Китоблар бизга ўтмишимизни, давлатчиликимиз тарихини, машҳур тсивилизацияларни ўрганишда, ўтмишда йўл кўйилган хатоларни келажакда кайтармаслик учун ёрдам беради.

Замонавий кутубхоналар олдингилардан нафақат мазмуни, турлари билан, балки ундаги хизмат кўрсатиши, китоблар сифати билан ҳам ажralиб туради. Замонавий кутубхоналарда китоблар билан бир қаторда қўшимча маълумот берувчи материаллар кўплаб фактларга мосланган статистик маълумотлар, газета-журналлар, брошюралар ва компьютерлар бор. Аудио ва видео материалларга ҳар хил компакт дисклар, оддий дисклар, аудио

магнитофонлар, видео магнитофонлар, фильмлар, ҳариталар ва расмлар киради. Булар фан-техниканинг охирги ютуқларидан бўлиб, улар ўкувчининг янги маълумот қабул қилишини осонлаштиради ва тезлаштиради. Буларнинг ҳаммаси талаба ёки фойдаланувчининг вақтини кам сарф қилишга олиб келади ва фойдаланувчининг кўшимча вакти кўпроқ бўлади.

Китобларнинг пайдо бўлиши ёзувнинг пайдо бўлиши билан бевосита боғлик хисобланади. Ёзув бундан 6 минг йил, милоддан аввалги 4 минг йилда ўша даврнинг маданият ўчоги хисобланган Месопатомияда пайдо бўлган. Кейинчалик шу ёзув асосида тошларга, териларга, ёғочларга ва кейинчалик когозларга ҳар хил маълумотларнинг ёзилиши дастлабки китобларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Китоб деганда, қоғозга ёки бошка материалларга ёзилган, босмадан чиқарилган ва шуларнинг бир томонини мустаҳкамланиб иккинчи томонидан очиш мумкин бўлган нарсани тушунамиз. Кўпинча китоб ташки химоя қобигида бўлади. Китоб маълумотларни сақлаш, маълумотни ташиб учун энг арzon ва қулай восита хисобланади.

Бизгача биринчи пайдо бўлган китоб тўғрисида маълумотлар етиб келмаган, лекин дастлабки китоблар милоддан аввалги 2700-йилда Мисрда пайдо бўлган. Мисрликлар Нил дарёси бўйида ўсадиган папирус дараҳтидан хат ёзиш воситаси сифатида фойдалангандар. Инглиз тилида қофоз деган маънони билдирадиган « page » сўзи ана шу «папирус» сўзи асосида пайдо бўлган. Мисрдан топилган эски китоблар асосан узун, ўралган папирус дараҳтидан тайёрланган. Лекин шундай бўлса ҳам китобни ким ва қачон иктиро килгани фанга номаълум, масалан, мисрликлар папирус дараҳтига ёзувлар ёзган даврларда бабилонияликлар соз лойга ҳар хил белгиларни кўйиб белгилаб, уларни ўтда куйдириб келтирган. Улар соз лойга давлатни бошқариш тўғрисида, тадбиркорлик тўғрисида ва тарихлари ҳакида маълумотларини ёзib колдирган. Бундан 3 минг аввал хитойликлар ёғочларга ва бамбукка ёзув ёзив уларни бириктириб боғлаб, китоб сифатида фойдалангандар.

Кейинчалик, милоддан аввалги 500 йилларда қадимий греклар, милоддан аввалги 300 -100 йилларда римликлар ўралган қоғозлардан (папирус) кенг фойдалангандар ва қоғозларнинг дунё бўйлаб тарқалишига асосий сабабчилардан бири бўлди.

Китобчилик тарихида сув ўтказмайдиган ҳайвонлар терисига маълумотларнинг ёзилиши катта силжишларга олиб келди.

Римликлар 300 - йилларга келиб узун папирус қоғозларни кесиб уларни сахифаларга ажратиб бириктирадилар. Кейин унинг бир томонини тикиб ташқаридан тери билан коплаганлар ва биз ҳозирги кунларда кўлланадиган китобларимизга ўхшаган китоблар кўлланана бошлади. Ушбу китоблар

олдингилардан кулайрок, сабаби бу китобларнинг хохлаган варакларини очиш ва ҳар бир саҳифанинг икки томонигаям ёзиш мумкин.

Ўрта асрларга келиб, черковлар Европада асосий таълим марказларига айланди. Авлиёлар ва монархлар черковда ишлаш билан бирга ёзиш ва китоб ясаш, ёзганларини китоб шаклига келтиришни ҳам ўрганди. Ўтган даврларда китобларнинг катта кисмини, китоб ёзишнинг мутахассиси хисобланган ҳаттоллар ёзган. Бу даврда Европада диннинг жамиятда тутган ўрни катта бўлган. Шу сабабли, ҳаттоллар кўпинча диний китоблар, яъни «Библия» билан алоқадор бўлган китобларни ёзганлар ва дин асосида ижод қилганлар.

Диний китоблар билан бир қаторда ҳаттоллар Грек ва Рим файласуфларининг асарларини ҳам қайтадан китоб қилиб тиклаганлар. Бу китобларга кўплаб рангли суратлар ва воқеаларнинг тасвирлари чизилган. Бу китоблар орасида олтин безаклар билан безалган расмлар ҳам мавжуд.

7-асрнинг охирига келиб, ўқишини осонлаштириш учун пунктуатсия белгилари ва бош харфларидан фойдаланила бошланди ва ҳар бир сўздан кейин белгили масофа ташлаб кейин иккинчи сўзни ёза бошладилар.

13 асрга келиб ҳозирги кунда қўлланилган қоғозларнинг дастлабки шакли пайдо бўлган. Қоғозлар терилардек мустаҳкам бўлмаса ҳам, улар териларга нисбатан анча арzon бўлган. Китоблар учун қоғоз ишлаб чиқариш гояси дастлаб хитойликлардан

1105-йилда чиқкан.

14 асрга келиб адабиёт фанининг ривожланиши натижасида китобларга бўлган талаб анча кучайди. Инсонлар китоб чиқаришнинг осон, арzon ва тез йўлни кидира бошладилар.

Босмахонадан чиқкан китоблар тарихи 868-йилдан бошланади. Бу йил хитойликлар «Бутра алмози» деб номланган. Бундай китобларни тайёрлаш учун дастлаб текстлар ёғочга ўйиб ёзилган ва ёғочга сиёҳ сурилиб уни қоғозга босиб чиқарган. Бу усул Европада 1300 йилларга келиб тарқала бошлади. 1500 йилларга келиб деярли барча Европа мамлакатларида босмахоналар мавжуд бўлган. Бу борада немис миллати бироз олдинда юришган.

1465-йили немитс фуқороси Италияда биринчи босмахонани очди. Италияning шимолий маркази хисобланган Венетсия китоб босиб чиқариш ва уни сотиш билан дунёга машҳур бўлиб кетди. 1470-йилга келиб Франциялик муҳаррир Николатс Жонсон энг зўр китоб дизайнери деган ном билан машҳур бўлди. «Едлаин пресс» 17-18 асрларга келиб Европада ўқишини ва ёзишини биладиган одамлар сони кўпая бошлади ва кичкина ва арzon китоблар кўп сонда босилиб чиқарила бошланди. АҚШ да биринчи босмахона 1539-йил Мехико Сити шаҳарida очилди. 1763 йилга келиб, Америкадаги барча 13 калонияда босмахона мавжуд бўлди. 1800-йилларга келиб, босмахоналарда

янги ихтиролар кашф этила бошладилар. Механик машиналар кашф этилди, бугга асосланган босмахона, қозғыш ишлаб чиқариш ривожланды ва китобларни тұплаш машиналари кашф этилди. Бу даврда сиртқи қобиги қоғоздан бүлганса арзон китоблар сони ошиб борди. 1935-йилга келиб, ҳозирги кундаги энг машхұр китоблардан хисобланған «чүнтак китоби»ни Америкалик редакторлар босиб чиқарди. 1900-йилларға, келиб, китоб чиқариш «механизациялашған саноат»ға айланды. Ҳозирги кунда китобларнинг деярли барчасини компьютерлар орқали чиқарылды. Китоблар «литограф» деб аталадиган рангли фото босма тобокларда босилем чиқарылады. Янги замонавий техникалар орқали биз рангли, чиройли, арзон ва дизайнлаштирилған китобни факаттіна бир амални бажарып натижасыда чиқаришимиз мүмкін. Янги ихтиролардан яна бири бу гапирадиган китоблардир, бу китоблар күр кишиларға, күзи ожизларға жуда күл келмоқда. Демак, хулоса қилиб айтадиган бўлсак, кутубхона инсоният яратған эзгу ишлардан энг олийси. Биз ватанимиздаги хар бир кутубхонани ўз уйимиздек саклашимиз ва унумли фойдаланишимиз лозим.

Назорат ва мулохаза учун саволлар

1. Мустакил ишлар тематикасининг тузилиши қандай?
2. Талабалар билим даражасини оширишда мустакил ўқишининг зарурлығы қандай жараёнларда ўз ифодасини топади?
3. Талабаларнинг таълим олишдаги мустакил иш жараёни.
4. Китоб устида ишлаш неча босқичдан иборат?
5. Кутубхонадан қандай фойдаланиш йўллари мавжуд?

5-мавзу. Талабаларнинг ўқув илмий-тадқиқот ишлари ва уларни ташкил қилиш.

Режа:

1. Илмий-тадқиқот ишлари ва уларни турлари.
2. Илмий иш, унинг мазмуни, мақсади ва вазифалари. Илмий ишларни бажарып тартиби. Илмий маъруза. Илмий амалий конференциянинг ўқув жараёнида туттган ўрни.
3. Талабаларнинг услугбий ва илмий-тадқиқот ишларини ташкиллаштириш. Фанлар бўйича илмий тўгаракларни ташкил этиш.
4. Курс, малакавий битирув ишлари ва хисоботларни ёзиш тартиби тўгрисида тушунча.

1. Илмий-тадқиқот ишлари ва уларни турлари.

«Илм бир чироқдурким, сени роҳат ва фарогатга ҳеч бир заҳматсиз етказади». Абу Лайс Ас-Самарқандий

Биз илм хакида фикр юритар эканмиз, бобомиз Ас-Самарқандийнинг айтганиларидек, илм - бу бир ёргулук, унда факат роҳат ва фарогат борлиги маълум бўлади. Илмни қанчалик чуқур ўрганиш орқали шунчалик маънавиятли, маърифатли бўлиб борамиз. Илм - бу инсонни эзгуликка элтувчи кучdir. Ҳар бир инсон илмли бўлишга интилади ва ўз олдига мақсадлар кўйиб яшайди. Мақсадли инсондан бир нималар кутиш мумкин, чунки унда мақсад бор, унга етишиш учун ҳам интилади, изланади ва шу қатори илмга эришади. Ҳозирги кунда ёшларни илм олишига ва мақсад билан яшашига, интилишига кўп йўллар очилган. Айниқса, талабаларга кўпгина имкониятлар яратилди. Дунё фанларини ўзлаштириш учун турли хил кутубхоналар ташкил этилган. Талабаларнинг ўз устида ишлашлари учун бу энг қулай имконият ҳисобланади. Бу ўз навбатида мустақил ўқиш тизимини кучайтиришга олиб келади.

Биламизки, мустақил ўқиш тизими ҳар томонлама фойдали ҳисобланади, чунки талаба бу учун ўзи кўп изланишига, кўпроқ топиб ўқишига тўғри келади. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини кайта ташкил этишни зарур килиб кўйди ва қатор чора-тадбирлар кўришни: « Таълим тўгрисида»ги Қонунни жорий этишни; янги ўқув режалари, дастурлари, дарсликларни жорий этишни, замонавий дидактик таъминотни ишлаб чикишни; ўқув юртларини аттестатсиядан ўтказишни ва аккредитатсиялашни, янги типдаги таълим муассасаларини ташкил этишни тақоzo этди.

Шуни тан олиш керакки, ўтган давр мобайнида амалга оширилган тадбирлар бугун хаёт талаб килаётган натижаларни бермоқда. Барча амалдаги ўзгаришлар ва тадбирлар асосан, таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини боқичларини бир-бири билан узвий боғлаш, яъни узлусиз таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш муаммоларини замон талабларига ва илм-фан тараккиётларига нисбатан ўзгариб ва сайқал олиб боради.

Бизнинг амалдаги таълим-тарбия тизимимиз бугунги замонавий, тараққий топган демократик давлатлар талабларига мослашган ҳолда ривожланиб бермоқда.

Бугунги кунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва билим бериш тизими, ҳаётимизда, жамиятимизда бўлаётган ислоҳот, янгиланиш жараёнлари талаблари билан ривожлантирилмоқда.

Ўзбекистонда аввало, жамиятнинг ҳар бир соҳаси каби таълимда ҳам ислоҳотлар амалга оширилди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг Мустақил Ўзбекистонимизнинг «Таълим тўғрисида»ги биринчи қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун аввало, Ўзбекистон таълимида илгари эришилган муваффакиятларни сақлаб қолишига хизмат қилди. Бу қонун ўша давр учун жуда зарур эди. Ахир жамият қонунсиз яшаса, вужудга келадиган бўшлиқни бир тасаввур қилинг. Айниқса, таълим соҳасида бундай ҳол жуда салбий оқибатларга олиб келиши тажрибаларда кўп синалган. Мазкур конуннинг яна бир хусусияти шунда эдики, у совет тузум саркитларини кўрсатиб беришга хизмат қилди. Демак, тўплланган ижобий жиҳатларни сақлаб колган, иллатларни англаб олишимизга хизмат қилган, аниқроғи эски тизимдан янгисига ўтишга кўпприк вазифасини ўтаган қонуннинг аҳамияти улкандир.

Шу билан бирга 1992 йилда қабул қилинган « Таълим тўғрисида» ги қонун яратган имкониятлар сабаб таълим тизимига катор янгиликлар кириб келди. Уларнинг асосийларини қисқача изоҳлаб ўтсак арзиди. Олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларига адолат мезони ҳисобланган тест тизими жорий этилди.

Конунда кўрсатилганидек ҳар бир мактаб, колледж, академик литеӣ ва олийгоҳларда ўкувчиларнинг ва талабаларнинг билимлари балли системада баҳоланиши таъкидланди. Балли баҳолашга, аниқроғи давлат олиб бораётган сиёсатга нисбатан ҳалкнинг ишончи ортди.

Кадрлар тайёрлаш тизимининг демократик ўзгаришлар ва бозор ислоҳотлари талабларига тўлиқ жавоб бериши, ўкув жараёнининг моддий техника ва аҳборот базаси юқори малакали педагог кадрлар билан таъминланиши, сифатли ўкув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материаллар, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интегратсиянинг ривожланиши кадрлар тайёрлашнинг замонавий талабларига ўтишини таъминлади.

Таълим-тарбия ва ўкув жараёнларининг таркибини, боскичларини бир-бири билан узвий боғлаш, яъни узлуксиз таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш муаммолари ҳал қилинди. Амалдаги таълим тизими замонавий, тараққий топган демократик давлатлар талабларига мос равища олиб борилмоқда.

Реферат, мустакил иш кабиларни ёзиш учун кўпроқ ўқиб ўрганишга тўғри келади. Булар ҳакиқий мутахассис тайёрлашда мухим аҳамият касб этади. Илмий-тадқиқот ишлари мутахассислар етиширишда етакчи ўринда туради. Етук мутахассис бўлиб етишишни олдига максад қилиб қўйган ҳар бир киши мустакил ўқиши, ўрганиши, ўз соҳасини мукаммал тушуниб етиши лозим. Лекин факат бу билан чегараланиб қолмасдан, шу ўргангандарини татбиқ қилган холда, илмий ишлар билан ҳам шугулланиши керак.

Талабаларни илмий-тадқиқот ишлари бир неча турлари бўлиб, уларга реферат, мустакил иш ва курс ишлари киради. Рефератнинг таркибий тузилиши: режа, адабиётлар рўйхати ва албатта, шу мавзу ёритилган бўлиши керак. Рефератда китобдан ўқиб фойдаланиш керак, аммо кўчирмасдан, мустакил фикрлар ёзилиши керак бўлади. Реферат хамма фандан ёзилиши мумкин. Уларнинг сони ҳар бир фаннинг ишчи ўкув дастурида берилган бўлади.

Мустакил ишга келадиган бўлсак, дарсда маълум бир мавзуларни мустакил ўзлаштириш учун ёзиладиган иш ҳисобланади. Унда режа, адабиётлар рўйхати ва мавзу ёритилган бўлиши лозим. Талаба мустакил фикрларни билдириб, ўзидан янгилик киритиб ёзиши зарур. Мустакил иш орқали талабанинг шу мавзуни қандай ўзлаштирганлиги ва қанчалик мустакил изланганлигини билиб олишимиз мумкин. Талабалар ишни ёзиш билан ўз билимини ошириб борадилар ва шу фанни яхши ўзлаштириб оладилар. Бу мустакил таълимнинг бир кўриниши ҳисобланади. Бундай мустакил ўқишлар орқали биз миллатимиз равнақига, ривожланишига ҳисса кўшган талабалар каторида бўламиз. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек: Ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шухрати бевосита ўз фарзандларининг аклий ва жисмоний етуклигига боғлиқдир. Аклий баркамолликка эришиш бу, албатта, яхши ўқишидир.

2. Илмий иш, унинг мазмуни, мақсади ва вазифалари. Илмий ишларни бажариш тартиби. Илмий маъруза. Илмий амалий конференциянинг ўкув жараёнида тутган ўрни

Илмий-тадқиқот ишининг турларидан яна бири курс иши ҳисобланиб, у ўз мутахассислик фанидан ёзилади. Курс ишини ёзиш тартиби эса, олдин курс иши мавзуси бўйича берилган адабиётлар билан танишиб чиқилади ва улардан ёзиладиган ситаталар белгилаб чиқилади, шулар асосида маълумотлар тўпланиб борилади. Кейин шуларга асосланиб режа тузилади. Режа З кисмдан иборат яъни: кириш, асосий қисм ва хулоса. Кирища мавзу нима мақсадда ёзилаётганлиги, нима учун айнан шу мавзу танлангани хақида баён этилиши лозим. Кейин асосий қисмга ўтилиб, унда мавзуга тегишли асосий фикрлар баён килинади. Мавзу маълум режалар асосида, ҳар бир режа алоҳида ёритилади. Ҳар бир режа ёритилишига алоҳида эътибор берилади.

Кейин хулоса қисмига ўтилиб, унда талаба ўз фикрини тўлиқ баён этиши керак бўлади. Талабанинг албатта хулосаловчи фикри бўлиши талаб этилади.

Биринчи курсда талабалар шу каби илмий-тадқиқот ишларини ёзадилар. Бу билан талабалар ўз билимини оширадилар.

Илмий-амалий конференцияларнинг ўтказилиши талабаларнинг, умуман, таълим олувчининг ҳаётида жуда катта рол ўйнайди. Илмий-амалий конференциялар талабаларнинг ўз устида кўпроқ ишлашга, изланишга ундейди. Аввало талабаларнинг олган билими хар хил йигилишларда, конференцияларда мустахкамланади. Талабаларнинг ўзлари бирор мавзу юзасидан илмий иш ёки маъруза килиши талабанинг шу мавзу бўйича кўпгина маълумотга эга бўлишига туртки бўлади.

Олий таълим олиш тизимининг асосий хусусиятларидан бири олий ўқув юртларида тайёрланаётган талабалар халқ хўжалигига фан ва техника: иктисодиёт, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларнинг эҳтиёжига, қараб ташкил қилинади.

Ўқув юртларини битириб, таълим-тарбия олиб чиқаётган ёшларимизнинг олган мутахассислиги ва тайёргарлиги кўп жиҳатдан замон талабларига, бозор иктисодиёти эҳтиёжига жавоб бериши керак. Таълим соҳасида ҳалқаро мөъёлрар ва андозалар асосида давлат стандартларини мукаммал ишлаб чиқиши, шунга караб, ўқув юртларини замонавий ускуна ва жихозлар билан таъминлаш, керакли моддий база яратиш аввалимбор, ўқув дастурларида кўрсатилган фанлар бўйича бугун тайёрланаётган мутахассислар талаб даражада бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам олий ўқув юртларини битириб чиқаётган мутахассисларга кўйилаётган талаблар юкори даражада бўлмоқда.

Биринчидан, олий ўқув юртини битираётганлар қандай талабларга жавоб беришини аниклаб олишимиз керак.

Иккинчидан, билимга чанкоқ, билим олишни ўзининг олий мақсади килиб кўйган истеъодди талабаларни топиш, танлаш ва қабул қилишда объектив, адолатли тизим ва тартиб ўрнатиш, уларнинг етарли маълумот олиши учун барча замонавий имкониятларни яратиб беришимиз керак.

Учинчидан, олий ўқув юртларида қандай ва неча хил мутахассислик бўйича таълим берилиши лозимлигини белгилаб олинниши зарур. Олий ўқув юртини ислоҳ килаётганда уларнинг бошқа давлатлардаги олий ўқув юртлари билан алокасини мустахкамлаш зарур ва ўз устозларимиз билан чекланиб колмай, четдан ҳам устозлар чақиришни йўлга кўйишимиз керак.

Юртимиз йигит-қизлари таҳсилнинг охирги йилларини тараққий топган давлатларнинг ўқув марказларига бориб ўқишларини ташкил қилишимиз мақсадга мувоғик иш бўларди. Бунга ҳеч қандай мафкура аралашмаслиги керак. Энг мухим масалалардан бири шуки, домлаларнинг савияси ва билимини оширишга шарт-шароит туғдириб берилиши лозим. Домлалар, профессорлар, кафедра мудирлари ўз устида ишламасалар, ўз соҳаси бўйича чет мамлакатларга илмий сафарларга бориб келмасалар, тажриба алмашмасалар,

албатта, бундай ахвол ўқув жараёнига ва унинг самарасига салбий таъсир кўрсатади.

Маълумки, ҳаётимизнинг барча соҳаларида ислоҳотларни ўтказиш, ўзбек модели деб ном олган ислоҳотлар сиёсатининг асослари бўлиши беш тамойилнинг бирида ислоҳотларни босқичма-босқич ўтказиш вазифаси кўйилган. Тараққиётнинг ўзбек модели кўйидаги тамойилларга асосланади:

1. Иктиносидётни мағкурадан холи этиш, иктиносиди сиёсатдан устуналиги, ўзига хос ички қонунларига мувофиқ ривожланиши.

2. Давлат бош ислоҳотчи, иктиносиди ўзгаришларнинг ташаббускори.

3. Қонун устуворлиги, қонун олдида ҳамманинг бараварлиги ва ҳамманинг қонунга бўйсуниши.

4. Бозор иктиносидётнига ўтишнинг барча босқичларида кучли ижтимоий сиёсат юритиш, аҳолининг муҳтож табакаларини ижтимоий ҳимоялашнинг устуворлиги.

5. Бозор иктиносидётнига босқичма-босқич ва изчил равишда ўтиш, яъни ислоҳотларни инкилобий сакрашларсиз амалга ошириш.

3. Талабаларнинг услубий ва илмий-тадқиқот ишларини ташкиллаштириш. Фанлар бўйича илмий тўгаракларни ташкил этиш

Мустақил йиллардаги босиб ўтган ҳаётимиз бу мұхим тамойилларни бизнинг шароитимизда нақадар тўғри эканлигини тасдиқлади. Шунинг учун таълим-тарбия соҳасида ҳам белгиланаётган ислоҳотларни ҳаётга татбик килишда мана шу принцип -ислоҳотларни босқичма-босқич ўтказиш принципи кўйилган.

Биринчи босқич - ўтиш даври бўлиб, у 1997-2001 йилларни ўз ичига олган, яъни тўрт йил давомида жорий этилади. Бунда кадрлар тайёрлаш тизими салоҳиятини сақлаб қолиши, унинг ривожланиши учун хукукий-меъёрий, илмий-методик, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш лозим. Бу босқичда, асосан, кўйидаги вазифаларни бажариш керак.

Миллий дастурни амалга оширишнинг бошланиши: янги талабларга жавоб берса оладиган педагог кадрларни тайёрлаш; Ўқув стандартларини яратиш ва янги дастурлар устида ишлаш; умумтаълим мактабларини тузилиш жихатидан қайта куриш; поғоналик таълим - ўрта маҳсус ва қасб-хунар билим юртлари тизимига замин тайёрлаш; узлуксиз таълим-тарбия тизимига асос солинадиган тадбирларни амалга ошириш; ижтимоий ҳимояни кафолатлаш каби масалаларни ечиш босқичи.

Иккинчи босқич - 2001-2005 йилларни ўз ичига олган. Бунда миллий дастурни кенг миқёсда тўлиқ амалга оширишга эришиш, табиийки, тизим

фаолиятининг самарадорлигини; меҳнат бозорини инобатга олиб, ижтимоий-иктисодий шароитдан келиб чикиб, дастур ғоялари ва қоидаларига тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Учинчи боскич - 2005 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган бўлиб, унда тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида ўзгарувчан ижтимоий-иктисодий шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш талаби. Бунда умумлаштирилган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимининг шаклланиши ва фаолият кўрсатишининг асосий тамойиллари кўйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- барча хил ва турдаги таълим муассасаларини юкори малакали мутахассислар тайёрлаш учун узлуксиз таълим фонди ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш;
- давлат таълим стандартларини жорий этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш механизмини ишлаб чиқиши;
- ихтиносликлар, малака даражасига кўра мутахассисларга бўлган умумдавлат ва минтақавий ишловларнинг истикболини аниқлаш;
- таълим тизимини тузилиши ва мазмун жихатидан ислоҳ килиниши учун ўқитувчиларни ва мураббийларни қайта тайёрлаш;
- давлат ва ижтимоий муассасаларнинг касбга йўналтириш бўйича фаолиятини такомиллаштириш. Бунда касб танлашнинг бозор эҳтиёжлари ва имкониятларини эътиборга олиш зарур, токи ҳар бир шахс ўзи танлаган касбни эгаллай олсин;
- ўқувчи ёшларни Ватанга садоқат, юксак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга вижданан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;
- таълим муассасаларининг, биринчи навбатда умумтаълим мактабларини давлат томонидан молиявий ва моддий-техникавий тўлиқ таъминлаш мезъёрларини ошириш ва унинг механизмини такомиллаштириш;
- кадрлар тайёрлаш тизими истеъмолчилари-корхоналар, муассасалар, фирмалар, хиссадорлик жамиятлари, банклар ва бошқа тузилмаларнинг имкониятларидан, биринчи навбатда, ўрта маҳсус касб-хунар ўқув юртлари ва олий ўқув юртларининг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш учун мумкин кадар кенгрок фойдаланиш;
- кадрлар тайёрлаш ва таълим соҳасига чет эл сармоялари, ҳалкаро донорлик ташкилотлари ва жамғармаларининг маблағларини жалб этиш;
- конун доирасида ўқув режалари, дастурлари ва ўқитиш йўриклиари, таълимий хизматларни белгилашда таълим муассасаларига, биринчи навбатда, олий ўқув юртларига мустақиллик бериш ва ўзини ўзи бошқариш усуулларини

жорий этиш. Табиийки, бундай мураккаб вазифаларни амалга оширишда давлат ва жамиятнинг масъулияти алоҳида аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, илмий-амалий конференцияларнинг ўтказилиши кадрларнинг интеллектуал салоҳиятини, фикрларини, аклини чархлади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг кафедралари томонидан айниқса, мутахассислик кафедраларида фан йўналишлари бўйича илмий тўгараклар ташкил этилган ва ҳар бир ўз устида ишловчи талабалар бу тўгаракларга аъзо бўлишлари мумкин. Тўгаракларда ташкил этилган иш фаолиятлари орқали талабалар ўзлари учун қизиқарли бўлган мавзуларни ўрганишлари ҳамда мустакил илмий иш билан шугулланнишлари мумкин.

Ушбу тўгараклар талабаларга янги маълумотлар беради ва мутахассисларни кўпроқ изланишларга ундаиди.

4. Курс, малакавий битирув ишлари ва хисботларни ёзиш тартиби тўғрисида тушунча

Талабаларнинг ўкув илмий тадқикот ишларидан бири курс ишидир. Талаба университетда тегишли йўналиш бўйича олган назарий билимларини амалий материаллар асосида умумлаштириб, хулоса ва таклифларни асосли ҳолда ишлаб чиқиши, курс ишини замон талабига мос равишда бажариши керак.

Курс иши талабанинг назарий билимларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, амалий маълумотларни ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда умумлаштириш асосида бажарилувчи мустакил тадқикот ишидир. Шуни унутмаслик керакки, замон талабига мувоғик келадиган юкори малакали мутахассисларни тайёрлашда курс иши мухим аҳамият касб этади.

Курс ишини бажаришдан асосий мақсад:

- йўналаши бўйича олинган назарий билимларни мустаҳкамлаш;
- талабада мустакил ва ижодий фаолият кўникмаларини ривожлантириш;

- талабаларга амалдаги конунчилик хужжатлари, адабиётлар, даврий нашрлар, маълумотномалар ва бошқа манбалардан фойдаланишни ўрганиш;
- талабаларда химояга тавсия этилувчи курс ишини расмийлаштириш ва тўгри тузиш кўникмаларини ҳосил қилиш.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, курс ишининг муваффакиятли бажарилиши, кўп жихатдан, мавзунинг тўгри танланишига boglik. Талаба ўз илмий ва амалий қизиқишиларига таянган ҳолда рўйхатда келтирилган курс иши мавзусини мустакил танлайди. Талабалар танлаган мавзуга тегишли конун хужжатлари, Олий Мажлис конунлари, Президент фармонлари, Вазирлар

Маҳкамасининг қарорлари билан танишиб чиқади. Сўнгра улар курс иши мавзуси режасининг бир нечта кўринишларини ишлаб чиқадилар ва кўриб чиқиши учун уни илмий раҳбарга тақдим этадилар.

Курс иши таркибига кўра, унинг мазмуни одатда кириш, 2-3 та асосий бўйимлар ва хуносадан таркиб топади. Курс иши мавзуси танлангандан то у бутунлай бажарилгунча талаба илмий раҳбар билан доимий алокада бўлиши тавсия этилади. Курс ишининг умумий ҳажми 24-35 бет атрофида бўлиши лозим. Муқовадан кейинги варакда курс иши мавзуси ва режа бўлади. Курс иши варакнинг бир томонига ёзилади. Курс иши А-4 форматдаги қоғозга равон, тушунарли, мантикий кетма-кетликда ва фикрларнинг изчиллигига эътибор килган холда бажарилади. Талаба курс ишини бажариш давомида матнни ўчириб ёзмаслиги хамда грамматик хатоларга йўл кўймаслиги лозим. Курс ишининг кириш кисми 2-3 варак атрофида бўлиши мақсадга мувофиқдир. Унда танланган мавзунинг иктиносидий ислоҳотларни амалга оширишнинг ҳозирги боскичида қанчалик долзарб эканлиги ва амалий аҳамияти асосланади. Курс иши мазмунини баён этиш тартиби илмий тил тартиби талабларига жавоб берниши, узвийлиги, мантикийлиги хамда аник тузилиши билан ажralиб туриши лозим. Курс ишида бевосита амалиёт материаллари бўлиши хамда батафсил бўлиши керак.

Талаба курс иши мавзусини танлаши биланоқ, режани тузишдан олдин, мавзуга оид манбаларни - илмий-иктисодий адабиётлар, қонунчилик хужжатлари ва бошқаларни излаб топиши лозим. Фойдаланилган адабиётларнинг рўйхати курс ишининг мантикий тугашини таъминлайди. Битирув-малакавий иши хам талабаларнинг мустакил илмий тадқикот ишларидан биридир. Битирув-малакавий ишини бажариш куйидаги мақсадларга эришишга йўналтирилгандир:

- талабаларда мустакил илмий-тадқикот ишини бажариш кўникмаларини ҳосил қилиш;
- соҳани амалий маълумотлар асосида чукур таҳлил қилиш ва мавжуд муаммоларни аниклаб, уни ечиш йўлларини кўрсатиш;
- назарий ва амалий билимларни умумлаштириш асосида тегишли хуносалар қилиш ҳамда таклифлар ишлаб чиқиш;
- илмий-иктисодий адабиётлар билан ишлаш қобилиятини ривожлантириш;
- масалани иктиносидий ёndoшган холда ҳал қилиш кўникмасини шакллантириш;

Битирув-малакавий ишини юксак илмий-назарий савияда тайёрланиши ва химоя этилиши, университетда таълим бериш жараёнлари ҳалқаро стандартларга мувофиқ ташкил этилганлигини кўрсатади. Профессор-ўқитувчилар ҳар йил ўқув йили бошланиши билан энг долзарб масалаларни ўз

ичига олган битирув-малакавий иши мавзуларини ишлаб чиқадилар. Битирув-малакавий ишининг ҳажми ўртача 80-90 бет атрофида бўлиши лозим.

Ишнинг кириш кисми 4-5 бет ҳажмда бўлиб, унда талаба танлаган мавзусининг иктисодий ислоҳотларни эркинлаштириш ва янада чукурлаштириш шароитида нечоғли долзарб эканлигини асослади. Шунингдек, бу кисмда илмий-тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари ҳам ўз аксини топади. Агар амалий материал илмий адабиёт, журнал ёки газетадан олинганд бўлса, у ҳолда талаба, манбанинг номи ва муаллифи, манбанинг қаҷон чиқканлиги ва материал олинганд бетни кўрсатади.

Битирув-малакавий ишининг матни соф адабий тилда равон баён қилиниши лозим. Шунингдек, фикрлар ва жумлалар мантиқан ўзаро боғлик ва аник ифодаланиши керак.

Талаба битирув-малакавий ишида фойдаланиш учун амалий материалларни, асосан, ўзи ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган ташкилотдан олади.

Битирув-малакавий иши A-4 форматда қўлда ёзилиши ёки компьютерда терилиши мумкин.

Талаба битирув-малакавий ишини ёзишда адабиётлардан, интернет сайтларидан, банклар ва Вазирликлар маълумотларидан фойдаланиши лозим. Адабиётларни ўрганишда асосий эътиборни бевосита малакавий иш муаммоси билан боғлик бўлган бўлим, боб, бандларга қаратиш мухим аҳамиятга эга.

Шундай килиб, талabalарнинг етук мутахассис бўлиб етишишларида бундай ишларнинг аҳамияти катта.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Илмий-тадқиқот ишлари неча турга бўлинади?
2. Илмий ишнинг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
3. Илмий амалий конференциянинг ўкув жарабёнида тутган ўрни.
3. Талabalарнинг услубий ва илмий-тадқиқот ишлари қандай ташкиллаштирилади?
4. Курс, малакавий битирув ишлари ва ҳисоботларни ёзиш тартиби тўғрисида тушунча беринг.

6-мавзу «Рейтинг тизимини ташкил қилиш ва яқуний давлат аттестацияларини топшириш тартиби»

Режа:

1. Рейтинг тизими ва унинг ўкув жараёнида тутган ўрни.
2. Жорий назорат, оралиқ назорат ва яқуний назорат ўтказиш тартиби.
3. Талабалар билимини баҳолашда балл тизимининг авзалликлари.
4. Яқуний Давлат Аттестациясими ташкил этиш.

1. Рейтинг тизими ва унинг ўкув жараёнида тутган ўрни.

Мазкур “Тошкент давлат иқтисодиёт университетида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги низом Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда) ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й. 11-12-сон, 295-модда) конунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сон “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами. 2001 й. 15-16-сон, 104-модда), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2009 йил 11 июнядаги 204-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2009 йил 10 июнда 1981-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган топшириққа мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги 333-сон буйруғи билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2010 йил 26 августда 1981-1-сон билан давлат рўйхатидан қайта ўтказилган низомга, 2009 йил 26 майдаги 160-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг яқуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги низом, 2009 йил 14 августда 286-сонли буйруқ билан тасдиқланган “Талабалар мустакил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича Йўрикнома”, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2013 йил 13 декабрдаги 470-сонли “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида” ги буйруғига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ушбу Низом Тошкент давлат иқтисодиёт университети Илмий Кенгашининг 2014 йил “31” майдаги йигилишида мухокама қилинган ва тасдиқланган.

I. Умумий қоидалар

1. Талабалар билимини назорат қилиш ва рейтинг тизими оркали баҳолашдан максад таълим сифатини бошқариш орқали ракобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш, талабаларнинг фанларни ўзлаштиришида бўшлиқлар ҳосил бўлишининг олдини олиш, уларни аниклаш ва бартараф этишдан иборат.

2. Рейтинг тизимининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

а) талабаларда давлат таълим стандартларига мувофиқ тегишли билим, кўникма ва малакалар шаклланганлиги даражасини назорат қилиш ва таҳлил қилиб бориш;

б) талабалар билими, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг асосий тамойиллари:

Давлат таълим стандартларига асосланганлик, аниқлик, ҳаққонийлик, ишончлилик ва қулай шаклда баҳолашни таъминлаш;

в) фанларнинг талабалар томонидан тизимли тарзда ва белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини ташкил этиш ва таҳлил қилиш;

г) талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, ахборот ресурслари манбаларидан самарали фойдаланишини ташкил этиш;

д) талабалар билимини холис ва адолатли баҳолаш ҳамда унинг натижаларини вақтида маълум қилиш;

е) талабаларнинг фанлар бўйича комплекс ҳамда узлуксиз тайёргарлигини таъминлаш;

ж) ўкув жараёнининг ташкилий ишларини компьютерлаштиришга шароит яратиш (электрон журнал жорий этиш, компьютерларда фанлар бўйича тестларни қабул қилиш ва бошқалар).

3. Фанлар бўйича талабалар билимини семестрда баҳолаб бориш рейтинг назорати жадваллари ва баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

II. Назорат турлари ва уни амалга ошириш тартиби

4. Назорат турлари, уни ўtkазиш тартиби ва мезонлари кафедра мудири тавсияси билан университет (факультет) ўкув-услубий кенгашида мухокама килинади ва тасдиқланади ҳамда ҳар бир фаннинг ишчи ўкув дастурида машғулот турлари билан биргаликда кўrsатилади.

5. Рейтинг назорати жадваллари, назорат тури, шакли, сони ҳамда ҳар бир назоратга ажратилган максимал балл, шунингдек, жорий ва оралиқ назоратларнинг саралаш баллари ҳақидаги маълумотлар фан бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

6. Талабаларнинг билим савиёси ва ўзлаштириш даражасининг давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қўйидаги назорат турларини ўtkазиш назарда тутилади:

жорий назорат - талабабининг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниклаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат фаннинг хусусиятидан келиб чикқан холда, семинар, лаборатория ва амалий

машғұлтларыда оғзаки сүров, тест ўтқазиш, сұхбат, назорат иши, коллоквиум, үй вазифаларини текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтқазилиши мүмкін. Талаба машғұлтларға мунтазам равишида кечикиб келса, ёки бұлмаса, машғұлтларни мунтазам равишида ўтқазиб юбориш холларига йўл қўйса, жорий назорат баллари ўқитувчи томонидан 15%га пасайтирилишига йўл қўйлади. Жорий назоратнинг тўғри ўтқазилиши ва расмийлаштирилишига жавобгар кафедра мудири хисобланади ва ҳар хафтада профессор-ўқитувчининг журналини текшириб, имзо чекади. Даврий равишида жорий назорат ректорат, деканат, ўқув-услубий бошқарма ва бошқа назорат ходимлари томонидан ўрганилади ва тегишли тавсия ва тақдимномалар берилади;

оралик назорат - семестр давомида ўкув дастурининг тегишили (фаннинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тугаллангандан кейин талабанинг билим ва амалий кўнкма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Оралик назоратининг сони (бир семестрда икки мартадан кўп ўтказилмаслиги лозим) ва шакли (ёзма, оғзаки, тест ва хоказо) ўкув фанига ажратилган умумий соатлар хажмидан келиб чиккан холда белгиланади. Оралик назоратнинг тўғри ўтказилишига жавобгар этиб факультет декани ҳамда Ўкув-услубий бошкарма бошлиги белгиланади. Улар мутасадди ходимларни жалб этиб, оралик назоратни ўтказилишини ташкил этадилар ва тартиб-коидалар бузилган холларда тегишили далолатномани тузиб, расмийлаштирадилар;

якуний назорат - семестр якунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўнникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули. Якуний назорат асосан таянч тушунча ва ибораларга асосланган “Ёзма иш”, “Тест”, “Оғзаки” ва фаннинг хусусиятидан келиб чиккан холда бошка шаклларда ўтказилиши мумкин. Якуний назоратнинг тўгри ўтказилишига жавобгар этиб факультет декани ҳамда Ўқув-услубий бошкарма бошлиги белгиланади. Улар мутасадди ходимларни жалб этиб, якуний назоратни ўтказилишини ташкил этадилар ва тартиб-коидалар бузилган холларда тегишил даалолатномани тузиб, расмийлаштирадилар.

Таълим йўналиши ва мутахассисликлари айрим фанларининг хусусиятларидан келиб чиккан холда университет Кенгаши карори асосида якуний назоратлар шакли (ёзма иш, оғзаки, тест ва хоказо) ва уларнинг фоиздаги улуши белгиланади.

7. Оралиқ назоратни ўтказиш жараЇени кафедра мудири томонидан түзилған комиссия иштирокида мунтазам равишида ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилған холларда (талабалар томонидан ёзма ишларни күчириш (плағиат), шпаргалкалар ишлатиш, талабаларнинг бир-бирининг ўрнига кириши, техник воситаларни ишлатиш ва бошқалар), оралиқ назорат натижалари бекор килинади ҳамда оралиқ назорат кайта ўтказилади. Айрим холларда (талабанинг ўрнига кириб тест ишлаш, ёзма иш ёзиш, курс иши, амалиёт хисоботларини химоя килиш ва бошқалар) талабалар ректор буйргуғи асосида иккала талаба ҳам талабалар сафидан четлаштирилади.

8. Университет ректорининг буйргути билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида якуний назоратни ўтказиш жараёни доимий равиша ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда (талабалар томонидан битирув малакавий ишлар, магистрлик диссертациялари, ёзма ишларни кўчириш, шпаргалкалар ишлатиш, талабаларнинг бир-бирининг ўрнига кириши, техник воситаларни ишлатиш ва бошқалар), якуний назорат натижалари бекор қилинади ҳамда якуний назорат қайта ўтказилади. Айрим ҳолларда (талабанинг ўрнига магистрлик диссертацияси, битирув малакавий ишини ёзиш, кириб тест ишлаш, ёзма иш ёзиш, курс иши, амалиёт хисоботларини ҳимоя килиш ва бошқалар) талабалар ректор буйргути асосида ушбу ҳолатни содир этган иккала талабар ҳам талабалар сафидан чётлаштирилади. Талабага магистрлик диссертацияси, битирув малакавий иши, курс иши, амалиёт хисоботини ёзиб берган ходим ва профессор-ўқитувчи эгаллаб турган хизмат лавозимидан бўшатилади. Профессор-ўқитувчилар илмий раҳбарлигида бажарилган ишларда кўчириш (плагиат), нотўғри маълумотлар, хатоликлар ва бошқа шу каби камчиликлар аникланган тақдирда профессор-ўқитувчиларга нисбатан 2 ўкув йилигача илмий раҳбарликдан маҳрум қилиши чораси кўрилади.

9. Ўкув йили тугаганидан кейин рейтинг назорати натижаларига кўра талабаларни кейинги курсга ўтказиш тўғрисида белгиланган тартибда карор қабул қилинади.

III. Баҳолаш тартиби ва мезонлари

10. Талабаларнинг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида талабанинг ҳар бир фан бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади.

11. Ҳар бир фан бўйича талабанинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 балллик тизимда бутун сонлар билан баҳоланади.

Ушбу 100 балл назорат турлари бўйича куйидагicha тақсимланади:
якуний назоратга - 30 балл (масъул комиссия аъзолари);
жорий ва оралиқ назоратларга - 70 балл (фаннинг хусусиятидан келиб чиккан ҳолда 70 балл кафедра томонидан жорий ва оралиқ назоратларга тақсимланади). Университет кафедраларида жорий назорат (ЖН)га 35 балл ажратилади ва у куйидагicha тақсимланади: 1-ЖН 1-10* хафталар оралигига – 15 балл; 2-ЖН 11-17* хафталар оралигига – 14 балл; 3-ЖН 18-19* хафталар оралигига – 6 балл.

Жорий назоратга ажратилган 35 балл маъruzachi профессор-ўқитувчи тайёрлаган силлабусга асосан, жорий 15 баллни маъruzachi ўқитувчи, 20 баллни семинар (амалий) машғулот ўқитувчи кўйади.

*Ўкув режада 18 хафталик семестр бўлса, 1-ЖН 1-9 хафталар оралигига; 2-ЖН 10-16 хафталар оралигига; 3-ЖН 17-18 хафталар оралигига тақсимланади.

Оралиқ назоратга 35 балл (биринчи оралиқ (1-ОН) назоратни семинар (амалий машгүлöt) ўқитувчи ўтказади – 15 балл, иккинчи оралиқ (2-ОН) назоратни маърузачи ўқитувчи ўтказади – 20 балл) ажратилади.

Ўз навбатида 2-ОН 2 га ажратилади, 1) 10 балл – талаба якка тартибда топшириклар олиб тайёрланади ва химоя киласи, 2) 10 балл – талабалар кичик гурухларга бўлинади (бир гурухда 5-7 талабагача), топшириклар бириктирилади ва химоя қилинади. Топшириклар 2-3 хафталар оралиғида талабаларга бириктирилиши шарт. Якка тартибда ва гурухлар бўйича топширикларни химоя қилиш кафедра мудири тасдиқлаган жадвал (11-17 хафталар оралиғида) асосида машгүлотлардан сўнг ташкил қилинади.

Якка тартибдаги топшириклар 0-10 балл даражасида баҳоланади. Гурух бўйича хам топшириклар 0-10 балл, яъни талабалар гурухдаги фаоллик даражасида баҳоланадилар.

Якка тартибда ва гурух бўйича топшириклар куйидагича бўлиши мумкин: кейс-стади, тақдимот, эссе, вазиятли масалалар, варианtlар асосида савол-жавоб шаклида.

Хар бир фан бўйича жорий ва оралиқ назорат баллари маърузачи профессор-ўқитувчи тайёрлаган силлабусга асосан таҳсилланади.

Силлабуснинг структураси: профессор-ўқитувчи тўғрисида маълумот; фан ҳакида маълумот; мавзулар режаси; баҳолар мезони; аудиториядаги сиёсат ва этик коидалардан иборат бўлади. Талабаларга силлабус тартиби ва талабларини маърузачи профессор-ўқитувчи семестр бошида таништиради. Силлабус билан танишганлиги тўғрисида талабалар имзо чекадилар. Бу, ўз навбатида, талабалар билан профессор-ўқитувчилар ўртасида келиб чикиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олади. Силлабуснинг намунавий шакли мазкур низомга илова қилинади.

12. Талабанинг рейтинг дафтарчасига алоҳида кайд қилинадиган курс иши (лойихаси, хисоб-график ишлари), малакавий амалиёт, фан (фанлараро) бўйича якуний давлат аттестацияси, битирув малакавий иши ва магистратура талабаларининг илмий тадқикот ва илмий-педагогик ишлари, магистрлик диссертацияси бўйича ўзлаштириш даражаси - 100 баллик тизимда баҳоланади.

13. Талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичини назорат килища куйидаги намунавий мезонлар (кейинги ўринларда намунавий мезонлар деб юритилади) тавсия этилади:

а) 86-100 балл учун талабанинг билим даражаси куйидагиларга жавоб берни лозим:

- хулоса ва карор қабул қилиш;
- ижодий фикрлай олиш;
- мустакил мушоҳада юрита олиш;
- олган билимларини амалда қўллай олиш;
- моҳиятини тушуниш;
- билиш, айтиб бериш;
- тасаввурга эга бўлиш.

б) 71-85 балл учун талабанинг билим даражаси қуидагиларга жавоб бериши лозим:

- мустакил муроҳада юрита олиш;
- олган билимларини амалда кўллай олиш;
- моҳиятини тушуниш;
- билиш, айтиб бериш;
- тасаввурга эга бўлиш.

в) 55-70 балл учун талабанинг билим даражаси қуидагиларга жавоб бериши лозим:

- моҳиятини тушуниш;
- билиш, айтиб бериш; - тасаввурга эга бўлиш.

г) қуидаги ҳолларда талабанинг билим даражаси 0-54 балл билан баҳоланиши мумкин:

- аниқ тасаввурга эга бўлмаслик;
- билмаслик.

14. Намунавий мезонлар асосида муайян фандан жорий ва оралиқ назоратлар бўйича аниқ мезонлар ишлаб чиқилиб, кафедра мудири томонидан тасдиқланади ва талабаларга эълон килинади.

15. Намунавий мезонларга мувофиқ мутахассислик фанлар бўйича таянч олий таълим муассасалари томонидан якуний назорат учун баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилиб, олий таълим муассасаси Илмий-услубий кенгаши томонидан тасдиқланади ва турдош олий таълим муассасаларига етказилади.

16. Талабаларнинг ўкув фани бўйича мустакил иши жорий, оралиқ ва якуний назоратлар жараёнида тегишли топширикларни бажариши ва унга ажратилган баллардан келиб чиқсан ҳолда баҳоланади.

17. Талабанинг фан бўйича бир семестрдаги рейтинги қуидагича аникланади:

$$R_f = V^*O'/100$$

бу ерда:

V- семестрда фанга ажратилган умумий ўкув юклamasи (соатларда);

O'-фан бўйича ўзлаштириш даражаси (балларда).

18. Фан бўйича жорий ва оралиқ назоратларга ажратилган умумий балнинг 55 фоизи (39 балл) саралаш балл хисобланаби, ушбу фоиздан кам балл тўплаган талабалар якуний назоратга киритилмайди.

Жорий ва оралиқ назорат турлари бўйича 55 ва ундан юкори бални тўплаган талаба фанни ўзлаштирган деб хисобланади ва ушбу фан бўйича якуний назоратга кирмаслигига йўл қўйилади.

19. Талабанинг семестр давомида фан бўйича тўплаган умумий балихар бир назорат туридан белгиланган коидаларга мувофиқ тўплаган баллари йигиндисига teng.

IV. Назорат турларини ўтказиш мuddати

20. Оралиқ ва яқуний назорат турлари университет ректори томонидан тасдикланган ўкув жараёни жадвалыга мувофиқ деканат томонидан тузилган ва Ўкув-услубий бошқарма билан келишилган, белгиланган тартибда тасдикланган рейтинг назорат жадваллари асосида ўтказилади. Яқуний назорат семестрнинг охирги аттестацияга ажратилган 2 ҳафтаси мобайнинда ўтказилади.

21. Талаба фан бўйича курс лойиҳаси (иши)ни ушбу фан бўйича тўплаган баллари умумлаштирилишига қадар топшириши шарт.

22. Жорий ва оралиқ назоратларда саралаш баллидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, нағбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий ва оралиқ назоратлар учун яқуний назоратгача бўлган муддат берилади.

Касаллиги сабабли дарсларга катнашмаган ҳамда белгиланган муддатларда жорий, оралиқ ва яқуний назоратларни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишини бошлаганидан сўнг икки хафта муддатда топширишга рухсат берилади.

23. Талабанинг семестрда жорий ва оралиқ назорат турлари бўйича тўпланган баллари ушбу назорат турлари умумий балининг 55 фоизи (39 балл) дан кам бўлса ёки семестр яқунида жорий, оралиқ ва яқуний назорат турлари бўйича тўпланган баллари йигиндиси 55 балдан кам бўлса, у академик карздор хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2013 йил 13 декабрдаги 470-сонли “Олий таълим муассасаларида талabalар билимини назорат килиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш хақида” ги бўйруғига асосан академик карздор талабаларга семестр тугаганидан кейин (баҳорги семестр натижалари бўйича эса, талабаларнинг ёзги таътили ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг меҳнат таътилидан сўнг) қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида фанни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг бўйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади (айрим холларда университет Илмий Кенгаши карори асосида академик карздорликни бартараф этиш муддатлари узайтирилиши мумкин).

24. Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, фан бўйича назорат тури натижалари эълон килинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнинда факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор бўйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибида апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чикиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

25. Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири, ўкув-услубий бошқарма ҳамда мониторинг ва ички назорат бўлими томонидан назорат килинади.

V. Рейтинг натижаларини қайд килиш ва таҳлил этиш тартиби

26. Талабанинг фан бўйича назорат турларида тўплаган баллари семестр якунида рейтинг қайдномасига бутун сонлар билан қайд килинади. Рейтинг дафтарчасининг "Ўкув режасида ажратилган соат" устунига семестр учун фанга ажратилган умумий ўкув юклама соатлари, "Фандан олинган баҳо" устунига эса 100 баллик тизимдаги ўзлаштириши кўйилади.

Талабанинг саралаш балидан паст бўлган ўзлаштириши рейтинг дафтарчасига қайд этилмайди.

27. Ҳар бир фан бўйича ўтказиладиган назорат турларининг натижалари гурух журнали ҳамда қайдномада қайд этилади ва шу куннинг ўзида (назорат тури ёзма иш шаклида ўтказилган бўлса, 2 (икки) кун муддат ичida) талабалар эътиборига етказилади.

28. Якуний назорат натижаларига кўра фан ўқитувчиси (комиссия) талабаларнинг фан бўйича рейтингини аниклайди ҳамда рейтинг дафтарча ва қайдноманинг тегишли кисмини тўлдиради.

29. Талабанинг рейтинги унинг билими, кўнникмаси ва малакалари даражасини белгилайди. Талабанинг семестр (курс) бўйича умумий рейтинги барча фанлардан тўпланган рейтинг баллари йигиндиси орқали аникланади.

30. Талабалар умумий рейтинги ҳар бир семестр ва ўкув йили якунлангандан сўнг эълон килинади.

31. Диплом иловаси ёки академик маълумотномани деканат томонидан расмийлаштиришда фан бир неча семестр давом этган бўлса, рейтинглар йигиндиси олинади.

Талабага имтиёзли диплом белгилашда унинг ҳар бир семестр якунидаги фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи хисобга олинади.

32. Талабаларнинг назорат турлари бўйича эришган натижалари кафедралар, деканатлар ва ўкув-услубий бошқармада компьютер хотирасига киритилиб, мунтазам равишда таҳлил килиб борилади.

33. Жорий, оралиқ ва якуний назорат натижалари кафедра йигилишлари, факультет ва университет Илмий Кенгашида мунтазам равишда муҳокама этиб борилади ва тегишли қарорлар қабул килинади.

VI. Талабалар рейтинг балларини профессор-ўқитувчилар журналларида акс этириш

34. Профессор-ўқитувчи журнали (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2010 йил 29 авгуустдаги 340-сонли буйруги билан киритилган) - талабаларнинг дарсларга фаол қатнашиши ва ўзлаштиришлари ҳакидаги маълумотларни киритиб бориш учун тавсия этиладиган асосий хужжат ҳисобланади. Журналга талабаларнинг дарсга қатнашишлари, режалаштирилган топширикларни бажаришлари ва жорий ўзлаштиришларига оид маълумотлар мунтазам равишда киритилиб борилади.

35. Университет мазкур журнал шаклини ва мазмунини инновацион ҳамда илгор тажрибалар асосида такомиллаштириши мумкин. Журнални тўлдириш

учун профессор-ўқитувчилар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги 333-сонли бўйруғи билан ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган “Олий таълим мусассаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида низом”гини хамда 2009 йил 14 августда 286-сонли бўйруқ билан тасдиқланган “Талабалар мустакил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича йўрикнома”ни мазмун-моҳиятини билишлари шарт.

36. Йўналиш (мутахассислик) бўйича ишчи ўкув режасида кўрсатилган соатлар асосида тузилган фаннинг ишчи дастурида талабаларни билимини баҳолашнинг мезонлари келтирилади. Журнални тегишили бетларида келтирилган жадваллар ишчи дастуридаги мезонлар асосида тўлдирилади.

37. Машгулотлар жараёнида талабаларнинг дарсга қатнашиши, режалаштирилган топширикларни бажариши, олган жорий (1-3) ва оралиқ (1-2) назорат баллари ҳақидаги маълумотлар журналнинг тегишили саналар бўйича катакларига киритиб борилади. Машгулот тугагандан сўнг дарсга қатнашиб балл олмаган талабаларга “+”, дарсга сабабсиз катнашмаган талабаларга “Й” ёки “нб” ишорасини кўйилади, сабабли равишда дарсга қатнашмаётган талабаларнинг “Й” ёки “нб” ишоралари доирага олиб қўйилади. Семестр якунида жорий ва оралиқ назоратларнинг ҳар бири бўйича тўплangan баллар йигиндиси жамланиб, журналнинг “Баҳолаш натижалари” устунчаларига киритилади. Журнални тўлдиришда биринчи навбатда унинг машгулотлардаги фаоллигини, давоматини, мустакил ишларини хисобга олиниши зарур.

38. Талабалар мустакил ишни шартли равишида иккига ажратиши мумкин:

- аудиторида амалга ошириладиган ишлари, ўтилган мавзуни қайтариш ва мустахкамлашга оид топшириклар бажарилади;

- аудиториядан ташкарида амалга ошириладиган ишлари, ўкув дастуридаги айрим мавзуларни мустакил холда ўзлаштириш, уйга берилган вазифаларни бажариш, амалий ва лаборатория ишларига тайёргарлик кўриб келиш, ижодий ва илмий тадқикот характеристидаги ишлар ва х.к.

39. Биринчи турдаги ишлар талабаларнинг назарий ва амалий билимларини ўзлаштириб бориш даражаси, амалий машгулотларга (амалиёт, лаборатория, семинар дарслари) тайёргарлик савияси ва уй вазифаларининг бажарилиш сифатини текшириш максадида, одатда, назорат ишлари олиш, савол-жавоб, сұхбат, мунозара, реферат, эссе каби топширикларни бажартириш ва бошка усусларда асосан амалиёт дарсларида назорат (жорий назоратда) килинади.

Жорий назоратда талабанинг машгулотлар пайтида ўтилган материалларни ўзлаштириш ва уйга берилган топширикларни бажарышдаги фаоллиги, бажариш савияси ва ўзлаштириш даражаси эътиборга олинади.

40. Иккинчи турдаги ишлар фаннинг ишчи ўкув дастурида аудиториядан ташкарида ўзлаштириши учун белгиланган мавзу бўйича маълумот ва аҳборотларни мустакил равишида излаб топиш, таҳлил қилиш, конспектлаштириш (ёки реферат тарзида расмийлаштириш) ва ўзлаштириш, ижодий ёндашувни талаб киладиган амалий топширикларни бажариш

кўринишида амалга оширилади. Бу турдаги ишларни бажариш жараёни ва ўзлаштириш сифатининг назорати дарсдан ташкари пайтларда, маҳсус белгиланган маслаҳат соатларида амалга оширилади. Профессор-ўқитувчи журналида талабаларнинг мустакил ишлари журналнинг тегишли бетларида қайд этилади.

41. Университет Илмий Кенгашининг 2012 йил 28 майда кабул қилган қарори асосида ўкув семестри мобайнида талабалар томонидан фанлар мавзуларини қайта ўзлаштирилишини, фанлар бўйича академик карздор бўлган талабаларнинг фанларни қайта топширишини ташкил этиш тартиби асосида амалга оширилади. Талабалар томонидан қилинган қайта ўзлаштириш натижалари профессор-ўқитувчи журналини тегишли бетларида қайд этилади.

42. Профессор-ўқитувчи ўз журналини тегишли жойига киритилган маълумотларни тасдиқлаб имзо қўяди. Кафедра мудири эса журнални юритиши тартибини ҳар хафта охирида назорат килиб имзо қўйиб боради. Кафедра мудири профессор-ўқитувчи томонидан журнал тўғри юритилишига масъулдир. Кафедра профессор-ўқитувчиси журнални белгиланган тартибда ўз вақтида ва талаб даражасида тўлдирмаса ўқитувчи билан биргаликда кафедра мудирига нисбатан ҳам чоралар кўрилади.

43. Профессор-ўқитувчи ва гурух сардори журналидаги давомат ҳамда ўзлаштиришга оид маълумотларнинг бир хил бўлишига профессор-ўқитувчи шахсан масъулдир. Гурух сардори журналини тўғри юритилишига шахсан факультет декани масъулдир. Журнал ўз вақтида ва талаб даражасида тўлдиримаса, факультет деканига нисбатан чоралар кўрилади.

44. Журналга олий таълим муассасаси хусусияти ва илгор тажрибалар асосида киритилган бошқа айрим ўзгартиришлар университетда ўрнатилган тартиблар асосида бажарилади.

VII. Якуний қоидалар

45. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази тест баҳолари ва рейтинг балларининг холислигини текширишни ташкил этиши ва назорат қилиши мумкин.

46. Ушбу Низомда белгиланган масалалар бўйича келиб чиккан низолар қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилинади.

4. Якуний Давлат Аттестатсиясини ташкил этиш

Битирувчи курс барча таълим йўналишлари талабалари якуний боскич жараёнида битирув малакавий ишини тайёрлайдилар ва ҳимоя қиладилар. Битирув малакавий ишини бажаришда Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 1998 йил 31 декабрдаги 362-сонли бўйруги билан тасдиқланган «Олий ўкув юртларида бакалавр битирув малакавий ишини бажаришига қўйиладиган талаблар»га риоя қилиниши керак.

Талаба ўзи танлаган мавзуга мос келадиган режа саволларини тузиб олади, хамда шу мавзуни ўрганиш учун зарур бўлган маълумотлар базасини шакллантиради. Унда мавзуни ифодалайдиган назарий қарашлар, амалий маълумотлар, статистик кўрсаткичлар, диаграммалар, схемалар тахлилий жадваллар ва уларга оид бўлган хулоса хамда таклифлар умумлаштирилади, республикада ва чет элларда нашр этилган маҳсус адабиётлардан фойдаланилади.

Университет раҳбарияти томонидан тасдикланган Якуний Давлат Аттестатсиёси комиссияси томонидан битирув малакавий иш ҳимояси белгиланган тартибида қабул қилинади.

Битирув малакавий иш 100 баллик тизимда баҳоланиб, у қуйидаги боскичларни ўз ичига олади:

1. Танланган мавзунинг долзарблиги, тузилган режанинг мазмунан тўликлиги, битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифаларини аниқ кўрсатилганлиги – 15 балл;

2. Режада берилган саволларнинг матнда акс эттирилиши, битирув малакавий ишнинг талаб даражасида расмийлаштирилиши - 5 балл;

3. Мавзуни ёритища, уни ўрганилганлик даражасини тахлили қилишда, хорижда ва республикамида нашр этилган адабиётлардан фойдаланиш даражаси -10 балл;

4. Мавзу бўйича келтирилган жадвал маълумотларидағи кўрсаткичларнинг охирги ийларини қамраб олинганлиги, тахлил қилиш бўйича иқтисодий усулларни билиши - 15 балл;

5. Мавзу юзасидан мамлакатимиздаги ва хорижий давлатлар тажрибасини ўрганилганлик даражаси ва уни тадбиқ этиш бўйича берилаётган таклифлар- 15балл;

6. Мавзу бўйича килинган хулосалар, берилган таклифларнинг илмий ва амалий жиҳатдан асосланганлик даражаси - 10 балл

7. Матнда келтирилган манбаларнинг адабиётлар рўйхатига мослиги, улардан ўз ўрнида фойдаланганлик даражаси - 10 балл;

8. Битирув малакавий иши мавзусини ёритиб беришда, уни ҳимоя килишда кўргазмли маълумотлардан, илгор ахборот ва педагогик технологиядан фойдаланиш даражаси - 10 балл

9. Битирув малакавий иши чет тилида талаб даражасида бажарилиши ва ҳимоя қилиниши - 10 балл;

Талаба томонидан бажарилган битирув малакавий иши Якуний Давлат Аттестатсиёси комиссияси аъзолари томонидан юкорида келтирилган мезонлар асосида баҳоланиб, баҳо шакллари қуйидагича табакалаштирилади:

54 баллгача - «қониқарсиз» баҳо;

55 баллдан - 70 баллгача «коникарли» баҳо;
71 баллдан - 85 баллгача «яхши» баҳо; 86 баллдан - 100 баллгача «аъло» баҳо.

Битирув малакавий ишини баҳолашда ҳар бир битирувчи кафедра ўзининг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда битирув малакавий ишини баҳолаш мезонини ишлаб чиқади ва маҳсус баённома билан уни тасдиқлайди.

Битирувчи курс талабаларига мутахассислик кафедралари томонидан битирув малакавий иш мавзулари берилиб, университет раҳбарияти томонидан ҳар бир талаба учун илмий раҳбар бириктирилади ва уни буйруқ билан тасдиқланади.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Рейтинг тизими ўкув жараёнида қандай ўрин тутади?
2. Жорий назорат, оралиқ назорат ва якуний назорат қандай тартибда ўтказилади?
3. Талабалар билимини баҳолашда балл тизимининг афзалликлари нималардан иборат?
4. Якуний Давлат Аттестацияси қандай ташкил этилади?

7-мавзу. Озиқ-овқат товарлари товаршунослиги ва унинг назарий асослари

Режа:

1. Озиқ-овқат товарлари товаршунослиги фанининг мақсади ва вазифалари
2. Озиқ-овқат товарлари товаршунослиги фанининг назарий асослари

1. Озиқ-овқат товарлари товаршунослиги фанининг мақсади ва вазифалари

Ўзбекистон суверен давлат сифатда очиқ иқтисодиётни вужудга келитириш, ташқи иқтисодий сиёсатни ўз манбаатларини кўзлаб белгилаш, жаҳон хўжалик алоқаларида фаол қатнашиши бўйича кенг кўлламда иш олиб бормоқда.

Замонавий бозор иқтисодиётини ривожланиши даражаси ҳамда ҳалқимизни моддий ва ижтимоий хаёт даражасини тубдан ўзгариши стандартлаш тизими асосида товар сифатларини яхшилаш муаммосини

келтириб чиқармокда.

Саноатимиз ишлаб чиқарилаётган махсулотлар жуда ҳам ранг-барангдир. Улар бир бирларидан нафакат ўзларини хизмат кўрсатиш хусусиятлари билан, балки шакли, ўлчамлари, мураккаб конструксияси билан ҳам ажralиб туради. Ҳар бир махсулот бир бутун хилма хил хусусиятларга эга бўлиб, улар на факат ушбу махсулотни истеъмол этиш балки моддий ишлаб чиқариш жараёнларида ўрнини ва ахамиятини белгилаб беради.

Товарларни истеъмол қийматини тадқикот килувчи «Товарлар ва стандартизатсия асослари» фанини асосий вазифалари куйдагилардир: меъёрий эҳтиёжни шакллаш ва уни кондириш; эҳтиёжлар структурасини аниклаш; уларни микдорий ифодалаш усулларини ва меъёрий истеъмол нормативларни яратиш; ассортиментни истиқболлар ва уни баҳолаш учун асос бўлиб хизмат киладиган товарларни синфлашни яратиш; товарларни сифат ва истеъмол қийматини баҳоловчи усулларни такомиллаштириш; сифат ва истеъмол хусусиятларини оптимал саклаш шароитларини топиш; сифат ва меъёрий сифат кўрсаткичларига қўйиладиганталабларни ишлаб чикиш; саклаш ва ташиш даврларида товарларни оқилона саклаш усулларини ишлаб чикиш; махсулотларни, ҳом ашё ва ярим фабрикантларни истеъмол хусусиятларига, саклаш муддатларига, кадокловчи идишлар ва ўровчи материалларига, асобб ускуналарига, текшириш усулларига, автомат орқали савдо ускуналарига, текшириш усулларига, автомат орқали савдо килишга мўлжалланган ва кадокланга товарларга талабларни ошириш; махсулотларни стандартлаш ва сертификатлаш бўйича комплекс дастурларни яратиш ва уни ҳаётга жорий этиш; махсулотни сертификатлаш бўйича иш кўлами ва даражасини ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1996 йилдаги «Истеъмолчиларни хукукларини химоя килиш» Конунига асосан ҳар бир истеъмолчи сифатли товарлар ва махсулотлар билан таъминланиши зарур.

Синфлашни илмий асосларини чуқур эгаллаб олиш атамаларни тартибга солиш, тадқикот натижаларини жамлаш ва илмий изланишлар олиб бориш воситаси сифатида, товар сифати ва ассортиментини ўрганишни осонлаштириш ва уни бошариш ҳамда ҳом-ашё, материаллар ва ярим фабрикатларни асосий истеъмол хусусиятларини ўрганиш, улар сифатига баҳо беришни билишга, керакли аникликда товарлар ва материал ресурсларига бўлган эҳтиёжни топишга, материалларнинг меъёрий сарфи ва уларни ўзаро ўринбосарларини илмий асослашга, товарлар, ҳом-ашё, материаллар ва ярим фабрикатларни истеъмол қийматларини белгилашга ёрдам беради. Ўқитилаётган фанда маркировкалаш тарзи, шартли белгилар ва штрих кодлар мухим ўрин эгаллайди, чунки улар ҳакидаги билимлар махсулот сифатига меъёрий ҳужжатлардан фойдаланишида керак бўлади. Фан, техника, иқтисодиёт, майший

хизмат, транспорт соҳаларидаги таклиф этилаётган асосий хизматлар билан танишиш ички ва ташқи истеъмолчиларни кенг доирадаги эҳтиёжларини кондириш мақсадида бундай хизматларни яратиш, таклиф этиш ва бошқаришга ёрдам беради. Махсулотларни сертификатлаш ва ҳалқаро стандартлаш масаласи ушбу фанда муҳим ўрин эгаллайди ва бу соҳадаги билимлар сертификатлаш тизимида асосий конунларни, сифат кўрсаткичлари номенклатурасини, ҳисоблаш усусларини, махсулотларни текшириш ва назорат этишни ишлаб чиқиш ва белгилашда, махсулотни техник иқтисодий даражасини дунёдаги худди шундай энг яхши намуналари билан солиштира олишга ёрдам беради.

«Товарлар экспертизаси хизматларини ташкил этиши» ижтимоий, табиий, иқтисодий ва техника фанлар билан узвий боғланган. Масалан, фалсафа фани меҳнат маҳсали бўлмиш «истеъмол қиймат» ва «сифат» каби тушунчаларнинг фалсафий мазмунини очиб беришга ёрдам берса, иқисодиёт фани эса, «товар ишлаб чиқариш», «товар баҳоси» каби тушунчаларнинг ижтимоий магзини очиб беришга ёрдам беради. Товарни истеъмол қийматини моддий томонини ўрганиш, тушууниш ва бошқариш учун бошлангич билим манбани бўлиб математика, химия, физика, биология, физиология, микробиология, ишлаб чиқариш, совутиш ва ўлчаш технологиялари, ҳамда Ўзбекистон Республикаси конунлари, стандартизатсия соҳасидаги атама ва тушунчалар хизмат киласи. Таклиф этилаётган фанни метрология, квалиметрия, статистика математикаси, молия ва ҳалқаро савдони хукуқий нормалари ҳакидаги ахборотларсиз ўрганиш қийин.

Таклиф этилаётган фанни ўқитиш ва товарларни стандартлаш, маркировкалаш, артикуллаш, синфлаш бўйича материалларни ўзлаштириш, бозор иқтисоди шароитида кўплаб товарлар ассортименти структурасини ўрганиш учун, техник иқтисодий ахборотларга ишлов бериш, уларни истиқболлаш учун компьютер техникаси ва воситаларидан фойдаланиш савода ва саноатда маҳсулот сифатини комплекс бошқариш тизимини жорий этишни таъминлайди. Дарслик Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида иқтисодчи мутахассислар тайёрловчи ўкув юртлар аспирантлар ва ўқитувчилар учун мўлжалланган.

Товарнинг истеъмол қийматини ўлчаш мумкин. Истеъмол қиймати баҳоланади, яъни сифати ўргайлади (татиб кўрилади, яхши навлиларни...) Товарнинг истеъмол қиймати доимо яхшиланиб ва ривожланиб боради фан ва техниканинг тараққиётига караб у ёки бу товар юқори даражали истеъмол қийматга эга бўлган холда ишлаб чиқарилади.

Товаршунослик фани вазифасига, товарларни истеъмол хусусиятларини ўрганиш, сифат ва баҳосини белгиловчи омилларни ўрганиш, перспектив

товарларни илмий классификациясини ишлаб чикиш, товарлар ассортиментини шаклланишига таъсир килувчи факторларни ўрганиш ва уни бошқариш каби масалалар киради.

Товаршунослик фани ўзига якин фанлар билан узвий бөглиқ ривожланади. Булар физика, кимё, математика, метрология, микробиология, биохимия, психология, эстетика, квалиметрия – сифатни ўрганиш.

Товаршуносликнинг асосий категориялари қўйидагилар: товар; товарни истеъмол киймати; товарни сифати; товар ҳақида информация. Товар ҳақидаги тушунча – товар ишлаб чиқаришдан бошланган. Эрамиздан аввалги ИИИ асрдан бошланган деб фараз килинади. Косиблар – хунармандлар, дехконлар, чорвадорлар меҳнат қуроллари ишлаб чиқарғанлар. Қулдорлар уларни бозорда сотишдан манфаатдор бўлиб, товарларнинг истеъмол кийматларини ўрганганлар. Қулдорлар, феодаллар ва капиталистлар товарлар ассортиментигина ўргана олганлар.

Илмий давр – капитализмни ривожланишига тўғри келади. ХВИ асрда келиб ҳалқ истеъмол товарлари – доривор ўсимликлар бутун савдо қилиш жаҳон бозорида ривожланган. Осиё зираворлари Франсия, Испания ва европанинг бошка давлатларини бутун иқтисодидаги сарфларни деярли хаммасини эгаллаган.

Илм фан ривожлана бориб 1949 йили Италияда Падуя университети кошида товаарни ўрганиш биринчи кафедраси очилган. Бу ерда асосан фармасевтикада ишлатиладиган ўсимлик хом-ашёси ва ҳайвонот дунёсига тегиши хом-ашёларни ўрганиш йўлга қўйилган.

Кейинчалик товаршунослик илми китоб танлил бошлана борган. 1575 йилда Россияяд «Савдо китоби» 1756 йилда Лейпцига фалсафа кафедрасида К.Г.Людовиски «Тўлик савдо системаси асослари» китоби пайдо бўлган. Бу китобларда товаршунослик фани, товарларни туркумланиши, ишлаб чиқариш ва савдо сирлари хам ўрганила бошланди.

АКШ, Англия, Франсия, Германияда саноат ривожлана бошлади, йигириш, тўкиш, буг двигателлари ишга тушди. Бу даврда савдо –сотик ишлари ривожлангани сари товаршуносликка эътибор кучая борди. Кўпгина университетларда товаршунослик кафедралари очилди, товаршуносляр тайёрланди, илмий тадқиқот ишлари ривожланди; дреликлар чоп этилди. Биринчи товаршунослик маълумотномаси (справочник) 1798 йили ёзилди (Москва ва Қозонда). 1907 йилда Москвада тижорат (Плеханов), 1912 йилда Киевда савдо-сотик институтлари очилди.

Бу даврда ёзилган дарсликларда асоссан технологияга эътибор берилган эди. Товаршуносликнинг асосий масалаларидан хисобланган товар сифати, ассортиментини бошқариш, сотиш, истеъмол килиш ёки ишлатиш пайтида

парвариши қилиш каби масалалар ёритилмаган.

Кейинроқ товаршунослик назарий асослари шаклланди ва 1939 иили «Товаршунослик асослари» Г.Р.Коряк, 1958 иили «данаат товарлари товаршунослигига мүқаддима» Н.А.Архангельский томонидан ёзилиб, олий ўкув юртларига дарслык сифатида таклиф этилди.

1988 иили «Товаршуносликнинг назарий асослари» янги фан сифатида киритилди.

Товарларни классификациялаш товар айланишида талабномалар тузишда, прейскурантлар тузишда, омборхоналарда товарларни тақсимотида кенг ишлатилади. Қабул қилинган классификацияга асосан товарлар хисобга олинади, хисобот берилади ва реализация қилинади.

Товарларни кодлаш ва классификациялаш ўз навбатида электрон хисоблаш машиналари ва АСУни қўллашни талаб қиласди.

Классификациялашни белгилари ва умумий қоидалари - қуидагилар-дан иборат:

Классификациянинг олий, ўрта ва қуий погоналари бўлади.

Олий – бўлим, (класс) синф;

Ўрта – гурух, тур (вид);

Қуий – кенж гурух, кенж синф, кенжатур

Тур – ассортимент маҳсулот бўлиб, у маълум номга йўналишига эгадир.

Мисол: ликобча, стол, крепдешин – тур категориясига мансубдир; идиш, мебель, газмол юқоририк погонага мансуб бўлиб синфлар бўйича бўлиниши мумкин.

Тур – кенжатурга, ҳар хил кенжатурга, у эса ўз навбатида артикулга бўлиниади.

Ноозик-овқат товарларини погоналаш асосига уларни синфларга бўлишда, буларни йўналиши, ишлатиладиган хом-ашё, ишлаб чиқариш усули, конструкциясини асоси, жинсига ва ёшига қараб, мавсумий фойдаланиши хусусиятига қараб, маҳсулот турига, катта кичик кўрсаткичлари, замонавийлиги ва бошқалар олинган.

Йўналиши мақсадли фойдаланишига қараб – мебел, кийим, оёғ кийим ва бошқалар. Мебель ўз навбатида майший, умумий ва хоналар учун ишлаб чиқарилиб фойдаланилади.

Асосий хом-ашёларга қараб – пластмассадан, шишадан, сополдан, металдан...

Газламаларидан ва жундан; шишали товарлар хрустал ва навли шишадан; автоматли ва ярим автоматли холодильник – компрессорли абсорбсион. Мавсумий, катта-кичиклиги, замонавийлиги, классификацияларида ишлатилади.

Бир хил – айрим товарлар спесифик күрсаткичлари бўйича бўлинади. Масалан, мусика товарлари торли, клавишли, уриб чалинадиганва бошкалар.

Парфюмерия маҳсулотлари кўпинча хиди бўйича (гулни эслатувчи фантазияли...) Товарлар иерархик фасет системалари бўйича ҳам классификация қилинади. Иерархик система классификациясида маълум қоидаларга риоя қилиш керка бўлади. Ҳар бир боскичда товарлар битта ёки айрим белгилари бўйича классификация қилиниш мумкин. Бу усулда классификациялаш асосан ҳамма товарлар учун умумий бўлган кўрсаткич бўйича олиб борилади. (масалан, йўналиши, материали, ишлаб чиқариш усусли) кейинги погоналарда эса уни мавсумийлиги, конструксияси ва фасони. Ва бошқа кўрсаткичлар бўйича фасет системада товарлар параллел ҳолатда бўлинниб уларни кўрсаткичлари бир-бирига боғлик бўлмайди. Бу бўлинниш классификация жуда эгишувчан, мослашувчан ва оддий бўлиб, кўпчилик ҳолатларда савдо амалиётда кўлланилади.

Ҳаётда кўпинча иккала-иерархик ва фасет бўлинишлар аралаш холда фойдаланиш ва ишлатилиши мумкин.

Товаршунослик классификациялаш усуллари.

Максадга караб иктисодий-статистик ва савдо товаршунослик ва бошқа усуллар мавжуд. Кабул қилинган қоидаларга асосан иктисодий-статистик бўлинниш саноат ва кишлек хўжалик маҳсулотлари учун (ДКХМ) – давлат классификация ноозик-овқат товарлари МСБда. (Марказий Статистик Бошкарма). Ҳамма маҳсулотлар тармоқда ишлатилишига кўра 100 ита синфга бириклирилган. Бунда бошлангич ҳом-ашёга ҳам катта аҳамият берилган.

Ҳар бир синф ҳам 10 кенжा синфга бўлинган. Кенжা синфлар эса ўз навбатида 10 турга бўлинган.

Бу бўлинниш категориялари олий классификация бўлинишларига қарайди. Тур ўз навбатида кенжатургга, маркага, моделга бўлинади.

Қоидага кўра ҳар бир турдаги товарлар 10 хонали сон кодига эгадир. Бу ерда синф сон билан белгиланади, кенжা синф, группа, кенжагруппа, тур ҳар битта сон бутун белгиланади. Охирги тўртта сон тур ичига хос бўлади ва маҳсус марка ва модел белгилайди. Кўпинча биринчи олтита сон олий классификацияда ишлатилади ва стандартни биринчи бетида кўрсатилади.

Савдода МСБни классификацияси ишлатилади ва кенг истеъмол товарларини гурухга бўлинади: озиқ-овқат ва ноозик-овқатлар.

Ноозик-овқатлар товарлари 64 гурухга бўлинади (35 – 98 гача). МСБ гуруҳдаги статистик хисоботда ва сотув ҳамда қолдик товарлар савдода №3-формада белгиланади.

Товарлар товаршунослик классификациясига асосан савдо ва ўкув классификацияга бўлинади.

Савдо классификациясида товарлар группаларига йўналиши фойдаланиладиган ишлаб чиқариш усулига караб бўлинади .Ва улар 350 чи прейскурантда берилган

Прейскурантлар гурухлар кенжагурухлар ёки куйи классификацияларни ўз ичига олади Уларда яна прейскурант ички классификацияси хам бўлиб улар товарни ўзига хос белгиларга асосланади

Ўзбекистонда юз бераётган прогрессив ўзгаришлар унинг жуда катта бойликлари ишлаб чиқариш илмий-техникавий интеллектуал имкониятлари, онёб илмий-назарий мероси халқимиз тарихи ва ҳозирги ҳаёти билан қизиқаётган дунёнинг барча мамлакатларидағи сиёсатчилар, бизнесчилар, одий одамларни ўлкамизга тобора жалб қилмоқда.

Ўзгариб бораётган жўғрофий сиёсий структурасида Ўзбекистоннинг роли ортиб, ҳамдўстлик мамлакатларидаги шерикларимиз хам, шунингдек биз тўла хуқукли азоси бўлган обрўли ташкилотлар хам Ўзбекистоннинг фикри билан ва унинг нуктаи назари билан хисоблашмоқдалар.

Бозор муносабатлари шароитида шундай бир долзарб пайтда мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш уни юкори ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиши масаласи олдимизда турибди.Ушбу максадга эришиш учун иқтисодий билимларни юксалтириш зарурдир . шу ўринда шуни айтиш жоизки товарлар ва уларни сифат кўрсаткичларини ҳар томонлама чукур тахлил этиш устивор вазифаларидан биридир.

Классификация – бу предметлар ёки тушунчаларни умумий табиати ҳамда кўрсаткичлари бўйича гурухлаш ва таснифлашдир.

У ўзи хизмат қиласидан кўпгина тамойилларга асосланади. Озиқ-овқат товарлари учун ўкув савдо стандарт ва прейскурантлар классификацияси тузилган. Ўкув классификацияси бўйича озиқ-овқат товарлари куйидаги гурухларга бўлинади: бугдой товарлари, мева-сабзавот товарлари, кўзикоринлар, крахмал маҳсулотлари, шакар, асал, сут товарлари, тухум товарлари, гўшт, балиқ маҳсулотлари, озиқ-овқат концентратлари. Товаргурухлари чегарасида товарлар турлар ва нав гурухларга бўлинади. Товар нави ва туркумлари ўзига хос ва келиб чиқиши манзили орқали белгиланади. Товар тури ваунинг сифати ва стандартларига мослигин характеристлайди. Масалан, «озиқ ёғлар»га куйидаги ёғлар киради: ҳайвон ёғи, маргарин ва бошқалар. Товарларнинг бундай классификацияси алоҳида товар гурухини эмас, балки бир хил товарларга тегишли бўлган гурухларни ўрганишга имкон беради. Бу товарлар сифат хусусиятларини ўрганиш, уларга умумий характеристика бериш умумий ўрганиш методларини ишлаб чиқиши умумий асосланган консервансия ва саклаш усуllibарини ишлаб чиқиши имконини беради.

Товар ўкув классификациясини илмий классификация деб бўлмайди, унда товар гурухлари бир принсип орқали келтирилмаган. Ўкув классификацияси товарларнинг савдо классификациясига якин ва товарнинг истеъмол хусусиятларини ўкув хусусиятларida ўрганиш учун нисбатан қулайдир.

Савдо классификацияси бўйича товарлар куйидаги: нон, мева-сабзавот, кондитер, гўшт, ёғ, сут, балиқ, тухум, озиқ-овқат ёғлари ва тамаки маза берувчи товарлар гурухларига бўлинади. Консервалар қандолат маҳсулотлари, сариёғ, пишлоклар, калбосалар, дудланган ва тузланган гўшт маҳсулотлари гастрополик товарлар гурухларига киради. Савдо классификацияси режалаштириш хисоб юритиш, чакана нархларни тузишда товар буортмаларини тузишда ҳам товарларни қабул килиш ва саклаш, товарларни магазин ва бозорларда жойлаштириши керак бўлади. Бу классификацияда аник белгиланган тизим йўқ. Бунда товарларни тизимлаштириш, хом-ацё белгиланиш ва соҳалари бўйича амалга оширилади.

Ассортимент – бу маълум бир белги бўйича бирлаштирилган товарлар тўплаштирилган.

Ассортимент икки гурухга бўлинади:

- саноат ассортименти
- савдо ассортименти.

Саноат ассортиментига маълум бир соҳага тегишли бўлган товар номенклатуроси киради.

Саноат ассортименти деб саноат ва кишлок хўжалигининг турли тармокларида ишлаб чиқарилган ва ултуржи савдо ташкилотларига келадиган товарлар йигиндинига айтилади.

Савдо ассортименти деб – чакана савдокорхоналарида сотиладиган товарларга айтилади (импорт товар ҳам)

Товарлар ассортиментининг ҳажмига караб оддий ва мураккаб ассортимент товарга бўлинади.

Оддий ассортименти товарлар унча кўп бўлмаган кўрсаткичлари билан классификацияланади. М: сиёҳ

Мураккаб ассортиментли товарлар вазифага, ошишга ишлаб чиқариш усулига конструксияси бошқа кўрсаткичларига кўра классификацияланади. М: кийим, пояззал, идиш.

Савдо ассортиментида: товар гурухи ассортименти ва савдо корхонаси ассортименти бўлади.

Товар гурухи ассортименти – бу ҳар бир тъовар гурухига кирган товар турлари, ҳамда бир нечта ишлаб чиқариш йигиндиси бўлган товар киради (метал, галантерия, тўқимачилик ва пластмасса).

Савдо корхоналари ассортименти – дўкон, омбор, база, ишлаб чиқаришга

қараб ихтисослашиши мумкин. Махсуслашган дўконлар асосан битта товар гурухи билан савдо килади (кийим ёки пояфзал).

Универмаг ассортименти эса ҳар хил гурӯҳ товарларидан иборат бўлади (кийим, оёғ кийим, хўжалик галантерия). Бозорни муттасил товарлар билан таъминлаш халкнинг турмуш даражасини ўсиши талабининг ошиши ассортиментни тўғри шакллашга бўлган талабни янада оширади. Товарлар ассортиментини шакллантиришнинг асосий аксади ҳар хил ижтимоий гурухларни моддий ва маданий эҳтиёжларни қондиришдир.

Оптимал ассортимент, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади, моддий ресурсларини, меҳнат ресурсларини, ишлаб чиқарилига имахсулотни тўлик сотиш хисобига иқтисод (тежайди) килади. Ижтимоий гурухларнинг тенглашишига, талаб маданиятини ўсишига сабаб бўлади.

Ассортиментнинг шаклланишига бир қанча факторлар таъсир килади:

Ишлаб чиқариш кучларининг ўсиш даражаси.

Саноат ва қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришда ўсиш даражаси.

Илмий-техник прогресснинг товар ишлаб чиқаришга тадбик қилиш (иккича уч холодильник, микровол печь, видеокамера, лазер диск).

Ижтимоий демографик факторлар (моддий таъминланганликни ўсиши руҳий эҳтиёжни ривожланиши, аҳолининг маорифий ўсиш даражаси, уй-жой курилишнинг ўсиши, оила таркиби ва саноатнинг ўзгариши ҳар хил ижтимоий гурухларнинг тенглашиши).

Ижтимоий-психологик факторлар (бадиий стилга бўлган талабнинг ўзгариши тез алмашинувчи мода).

Савбо корхонасини ассортиментини шакллантириш – бу аҳолини талабини қондириш учун керакли товарларни комплектлашдир. Бу комплекти маркетинг ишлари олиб бориш билан амалга оширилади. Аҳолининг талаби, даромади, профессионал машгуллиги, ижтимоий ва миллий таркиби, илмий шароит, маҳаллий дидга ҳам боғлик. Савдо корхонаси ассортименти товарлар гурухи бўйича ёки истеъмолчилик хусусиятлари бўйича шаклланиши мумкин. Масалан, дам олиш учун аёллар учун товарлар.

Талабнинг ўсиши, ассортиментни шакллантирувчи факторларнинг хилмачиллиги товарлар ассортиментини бошқаришни тақозо килмоқда. Товарлар ассортиментини бошқариш деб – халқ талабини қондира оладиган товарлар ишлаб чиқаришин ўзлаштириш ассортиментни кенгайтириш ва системалаш учун кўриладиган тадбирларга айтилади.

Савдо амалиётига ва ишлаб чиқаришга бозорни ўрганишнинг замонавий маркетинг элементлари тадбик қилинмоқда. Товар-истеъмолчи-маҳсулотни сотиш-реклама.

Истеъмолчининг типологияси қуйидаги кўрсаткичларга кўра ишлаб

чиқарилмокда: даромад даражаси, ижтимоий ҳолати, турар жойи, ёши, эҳтиёж ва талаби фақатгина ўрганибгина қолмай, балки уни шаклантириш ва прогноз килиш керак. Талабни шакллантириш – бу эски анъаналарни йўқотиши, янги тарғиб килиш, таклиф билан талаб ўртасида маълум истеъмолчи ва ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатиш. Ассортиментнинг миқдорий характеристикиси куйидаги кўрсаткичларда ифодаоланади – структураси, кенглиги, тўлиқлиги, турғунлиги, янгиланиш даражаси.

Ассортимент структураси – бу товар гурухларини товар айланишидаги миқдорий нисбатидир.

Ассортимент кенглиги – бир гурух товарлардаги тур ва видларнинг сони билан аниқланади. Масалан: фарфор ошхона идишлари – тарелка, тақсимча, коса.

Ассортимент тўлиқлиги – бу товар гурухи таркибида маҳсулотларнинг турли-туманлиги.

Ассортимент турғунлиги – маълум вақт ичida ассортимент кенглиги ва тликлигини тебраниши. Ассортиментни янгилаш умумий товар келишида янги маҳсулотларнинг кай даражада борлиги билан характерланади.

Ассортиментни шаклланиши бошқариш эскирган товарларни ишлаб чиқармаслик, товарларни модернизатсиялаш, янги товарлар ассортиментини аниқлаш каби ишларни бажаради.

Савдо ассортиментига маълум бир соҳага тегишли бўлган товарлар номенклатураси киради. Савдо ассортиментига савдо ташкилотларида жойлашган товарнинг номенклатураси мисол бўла олади. Маҳсулотларнинг истеъмол киймати деб шу маҳсулот ёки товар биологик ва физиологик қиймати энергетик хусусиятлари ўзлаштирилиши ҳамда заарсизлигигига айтилади.

Биологик қиймати маҳсулотларда аминокислоталар зич жойлашган ёғ маҳсулотлари ликондларнинг ва мувозанатли жойлашиши билан белгиланади.

Физиологик қиймати бу маҳсулотларнинг овқат ҳазм бўлиши, нерв, юрак, кон томири ва бошқа системалар ҳамда организмнинг бактерияларга қаршилиги таъсири билан ифодаланади. Энергетик хусусияти шу маҳсулот таркибидаги ёғлар, унлеводлар ва оксиллар миқдори билан белгиланади.

Маҳсулот ўзлаштириш уни организм орқали фойдаланиши белгиланади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари организмлар учун зарасиз бўлмоғи керак. Уларда захарли маҳсулотлар мутлако бўлмаслиги захарли микроорганизмлар оғир метал тузлари, глюкозалар кўплиги кузатилмаслиги шарт. Истеъмол товарлари хусусиятларига кўпгина омиллар таъсир этади. Кимёвий таркиби биофизик хоссалари барча товарларнинг истеъмол хусусиятларига ва унинг сакланиши транспортировка ҳам таъсир этади. Истеъмол товарларнинг сифат кўрсаткичлари унинг ташки тузилиши, ҳиди, таъми ва бошқа омиллар орқали

белгиланади.товар сифатини аниклаш товаршунослик фанининг асосий вазифасидир. Товаршуносликда товарлар сифати унга кетган меҳнат харажатлари истеъмол қиймати каби факторлар орқали белгиланади. Савдо амалиётида эса бу тушунча товарнинг стандартлар ва бошқа норматив актларга жавоб бериши билан изоҳланади. Озиқ-овқат маҳсулотлари инсоннинг кундалик зарур эктиёжи хисобланади. Ҳар бир товар ўзининг истеъмол хусусиятига эга. Бу хусусиятларга истеъмол баҳоси унинг мазаси эстетик кўриниши, сақланиши ва бошқалар. Кўпчилик товарларнинг истеъмол қиймати ундаги оқсиллар, углеводородлар ва организм нормал функцияси учун керакли бўлган биологик актив моддалар витаминлар, амина кислотлар, ёғ кислоталари ва биологик актив моддалар кўп бўлган озиқ-овқат товарлари озиқ қиймати баланд хисобланади. Айрим товарлар шартли истеъмол қийматига эга бўлади. Масалан ароқ маҳсулотларида спирт моддаси бўлиб у одам организмида хазм бўлиш жараёнида маълум микдордаги энергияни сарфлайди. Лекин спиртли ичимликларни кўп истеъмол қилиш одам организми учун жуда хаўвфли хисобланади.

Товарларнинг истеъмол хусусиятлари кўпгина омиллар таъсирида шаклланади. Шундай қилиб мева ва сабзавотларнинг сифати уларнинг навига, табиат ва иқлим шароитларига, агротехника ва етиширилишига; гўштнинг сифати ва кимёвий таркиби ва кўрсаткичлари, мол ёки парранда насли, ёши ва бокилиш режими ҳамда овқат ратсионига bogлиq бўлади.

Истеъмол товарлари хусусиятларини шакллантиришда асосий ролни хомашё сифати тайёрлаш технологияси ўйнайди. Озиқ-овқат товарларининг хусусиятлари уларни саклаш, транспортировка қилиш вақтида биокимёвий ва кимёвий жараёнлар таъсири натижасида ўзгариши мумкин. Шунинг учун товарлар кисман ёки бутунлай истеъмол қийматини йўқотиши, яъни бузилиши мумкин. Товарларнинг истеъмол қийматини саклашда ташқи муҳит таъсиридан химоя этувчи идиш ва қадоқлаш материалларнинг ўрни бекиёс.

2. Озиқ-овқат товарлари товаршунослиги фанининг назарий асослари

Товаршунослик фани ўз тадқиқотларини билишнинг материалистик диалектика методи ва илмий тафаккур принциплари (индуксия ва дедуксия, анализ ва синтез, эксперимент ва кузатиш, ўхшатма ва киёслаш) асосида олиб боради. Масалан, индуксия усулида товарларни айрим хоссаларини эргонометрик ўрганиш йўли билан унинг сифати тўғрисида умумий холосага келиш мумкин. Ёки дедуксия усулига амал қилиб классификациялашда товарлар аввал умумий хусусиятлар бўйича, кейин ҳар бирiga хос конкрет истеъмол хусусиятлар бўйича бўлинади. Товаршунослик фани назарий ва

амалий фан бўлганилиги учун барча тадқиқотлар жараёнида табиий ва объектив воелик қонуниятларига асосланган эксперимент ва кузатишлар йўли билан маълумотларни тўплаб, мантикий тафаккур қонуниятларига асосланиб хуросалар чикаради. Товаршунослик методини куйидагича таърифлаш мумкин: товаршунослик фанининг методлари — объектив воелик қонуниятларига асосланган экспериментлар ва кузатишлардир, бу эса товарларнинг истеъмол қийматини ўрганишига комплекс ёндашишдир. Яъни у товарни фақат истеъмол қийматига қараб баҳоламай, уни ҳар томонлама ўрганади, товарнинг истеъмол қийматини шаклланишига, сотиш ва ишлатиш ёки истеъмол қилиш пайтида ўраш, жойлаш, ташиш ва сакланишига таъсир килувчи омилларни ҳамда товар сифатини унинг нархига таъсирини батафсил тадқик килади.

Товар деб, истеъмол қийматга ва қийматга эга бўлиб, сотиш учун ишлаб чиқарилган меҳнат маҳсулига айтилади. Товарлар истеъмол қийматига кўра уч гурухгага бўлинади: ҳалқ истеъмоли товарлари, агросаноат ва курилиш саноати маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш-техник товарлар. Аҳоли эҳтиёжини кондиришга мўлжалланган товарлар кенг истеъмоддаги озиқ-овқат ва ноозик-овқат товарлари дейилади, ишлаб чиқариш жараёнида ҳом ашё ва меҳнат воситалари сифатида ишлатиладиган товарлар эса агросаноат ва ишлаб чиқариш-техник товарлари дейилади.

Ҳар кандай товар истеъмол қиймати ва алмашув қийматларига эга. Товарларнинг истеъмол қийматини конкрет меҳнат, алмашув қийматини эса абстракт меҳнат ташкил этади.

Товаршунослик фани асосан товарларнинг истеъмол қийматларини ўрганади. Товарларнинг алмашув қийматини иқтисодий ва маркетинг фанлари ўргатади. Лекин бу фанлар бир-биридан ажралмаган ҳолда тарақкий этганлиги сабабли қийматларнинг иккаласини ҳам иқтисодиёт назарияси фани ўргатади.

Жамиятда товарларнинг истеъмол ва алмашув қиймати бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлгани учун товаршунослик фани алмашув қийматининг пул ифодаси бўлмиш товар нархларини ҳам ўрганади.

Ҳар кандай товардан фойдаланиш уни истеъмол қийматини билдиради. Бундан кўриниб турибдики, ҳар кандай сифатли товар истеъмол қийматига эга бўлади. Нарсани истеъмол қиймати бўлиши мумкин-у, лекин унинг қиймати бўлмаслиги мумкин. — Шундай товарлар борки, улар товарнинг инсон учун фойдали бўлишида меҳнат иштирок этмайди. Масалан: ҳаво, денгиз, океанлар, табиий ўтлоклар, тўқайзорлар ва ҳоказо.

Товар истеъмол қийматига эга бўлса у инсоннинг албатта бирор эҳтиёжини кондира олиши мумкин. Баъзи фойдасиз, лекин талабга эга товарлар (алкоголли ичимликлар, тамаки, нос) ҳам истеъмол қийматига эга.

Товарларнинг истеъмол қиймати ундан фойдаланиш вақтида потенсиал шаклдан реал шаклга айланади. Истеъмол қиймати товардан фойдаланишида ёки истеъмол қилинишида ўзининг истеъмоллик қийматига эга бўлади. Ҳар қандай товар фақат истеъмол қилингандагина унинг истеъмол қиймати амалга ошади ва у ўз функциясини бажара олади. Масалан, нон фақат инсон истеъмол килганда озиқалик қийматга эга.

Истеъмол қийматини миқдор ва сифат жиҳатидан ўлчаш мумкин. Товарни қиймати бўлғанлиги учун эмас, балки унинг «истеъмол қиймати» бўлғанлиги ҳамда маълум мақсадда ишлатилганилиги учун истеъмолчилар томонидан баҳоланади ва сотиб олинади. Демак, товарларни истеъмол қийматлари баҳоланади, яъни уларнинг сифати ва миқдори ўлчанади ва уларга баҳо берилади. Ҳар турли ва навли товарлар истеъмол мақсадлари учун ўзаро бир-бирини ўрнини боса олсалар, у ёки бу навни афзаллilikлари аниқланса юқори афзаллilikка эга бўлган товарлар истеъмолчилар томонидан хоҳишига кўра танлаб олинади.

Табиийки истеъмолчиларнинг социал-иктисодий имкониятлари ошган сари товарларнинг истеъмол қиймати доимо ошиб боради. Бу ҳолда товарлар юқори истеъмол хусусиятига эга бўлиши учун ўзининг эски истеъмол сифатини ўзгартириши лозим.

Товарларни истеъмол қиймати доимий ўзгаришда ва янгиланишида бўлишининг асосий сабаблари шундаки, ҳеч қандай товар мутлоқ ҳолда бўлмайди, улар ҳар доим янгиланишида ва ўзгаришда чунки дунё тараққиёти, илм-фанинг ютукларини зудлик билан ҳалқ хўжалигига тадбиқ қилиш истеъмолчиларнинг талаб ва таклифларини юқори даражада қондириш учун доимо рақобатбардош товарлар бунёд этилади.

Демак, товарларнинг истеъмол қиймати истеъмолчиларнинг талаб даражасидаги эҳтиёжларини қондира олиш қобилиятини таъминлайдиган истеъмол хусусиятлари ва морфологик, физиологик хусусиятлари йигиндисига айтилади.

Товарларнинг истеъмолчиларни талабини қондира олиш қобилияти унинг истеъмол хусусиятлари деб аталади. Товарларнинг хусусиятлари уларнинг таркибий ва миқдорий тузилишига боғлик бўлади. Товарларни шакли, ташки кўриниши, ҳиди, таъми ва мазаси уларни органолептик кўрсаткичларини ташкил этади.

Товарларнинг истеъмол қийматига берилган таърифларни турли хил адабиётларда ҳам учратиш мумкин. Катта совет энциклопедиясида товарларнинг истеъмол қиймати қўйидагича таърифланади: «Истеъмол қиймат — бу нарсанинг одамнинг бирор эҳтиёжини қондира олиш қобилиятидир, яъни унинг фойдалилигидир» (БСЕ, 26-том, 19-бет). Сиёсий иктинос лугатда эса

товарларнинг истеъмол қиймати қуйидагича таърифланади: «Истеъмол қиймат — бу нарсанинг фойдалилиги, унинг шахсий истеъмол буюми сифатида, ёки ишлаб чикариш воситалари сифатида бирон эҳтиёжни қондира олиш қобилиятидир» (Политическая экономия. Словарь, М., Политиздат, 1983, 337-бет).

Жамият тараккӣётининг барча босқичларида товар ишлаб чикариш факатгина шахсий истеъмол учун эмас, балки ишлаб чикаришда ишлатиладиган ҳом ашё ва меҳнат воситалари ҳам товар хисобланган. Демак, товарнинг истеъмол қиймати хақида сўз борганда биргина шахсий истеъмолчилар эмас, балки ишлаб чикарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхона ва муассасаларнинг товар ишлаб чикаришда фойдаланиладиган воситаларини ҳам назарда тутиш лозим. Барча ташкилотлар, корхоналар ва одамлар товарларни пулга сотиб олиб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатадилар. Шунинг учун истеъмол қиймати таърифлаганда истеъмолчилар сўзи ишлатилади.

Ҳар қайси таърифда ҳам товарнинг истеъмол қиймати дейилганда унинг нафлилиги назарда тутилади. Ҳар қандай меҳнат маҳсули бўлмиш нафлик нарса товар бўлавермаслиги мумкин.

Тармок стандартида (ОСТ 28—12—81) товарни истеъмол қиймати қуйидагича таърифланади: «Товар истеъмол қиймати бу товарнинг белгиланган шароитда ишлатилганда намоён бўладиган миқдори ва истеъмол хусусиятлари йигиндиси туфайли мавжуд бўлган фойдалилигидир».

Тармок стандартида товарнинг истеъмол қиймати товар миқдорига ҳам боғлиқдир, деган фикр билдирилади. Лекин бу фикрига кўшилиб бўлмайди. Чунки товарнинг истеъмол қийматлари ўрганилганда доимо уларнинг миқдор жиҳатдан муайянлиги назарда тутилади, масалан, бир тўп мато, бир тонна кўмир ва ҳоказо. Бу кўринишда истеъмол қийматлари ўлчанган бўлади.

Товарнинг истеъмол қиймати билан миқдорининг ўзаро муносабати тўғрисидаги фикрини буом таҳлил килинса товарни ишлаб чикаришга керак бўлган иш вакти унинг фойдалилик даражасини кўрсатмайди. Демак, товарларнинг фойдалилиги уларнинг истеъмол хусусиятларидан фойдаланиш учун одам қанча меҳнат сарф килишига боғлиқ бўлмайди, демак товарларнинг истеъмол қиймати уларнинг миқдорига боғлиқ эмас.

Товарни истеъмол қиймати сифатида товарлар энг аввал бир-биридан сифат жиҳатдан фарқ килиши, алмашув қийматлари сифатида эса улар факат миқдор жиҳатдангина бир-биридан фарқланиши мумкин бўлиб, уларда истеъмол қиймати бўлмайди.

Товаршунослик фани — бу товарларни ижтимоий сосиал истеъмол қийматининг шаклланиши, тайёрланиши, сотилиши ва ишлатилиши туфайли

ёки истеъмол қилиниши давридаги морфологик, физиологик ва технологик ўзгариш конуниятларини ўрганувчи иқтисодий-техник фанлар соҳасига киради.

Ижтимоий социал истеъмол киймати ибораси ишлатилишининг сабаби шундаки, товаршунослик фани товарларни шаклланиш жараёни, ҳамда сотиш ва алмасиш учун мўлжалланган меҳнат маҳсали истеъмол қийматинигина ўрганади. Бундан кўриниб турибдики, товар ишлаб чиқарувчи ўз шахсий эҳтиёжини қондириш учун эмас, балки бошқалар учун истеъмол киймати яратади. Товар ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқарувчи оддий истеъмол кийматни эмас, балки бошқалар учун ижтимоий социал истеъмол қийматга эга бўлган товар ишлаб чиқармоги лозим.

Ҳар қандай меҳнат маҳсали жамият эҳтиёжини қондиргандагина товар ҳисобланади. Бошқача килиб айтганда, товарга талаб бўлмай қолса, у истеъмол кийматини йўқотади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестация комиссиясининг юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни квалификатсион талабларида 05.18.15 код шрифти “Озиқ-овқат маҳсулотлари товаршунослиги” ва 05.19.08 “Ноозик-овқат товарлари товаршунослиги ва енгил саноат ҳом-ашёлари” фанлари техника ва иқтисод соҳалари туташган жойдан ўрин олган. Чунки юқорида айтиб ўтилганидек, товарларнинг истеъмол ва алмашув қийматлари бир-бирига чамбарчас боғликдир.

Кенг истеъмoldаги озиқ-овқат ва ноозик-овқат товарлари товаршунослиги фани товарларнинг истеъмол кийматини у саноатда шаклланишидан тортиб истеъмолчи ундан фойдаланиши давригача ўрганади ва товарларнинг истеъмол килиш ёки ишлатиш жараёнидаги ўзгаришларини кузатади, улардан ратсионал фойдаланиш йўл-йўриклирни ва гарантия мухлатида ишдан чиккан буюмларни ишлаб чиқарган корхоналарга нисбатан кўрилиши лозим бўлган конуний чораларни ўрганади.

Товаршунослик фани товарларни ишлатиш ва истеъмол қилиниш сабабларига кўра товарлар ишлатилиш даврида сарф бўлишига кўра улар иккига бўлинади. Товарлар ишлатиладиган ва истеъмол қилинадиган турларга бўлинади. Ишлатиладиган товарлар ишлатиш пайтида ўз ресурсларини (имкониятларини) гина сарфлайди. Масалан, электр асбоблар, радио, мебель ва хоказо. Истеъмол қилинадиган товарлар эса ишлатиш даврида тўлиқ сарф бўлади. Буларга нон, мураббо, мева ва сабзвотлар киради.

Норматив-техник хужжатларда товарнинг таркиби, тузилиши, хусусияти, сифати ва морфологик (конструктив) кўрсаткичлари келтирилади. Сифат ва хусусият ҳамда уларни шакллантирувчи таркиб ва тузилиш кўрсаткичлари товарнинг сифатини ва морфологик (конструктив) кўрсаткичлар эса унинг ассортиментини ифодалайди.

Товарларни хусусият кўрсаткичи уларни таркибидаги битта хусусиятнинг микдорий ёки сифат ифодаси бўлиб, товарни таркибидаги бир неча хусусий кўрсаткичлари биргаликда сифат кўрсаткичини таъминлайди. Махсулот сифатига таалукли тушунчаларни расмийлаштирган 15467-79 рақамли давлат стандартида буларни “ягона сифат кўрсаткичи”, иккинчиси эса “комплекс сифат кўрсаткичи” деб юритилади.

Сифат ва ассортимент товарлар истеъмол қийматининг таркибий қисмларидир. Сифат истеъмол қийматининг чукурлигини билдиrsa, ассортимент унинг кенглигини ифодалайди. Истеъмол қиймати қанча юкори бўлса, дарҳақиқат истеъмолчиларнинг талаби ҳам шунча кенгаяди.

Юкоридаги норматив-техник талабномада маҳсулот сифати кўйидагича изохланади: “Махсулот сифати — бу истеъмолга мўлжаланган маҳсулотнинг ўз функциясига кўра айрим эҳтиёжларни қондиришини таъминлай оладиган хусусиятлар йириндисидир” дейилган.

Товарларнинг сифат тушунчаси товарнинг истеъмол қиймати тушунчасидан кўп фарқ қилмайди. Чунки буларнинг ҳар иккаласи истеъмолчиларнинг айрим эҳтиёжларини қондира олиш қобилиятини билдиради. Холбуки, бу тушунчалар бир маънени ифодаламайди.

Товар ишлаб чиқаришга сарфланадиган иш кучи қиймати ҳар бир товарнинг нормал шароитда сифатли товар ишлаб чиқариш учун лозим бўлган иш вакти билан белгиланади. Товарни сифати уни истеъмол қийматини белгилайди. Маҳсулотнинг истеъмол қиймати ишлаб чиқарилган маҳсулот микдорини кўпайтириш билан эмас, балки унинг сифатини яхшилаш оқибатида ортади.

Товарларни сифати уларни талаб даражаси шароитда истеъмол қилинса ёки ишлатилса истеъмолчиларни эҳтиёжларини қондира олиш қобилияти даражасини ифодалайди. Товар сифатига уни ишлатиш ёки истеъмол қилиш шароитининг таъсири катта бўлади. Мавсумий товарлар ўз мавсумида истеъмол қилинmasa, ўз функцияларини бажара олмаслиги мумкин.

Биз бу таърифда товар сифатини аниқлаш учун уни талаб даражаси шароитда истеъмол қилиш ёки ишлатиш зарурлиги таъкидладик.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Озиқ-овқат товарлари товаршунослиги фанининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
2. Озиқ-овқат товарлари товаршунослиги фанининг назарий асослари нималар киради?

8-мавзу: Халқ истеъмоли товарлари сифат қўрсаткичларини аниқлаш

Режа:

1. Халқ истеъмоли товарлари сифатини аниқлаш усувлари.
2. Халқ истеъмоли товарларининг туркумланиши ва ассортименти.

1. Халқ истеъмоли товарлари сифатини аниқлаш усувлари

Халқ истеъмоли товарлари сифати 2 хил усул ёрдамида аниқланади:


1. Органолептик усул.
2. Физик-кимёвий усул.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини текширишда органолептик усул катта рол ўйнайди. Бу усул билан уларнинг таъми, хиди, ранги, консистентсияси, ташки кўринишлари киши сезги органлари ёрдамида баҳоланади. Органолептик усульнинг куляйлик томонлари шундан иборатки, у кўп қаражатлар, кимёвий реактивлар, асбоблар талаб қилмайди қамда маҳсулотнинг сифати тўғрисида тезда кулоса чиқариш мумкин бўлади. Унинг камчилиги эса бу усульнинг субъективлигидадир. Субъективлик деганда шуни тушуниш керакки, киши сезги органлари ҳаммада ҳам бир хил даражада ривожланган бўлмайди. Демак бу маҳсулот сифатига турли кишилар ҳар хил баҳо беришлари мумкин деган фикрни англатади. Бундан ташқари органолептик усул билан товарларнинг сифати текширилганда уларнинг сифат қўрсаткичларини рақамлар билан ифодалаб бўлмайди ёки маҳсулотларнинг сифати тўғрисида бутунлай атрофлича маълумот ҳам олиш қийин.


Маҳсулотларга ширин таъм берадиган моддалар асосан шакар, қанд, кўп атомли спирт (глітсерин) ва бошқалардир. Кўпчилик алколоидлар (кофеин, теобрамин, хинин) ва глюкозодлар (амигдамин, соланин) аччик таъмга эга бўлади. Нордон таъмни эса органик (олма, узум, лимон, сут) ва минерал (сулфат, хлорид) кислоталар беради.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг хиди эса уларнинг сифатига катта таъсир кўрсатади. ҳамма озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам маълум даражада хидга эгадир, уларнинг хидига қараб қандай маҳсулотлиги, бузилган-бузилмаганилиги, тозалиги тўғрисидаги маълумотга эга бўлиш мумкин. Асосий хид билиш органи бурун хисобланади. хидни бурун ичидаги эпителий тушима билан қопланган шиллиқ парда мияга узатади.


Миллий ва халқаро стандартлар



Товар ишлаб чиқаришда сифат кўрсаткичини бошқариш




Товарлар гигиеник сертификатига қўйиладиган талаблар



100

Товарларни сертификатлаш бўйича мувофиқлик белгисини аниклаш



101

Озик-овкат маҳсулотларининг консистентсияси, тузилиши қамда ҳарорати бармоклар учидаги камда оқиз бўйлиқи шилимшик пардасида жойлашган сезги ретсепторлари орқали аникланади. Маҳсулотни қўл билан ушлаб, унинг каттик ёки юмшоклигини айтиш мумкин ёки маҳсулот истеъмол қилинганда тил учи ёрдамида дарров уларнинг ҳарорати ҳакида қулоса чиқариш мумкин. Баъзи озик-овкат маҳсулотларининг сиртига бирор буюм билан уриб ва шундан чиққан товушни эшлиб ҳам шу маҳсулотнинг сифати тукрисида маълум бир қулосага келса бўлади.

Балл кўрсаткичи билан баҳо бериш. Ўзбекистонда асосан 5, 10, 30 ва 100 баллик баҳо билан озик-овкат маҳсулотларининг сифати текширилади. Маҳсулот сифатини балл орқали баҳолашда уларнинг умумий йигиндиси сифат кўрсаткичлар бўйича ажратилади. Мисол сифатида сариёғнинг сифатини 100 балли баҳо билан текширишни кўриб чиқамиз. Бу усул бўйича сариёғнинг асосий кўрсаткичларига қўйидагича баллар берилади:

Таъми ва хиди — 50
Консистенцияси — 25
Ранги — 5
Тузланиши— 10
Ўраб-жойланиши—10

Жами 100 балл

Агар сариёғнинг умумий балл кўрсаткичи 88 дан 100 баллгача бўлса - олий навга, 80 дан 87 гача бўлса - I навга ва ниҳоят, 80 дан кам бўлса - стандарт талабига жавоб бермаган бўлади. Лекин умумий баллдан ташкири сариёғнинг олий нави таъми ва хиди бўйича 41 баллдан, I нави эса 37 баллдан кам баҳо олмаслиги керак.

Хозирги кунда товарлар сифатини аниклашда эксперт усули ҳам кенг кўлланилмоқда. Эксперт усул дейилганда 7 кишидан кам бўлмаган юкори малакали мўтахассис-экспертлардан (товаршунос, дизайнер, дегустатор) ташкил топган эксперт комиссиясининг фикри асосида баҳо бериш тушиунилади.

Товарлар сифатини текширишнинг тажриба усули уларнинг кимёвий таркибларини, физикавий, микробиологик технологик хусусиятларини аниклашда кенг кўлланилади. Тажриба усули, ўз навбатида, физикавий ва физик-кимёвий, кимёвий, микробиологик товаршунослик-технологик усулларга бўлинади. Бу усулнинг кулиялиги шундан иборатки, унда натижа рақамлар билан ва бу натижа катта аникликда ифодаланади. Унинг камчиликлари

шундаки, маҳсулотнинг сифатини аниқлаш учун кўп вақт талаб этилади, аниқлаш учун реактивлар ва мақсус жиқозланган тажрибахоналар талаб килинади.

Текширишнинг физикавий ва физик-кимёвий усуllibari. Озик-овқат маҳсулотларининг сифатини текширишнинг бу усуllibari маҳсулотнинг солиширма оғирлигини, ёпишқоклигини, эриш, котиш ва қайнаш ҳароратини, оптик хусусиятларини аниқлашдан иборатdir. Маҳсулотнинг солиширма оғирлиги ва зичлигини ареометр, пикнометр ва гидростатик тарозилар ёрдамида ўлчаш мумкин. Уларнинг солиширма оғирлиги асосида маълум даражада кимёвий таркиби ва сифати ҳақида суз юритиш мумкин.

Екларнинг эриш ва котиш ҳарорати асосида уларнинг табиатини, тозалигини ва маълум даражада унинг таркибida қандай ёғ кислоталари борлиги ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин. ёғларнинг эриш ва котиш ҳарорати ёғнинг қаттиқ холатдан суюқ холатга ёки суюқ холатдан қаттиқ холатга ўтиш пайтидаги ҳароратини термометр билан ўлчаш натижасида аникланади.

Озик-овқат маҳсулотларининг оптик хусусиятлари эса поляриметрия, рефрактометрия, фотокалориметрия, люминестсент камда хромотография усуllibari ёрдамида аникланади.

Поляриметрия усули баъзи оптик фаол моддалар эритмаларининг нур тебранишлари йўналишларини ўзгартириш қобилиятига асосланган.

Рефрактометрия усули билан озик-овқат маҳсулотлари таркибida ёғнинг, сувнинг, спиртнинг, қанднинг ва бошқа қуруқ моддаларнинг фоиз микдорини аниқлаш мумкин.

Фотокалориметрия ва спектрометрия усули эса модданинг нурни ўзига танлаб сингдириш қобилиятига асосланганadir.

Люминестсент усули билан озик-овқат маҳсулотлари таркибida оксил, ёғ, витаминларнинг микдорини, балиқ ва гўшт маҳсулотларининг бузилган ёки бузилмаганлигини, картошка ва сабзавотларнинг касалланганлигини аниқлаш мумкин.

Хромотография усули мураккаб бирималар таркибидаги моддаларни бир-биридан ажратиш ва уни аниқлашнинг энг қулий усуllibаридан бириди.

Текширишнинг кимёвий усуllibari. Бу усул ёрдами билан озик-овқат маҳсулотлари таркибida учрайдиган ва уларнинг сифат кўрсаткичларини белгилайдиган моддаларнинг микдори аникланади. Бу улар асосида эса озик-овқат маҳсулотларини саклаганда ва ташигандан бўладиган ўзгаришларни билиш мумкин. Маҳсулотларнинг сифатини белгилайдиган кимёвий кўрсаткичларнинг аниқлаш усуllibari мақсус стандартларда кўрсатилган бўлади.

Текширишнинг микробиологик усули. Бу усул озиқ-овқат маҳсулотларининг микроорганизмлар билан ифлосланганлик даражасини аниклаш учун ишлатилади. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида микроорганизмларнинг стандарт даражасидан кўплиги ва уларда касаллик келтирувчи бактерияларнинг бўлиши маҳсулотларни саклаш учун белгиланган жойлар ифлос тутилишидан ва уларни саклаш камда ташиша санитария коидаларига риоя килинмаслигидан далолат беради.

2. Халқ истеъмоли товарлари туркумланиши ва ассортименти

Товарларини гурухларга ажратиш деганда товарларни умумий карактерли белгиларига, хусусиятларига қараб маълум бир гурухларга ажратиш тушунилади. Товаршуносликда товарларни туркумлаш жуда катта амалий аҳамиятга эга, чунки катта номенклатурадаги товарларини маълум бир тартибга солмасдан туриб ишлаб чиқаришни илмий планлаштиришда, ҳисоб-китоб ишларини олиб боришида, товарларнинг ассортименти, сифати ва истеъмол кийматини мукаммал ўрганишда катта қийинчиликларга дуч келамиз. Озиқ-овқат товарларини туркумлашда уларнинг ҳар хил хусусиятлари ҳисобга олинади: пайдо бўлиши, кимёвий таркиби, қом ашёнинг қайта ишланганлик даражаси, фойдаланилишига қараб ва бошкалар.

Савдо шоҳобчаларида, озиқ-овқат маҳсулотлари шартли равишда икки турга ажратилади: гастрономия ва бакколлик маҳсулотлари. Гастрономия товарларига гўшт, балиқ ва сут маҳсулотлари, мойлар, ёѓлар, винолар, консервалар ва бошкалар киради. Бакколлик маҳсулотлари туркумига эса ёрмалар, ун, макарон маҳсулотлари, қамиртуруш, чой, туз, қанд, кофе, тамакилар ва бошкалар киради. Озиқ-овқат маҳсулотларини бундай туркумлаш ҳам камчиликдан холи эмас, чунки нон, сабзавотлар, мевалар, қандолат маҳсулотлари хеч қайси турга киритилмаган. Шунинг учун ҳам хозирги кунда озиқ-овқат маҳсулотларини туркумлашни ўрганиш, бундай ишларга каратилган илмий тадқикотларни йўлга қўйиш зарурдир.

Озиқ-овқат маҳсулотлари кимёвий таркиби, келиб чиқиши ва ишлаб чиқаришдаги катнашишига қараб қўйидаги турларга ажратилган: И. Дон, ун ва нон маҳсулотлари; ИИ. Мева ва сабзавот ва қайта ишланган маҳсулотлари; ИИИ. Крахмал, қанд-шакар, қандолат маҳсулотлари; ИВ. Лаззатли маҳсулотлар; В. Овқатга ишлатиладиган ёѓлар; ВИ. Сут ва сут маҳсулотлари; ВИИ. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари; ВИИИ. Тухум ва тухум маҳсулотлари; ИХ. Балиқ ва балиқ маҳсулотлари.

Дон, ун ва нон маҳсулотлар турига дон, ун, ёрма, нон ва макарон маҳсулотлари киради. Бу маҳсулотлар углеводларга, яъни крахмалга жуда

бойдир.

Мева ва сабзавот ва қайта ишланган маҳсулотлар турига хўл мевалар, сабзавотлар, қўзиқоринлар ва уларни қайта ишлашдан ҳосил бўлган маҳсулотлар киради. Улар юқори биологик қийматга эга бўлиб, калория бериш даражаси бошқа озиқ-овқат маҳсулотларидан анча юқоридир.

Крахмал, қанд-шакар, қандолат маҳсулотлари турига эса крахмал, қанд-шакар, асал, патока, шоколад, карамел ва конфет маҳсулотлари, мева-резавор мевали қандолат маҳсулотлари киради.

Лаззатли таомлар турига эса спиртли ичимликлар, винолар, пиволар, алкогиз ичимликлар, зираворлар, туз, чой, кофе маҳсулотлари киради. Бу маҳсулотлар таркибида спирт, кофеин моддалари борлиги билан ажralиб туради.

Сут ва сут маҳсулотлари турига сут, творог, каймоқ, сметана, ачитилган сут маҳсулотлари, сариёғ, лишлоплар киради. Бу маҳсулотлар ҳам юқори биологик қийматга эга бўлиб, одам организмидаги тез ҳазм бўлади.

Ёғлар турига овқатга ишлатиладиган ўсимлик мойлари, ҳайвон ёғлари ва ўсимлик мойлари асосида маргаринлар киради. Бу маҳсулотлар юқори энергия бериш кобилияти ва экда эрувчи витаминларга бойлиги билан ажralиб туради.

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари турига ҳайвон гўшtlари, парранда гўшtlари ва уларни қайта ишлашдан ҳосил бўладиган маҳсулотлар, дудланган гўшtlар ва гўшт консервалари киради. Бу маҳсулотлар умуман организмни ҳайвон оксиллари билан таъминлайдиган асосий манба ҳисобланади.

Тухум маҳсулотлари турига эса тухумлар ва тухум маҳсулотлари киради. Бу маҳсулотлар ҳам тез ҳазм бўлади ва кимёвий таркиби бўйича юқори биологик кўрсаткичга эгадир.

Балиқ ва балиқ маҳсулотлари турига баликлар ва улардан тайёрланган балик маҳсулотлари қамда бошқа жоноворларнинг маҳсулотлари киради. Бу гурухга кирадиган маҳсулотлар ҳам тўлиқ қийматли оксилга, ёғларга, витаминларга бойлиги билан ажralиб туради.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Халқ истеъмоли товарлари сифати қандай усусларда аникланади?
2. Халқ истеъмоли товарлари туркумланиши ва ассортименти хакида тушунча беринг.

9-мавзу: Халқ истеъмоли товарларини стандартлаштириш

Режа:

1. Халқ истеъмоли товарларининг истеъмол хусусиятлари.
2. Халқ истеъмоли товарларини стандартлаштириш.

1. Халқ истеъмоли товарларининг истеъмол хусусиятлари

Товарларнинг истеъмол хусусиятлари деб уларни истеъмол килганда ёки ишлатганда кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини кондириш даражаси тушунилади. Озик-овқат маҳсулотларининг истеъмол хусусиятларини белгилайдиган кўрсаткичлардан энг асосийси уларнинг кимёвий таркибиdir. Озик-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби жуда хилма-хилдир, шунинг учун хам улар озукалик киммати бир-бираидан фарқ қиласди.

Озик-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркибига ноорганик ва органик моддалар киради. Ноорганик моддаларга сув ва минерал моддалар, органик моддаларга эса углеводлар, ёглар, оксиллар, ферментлар, витаминалар, органик кислоталар, фенол бирикмалари, ранг, хид берувчи моддалар ва бошқалар киради. Шунинг учун хам озик-овқат маҳсулоталари шу моддаларнинг қандай микдорда, қандай ҳолатда учрашига қараб бир-бираидан кескин фарқ қиласди. Озик-овқат маҳсулотларининг таркибида учрайдиган ва инсон хаётида энг зарур бўлган баъзи бир кимёвий моддалар учрайди.

Сув. Сув тирик организм хаёт фаолиятининг барча жараёнларида иштирок этади. Сув инсон ва ҳайвон организмининг 2/3 кисмини ташкил этса, ўсимлик организмларининг бундан ҳам кўпроқини ташкил этади. Катта ёшдаги одамлар учун бир кунда ўртача 1,8—2,2 литр сув керак бўлади. Инсон ўз эҳтиёжи учун зарур бўлган сувнинг ярмини озик-овқат маҳсулотлари ҳисобига, қолган кисмини эса ичимлик суви ва бошқа суюқ ичимликлар ҳисобига олади.

Сув миқдори хамма озик-овқат маҳсулотларида турличадир. Баъзи маҳсулотлар таркибида сувнинг миқдори жуда кам. Шакар ва қандда сувнинг миқдори 0,1 фоиздан 0,4 фоизгacha, ўсимлик ва ҳайвон ёгларида 0,2 фоиздан 1,0 фоизгacha, куристилган сут ва чойда эса 0,5 фоиздан 7,0 фоизгacha бўлади. Бундан кўпроқ миқдорда сув, ун, макарон маҳсулотлари, куристилган мева ва сабзавотлар, галла-дон ўсимликларида (12—17 фоиз) учрайди. Баъзи озик-овқат маҳсулотларининг асосий таркибини сув ташкил қиласди. Масалан, хўл сабзавот ва меваларда сувнинг миқдори 65 дан 96 фоизгacha, сутда 87 дан 90 фоизгacha, балиқ гўштида 62 дан 84 фоизгacha, ҳайвонлар гўштида эса 58 дан 74 фоизгacha бўлади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида сувнинг микдори уларнинг озиқлик кийматига, таъмига, сакланиш муддатига катта таъсир кўрсатади. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида сув канча кўп бўлса, уларнинг ка-лориялиги шунча кам, тез бузилувчан бўлади ва кам сақланади. Шу боисдан, озиқ-овқат маҳсулотлари учун белгиланган норматив-техник хужжатларда намлик нормаси белгиланган бўлади.

Углеводлар. Углеводлар инсон хаёти учун энг зарур органик моддалардан биридир. Инсон истеъмол қиласидаган озиқ-овқат маҳсулотларининг қарийб 70 фоизини углеводлар ташкил киласди. Углеводлар асосий энергия манбаи бўлиб хисобланади, яъни организм учун зарур бўладиган энергиянинг ярмидан кўпроқи углеводлар хисобига олинади. Углеводларга бўлган кундалик эхтиёж 500—600 граммни ташкил этади. 1 г углевод тўлиқ ҳазм бўлганда 15,7 кЖ (килоЖоул) энергия беради. Углеводлар факат энергия манбаигина бўлиб қолмасдан, улар организмда хаётий жараёнларда муҳим рол ўйнайдиган бирикмалар, оксиллар, ёвлар хосил бўлишида ҳам иштирок этади.

Углеводлар асосан ўсимликлар оламида кенг таркалган бўлиб, улар таркибий қисмининг 80—90 фоизини ташкил этади. Углеводлар фотосинтез жараёни натижасида хосил бўлади. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида углеводларнинг микдори қилма-қилдир. ҳайвон, парранда ва балик гўшти таркибида углеводлар, деярли бўлмайди; Факат сут ва сут маҳсулотларида углеводлар сут канди кўриннишида 3 дан 5 фоизгача учрайди. куритилган шакар солиб ишланган, куюлтирилган сут бундан мустаснодир, чунки бу маҳсулотларда углеводлар микдори 50—60 фоизгача бўлади. Углеводларнинг умумий микдори мева ва резавор мечваларда 8—20 фоизни, сабзавотларда 2—10 фоизни ташкил этади. Дон, ёрма ва нон маҳсулотлари углеводларга бойдир. Масалан, доннинг таркибида углеводлар микдори 52—84 фоиз, онда эса 40—70 фоизни ташкил қиласди. Картошка таркибида ҳам углеводлар крахмал кўриннишида учраб, уннинг микдори 18—25 фоизни ташкил этади. Озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқарилиб, магазинларда сотиладиган крахмал, шакар, канд маҳсулотлари деярли 100 фоиз углеводдан ташкил топгандир.

Углеводлар углерод, кислород ва водород атомларидан ташкил топган бўлиб, улар таркибидаги водород ва кислороднинг ўзаро нисбати худди сув молекуласиникига ўхшаш, яъни 2:1 бўлади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида учрайдиган углеводлар тузилиши ва хусусиятларига кўра иккита гурухга бўлинади. Биринчи гурухга оддий углеводлар, яъни моносахаридлар, иккинчи гурухга эса мураккаб углеводлар, яъни полисахаридлар киради. Полисахаридлар ўз навбатида иккита кичик группани ташкил қиласди. Булар унча катта молекуляр массага эга булмаган олигосахаридлар ва кўп сонли моносахаридлардан ташкил топган хақиқий

полисахаридларни ўз ичига олади.

Ёглар. ёглар ююри калориялиги ва биологик фаоллиги учун озиковқатнинг зарур таркибий қисми хисобланади. Организмда ёғ ёнганда (оксидланганда) 37,7 кЖ (9,3 ккал) иссиклик ажралади, яъни 1 г углерод ёнганидагига нисбатан тахминан икки баравар кўпроқ иссиклик чиқади. Бундан ташкари ёғ истеъмол килиши натижасида организм энг зарур ёғда эрувчи А, Д, ва Б витаминларини хам ёглар хисобига олади. Шуни хам айтиш керакки, ёғнинг киши саломатлиги учун тўйинмаган ёғ кислоталари манбаи сифатидаги аҳамияти айниккса муҳим. ёглар организмда оксиллар ва углеводлар билан бир каторда хужайраларнинг асосий компонентларидан бири хисобланади.

Одамларнинг кундалик сарф қилган энергия микдорига қараб ёгларнинг киши бошига бир кунда истеъмол килинадиган ўртача нормаси 80—100 г деб кабул килинган.

Ёглар нимадан олинишига қкараб ўсимлик мойлари ва ҳайвон ёгларига бўлинади. Мойлар ўсимликларнинг деярли ҳамма қисмида учрайди. Одатда, ўсимликларнинг мева ва уруғларидан мой ажратиб олинади. ҳар хил ўсимликлар учун таркибидаги мой микдори ҳар хил бўлади. Масалан, чигитда 16—29, кунгабокар уруғида 33—57, зикирда 37—50, ёнғоқда 60—74, сояда 14—25, эрёнғоқда эса 40—61 фоизу микдорида мой бўлади. Шунинг учун хам бу ўсимликлар мой берадиган ўсимликлар деб юритилади. ҳайвонлар ёгларига эса эритилган мол, кўй, чўчка ёѓлари, уй паррандалари ёғи (товуқ, коз, ўрдақ курка), илик ёғи, денгиз сут эмизувчи ҳайвонлари ва балик ёглари киради.

Оксиллар. Оксиллар тирик организмларнинг хаётида муҳим рол йўнаб, мусқул, асаб, қон мия тўқималарининг асосий таркибий қисмини ташкил этади. Оксиллар бошка органик моддалардан таркибида азот борлиги билан ажралиб туради. Оксиллар таркибида азот микдори доимий бўлиб, ўрта хисобда 16 фоизни ташкил этади.

Организмда оксил этишмай колса, кон оксил бўлиши камаяди, ривожланиш секинлашади, тирик организмнинг химоя килиш кобилияти хам сустлашади, асаб системаси, жигар ва бошқа аъзоларнинг фаолияти бузилади. Бундан ташкари оксиллар организмда керакли ферментлар, витаминлар ва гармонларнинг ҳосил бўлишида иштирок этади, углеводлар ва ёѓларда энергия берувчи модда вазифасини бажаради. Организмда 1 г оксил оксидланганда 4,0 ккал ёки 16,7 кЖ энергия ажралиб чиқади. Овқатланишнинг физиологик нормасига кўра ратсиондаги умумий калориянинг 14 фоизи оксиллар хисобига тўғри келиши керак. Оксилга бўлган суткалик эҳтиёж одамнинг ёши, жинси ва меҳнат фаолиятига қараб 80—100 граммни ташкил этади.

Оксиллар ҳайвон ва ўсимлик маҳсулотлари таркибида учрайди. Масалан, оксилларнинг микдори гўштда 14—20, балиқда 13—18, пишлокда 18—25,

сутда 3—4, бүгдой унидан тайёрланган нонда 6—10, сабзавотларда 0,5—6,5, меваларда 0,2—1,5, картошкада 1,5—2,0, тухумда 12—13 фойзни ташкил этади.

Оқсиллар юкори молекулали коллоид бирикма бўлиб, аминокислоталардан ташкил топган. Ҳозирги кунда табнатда 150 дан ортиқ аминокислота борлиги маълум бўлсада, шулардан 20 таси оқсиллар ҳосил бўлишида иштирок этади.

Витаминлар. Витаминлар организмнинг нормал ривожланишида муҳим ахамиятга эга бўлган ҳар хил кимёвий тузилишдаги биологик фаол органик бирикмалардир. Витаминлар озиқ-овкат маҳсулотларининг таркибий кисми хисобланади, лекин улар оқсиллар, углеводлар, ёғларга нисбатан жуда оз микдорда талаб килинади. Витаминлар организмнинг ўсиши, умумий ривожланиши, янги тўқималар ҳосил бўлиши, моддалар алмашинуви, овқатнинг ҳазм бўлиши ва бошқа хаётини жараёнларда фаол иштирок этади. Кўпчилик витаминлар оқсиллар билан биришиб ферментлар ҳосил килади. Иsteъmol килинаётган овқатда витаминларнинг этишмаслиги натижасида киши касалланиши, бу касалликлар ўз вақтида, даволанмаслиги сабабли ўлимга ҳам олиб бориши мумкин.

Витаминларни 1881 йилда рус врачи Н. И. Лунин каşф этган. У хайвонлар устида тажриба олиб бориб, уларнинг нормал хаётини таъминловчи оқсиллар, углеводлар, ёғлар ва минерал моддалардан ташқари яна қандайдир хаёт учун зарур бўлган органик моддалар мавжуд, деган қулосага келди. 1911 йилда эса поляк олим Казимир Функ шоли кепагидан кристалл ҳолдаги биологик кучли модда ажратиб олишга муваффак бўлди. Бу модда текширилганда унинг таркибида амин гурухи борлиги аникланган. Шунинг учун к Функ бу бирикмаларни витаминлар, яъни таркибида азот тутувчи ва хаёт учун зарур моддалар деб атади.

Ҳозиргача 50 дан ортиқ витаминлар ва витаминларга ўхшаш моддалар аникланган бўлиб, шулардан 20 тасининг киши саломатлиги учун ахамияти жуда каттадир. Буларнинг кўпчилиги лотин алифбесининг қарфлари билан бошланади (масалан. A, B, C, D, э витаминлари ва хоказо).

Ерувчанлигига караб витаминлар икки гурухга:
сувда эрийдиган ва ёғларда эрийдиган витаминларга бўлинади.
Сувда эрийдиган витаминлар. Бунга С, Б гурухи витаминлари, П, ПП, Н витаминлари ва бошқалар киради.

С витамин (аскорбин кислота) озиқ-овкат таркибида этишмаса тсинга (лавша) касаллиги пайдо бўлади. Текширишлар натижасида бу витаминнинг ахамияти катта эканлиги маълум бўлди. С витамин моддалар алмашинувида иштирок этади, бўйнинг ўсиши ва умуман организмнинг нормал ривожланиши учун жуда зарур. Агар у овқатда этарлича бўлмаса кишининг иш қобилияти пасаяди, тез чарчайди, организмнинг ҳар хил касалликларга кўрашиш

кобилияти хам сусаяди.

Мевалар, сабзавотлар, резавор мевалар қамда картошка С витаминнинг асосий манбаи хисобланади. Айникса қора смородина, қизил қалампир, қом ёнгок, карам, кўқ пиёз, помидорларда у кўпдир. Картошкада С витамин нисбатан кўп булмаса хам (10 мг фоиз) у ҳар бир овқатга солинади ва кўп истеъмол килинади. Шунинг учун хам картошка инсон организмини С витамин билан таъминлайдиган асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан биридир. ҳайвон маҳсулотларида бу витамин жуда кам бўлади.

С витамин сувда яхши эрийди, лекин органик эритувчиларда эримайди. У кислород таъсирида тез оксидланади, юкори ҳарорат ва окир metall тузлари хам бу витаминнинг парчаланишини тезлатади. Сабзавотлар пиширилганда С витаминнинг 1/3 кисми нобуд бўлади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари қиздирилганда, узоқ вакт сакланганда хам маълум даражада С витамин нобуд бўлади, аммо музлатилган мева ва сабзавотларда яхши сакланади.

Кишининг ўшига, жинсига, бажараётган иш фаолиятига қараб С витамина суткалик эҳтиёж 60—70 миллиграммни ташкил киласи.

П витамин (биофлавоноидлар) кон томирларининг ўтказувчанлик хусусиятини мустахкамловчи бир неча моддалар гурухини ўз ичига олади. Бу бирикмалар кимёвий жихатдан бир-бирига якин рутин, геспридин, квартсетин, катехинлардан ташкил топгандир. Уларнинг ҳаммасининг асосини флавон қалқаси ташкил этади. П витамин организмда С витаминнинг яхши ўзлаштирилишига ёрдам бериб, организмда бир-бирига ўзаро бирлик равишда таъсир этиши аниқланган.

П витаминнинг қора смородина, лимон, узум, олқури, бехи, хурмо ва чойда (айникса кўқ чойда) кўплиги аниқланган. Унга бўлган кундалик эҳтиёж 25 миллиграмм килиб белгиланган.

Б1 витамин (тиамин) организмда нормал модда алмашинуви учун жуда зарурдир. Бу витамин организмда углеводлар, оксиллар, ёглар алмашинуви жараённида иштирок этади. Озиқ-овқат маҳсулотларида бу витамин этишмаса киши бери-бери касалига учрайди. Натижада асаб системасининг фаолияти, хусусан харакатлантирувчи асаблар фаолияти бузилиб, киши шол бўлиб қолиши мумкин.

Б1 витамин табиатда кенг тарқалган бўлиб, қалла ва дуккаклилар дони ёрмасида, хусусан дон қобики ва мағзида кўпроқ бўлади. Шунинг учун кепакли ун ва ундан тайёрланган нон Б1 витаминнинг яхши манбаи хисобланади. Бу витамин сут, гўшт ва тухумда хам учрайди. Б1 витамин иссикликка чидамли, кислотали мухитда қиздирилганда яхши сақланади, лекин ишкорли мухитда тезда парчаланади. Унга бўлган суткалик эҳтиёж 1,5—2,0 мг килиб

белгиланган.

Б2 витамин (рибофлавин) ферментлар таркибига кириб, у организмда оксил ва углеводларнинг нормал алмашинуви учун жуда зарур. Организмда бу витамин этишмаса бўй ўсиши секинлашади, оксилларнинг ҳазм бўлиши сусаяди, кўз ва тери касалликларининг ривожланишига олиб келади. У ўсимликлар ва ҳайвонлар организмидаги кенг тарқалган, айниқса камиртуриш, жигар, сут, сут маҳсулотларида ва гўшт маҳсулотларида кўп бўлади. Б2 витамин иссикликка чидамли, лекин ёруклик таъсирида тез парчаланади. Унга бўлган суткалик эҳтиёж 2—2,5 мг килиб қабул килинган.

Б3 витамин (пантотенат кислотаси) хам ферментлар таркибига кириб ёвлар алмашинуvida ва асаб фаолиятида катта рол йўнайди. Бу витамин этишмаса организм ўсишдан тўхтайди, дерматит касаллиги, соchlарнинг оқариши камда ички аъзолар касалликлари пайдо бўлади. В3 витамин ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотла-рида учрайди. Унинг асосий манбай жигар, тухум сариги, сут, ўсимликларнинг яшил қисмлари хисобланади. Унга бўлган кундалик эҳтиёж 5—10 мг ни ташкил қиласди.

Б6 витамин (пиродоксин) организмда оксил ҳосил бўлишида иштирок этади. Кейинги йилларда бу витаминнинг этишмаслиги натижасида организмда липидлар алмашинуви бузилиши хам аникланган. Б6 витамин гўшт, жигар, балиқ, сут, камиртуриш ва кўпгина ўсимлик маҳсулотларида учрайди. Унга бўлган кундалик эҳтиёж 2—3 мг ни ташкил этади.

Б12 витамин (тианкобаламин) кон яратилиши жараённада оксиллар, ёвлар камда А витаминнинг синтез килинишида иштирок этади. Организмда бу витамин этишмаса хавфли кам конлилик касаллиги пайдо бўлади. Б12 витамин факат ҳайвонлар маҳсулотларида, яъни жигар, буйрак ва балиқ маҳсулотларида кўп учрайди. Унга бўлган кундалик эҳтиёж 0,002—0,005 мг килиб белгиланган.

Н витамин (биотин) — барча микроорганизмларнинг нормал яшаси учун зарур бўлган мoddадир. Бу витамин ёвлар ва оксилларнинг ҳосил бўлишида иштирок этади. Агар у организмда этишмаса соч тўқилади, тери касалликлари дерматит, терининг кипикланиши кузатилади. Н витамин жигар, буйрак сут, тухум сариги, ёнғокларда кўп учрайди. Унга бўлган кундалик эҳтиёж 0,15—0,30 мг килиб қабул килинган.

ПП витамин (никотинамид) организмда биологик оксидланиш жараённини амалга ошириш учун жуда зарур. Бу витаминнинг этишмаслиги терининг касалланишига, ошқозон-ичак асаб фаолиятининг бузилишига олиб келади. ПП витамин жигар, буйрак сут, гўшт, камиртуриш, дуккаклилар, буғдои нонида кўп микдорда бўлади. Унга бўлган кундалик эҳтиёж 15—25 мг дир.

Ёвларда эрийдиган витаминлар. Буларга А, Д, Э, К витаминлар киради.

А витамин (ретинол) овқатда этишмаса киши ксерофталмия кўз оқригига

учрайди. Бундан ташкари хид сезмаслик, нафас йўларининг касалланиши, сочнинг аввалрок окариши, организмнинг касалликларга қарши кўраш кобилиятининг сусайиши ҳам унинг этишмаслигидан далолат беради. А витамин фақат ҳайвон маҳсулотларида учрайди, ўсимлик маҳсулотларида эса провитамин А—каротин колида бўлади. Каротин сарик рангли фаол модда бўлиб, организмда А витаминга айланади. Шунинг учун организмни А витамин билан таъмин этмоқ учун каротинга бой маҳсулотларни ҳам истеъмол килиш, керак. Каротин кизил сабзи, ўрик шафтоли, кўк пиёз, исмалоқ ва бошқа сабзвотлар камда меваларда кўп миқдорда учрайди. А витамин эса балиқ мойида, жигарда, китларнинг жигаридаги, тухум саригида анча кўп миқдорда бўлади. Организмнинг А витаминга бўлган кундалик эктиёжи 1,5—2,5 мг ни, каротинга бўлган эктиёжи эса 3—5 мг ни ташкил килади.

Д витамин (калтсиферол) организмда суяк тўқималарининг яхши ривожланиши учун зарурдир, чунки суякнинг асосий кисмини ташкил этадиган фосфор ва калтсий тузлари шу витамин ёрдами билан ҳазм бўлади. Д витаминнинг этишмаслиги болаларнинг раЖит билан касалланишига сабаб бўлади. У балиқ мойида, жигарда, сариёғда, денгиз маҳсулотларида учрайди, ўсимлик маҳсулотларида эса учрамайди. Бироқ ўсимликларда провитамин Д — эргостерол ва холестероллар ултрабинафша нурлар таъсирида Д витаминга айланади. Бу витамин иссикликка чидамлидир, шунинг учун ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини консервалаганда яхши сакланади. Унга бўлган кундалик эктиёж катта одамлар учун 0,025 мг ни, болалар учун эса 30—40 мг ни ташкил этади.

Е витамин (токоферол) организмнинг кўпайиши жараёнини бошкаришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг этишмаслиги жинсий фаолиятнинг бузилишига олиб келади. Бу витамин дастлаб буғдои мўртаклари мойидан ажратиб олинган (а ва Б токоферол), кейинчалик чигит мойидан ҳам ажратиб олинган (-у—токоферол, грекча токос—авлод, феро—ташийман). Э витамин ўсимлик мойлари, ёнгок магзидаги, маккажӯхори, сояда ва кўкатларда учрайди. У иссик ликка чидамли хисобланади, лекин ёғлар оқсидланганда тезда парчаланиб кетади. Э витаминга бўлган кундалик эктиёж 10—20 мг ни ташкил этади.

2. Халқ истеъмоли товарларини стандартлаштириш

Хомашё, ярим фабрикат ва тайёр маҳсулотлар сифатига ҳамда, шу билан бирга, уларнинг ўраб-жойланиши, маркаланиши ва текшириш тартибига кўйиладиган талабларнинг умумий кўрсаткичларини белгилаш стандартлаш деб аталади. Бу кўрсаткич ва талаблар баён этилган хужжат эса стандарт деб

аталади.

Стандарт - мамлакатнинг барча ишлаб чиқариш ва савдо ташкилотлари итоат килишлари зарур бўлган конундир. Стандартлар ишлаб чиқаришни ратсионализатсия қилиш ва маҳсулот сифатини ошириш учун хизмат қиласди.

Стандартлар ишлаб чиқаришга таъсир этади, ҳозирги замон техника ютукларини яна ҳам тўлароқ ўзлаштиришга мажбур қиласди, меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам беради. Бироқ, стандартлар аввалдан белгилаб берилган, ўзгармас катъий бир нарса бўлмай, ишлаб чиқаришнинг яхшиланиши, ахолининг маҳсулотлар сифати ва ассортиментига талаби оша бориши натижасида тайёр маҳсулотлар сифатига яна ҳам юкорирок талаб кўйидиган янги стандартлар билан алмаштириб турилади.

Собиқ СССРда стандартлаш иши 1925 йилда, яъни СССР Халқ Комиссарлари Совети карори билан Стандартлар бўйича комитет тузилгандан кейин бошланган. Бу комитет умумиттифок стандартлари - ОСТларни ишлаб чиқарган ва тасдиклаган.


1940 йилдан бошлаб стандартлаш бўйича барча ишлар собиқ СССР Министрлар Совети хузурида ташкил этилган стандартлар ва ўлчов асбоблари бутуниттифок комиттига топширилган. Бу комитет ишлаб чиқарган стандартлар ГОСТлар (давлат стандартлари) деб аталган.

Ҳозирги вактда Ўзбекистон Республикасида ҳалқ истеъмоли товарларига стандартлар Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш давлат комитети томонидан ишлаб чиқилади.

Стандарт талаби билан белгиланадиган товарларнинг сифат кўрсаткичлари уларнинг озиклик қийматини, лаззатлилик ҳусусиятларини, заарасизлигини ва янгилигини, умуман маҳсулот сифатини кафолатлайди. Стандартлар қаридорларнинг кукукларини химоя қиласди. Умуман давлат стандарти оркали ҳалқ истеъмоли товарларининг сифатини фан-техника тараккиёти даражаси, ҳалқ хўжалиги, ахоли ва жаҳон бозори талабларига мос холда бошқариш амалга оширилади.


Стандартлаштиришнинг асосий мақсади техника ютукларини тезлаштириш, ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ҳалқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш, четга олий сифатли маҳсулот сотиш шароитини яхшилаш билан бирга тайёр маҳсулот ва қом ашёнинг сифатига қўйиладиган норматив талабларни ишлаб чикиш, товарларнинг сифат кўрсаткичлари ва уларни назорат килишининг ягона тартибини жорий қилиш, ишлатилиб келанаётган ўлчов бирликларини такомиллаштириш ва янгисини ишлаб чикиш, стандартлаштириш ишлари бўйича ҳалқаро ташкилотлар ишида иштирок этиш ва бошқалардан иборатdir.

Истеъмолчилар талабини ўрганиш усуллари



114

Истеъмолчиларни товарларга бўлган талабини ўрганиш ва ишлаб чиқаришга буюртма бериш



115

Халқ истеъмоли товарларига нисбатан қўлланиладиган стандартни маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида истеъмол кийматни солиб кўриш учун этalon-намуна вазифасини ўтайдиган норматив-техник хужжат деб таърифлаш мумкин. Мамлакатимизда ишлаб чиқиладиган норматив-техник хужжатлар 5 тоифага бўлинади:

1. Давлат стандарти.
2. Тармок стандартлари.
3. Техник шартлар.
4. Соҳа стандарти.
5. Корхона стандарти.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Халқ истеъмоли товарларининг истеъмол хусусиятлари нималардан иборат?
2. Халқ истеъмоли товарларини стандартлаштириш қандай тартибда амалга оширилади?

10-мавзу: Дон ва дон маҳсулотлари экспертизаси

Режа:

1. Донларни классификацияси
2. Дон маҳсулотларни классификацияси
3. Ун маҳсулотлари
4. Дон маҳсулотлари
5. Булка маҳсулотлари.
6. Тешикулча маҳсулотлари

1. Дон маҳсулотларининг классификацияси

Ёрма буғдой, тарик, арпа, кора буғдой, шоли, сули, маккажӯхори ва айрим дуккакли ўсимликлар донидан тайёрланади. Бошокли ўсимликлар (дуккакли ўсимликлар бундан мустасно) донининг тузилиши тахминан бир хил бўлиб, кобиклар (мевали ва уруғли), алайрон қатлам, унли ядро (енdosперма) ва мўртак (зародиш) дан иборат. Сули, арпа, кора буғдой, тарик ва шоли донининг сирти, мевали ва уруғлик кобикидан ташкири, пўст (рангли - гул қобик) билан копланган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилик даврида дон ва дон маҳсулотлари

бўйича ўз мустакиллигига эришди. Буда давлатимизни бу соқа бўйича олиб борган иқтисодий ва сотсиал сиёсати катта рол ўйнади Ўзбекистон Республикасида 2011 йили 6 миллион 800 минг тоннадан зиёт дон маҳсулотлари таёrlанди. Дон ва дон маҳсулотлари бўйича Жиззах вилояти каллаорл туманида жойлашган Ўзбекистон дон ўсимликлари институти олимлари томонидан яратилга “БАРАКА”, “ҚАЛЛА ОРОЛ-3”, “СУҚДИЁНА” ва бошқа юқори хосил берувчи навлар яратилиб улар ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

Дондан ёрма тайёрлашда пўст, кобиқ ва мўртак кисман ёки бутунлай чиқариб ташланиб, хийла кимматли қисмлари колдирилади, унга зарур шакл, ўлчам ва ташки сайқал берилади. Ёрма бутун, эзилган, бошоқли экинлар, кора бутдой ядроси ва дуккакли - экинлар дони йирик ёки майдада тўйилган қолда чиқарилади.

Ёрма тур ва килларга, улардан айримлари эса тип, марка, нав ва номерларга бўлинади. Эрманинг тури у олинган дон экинига қараб белгиланади.

Ёрманинг озиқлилик киммати улардаги оқсил, углевод, ёғ, минерал моддалар ва витаминларнинг микдорига боклиқ. Ёрма таркибида оқсил—8—12%; крахмал 65—78%, ёғ—0,3—9%, минерал моддалар 2% гача бўлади, шунингдек, кўп микдорда Б1 Б2, ПП, эсингари витаминлар ҳам мавжуд.

Бугдой ёрмаси. Бугдой энг кимматли дон экинларидан хисобланади. Экилиш вақтига қараб, у кузги ва баҳорги, тузилишига қараб эса юмшок ва каттиқ турларга бўлинади. Бугдойнинг қаттиқ нави юмшокига кўра сифатлироқ бўлади, чунки унда оқсил моддалар анча кўп бўлади. қаттиқ бугдой дони шишиасимон, чузикрө, юмшок бугдой эса унли, шакли юмалоқ бўлади. Бугдойдан маний ёрмаси камда силликланган бугдой ёрмаси ишлаб чиқарилади.

Маний ёрмаси бугдой донини навини тортиш жараённида олинади, у Т. М ва М.Т маркаларга бўлинади.

Т маркали ёрма каттиқ бугдойни тортишдан хосил бўлади, унинг ёрмаси кремсимон окиш ёки саргимтир рангли, ним тиник, сирти киррали бўлади. У аъло сифатли маний хисобланади, чунки бошқа маркадаги ёрмаларга караганда унда оқсил моддалар кўп бўлади.

М маркали ёрма юмшоқ бугдойни янчib олинади, у хирапоқ унли мучел билан қопланган бўлади.

МТ маркали ёрма юмшоқ бугдойга 20% қаттиқ бугдой аралаштириб тортишдан хосил бўлади; оқ ёрма, унли, саргимтироқ рангли бўлади. Маний ёрмаси навларга бўлинмайди. Кундалик истеъмол учун мўлжалланган ёрманинг намлиги Ўзбекистонда 15,5% дан, узок сакланадиган Шимол раёнларга жўнатиладиган ёрманинг намлиги эса 14% дан ошмаслиги керак. Тишлаб

кўрилганда ёрма тишида кижирламаслиги лозим.

Силликланган буғдой ёрмаси каттиқ бугдойдан, баъзан юқори сифатли юмшок бугдойдан хосил килинади. Ёрма донасининг йирик-майдалигига қараб у беш номерга бўлинади.

Силликланган буғдой ёрмаси доннинг ўзаги эвдоспермадан олинади, алоҳида ёрма доналарида алайрон катлам ва уруглик қобикининг қолдиқлари ҳам колиши мумкин. Ёрма донаси оч сарик рангли, узунчок ёки думалок бўлади.

Тарик ёрмаси. Тарик дони саргиш, қизил ёки кўл ранг пўст билан копланган. Доннинг ядроси унли ёки шишасимон тузилишда бўлади. Тарик дони мўртагида 4—6% тез ачиидиган ёғ бор, шу туфайли дондан ёрма тайёрлашда мўртаги олиб ташланади.

Арпа ёрмаси. Арпанинг кузгиси ва баҳориси бўлади. Арпа дони одатда, пўстли, баъзан пўстсиз ҳам бўлади. Хўжаликда ишлатилишига қараб арпа озука-ембоп, пивобоп ва ёрмабоп турларга бўлинади. Ёрмабоп арпа дони йирик юпқа гул пўстли бўлиб, унда оксил модда кўп бўлади.

Арпа ёрмаси арпа донининг пўсти ва кисман мева кобигидан тозалаб, турли шаклда тўйилганидир. У силликланмайди. Эрма донасининг йирик-майдалигига қараб уч номерга бўлинади. Арпа ёрмасида камид 99,0% яхши сифатли ядро бўлиши лозим. Арпа ёрмасининг намлиги кўпи билан 15% бўлади.

Перловка ёрмаси пўсти, мева ва кисман уруғлик қобики олиб ташланган, яхши силликланган, юмалок шаклдаги, сирти силлик, бутун ёки янчилган арпа ядросидир. Донасининг йирик-майдалигига қараб перловка ёрмаси беш номерга бўлинади (енг йириги №1, энг майдаси №5). Перловка ёрмаси канча майда бўлса, унинг сифати шунча яхши бўлади. Перловка ёрмасининг намлиги 15% дан ошмаслиги лозим. Унда камид 99,6% яхши сифатли ядро бўлади.

Кора буғдой ёрмаси. Кора буғдой уч киррали шаклда, мўртаги йирик жигар ранг ва серпўст донидир. У темир, фосфор, калтсий, Б1, Б2, ПП витаминларга бой бўлиб, ёрма тайёрланадиган энг яхши экинлардан биридир. кора буғдойдан ёрма ва окшок олинади. кора буғдой ёрмасининг барча тури хийла кимматли ёрмалар каторига киради, чунки унинг ўта тўйимлилиги, ажойиб таъми ва яхши хазм бўлиш хусусиятлари бор.

Ёрма буғдойнинг мевали кобигидан тозаланган донидир. Сифатига қараб ёрма икки навга бўлинади. 1-нав ёрмада камид 99,2%, 2- навида эса 98,3% яхши сифатли ядро бўлади.

Кора буғдой окшоки кора буғдойнинг мевали кобикидан тозаланган, янчилган кора буғдой ядросидир. У навларга бўлинмайди. Унда камид 98,3% яхши сифатли ядро бўлиши лозим.

Шоли. Шоли пўст билан қопланган бўлади. Шоли оқлангандан кейин ҳосил бўладиган гуруч эса шишасимон ялтироқ ёки сал ялтироқ камда унли бўлади. Ялтироқ ва сал ялтироқ турлари яхши хисобланади, чунки у қайнатиладиганда элимсимон массага айланмайди.

Ялтиратилган гуруч силликланган гуручга сайқалловчи машинада ишлов бериш йўли билан ҳосил килинади. Унинг сирти текис, силлик, ялтироқ бўлади. Ялтиратилган гуруч уч навга бўлинади. Олий навда камидা 99,7, 1-навда 99,2, 2-навда—98,7% яхши сифатли ядро бўлади.

Оқшоқ барча турдаги гуручларни ишлаб чиқариш жараёнида кўшимча маҳсулот сифатида олинади. У навларга бўлинмайди. Оқшоқда камидা 98,2% яхши сифатли ядро бўлади.

Барча тур ва навдаги гуруч ёрмасининг намлиги 15,5% дан ошмаслиги лозим.

Гуруч ёрмасида яроксиз моддалар жуда кам, яхши ҳазм бўладиган озука маҳсулотидир. Бироқ оқсил ва минерал моддалар камда витаминлар озлиги туфайли унинг биологик қиммати камдир.

Сули ёрмаси. Сули дони пўстли, ок, сарик ёки кора рангли дугсимон, игнасимон ёки ноксимон шаклда бўлади. Сули донида, оқсил ва краҳмалдан ташкари, ёғ кўп, шу туфайли у ўта тўйимли, бироқ ўртача таъми ва яхши сақланмаслиги унинг қимматини пасайтиради. Хўжаликка мўлжалланишига караб сули озука-ембоп камда ёрмабоп килларга бўлинади.

Яссиланган сули ёрмаси майдаланмай буқланиб силликланган ёрмани нав шаклидаги тарамлаш валтсларида босиб ҳосил килинади. Бу ёрма ҳам сифатига караб олий ва 1-навларга бўлинади. Олий навда ёрма камидা 99%, 1-навида 98,5% яхши сифатли ядро бўлади. Узок саклашга мўлжалланган ёрманинг намлиги 12,5%, кундалик истеъмолга мўлжалланганида эса 14% бўлади.

Сули парчалари (геркўлес) майдаланмай силликланган олий нав сулини буқлаш, кейин куритиш йўли билан ҳосил килинади. Унинг ранги сарримтир ок, намлиги 12%. Сули парчалари навларга бўлинмайди. Сули парчаси кўпи билан 20 мин да пишиши лозим

Сули ёрмасида 12—16% оқсил, 60—65% краҳмал, 6—8% ёғлар, 2% канд, фосфор, калий, калтсий, темир ва бошқа моддалар бўлади.

Маккажўхори ёрмаси. Маккажўхори тишсимон, ярим тишсимон, ок тош, ёрилувчи, гуручли ва краҳмалли турларга бўлинади. Маккажўхори дони ок ва сарик, баъзан қизил ва кўк рангда бўлади.

Маккажўхори ёрмаси ишлов бериш усулига караб, силликланган Маккажўхори ёрмаси, майдаланган маккажўхори ёрмаси ва маккажўхори парчаларига бўлинади.

Силликланган маккажўхори ёрмаси кобик ва мўртагидан тозаланган

ёрилувчи ва оқ тош маккажўхорининг майдаланган ядросидир; Донасининг йирик-майдалигига караб ёрма беш номерга бўлинади. 1-, 2-ва 3-номерлар йириқ 4-ва 5-номерлар эса майда бўлади.

Майдаланган маккажўхори ёрмаси кобиқ ва мўртагидан тозаланиб майдаланган ярим тишсизмон ва тишсизмон оқ ва сариқ маккажўхоридир. Донасининг майда-йириклигига караб ёрма уч номерга бўлинади (йириқ ўрта ва майда).

Маккажўхори ёрмаси навларга бўлинмайди, намлиги 15%.

Маккажўхори парчалари оқ гуручсимон маккажўхоридан ишлаб чиқарилади. Бу жухори қобики ва мўртагидан тозаланиб, кейин янчилади. Уни шакар шарбатида туз ва солод экстракти қўшиб қайнатилади. Пишган юшоқ ёрма яссиланиб кизаргунча қовурилади. Маккажўхори парчаси навларга бўлинмайди.

Маккажўхори ёрмасида, оқсили ва витаминлар кам бўлганлигидан, озиклик киммати хам юқори эмасдир.

2. Дуккакли донлар

Бу экинларга нўхат, ловия, ясмик, соя ва бошқалар киради. Улар оқсилга бой (20—30%), крахмали-кўп (50% га яқин) ва 2 дан 5% гача ёғ (союда 22% гача) бўлади.

Дуккакли экинлар икки уруғпалла ва уруғлик қобики билан қопланган ўсимтадан иборат. Нўхат, ловия ва ясмик энг кўп таркалган дуккакли экинлардир.

Пўсти арчилган нўхат озик нўхатдан, унинг дарал, тўйимлилиги кам қобикини олиб ташлаб тайёрланади. Ишлов берилиш усулига караб, арчилган нўхат куйидаги турларга бўлинади: пардозланиб бутун арчилган нўхат, янчилиб ва пардозланиб арчилган нўхат.

Юкорила кайд этилган нўхат турлари сариқ ёки яшил бўлиши мумкин. Намлиги кўпи билан 15%.

Ловия кимматбахо дуккакли экинлардан бўлиб, мамлакатимизнинг айникса жанубий раёнларида кенг тарқалган. Ловия оқсили нўхатдаги оқсилга қараганда анча яхши ҳазм бўлади.

Солод ундирилган жавдар ёки арпа донини ивитиб ва янчидан олинади. Рангли ловия эса олабула ва тўқ олабула бўлади. Ловиянинг барча турларида намлик 20% дан ошмаслиги лозим.

Ясмик—енг муҳим дуккакли экинлардан бири. Унда ўрта хисобда 30% га яқин оқсил бўлиб, таъми күшкур, яхши пишади. Унинг барча турлари ичida тарелкасимон ясмик озиклик аҳамиятига эга. Экилиш жойига қараб, у шимолий

ва жанубий, рангига қараб, яшил, оч яшил ва килма-кил (корамтири) турларга бўлинади. Яшил ва оч яшил ясмик сифат жиҳатидан энг яхши хисобланади.

Ёрмаларнинг сифати унинг рангига, таъми, хиди, намлигига, яхши пишиш-ошмаслиги, аралашма ва унинг бор-йўклигига, яхши сифатли ядро микдорига, бузилган ва уваланган доннинг бор-йўклигига, омбор зааркунандалари теккан-тегмаганилиги ва бошқа кўрсаткичларга қараб аникланади.

Саркил ёрма маълум бир тур ва навга хос бир хил тусдага тиник ранг, нормал таъм ва хидга эга бўлади. Эт таъм ва хид ёрманинг сифатсизлигидан далолат беради.

Ёрманинг намлиги 14—15% дан ошмаслиги лозим. Ўта нам бўлса, ёрма сакланиш давомида ўз-ўзидан кизиб (бу микроорганизмларнинг ривожланишига имкон беради), бўрсиб мокор билан қопланади.

Ёрмадаги аралашмалар (тозаланмаган, уваланган, чириган, мокорлаган, кизицдан бузилган, майдаланган ва мучелли донлар, кум, тош, похол, кепак гул парчалари ва хх) ёрманинг сифатини пасайтиради. Йўл қуйиладиган ҳар кандай аралашмалар микдори стандарт билан белгиланади.

Кўл ёрмаларнинг товарлик нави яхши сифатли ядро микдорига қараб белгиланади; Яхши сифатли ядро—бу истеъмолга тамомила яроқли, шунга хос хид, таъм ва яхши ташки кўринишга эга бўлган ёрма донларидир.

Омбор зааркунандалари (кункиз, капалак кане ёки уларнинг личинкалари) теккан ёрма савдога чиқарилмайди.

Ёрма сикими 70—75 кг лик янги ёки аввал ишлатилган тоза ва пишик қопларга солинади. Гуруч, сўқ ва манний ёрмаси хеч бўлмагандан ИИ категорияли, яъни ямоги учтадан ошмаган қопларга, бошқа ёрмаларни ИИИ категорияли, яъни) ямоги бештадан ошмаган қопларга солиш мумкин.

Сули парчаси 250 г дан 1 кг гача бўлган картон ёки кокоз кутичаларга, талқони эса сикими 250, 300 ва 350 г лик картон кутичаларга солинади.

Ёрма қуруқ, ёрук, тоза, яхши шамоллатиладиган омборларда 0° дан 8°C гача ҳароратда 60—70% нисбий намлиқдаги ҳавода сакланади, ёрмани минус температурада ҳам саклаш мумкин. Аммо температуранинг кескин ўзгариб туришига сира йўл қўйилмайди.

Йил фасли ва каерда жойлашишига қараб ёрма ва дуккакли экинларга табиий камайиши нормаси (0,25—0,30%) белгиланган.

3. Ун маҳсулотлари

Ун тортиш саноати корхоналарининг географик нотекис жойлашишининг йўқотилиши, уларнинг янги, илкор техника билан жиқозланиши, технологик протессларнинг автоматлаштирилиши, уннинг катъий ассортименти

белгиланганлиги, унга стандартлар тасдикланганлиги, ун тортиш технологик схемаларининг хар киллиги чекланганлиги қозирги замон ун тортиш саноатининг катта ютукларирид.

Ун, асосан, бугдой ва жавдардан, баъзан арпа, маккажӯхори, сули, нӯхат, соя ва баъзи бошқа экинлардан тортилади.

Олдин турли аралашмалардан тозаланган дон тортилади. Ун асосан, икки усул билан: дақал ёки оддий ва майнин ёки навлаб тортиш усули билан олинади. Дақал тортилганда дон валтс ёки тегирмон тошида бир йўла ун килинади. Бундай усул билан, асосан, жавдар уни олинади.

Бугдой уни (кепакли ундан ташқари), одатда, майнин тортиш усули билан олинади. Майнин тортиш усулининг мокияти шундан иборатки, унда бугдой дони бегона аралашмалардан тозалангандан кейин ёрма қилиб янчилади, ёрма йирик-майдалигига караб навларга ажратилгач, яна алоҳида-алоҳида тортилади. Ун неча нав қилиб тортилишига караб, майнин тортиш бир хил навли, икки хил навли ва уч хил навли бўлиши мумкин.

Ун тур, тип ва навларга бўлинади. Уннинг тури ун олинган дон экини билан белгиланади. Нима максадга мўлжалланганлигига караб уннинг турлари типларга (нонбоп, макаронбоп ва бошқаларга), уннинг тур ва типлари эса сифатига караб, то-вар навларига бўлинади.

Жавдар уни. Жавдар унининг жайдари, кобики шилинган ва эланган навлари чиқарилади. Жайдари ун олиш учун жавдар дони жайдар машинасидан ўтказилиб, бегона аралашмалардан, сокол ва мўртагидан тозаланади, кейин тортилади. Дақал тортилган, кўл ранг — ок рангли ва анчагина кепакли ун хосил бўлади. Жайдари уннинг кўл микдори 2% бўлади.

Кобики шилинган ун, жайдари ундан фаркли уларо (дон пўст шилиш машинасидан ўтказилади), кепак ва мўртаги икки баравар кам бўлади, чунки тортиш вактида у бутун дон оғирлигининг 9% и микдорида эланади. Ун нисбатан майда ва бир текис оч кўл ранг заррачалардан иборат бўлади. кўл микдори 1,5% дан ошмайди.

Эланган ун — бу майнин тортилган ва эланган кўл рангсимон ок, рангли ун бўлиб, у асосан, доннинг ўзак қисмидан олинади. Эланган унда кепак 1,2% дан ошмайди, кўли кўпли билан 0,75% бўлади.

Бугдой уни. Ун тортиш саноати куйидаги навлардаги бугдой уни тайёрлайди: крупчатка, аъло навли ун, 1-, 2-навлар ва жайдари ун.

Крупчатка. каттик ва юмшок бугдойлар аралашмасидан тайёланади. Бу ун бир текис майда зарралардан иборат бўлиб, камир корилганда яхши кўпчиди, унда кўпли билан 0,6% кўл ва ёпишқоклиги қамида 30%, ранги кремсимон ок, бўлиб, кепаги бўлмайди дейиш мумкин.

Олий навли ун жуда майнин тортилган, деярли қобик аралашмаган оппок

ёки киёл сарғыш рангли ундири. Бунда кўпи билан 0,55% кўл ва камидаги 28% хўл элиз бўлади.

1- нав ун юмшоқ ва қаттиқ буғдойни майин тортиб олинади. Тортилганда доннинг ўзак кисмида 2—3% кепаги қолади. 1-нав унда 0,75% кўл ва ёпишқоклиги 30% дан кам бўлмайди.

2- нав ун ҳам юмшоқ ва қаттиқ буғдойнинг аралашмасидан, аммо йирикроқ килиб тортилади, унинг ранги сарғиш-кул ранг, оқ товланади; 10—12% гача кепак 1,4% гача кул ва ёпишқоклиги камидаги 25% бўлади.

Жайдари ун аралашмалардан тозаланган буғдой донини дақал тортиб олинади, кепаги эланмайди. Бу нав унда 20% гача майдаланган кепак 1,9% гача кул, ёпишқоклиги эса, камидаги 20% бўлади.

Уннинг сифати куйидаги кўрсаткичларига эга бўлиши керак: ранги, таъми, хиди, йирик-майда тортилганлиги, намлиги, хўллилиги, ёпишқоклиги, кислоталилиги қараб белгиланади.

Уннинг ранги асосий органолептик кўрсаткичлардан бири бўлиб, унга қараб уннинг нави аникланади. Ранги доннинг сифати, тоза-ифлослиги, намлиги, кепакнинг микдори, майин тортилганлик (заарларнинг ўлчами) ва бошқа сабабларга боклиқ Масалан, буғдойнинг шишасимон навидан майин буғдойга қараганда анча саркимтир оч рангли ун олинади; серкепак ун хирарок бўлади, майин тортилган ун ҳар доим дақал тортилган ундан кўра оқ бўлади ва хоказо. Юқори навли ун саркимтир тиник оқ рангли, паст навлари эса кул ранг бўлади.

Тортиш усулига қараб, ун аъло даражада тортилган, майин ва дақал тортилган бўлиши мумкин. Уннинг энг яхши навлари майин тортилган унлардир, чунки жуда майда ва бир хил улчамдаги зарралар бир вактда ва кўпроқ кўпчиди, натижада яхши сифатли қамир ҳосил бўлади. Крупчатка бундан мустаснодир, бу хил уннинг заррачалари йирик бирок бир текис бўлади ва яхши кўпчиди.

Буғдой уннинг сифати уннинг ёпишқоклик даражаси ва сифатига боклиқ қамир канча ёпишқок бўлса, нон шунча кўпчиб, ковак-ковак бўлиб чикади. Эшишқоклиги 28—30% дан ортиқ бўлган буғдой уни яхши ҳисобланади.

Ун курук, ўртacha курук, нам ва хўл турларга бўлинади. Курук уннинг намлиги 14% дан ошмайди. У узоқ сакланади ва нонбон ҳисобланади. Ўртacha курук унда 14,5% дан 15,5% гача нам бўлиб, 0 дан 8°C гача температурада яхши сакланади. 15,5 дан 17% гача нами бўлган ун нам, 17% дан ортиқ нами бўлган ун эса хўл ун ҳисобланади.

Барча навдаги унлар янги ёки аввал ишлатилган, аммо тоза, пишиқ, омбор зааркунандалари тегмаган қопларга жойланади. Ун камидаги ИИИ категориядаги ва сиқими 70—80 кг лик қопларга солиниши лозим.

Ун тоза, курук, ёрук, яхши шамоллатиладиган омборларда сакланади.

Үнли коплар товар күйгичларда сакланиши лозим. Штабел (тах) ларнинг баландлиги, йил фаслига қараб, 8—14 копдан ошмаслиги керак. Штабеллар ораси билан ташки деворлар орасидаги масофа камида 0,75 м келадиган килиб жойлаширилади, штабеллар орасидаги йўл эса камида 0,5 м бўлиши лозим.

Ун 0 дан 10°C ҳароратда кам, минус ҳароратда ҳам сакланиши мумкин.

Ун узок сакланадиган бинодаги хавонинг нисбий намлиги 50-60%, киска муддат сакланса, 65—75 % бўлиши лозим.

Ун учун табиий камайиш раённинг қаерда жойлашганлиги ва йил фаслига қараб 0,25—0,30% ни ташкил этади.

4. Нон маҳсулотлари

Нон буғдой ва жавдар унидан ёпилади. Тўйимлиларини ошириш мақсадида айрим нав нонларга сут, ёғ, шакар, тухум, киём, солод, майиз сингари маҳсулотлар, таъмлилик хусусиятини яхшилаш мақсадида эса кўкнори урги, седана, кашнич сепилади, арпабодён, ванил, ванилин ва бошқалар солинади.

Нон ишлаб чиқариш— комашёни тайёрлаш ва ўлчаш, қамир қориш ва ошириш, қамирни формага солиш ва тинитиш, пишириш ва совитишдан иборат. Нон тайёрлашнинг ҳар кайси жараёни тайёр маҳсулотнинг сифатига катта таъсир этади. Масалан, унни чала элаш нонга бошқа нарсаларнинг кўшилиб кетишига сабаб бўлади, қамир яхши қорилмаса “ковушмайди”, яхши ошмаган қамирнинг нони берч бўлиб қолади ва ҳоказо.

Оби нон деб, нон оғирлиги билан (нон ретсептурасига кирадиган бошқа маҳсулотларни хисобга олмаган холда) сарфланган ун ўртасидаги фарқнинг фоиз билан ифодаланишига айтилади. Кўпайиш қамир кориш учун унга кўшилган сув хисобига бўлади. Йирик нон маҳсулотларида майдасига Караганда обиси ортиқ бўлади. Формали ноннинг обиси печда ёпилган нондан кўра кўпроқ, кайнок сувга корилган қамирдан тайёрланган ноннинг обиси бошқасидан кўра кўп бўлади.

Нон ва булка маҳсулотларининг хили ва тури жуда кўп.

Уннинг турига қараб нон буғдой, жавдар, жавдар-буғдой нонларига бўлинади. Ретсептурага қараб оддий, яхшиланган ва ёғли; пиширилиш усулига қараб формали ва печда ёпилган, сотилиш усулига қараб, тортиб сотиладиган ва доналаб сотиладиган килларга бўлинади.

Буғдой нон. Оддий буғдой нони (тортиб ва доналаб сотиладиган), яхшиланган буғдой нон (тортиб ва доналаб сотиладиган), батон, булка, турли булочкалар ва ёғ-сугта корилган қамирдан тайёрланган маҳсулотлардир.

Буғдой нонининг оддий кили 1- ва 2-нав ва жайдари ундан тайёрланади.

1- нав ундан тайёрланган буғдой нон печда формали килиб, тортилиб ва

доналаб сотиладиган килиб пиширилган, қовак-қовақ чучук (кислоталилири кам) бўлади.

2- нав буғдой унидан тайёрланган нон формали ёки печда ёпилган 3 кг гача оғирлиқдаги катта юмалоқ нондир. У тортилиб ва доналаб сотиладиган бўлиб, ўта қовак-қоваклиги ва кислотаси камлиги билан фарқ қиласди.

Жайдари буғдой унидан тайёрланган нон формали ёки печда ёпилган, оғирлиги кўпи билан 4 кг бўлган юмалоқ булка нон ёки оғирлиги 0,5-1 кг лик доналаб сотиладиган формали турларда бўлади, қоваклилиги ўртacha ва кислоталилиги кўп бўлади.

Буғдой нонининг асосий яхшиланган турлари кўйидагилардир:

Кепаксиз нон олий нав ундан шакар қўшиб (4%) формада ва печда, оғирлиги 2,5 кг лик килиб пиширилади. Жуда қовак-қовак ва чучук (кислотаси кам) бўлади.

Майизли кепаксиз нон олий нав буғдой унидан тайёрланади, камирга шакар (4—5%), киём (2%), майиз (10%) ва маргарин (2%) кўшилади.

Горчитсали кепаксиз нон (формали ва печда) тортиб ва доналаб сотиладиган килиб, 1-нав унга горчитса ёғи (8%) ва шакар (6%) қўшиб пиширилади. Горчитсали нон ўта қовак-қовақ кислоталилиги ўртacha бўлади, у овалсимон ёки юмалоқ шаклда тайёрланади.

Чайний нон 2-нав буғдой уни (90%) билан жавдар уни (10%) араплашмасидан тайёрланади. камирга киём (10%), солод (2,5%), кашнич (0,2%) кўшилади, у формада ва печда, тортиб ва доналаб сотиладиган килиб тайёрланади.

5. Булочка маҳсулотлари

Батонлар ноннинг яхшиланган турига киради, чунки уларнинг таркибига ҳар хил миқдорда шакар солинади, айрим турларига эса шакардан ташкари, маргарин, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар кўшилади. Оддий батон таркибида ун, сув, туз ва қамиртуруш бўлади. Барча турдаги батонлар узунчок овалсимон шаклда, тумток ёки учли бўлиб, сирти кийшиқрок қилиб кесиб-кесиб кўйилади, у ўта қовак-қовак ва кислоталилири кам бўлади. Оддий, кесилган, майизли, городской, супли, хонаки, столичний ва бошқа батонлар.

Булка ва килма-кил булочкалар ҳам батон қамиридан тайёрланиб, унга шакар ва булкаларнинг тўйимлилик қимматини ва таъмини яхшиловчи бошқа маҳсулотлар кўшилади. Улар ўта қовак-қовақ кислоталилири кам бўлади. Лекин батондан фарқ қилиб, оғирлиги 50 г дан 200 г гача турли формада чиқарилади. Городской, сайка, рус булкаси, кўкнорли, ўрилган хала, кўкнорли ўрилма, калач ва қилма-кил булочкалар (бурама булка; қозам булка, рожок, тароқсимон, такасимон ва бошқа булкалар) энг кўп тайёрланадиган

булкалардир.

Сутли-ёғли маҳсулотлар. Олий ва 1-нав унга кўпроқ микдор шакар (7—30%), ёг (3,5—24%), тухум ва бошқа маҳсулотлар қўшиб тайёрланади. Сути маҳсулотлар ассортиментига: ёғли ширин булка, ўрама булка, устритса, ватрушка, ўрилма, баликсимон, сумкасимон, оккушсимон булкалар киради.

Пархезбоп нонлар. Бундай маҳсулотларга максус ретсепт бўйича тайёрланган ва турли касалликларга мубтало бўлган кишиларга мўлжалланган нон маҳсулотлари киради.

Ноннинг пархезбоп навларига: оқсили-кепакли ва пишик буғдой унидан тайёрлангач нонлар киради, уларда хазм бўладиган углеводлар жуда кам микдорда бўлиб, канд касалига учраган кишиларга мўлжалланади.

Ахлорид нон бугдой унидан, қамири зардобга қорилиб пишириладиган тузсиз нон бўлиб, қон босими баланд ва нефрит билан окриган беморларга мўлжалланган.

Тухум пўчокли тешикулча ракит ва меъдасида кислота ортиб кетган касалларга мўлжалланади.

Миллий нонлар. Ноннинг одатдаги навларидан ташкари, айрим республикаларда миллий навлари ҳам ишлаб чиқарилади. Улар одатдаги навлардан қамирининг таркиби, тайёрлаш жараёни, пишириш воситалари (тандир нони, шакли, ўлчами, ташки безаги, таъми ва бошқалари) билан фаркландади.

Ноннинг миллий навларига: гижда, оби, патир, ширмой, пўлати нон, кулча сингари ёпган нонлар киради.

6. Тешикулча маҳсулотлари

Бундай маҳсулотлар ошмаган каттиқ ҳамирдан ҳалқа шаклида тайёрланади. қамир буқланмайдиган усул билан кўйилади. Маҳсулот формага солингач, крахмални элим ва шакарлаш учун қайнок сувга солиб олинади. Шунинг учун ҳам маҳсулот сирти ялтироқ ва қип-қизил бўлиб пишади.

Тешикулча маҳсулотларига майда ва йирик тешикулчалар, баранка (сушки, бублики) киради.

Катта тешикулча (баранка) таркибига караб оддий, шакарли, сутли-ёғли, горчичали, ванилли, лимонли, зальфарли, розовий, бодомли ва бошқа турларга бўлинади.

Кичик ҳалқасимон тешкулча (сушка) баранкага қараганда хийла майда; ва ингичка қалкасимон бўлади. Ретсептурасига караб сушканинг қамири оддий, тминли, кўкнорли, тузли, сутли-ёғли, ванилли ва бошқа турларга бўлинади.

Кичик тешкулчадан йирик (бублики) кўра йирик ва юмшок бўлиб,

таркибига караб, кўкнорли, тминли бўлади.

Қаттиқ нон (сухари) оддий ва сутли-ёгли турларга бўлинади.

Оддий сухари мақсус тайёрланган ёки оддий ноннинг намлиги 10% колтунча қуритилган кесимлари, бўлиб, бу нон жавдар ёки бугдой унидан тайёрланади. Уннинг тури ва навига қараб, жайдари жавдар унидан тайёрланган, жайдари ва кепаксиз ун аралашмасидан тайёрланган, жайдари бугдой уни, 1- ва 2-нав бугдой унлардан, жайдари жавдар ва жайдари бугдой уни аралашмасидан тайёрланган сухарилар бўлади.

Сутли ёгли сухари олий, 1- ва 2-нав бугдой унидан тайёрланган камирга шакар (5—22%), ёғ (5—16%), тухум (100 кг унга 50—120 дона микдорида) ва таъм берувчи килма-кил нарсалар кўшиб тайёрланади.

Яхши тешикулча маҳсулотлари турри шаклли, текис, силлик ва ялтирок сиртли, сарғиш-тилла рангли, ёғимли таъм ва хидли бўлиши лозим. Диккат билан яхши уланиши, мағзи яхши кўпчиган ва аралаштирилган бўлиши лозим.

Баранка ва майда тешикулча касир кусур, йирик тешикулча-бублик эса юмшоқ бўлиши лозим. 1 кг да 35—40 дона баранка, 120—250 та майда тешикулча, 10—20 дона йирик тешикулча бўлади. Баранканинг намлиги 14—19%, майда тешикулчанини 9—12%, йирик тешикулчанини эса 22% бўлади.

Сухариларнинг сифати, шакли, ташки кўриниши, ранги, таъми, хиди, намлиги, ивучанлиги, кислотанинг микдори ва бир килограммга неча дона тури келиши сингари кўрсаткичлар асосида баҳоланади.

Барча турдаги сухарилар чиройли кирқилган, бир текис куриган, кўймаган, чуқур ёриклар бўлмаган, бегона нарсалар кўшилмаган бўлиши лозим. Яхши сухарида майда увалангани ва ушоклари умумий оғирликка нисбатан кўпи билан 3%, горбушкаси 20% бўлиши лозим.

Сутли-ёғли сухари тури шакли, жигарранг, устки сирти ялтироқ, таъми муайян навга хос ширинроқ, ачиқ ҳам эмас чучук ҳам эмас, тузи расо, кўймаган, бегона таъмлардан холи, қамири яхши қорилган, коваклиги бир текис бўлади. Намлиги, навларига караб, 8—12% ўртасида бўлиши лозим. Ёрик ва бўшликлар бўлишига йўл кўйилмайди.

Сухари ва тешикулча маҳсулотлари яхши шамоллатиладиган қурук хонада кўпи билан 16—18°C температура ва ҳавонинг нисбий намлиги 75% дан ортик, бўлмаган шароитда сақланиши лозим.

Назорат ва мuloхaza учун саволлар

1. Ёрмалар кайси ўсимликлар донидан тайёрланади?
2. Ёрмаларни қандай турларини биласиз?

3. Бўғдой, арпа, шоли ва макажӯхоридан олинадиган ёрмалар ҳақида гапириб беринг.
4. Ёрмаларнинг сифатига қўйиладиган талаблар ҳақида гапириб беринг.
5. Ўзбекистонда ун тортиш саноатнинг хозирги холати қандай?
6. Ун тортишнинг қандай усулларини биласиз? Улар ҳақида гапириб беринг.
7. Уннинг сифати кайси кўрасткичларига қараб белгиланади ва улар ҳақида гапириб беринг.
8. Нон ва булка маҳсулотларининг қандай ассортиментларини биласиз?
9. Нон ва булка маҳсулотларининг сифатига қўйиладиган талаблар ҳақида гапириб беринг.

11-мавзу: Қанд, асал, крахмал ва қандолат маҳсулотлари экспертизаси

Режа:

1. Қанд.
2. Асал.
3. Крахмал ва патока.
4. Қандолат маҳсулотлари.
5. Мевали қандолатлар
6. Шоколад ва какао
7. Конфетлар

1. Қанд

Қанд энг мухим озиқ-овқат маҳсулотидир. У ҳар куни истеъмол килинишидан ташқари қандолатлик ва новвойлиқда, спиртли ва спиртсиз ичимликлар ишлаб чиқаришда кенг кўлланилади.

Қанд юкори калорияга эга (100 г қанд 405 к калория беради), одам организмидаги энгил ва тўла ҳазм бўлади.

Ўзбекистонда қанд асосан қанд лавлагидан олинади, қанд лавлаги таркибида 16-18% сахароза бор. Кўпчилик иссиқ иқлимдаги зоналарда қанд шакар камишдан ишлаб чиқарилади.

Қанд ишлаб чиқариш усулига кўра икки гурухга, яъни қанд-шакар ва ок қандга бўлинади.

Қанд-шакар бевосита қанд лавлагидан олинади. Заводга келтирилган қанд лавлаги ювилади, майдалаб киркилади, максус каттакон ёғоч бочка (диффузор) ларга солинади ва қандни майда лавлаги кириндиларидан ажратиб олиш учун

иссик сув күйилади. ҳосил бўлган диффузион шарбат таркибида турли кўшилмалар бўлади, шунинг учун ҳам у тозаланади. Тозаланган шарбат вакуум — аппаратларда кристаллар ҳосил бўлгунга қадар қуюқлаштирилади. Кристаллар шарбатнинг кристаллашмаган кисмидан тсентрифугаларда ажратилади. ҳосил бўлган кристаллар ювилади (оқартирилади), қуритилади, элодан ўтказилади (катталигига қараб сараланади) ва идишларга жойланади. Олинган қанд ком ашёнинг 14—15% ини ташкил этади.

Оқ қанд шакардан олинади. Ишлаб чиқариш усулига қараб у-прессланган оқ қанд, кўйма қанд хоссаларига эга бўлган прессланган оқ қанд, тез эрийдиган прессланган оқ қанд, қўйма оқ қанд ва болалар оқ қандларига бўлинади.

Прессланган оқ қанд вакуум-аппарат орқали тсентрифугага узатилган оқ қанд массасидан тайёрланади. Тсентрифугада кристаллар патокадан ажратиб олинади ва оқартирилади. ҳосил бўлган хўл шакар колипларга солинади, тўғри бурчак шаклида прессланади, қуритилади, кейин тўғри шаклда ушатилади.

Кўйма қанд хоссаларига эга бўлган оқ қанд ҳам прессланган қанд каби тайёрланади, факат прессланадиган вактда унга қуюқ қанд шарбати (клерс) кўшилади, у эса қандни каттиқлаштиради.

Тез эрийдиган прессланган оқ қанд бошқа прессланган қанд турлари каби ишлаб чиқарилади, аммо у камроқ босимда прессланади.

Болалар қанди ҳар хил күшлар, хайвонлар, самолётлар шаклида ишлаб чиқарилади ва ҳар хил рангга бўялади.

Қанд талқони кўшимча маҳсулот сифатида қўйма қандни киркиш ва ушатиш вактида қамда оқ қандни мақсус майдалаш йўли билан ҳосил килинади. Донадор бўлиб қолишдан саклаш учун унга 3% гача крахмал кўшилади.

Оддий шакар таркибида сахароза 99, 75% дан кам бўлмаслиги, кристалларининг тузилиши бир қил, кирралари якъол кўриниб турадиган, ранги оқ ялтироқ, сочиувчан, курук, ёпишмайдиган, доналари бир-бирига ёпишиб колган кумалоқлар ва сариқ доналар, бегона аралашмалар бўлмаслиги, сувда тўлиқ эриб, тиник эритма ҳосил қиласиган бўлиши шарт.

Қанд-шакар ва оқ қанд И ёки ИИ категорияли зикир-жут қопларга жойланади, бундан ташқари қофоз ва картон қутичаларга қамда фанера ва ёғоч яшикларга жойланади.

Қанд-шакар соғ оғирлиги 50 ва 60 кг дан, майдаланган қўйма оқ қанд қамда прессланган чақмоқ қанд—40 кг дан, тозаланган шакар—50 кг дан И ва ИИ категориядаги тоза, курук зикир-жут қаноп қопларга жойланади.

Қанд солинган қоплар курук ва тоза чипта, брезент ёки шолчалар билан копланган мақсус ўринга таклаб кўйилади. Агар қоплар намланса, қандни бошқа курук идишга бўшатиб кўйиш керак. қанд солинган қоплар ва

яшикларни ташишда уларни кирланиш ва намланишдан саклаш учун устига брезент ёпиб кўйилади. Йилнинг фасли ва савдо корхонасининг жойлашган жойига караб, канд-шакар учун—0,15—0,20%; оқ қанд учун— 0,20—0,25%; канд талқони учун 0,35% табий камайиш кўзда тутилган.

3. Асал

Ўзбекистон юкори даражада ривожланган асаларичилиги билан машкурдир. қулай икlim шароити, асал берувчи ўсимликларнинг мўл-кўллиги асаларичиликни халқ кўжалигининг муҳим тармокига айлантириди.

Асал энгил хазм булувчи шакарлардан, яъни глюкоза ва фруктозадан иборат бўлиб, уларнинг микдори асалда 65 дан 80% гача бўлади. Бундан ташкари асал таркибида 15—25% сув, органик кислоталар (олма кислотаси, вино кислотаси, лимон, сут, шовул кислотаси), оз микдорда оқсили, витаминлар, күшбўй ва бўёғ моддалари бор. Асал юкори калорияли озиқ-овқат бўлиб, у организмда тўла хазм бўлади. Унинг шифобахш хусусияти ҳам бор, яъни ичакларнинг ишини яхшилайди, асабларни мустахкамлайди, юрак мускулларининг фаолиятини оширади.

Асал олинниш усулига қараб икки турга бўлинади: мумли асал ва тсентрифуга ёрдамида олинган асал. Мумли асал савдога кам чикарилади; у умуман хаваскор асалари хўжаликлирида олинади. Мумли асалнинг сотилишидан фойда, йўқ, чунки киймматли қом ашё мум чикитга чиқиб кетади.

Тсентрифуга ёрдамида олинадиган асал савдо асалининг асосий тури хисобланади. У мумдан тсентрифугалаш усули билан тортиб олинади.

Табиий асал ширин таъмли, ўз турига хос, күшбўй хидли, қуюқ, бир килда чўзилувчан, ранги окиш ва қизқиши ва катто жигар ранг бўлиши керак; идишларнинг аччик таъми ва хидидан, ачиш белгисидан, асал, курт, капалак мум бўлокчалари ва бошқа кўшилмалардан коли бўлиши талаб этилади. Асалнинг канд, крахмал, патока, ун, ўсимлик баргидаги ширадан олинган асал билан аралаштириб калбакилаштирилишига йўл кўйилмайди. Сувда эритилган асал лойқаланмаслиги ва чукинди ҳосил кильмаслиги керак. Шакарланиб қолган асал нуксонли хисобланмайди.

Асал 32 ва 48 кг сикимли липпадан ясалган ёғоч бочкаларга, 250, 500 ва 1000 граммлик шиша банкаларга, қамда сут флягаларига, бидонларга, тунука ва окартирилган темир банкаларга жойланади.

Асални куруқ, салкин, яхши шамоллатиб туриладиган, харорати 5-10°C ва ҳавосининг нисбий намлиги кўпи билан 60-70% бўлган хоналарда саклаш тавсия этилади.

Сунъий асал шакардан олинади. Шакар сувда эритилади, унга лимон ёки вино кислотаси кўшилади ва хосил бўлган эритма қайнатилади. Натижада сахароза — глюкоза ва фруктоза аралашмаси пайдо бўлади.

Шу аралашма пиширилади ва күшбўй моддалар ёки табиий асал кўшилиб күшбўй килинади.

Сунъий асалнинг сифат белгилари, жойланадиган идишлар ва саклаш шартлари табиий асалничи билан бир қилдир.

3. Крахмал ва патока

Картошка крахмали картошкадан олинади. Картошка олдин ювилади ва киркич машиналарда кириб ундан бўтка тайёрланади. Эзилган бўтка элокда чайкалади. Крахмалнинг майда доначалари сув билан элокдан ўтади ва идишнинг тагига чўқади; кейин крахмал сувдан ажратиб олинади, тсентрифугаларда қайта ишланади ва куритилади.

Сифатига караб картошка крахмали турт навга бўлинади: экстра, олий, 1 ва 2- навлар (кейингиси факат техник мақсадлар учун). Крахмални навларга ажратишда ранги, ялтироқлиги, сиртидаги қора нукталар (1 см^2 даги) ва таркибидаги кул миқдори қамда нордонлиги асос килиб олинади.

Маккажўҳори крахмали маккажўҳоридан олинади, бунинг учун маккажўҳори дони кўшилмалардан тозаланади ва 36—42 соат мобайнода нордонлаштирилган илиқ сувда сақланади; кейин уқаланиб, мўртаги ажратиб олинади, хосил бўлган бўтка иккинчи марта яхшилаб майдаланади, ювилади, тинитилади, тсентрифугаланади ва куритилади. Мўртагидан эса маккажўҳори мойи олинади.

Сифатига кўра маккажўҳори крахмали икки навга - олий ва 1-навга бўлинади. Навларга ажратиш белгилари картошка крахмалиничи билан бир қилдир.

Патока картошка ёки маккажўҳори, баъзан буғдой ёки жавдар крахмалларидан олинади. Аралашмалардан тозаланган крахмал сувда эритилади, нордонлаштирилади ва крахмал сути тарзида каттакон бочкаларга ёки автоқлаваларга солиб қўйилади. Шунинг ўзига бир оз сулфат кислотаси (куруқ крахмал вазнига нисбатан 0,55—0,8%) ёки хлорат кислотаси (0,19—0,25%) қўшилади ва эритма қайнатилади. Бўтка куюклашгунча қайнатилади, кейин совутилади ва идишларга куйилади.

Крахмал патокаси ишлатилишига кўра уч турга: карамел ишлаб чиқариш саноатида фойдаланилади ва мураббо тайёрлашда ҳамда бошқа мақсадлар учун ишлатиладиган глюкозага бўлинади. Карамел патокаси олий нав ва 1-навга бўлинади. Мураббо глюкозаси навларга бўлинмайди.

Патока қандолат махсулотлари ишлаб чиқаришда ва новвойликда кенг күлланилади.

Яхши патока чўзилувчан, рангиз ёки нимранг, бегона таъм сезилмайдиган ширин ва куюқ шарбат бўлади. Патокага ҳар хил қўшилмаларнинг қўшилиб кетишига йўл кўйилмайди.

Крахмал 25, 50 ва 60 кг дан тоза ва курук зикир, каноп ёки жут қопларга жойланади. Шунингдек у сикими 100 г дан 1 кг гача қофоз пачка, полиэтилен ва тセルлофан халтачаларга ҳам жойланishi мумкин. Сўнгра бу пачкалар сикими 30 кг гача бўлган курук, тоза ёғоч қутиларга жойланади.

Крахмал курук, яхши шамоллатиб туриладиган, ҳарорати кўпили билан 15°C бўлган ва ҳавосининг нисбий намлиги 75% дан ошмаган хоналарда сакланади. қоплар максус ўринларга тахлаб қўйилиши керак. Крахмални ўткир хидли ва кучли бусланувчи моллар билан бир жойда саклаш мумкин эмас.

Патока сикими 50 дан 300 кг гача бўлган бочкаларга жойланади. Патокани курук, салкин, ҳаво ҳарорати 8—12°C бўлган хоналарда саклаш тавсия этилади.

4. Қандолат махсулотлари

Қандолат махсулотларини ишлаб чиқаришда шакар, ёғ, сут, тухум, асал, мева ва сабзавотлар камда күшбўй ва бўёғ; моддалар каби турли қом ашё ишлатилади.

Қандолат махсулотлари таркибида қанд кўп, сув кам, шу сабабли у хушкўр ва юкори калорияли бўлади, ёғимли таъм ва қүшбўй хиди билан организмда яхши хазм бўлади.

Қандолат махсулотлари қўйидаги группаларга бўлинади: мева ва резавор-мева махсулотлари, шоколад ва какао кўкуни, карамел махсулотлари, конфетлар, ундан тайёрланган қандолат махсулотлари, шарк миллий ширинликлари, пархезли ва қандолат махсулотлари.

Мева ва резавор-мевали махсулотлар. Бу группага мармелад, пастила, мураббо, жем, повидло, конфитюр, желе ва тсукатлар киради.

Мармелад мева ва резавор-мевали камда желели килиб ишлаб чиқарилади.

Мева ва резавор-мевали мармелад олма мармелади ва пат мармелади тарзида ишлаб чиқарилади.

Олма мармелади олма пюресига шакар аралаштириб кайнатиш ва унга бошқа мевалардан олинган люре, озука бўёғ моддалар, қүшбўй эссенсия ва кислоталар қўшиш йўли билан тайёрланади. ҳосил бўлган масса қолипларга солинади ва куритилади. Олма мармелади шаклдор кесма ва катламли мармеладларга бўлинади.

Желели мармелад шакар, патока ва желеловчи моддалар — агара, пектин

ёки агароиддан ишлаб чикарилади. У ҳам олма мармелади каби тайёрланади. Желели мармелад шаклдор ва кесма бўлади.

Шаклдор мармелад шакар сепилган ёки сирти юпқа кристалл пўстли килиб шакар сепмасдан ишлаб чикарилади.

Кесма мармелад лимон ва апелсин паллалари шаклида ёки узунчок тўғри бурчак қамда ромб шаклида кесилган маҳсулот бўлиб, сирти силлиқ ёки тарамтарам, шакар сепилган бўлади.

Мармеладнинг таъми ва хиди шу мармеладнинг номига хос бўлиши керак. бундан ташқари шакли тўғри, расми ва четлари аниқ, кинқир-қийшиклидан коли, куйқаланмайдиган, кадир-будурсиз ва нуксонсиз бўлиши керак.

Пастила — мева ва резавор-мева пюресини тухум оқсили, шакар, патока, агар камда хар хил кушбўй таъм ва бўёг моддалари билан аралаштиришдан хосил бўладиган маҳсулотdir.

Пастила унга кўшилган желеловчи массага кўра ёпишқоқ моддали ва кайнатма бўлади.

Дамлама пастила олма-шакар-мармелад массасига ёпишқоқ моддали шарбат аралаштирмасдан тайёрланади. кўшилган моддаларига ва таъмига караб кайнатма пастила клюквали, рябинали, ўрикли, олхурили, лимонли бошка турларга бўлинади.

Пастиланинг намлиги турига караб 12 дан 25% гача, таркибидаги умумий шакарнинг микдори 78—85% гача бўлади.

Мураббо—мевалар, резаворлар, думбул ёнғоқ, атиргулни гултоҷ барги, қовун, қовоқ қанд шарбатида ёки патока кўшилган қанд шарбатида пишириб тайёрланади.

Мураббо пишириш учун ажратилган ком ашё олдиндан тайёрланади. Мева ва резаворлар сифатига караб навларга ажратилади, кўшилмалардан, чўплардан тозаланади ва ювилади. Олхури ва ўрик шарбатни яхши шимиб олиши учун ёриб чиқилади.

Йирик мевалар (олма, нок бехи) пўстидан, уруғларидан, чўпидан тозаланади ва майда қилиб кирқилади. Апелсин, мандарин ёки лимон пўётлари, ўрик шафтоли ва йирик олхуриларнинг данаги олиб ташланади. Бир вактнинг узида қанд шарбати тайёрланади.

Тайёрланган мевалар ёки резаворларга шарбат куйилади ва 30-32% намлик хосил бўлгунга қадар қайнатилади. Шарбат куйилган мева бир ёки бир неча марта қайнатилади. Одатда шарбатни тез шимиб оладиган ва эзилиб кетмайдиган, сувли, нафис мева ва резаворлар (гилос, олча, малина, қулупнай) бир марта қайнатилади. қаттиқ мевалар: олма, нок бехи, ўрик олхури ва бошқалар кўп марта қайнатилади. Нордон мевалар учун шарбат факат шакардан тайёрланади, унча нордон бўлмаган мевалар учун — шакарга патока

күшиб тайёрланади. Иссык шарбат күйилган мевалар 5—15 минут кайнатилади, кейин шарбатни шимиб олиши учун 12—24 соат күйилади, ундан кейин яна кайнатилади.

Бу жараён бир неча марта қайтарилади.

Мураббо тайёрлаш усулига кўра пастеризацияланган ва пастеризацияланмаган мурабболарга бўлинади. Пастеризацияланадигани герметик идишга жойланади ва кейин пастеризацияланади. Пастеризацияланмайдиган мураббо герметик шунингдек герметик бўлмаган идишларга қуйиб қўйилади.

Сифатига кўра мураббо олий ва 1-навларга бўлинади. Навларга ажратишда мураббонинг таъми, хиди, кўриниши, мевалар ва шарбатнинг консистентсияси ва бошқалар асос қилиб олинади.

Мураббо намлиги 30-32%, шакарнинг микдори пастеризацияланган мураббода ками билан 60%, пастеризацияланмаган мураббода эса 65% бўлиши керак.

Мураббодаги мевалар микдори умумий вазнининг 45-55% ини ташкил этиши талаб килинади.


Шакарланиб колган, ачиған, мокорлаган, таъми ўзгарган, шакари тища кижирлайдиган, меваларида доки бўлган (агар 25% дан ошиб кетса), мевалари буришиб колган (агар 15% дан ошиб кетса), шунингдек, таркибида 20% дан кўп яхши пиширилмаган ёки эзилиб кетган мевалари бўлган мураббо савдога чиқарилмайди.

Тайёрланиш усулига кўра жем ҳам мураббо каби пастеризацияланган ва пастеризацияланмаган турларга бўлинади. Пастеризацияланган жем факат герметик идишларга, пастеризацияланмагани эса герметик ва герметик бўлмаган идишларга жойланади.

Сифатига кўра жем аъло ва 1-навларга бўлинади.

Аъло навли жем ширин ва сал нордон таъмли; хиди ва ранги ўзи тайёрланган мева ранги ва хидига ўхшаш; желесимон, ёпишқоқ-консистентсияли, шунингдек, горизонтал колатда окиб кетмайдиган бўлиши керак. Шакар микдори пастеризацияланган жемда ками билан 60%, пастеризацияланмаганида эса 65% бўлиши керак.

Қандолат маҳсулотлари



5. Мева қандолатлар

Повидло мева ёки резаворлар пюресини шакар, пектин ва озука кислоталари қўшиб ёки қўшмасдан қайнатиш йўли билан тайёрланади. Повидлога бўёғ моддалар билан ранг киритиш, шунингдек, сунъий күшбўй моддалар ва эссентсиялар кўшилишига йўл қўйилмайди.

Повидло асосан олма пюресидан, шунингдек, ўриқ бехи, олча, нок шафтоли, олхури камда мева ва резаворлар аралашмасидан тайёрланади.

Повидло бир килдаги қуюқ, зич, консистентсияли масса бўлиб, ургизи ва ургуф уяларисиз, данаги олинган, пўсти артилмаган мева бўлокчаларидан коли, сал нордон, хиди ўзи тайёрланган мевалар хидига ўхшаш бўлиши керак.

Повидлода кўпи билан 34% сув ва умумий миқдори камида 60% шакар бўлиши керак.

Желе олхури, олча, тоголча, ўриқ шафтоли, олма, бехи, мандарин, қулупнай, малина, смородина, крижовник узум ва бошиқа ҳўл мева камда

резаворлар ширасидан тайёрланади. Шарбат шакар билан аралаштирилади ва дирилдок масса ҳосил бўлгунга кадар қайнатилади. Агар шарбат ёмон желеланса унга пектин ёки агар кўшилади. Желе ком ашёсига караб уч турга бўлинади: мева ва резаворлар шарбатидан тайёрланган желе, мева ва резаворлар шарбатига пектин кўшиб тайёрланган желе, мева ва резаворлар шарбатига агар кўшиб тайёрланган желе. Тайёр желедаги шакар миқдори 60–65% атрофида бўлиши керак. Сифатига кўра желе аъло ва 1-навларига бўлинади.

Шакарланиб колган, ачиған, мокорлаган, кўйган шакарнинг таъми бўлган, нордон ёки чучмал, бегона таъмли, зич консистентсияли ва тузилиши донадор бўлган желе савдога чикарилмайди.

Сукатлар — бу бутун қолида ва қиркиб, шарбатда пиширилган мевалар (олча, гилос, олхури, ўриқ нок олма), шунингдек, ковун қамда тарвуз пўстидири. Тсукатлар олиш учун мевалар олти-етти марта қанд шарбатида қайнатилади, ҳар қайнатишда унинг контцентратсияси ошириб борилади. қайнатиладигандан кейин тсукатлар сиропда уч-тўрт кун сакланади. Тайёр бўлган мевалар шарбат колдикидан ажратиб олинади, ёғоч саватларга тахланади ва 45–55°C ҳароратда 4–8 соат қуритилади.

Мева ва резавор-мевали маҳсулотлар уларнинг тури камда қусусиятларига караб ҳар хил идишларга жойланади.

Мармелад кутичалар, комбинатсиялаштирилган идишлар, тседлофан ёки полимер плёнкалардан ясалган халтачалар яшикларга жойланади. Доналаб сотиладиган мармелад картон кутичаларга кўпи билан икки катор килиб тахланади. Кутичалар тоза, чиройли безакли, когоз ёки ипак тасма билан бокланган, клапанлар билан элимланган бўлиши керак. Унинг соф оғирлиги 500 граммгача бўлади.

Пастила доналаб ва тортиб сотилади. Доналаб сотиладиган пастила картон кутичаларга соф оғирлиги 100 граммдан 1000 граммга қадар кўпи билан икки катор килиб тахланади, шунингдек, пачкалар қамда полимер плёнкаларидан ясалган халтачаларга жойланади. Тортиб сотиладиган пастила 5 кг сикими ёғоч сават ёки картон яшикларга жойланади, кесма пастила кўпи билан олти катор, куйма пастила уч катор килиб тахланади.

Пастила солинган халтача ва пачкалар очиқ идишлар - сикими 20 кг бўлган ёғоч ёки фанер яшикларга жойланади.

Мураббо ва жем шиша қамда тунука банкаларга солинади. Повидло шиша банкаларга (сикими кўпи билан 1,5 кг), тунука банкаларга (12 кг гача), ёғоч ёки фанер яшикларга (кўпи билан 17 кг) ва 50 л сикимли ёғоч бочкаларга жойланади.

Желе шиша банка ва стаканларга солиниб, яшикларга жойланади.

Мармелад ва пастила курук, салкин, тоза, яхши шамоллатиб туриладиган, нисбий намлиги 75—80% ва ҳарорати кўпи билан 20°C бўлган хоналарда сакланади.

Гарантияли сакланиш муддати мева ва резавор-мевадан тайёрланган шаклдор, кесма ва пат мармеладлари учун—икки ой, катламли ва желели мармелад учун — уч ой, агароид кўшилган шаклдор желесимон мармелад учун—1,5 ой (ишлаб чиқарилган кундан бошлаб).

Епишкок моддали пастиланинг сакланиш муддати (ишлаб чиқарилган кундан бошлаб) 1,5 ой, қайнатма пастиланники—уч ойдир.

Мураббо ва жемни тоза, курук, яхши шамоллатиб туриладиган, ҳавосининг нисбий намлиги ошиқи билан 75% ва ҳарорати: пастеризацияланган мураббо учун 2дан 20°C гача, пастеризацияланмагани учун 10 дан 20°C гача, пастеризацияланган жем учун 0 дан 20°C ва пастеризацияланмаган жем учун 10 дан 15°C гача бўлган хоналарда саклаш тавсия этилади.

Повидло 0 дан 20°C гача бўлган ҳароратда сакланади, ҳавонинг нисбий намлиги 75—80% бўлиши керак.

Банка ва бочкаларга солинган повидлонинг гарантияли сакланиш муддати тўққиз ой, яшикларга солинганиничи—уч ойдир.

6. Шоколад ва какао

Шоколад юкори калорияга эга, чунки унинг таркибида ёг (30-40%) ва шакар (55—63%) кўп. Шоколад ишлаб чиқаришнинг асосий қом ашёси какао дуккаги (тропик мамлакатларда этиштириладиган какао дараҳтининг дони) ва шакардир. Шоколаднинг айрим турларига шакардан ташқари сут, кофе, вафли ва бошқа маҳсулотлар, шунингдек, витаминлар кўшилади.

Шоколад олиш учун какао дуккаги бегона кўшилмалардак тозаланади ва қовурилади. қовурилган дуккаклар ёрмага айлантирилади, сўнгра лўстисти ажратилиб какао-велли ҳосил бўлади, ун каби массага айлантирилади ва қанд талкони камда бошқа кўшилмалар кўшилади. ҳосил бўлган масса яхшилаб эзилади, қолилларга кўйилади, паст ҳароратда совутилиб, каттиқ холатга келтирилади, кейин қолиллардан чиқариб олинади, ўров қоғозига ёки зар қоғозига ўралади, устидан этикетка ёпиштирилади ва идишларга жойланади.

Ишлаб чиқариш тартиби ва усулига караб шоколад: оддий, десертли, ковак тортиб сотиладиган ва шоколад кўқуни турларига бўлинади.

Кўшимчали ва кўшимчасиз оддий шоколад катакдок, медалга ўхшашиб, ковак ва яхлит шаклларда ишлаб чиқарилади.

Кўшимчасиз оддий шоколад турларига: “Божественнўй”, “Чоко Классик” ва

бошкалар, күшимчалилариға — “Ореховий”, “Сливочный” (сутли), ва бошкалар киради.

Десертли шоколад анча юқори навли какао дуккагидан ишлаб чиқарилади; ундағы какао массаси оддий шоколадникидан күп, шакари кам бўлади. Бу шоколад хам күшимчали ва күшимишасиз бўлади.

Фовак шоколад десертли шоколад массасидан тайёрланади, у ваккумларда колилларга куйилади ва тез совутилади. қовак шоколаднинг катакдорлиги оддий шоколадникидан қалинроқ бўлиб, у анча юмшоқ ва жуда хуштаъмли бўлади. Бундай шоколад турига: “Путешествия”, “Огонёк ва бошкалар киради.

Начинкали шоколад катакрок батон ва бошқа шаклларда оддий шоколад какао-массасидан тайёрланади. Начинкаси помада-мевали, мева-мармеладли, шоколад-кремли, помада-сливкали, ёнгоқли, вафлили бўлиши мумкин. Начинка микдори маҳсулот умумий микдорининг 50% идан ошмаслиги керак.

Тортгіб сотилидиган шоколад хам оддий шоколад массасидан күшимчали ва күшимишасиз килиб ишлаб чиқарилади. Пастки томони нотекис, юзаси эса кирапок бўлишига йўл кўйилади.

Шоколад кўкуни майдаланган какао дуккаги ва шакардан тайёрланади. У какао кўкунидан какао ёғи ва шакар (65%) кўплиги билан фарқ қиласди. Шоколад кўкуни шоколад ичимлигига ишлатилади.

Турли шоколад маҳсулотлари (катакдор, батонли, ҳар хил шаклдор шоколадлар) шакли тўғри ва аниқ бўлиши, текис ва бир оз ялтироқ, сиртида кул ранг тус, док, кемтик жой ва пуфаклар бўлмаслиги керак (сирти бир оз қирапок бўлиши мумкин). Синдирилган жойи кира, тузилиши бир қил, ранги оч жигар рангдан тўқ жигар ранггача ва қаттик консистентсияли бўлиши шарт. Маҳсулотнинг намлик микдори 1,2 дан 1,5% гача, шакар микдори— 55 дан 63% гача бўлиши лозим.

Какао кўкуни какао дуккагидан ишлаб чиқарилади. ҳар хил кўшилмалардан тозаланган какао дуккаги қовурилади, майдалаб ёрма килинади, пўсти ажратилади ва какао-массага айлантирилади, кейин ундан какао ёғининг бир кисмини чиқариб олиш учун прессланади. ҳосил бўлган какао кунжараси куритилгандан кейин майдалаб кўкунга айлантирилади.

Какао кўкуни ишлов берилган ва ишлов берилмаган турларга бўлинади. Ишқорлар (овқатга ишлатиладиган сода, углерод аммонийси) билан ишлов берилган, кайнок сувга солинганда тезда чўқинди ҳосил қилмайдиган, турқун какао кўкуни ишлов берилган какао-кўкун дейилади. Ишлов берилмаган кўкунга юкоридагидек ишлов берилмайди. “Золотой ярлик” какаолари, ишлов берилмаган какао-кўкуни навларига киради, “Екстра”лар эса ишлов берилган кўкунлардир.

Шунингдек, коришмалар: шакарли какао (какао кўкунини 65% канд талкони

билин аралаштириб), сояли какао (соя уни "60%, какао кўкуни 40%) ишлаб чиқарилади. Какао кўкунининг ҳамма тури ва унинг коришмалари ванилин билан күшбўйлаштирилади.

Какао кўкунин шу қадар майда бўлиши керакки, уни кўл билан эзид кўрилганда доналар сезилмаслиги, қайноқ сувга солинггани эса икки минут мобайнида эриб чўкинди ҳосил қиласлиги лозим. Какао кўкунининг таъми ёғимли, сал аччикроқ, ранги оч жигар ранг ёки тўқ жигар рангда (ишлов берилган навлари қизқиши рангда бўлиши мумкин) ва намлиги 6,0% дан ошмаслиги, ёғи камидаги 18%, клетчатка 5,5% гача бўлиши, ишлов берилган какао кўкунининг кули 6% дан, ишлов берилмаганиниги эса 9% дан ошмаслиги керак.

Какао кўкунин олдиндан (қадоклаб) ясад кўйилган ва сикими кўпи билан 250 г бўлган тунука банкаларга, картондан ясалган кутичалар ва юпка картондан ясалган пачкаларга, сикими 100 г когоз ҳалтачаларга, сикими 5 кг тунука ва фанер яшиклар, қуйма когоз ва фанер бочкачаларга, 35 кг сикимли тахта ёки фанер яшикларга жойланади.

Шоколад маҳсулотлари ва какао кўкунни қуруқ, тоза, шамоллатиб туриладиган, омбор зааркунандалари қамда бегона хидлардан холи хоналарда сакланади.

Шоколад солингган яшиклар стеллажларга такланиб, девордан камидаги 0,7 м узокликка кўйилиши керак. Шоколадни водопровод ва канализатсия трубалари, иситиш батареялари, печка қамда мўриларга яқин жойда саклаш мумкин эмас. Шоколадни қубёш нури таъсиридан саклаш керак. Чунки қубёш нурида у эрийди ёки ўзига қос ялтироклигини йўқотади.

Шоколад ва какао-кўкун сакланадиган хонанинг ҳарорати кескин суратда паст-баланд бўлиб турмайдиган ва 18°C дан ошмайдиган, ҳавосининг нисбий намлиги кўпи билан 75% бўлиши керак.

Белгиланган гарантияли саклаш муддати кўйидагича: оддий ва кўшимчасиз десертли шоколадники олти ой, зар когозга уралган кўшимчалисиники - уч ой; начинкали шоколадники - уч ой; тунука банкали какао кўкуниники бир йил, картон кутича ва пачкалисиники - олти ой, когоз ҳалтачага солингганиниги - уч ой, яшик ва кичик бочкаларга солинганиниги - уч ой.

Карамел. Карамел шакар-патока шарбатини намлиги 3% ли ойнасимон масса ҳосил бўлгунга қадар қайнатиш йўли билан ишлаб чиқарилади. Қайнатиладигандан кейин иссиқ карамел массасига бўёғ ва күшбўй моддалар, эссентсиялар ва озука кислоталари кўшиш йўли билан маҳсулотлар тайёрланади.

Тайёрлаш усули, начинкасининг таркиби ва турига кўра карамел: ялтирок юмшоқ (соломка), шаклдор, шоколад билан сирланган карамелларга бўлинади.

Карамел очиқ ва қоғозга ўралган қолда ишлаб чикарилади.

Ялтироқ карамел начинкаси карамел массасидан тайёрланади. Кўп таркалган турлари: “Кис-кис”, “Мятная”, “Барбарис” ва бошқалар.

Начинкали карамел пўсти ва колиплаш вактида ичига тўлдирилган начинкадан тузилади. Начинка мевали, мева ва резавор мевали, сутли, ёнгокли (майдаланиб ковурилган ва шакар билан аралаштирилган), шоколадли, шоколад-ёнгокли, салкинлатувчи (канд талқонига ялпиз ёги ёки эссеңтисиси кушилган кокос ёғи аралаштириш йўли билан олинади) ёки аралаш бўлиши мумкин.

Юмшоқ (соломка) карамел чўзилган ковак ёки ичи начинка билан тўлдирилган найчалар боклами шаклида ишлаб чикарилади. Бунга рангли зулдирлар, бухоро зулдирлари, бурама таёғчалар ва бошқалар ҳам киради.

Шаклдор карамел карамел массасидан ҳар хил ҳайвонлар, кушлар (хурозканд) ёки буюмлар шаклида ишлаб чикарилади.

Шоколад билан сирланган карамел — бу начинкали карамел бўлиб, усти бир кават шоколад билан сирланган бўлади.

Карамел ўзига нам тортади. Карамел нам тортмаслиги учун саклаш ва ташиш вактида тунука кутиларга жойланади, қоғозга ўралади, ҳаво ўтмайдиган идишларга солинади; қоғозга ўралмаганининг сиртига шакар, какао кўкуни сепилади, ялтироқ модда (юпка канд талқони ва воскожир аралашмаси) билан копланади.

Карамелнинг шакли тўгри, докзис, ёриқ ва қадир-будурсиз; сирти куруқ, ёпишмайдиган; бўёғи бир килда текис тушган, таъми ва күшбўй хиди ўз турига мувофиқ бўлиши керак.

Карамел ўралган этикетка ва тагидаги қофоз осон ва йиртилмасдан олиниши керак. Сепилган турларининг сирти шакар, канд кўкуни, какао кўкуни, ёнгок ёрмаси ва какао-велла катлами билан текис копланган бўлиши керак. Карамел массасининг намлик микдори кўпи билан 3%, мева ва резавор-мевали начинка намлиги—19,5%, помадали начинканики—12%, ёнгоклиники—4%, шоколаддининг намлик микдори—1,3% дан ошмаслиги лозим ва хоқазо.

Карамеллар таркибидаги начинка стандарт талабларига мос бўлиши лозим. Ўралган, йирик карамелга кўпроқ (23—33%) начинка, ўралмаган ва майда карамелга камрок (14—20%) начинка жойланади. Бурдаланган ва синган карамел микдори ўралмаган карамелда кўпи билан 4%; ўралган, ярим ўралган ва ялпиз таъм карамелда 3% дан ошмаслиги керак.

Карамел маҳсулотлари куруқ, тоза, яхши шамоллатиб туриладиган усти ёпик омборларда сакланади. Карамел сакланадиган хонанинг ҳарорати 18°C дан ошмаслиги ва унда ҳарорат бирданига ўзгариб турмаслиги, ҳавосининг нисбий намлиги ошиши билан 75% бўлиши керак. Карамелни тик кўш нуридан

саклаш керак. Карамел хиди ўткір озик-овқатлар билан бир жойда сақланиши мүмкін эмас. Карамелларнинг гарантияли сакланиш муддати уларнинг тури, начинкаси, сиртига берилган ишлови ва қандай идишга жойланғанлыгига боклик. Масалан, тунука идишга жойланған ялтироқ карамел учун гарантияли сакланиш муддати — олти ой; ўралган ялтироқ карамел, мева ва резавор-мевали, асалли, кўпиртирилган, помада, начинкали карамеллар учун - олти ой; ўралган, таркибида ёғ, сут, маргарин ва бошка начинкали карамеллар учун - турт ой; сиртига ишлов берилган очик карамел учун -уч ой; ўралган юмшоқ (соломка) ва шаклдор карамеллар учун - 15 кун; идишга жойланған, сиртига ишлов берилмаган очик карамел учун саклаш муддати — бир ойдир.

7. Конфетлар

Конфет ишлаб чиқаришда ҳар хил ҳомашё: шакар, патока, шоколад, мева-резаворлар пюреси, данак, эр ёнғоқ, фундук данаги, сариёғ ва кокос ёғи, какао ёғи, күшбўй камда бўёғ моддалар ишлатилади. Конфетнинг баъзи турларига сут, каймок, тухум оксили, соя, вино ёки спирт, вафли ва бошка маҳсулотлар кўшилади.

Қандолат саноати кўп хил конфетлар ишлаб чиқаради; улар катор белгиларига кўра бир-биридан фарқ қиласади:

Конфет массаси турига кўра—помадали, мева ва резавор-мевали, майдаланган бодомдан килинган, ёнғокли, сутли (“Старт”), кўпчитилган (тухум оксилига шакар кўшиб кўпчитилган), ликёрли ” (вино ҳам кўшиб), кремли, гриляжли (ёнғокни майдалаб карамел массаси билан аралаштирилган);

Конфет массаси биримасига кўра—бир катламли, кўп катламли, вафли катламли (ёки вафли билан қопланган);

Корпусининг тузилишига кўра — куйма (суюк иссик конфет массаси колиларга куйилади), суркалган (куюқ конфет массаси юпка катламда суркалади ва тўғри бурчак шаклида кесиб бўлинади); ажратилган (крем массасини мақсус найлар орқали сикиб чиқарилади ва толалаб кирқилади); прессланган (конфет массаси матритса орқали сикиб чиқарилади ва чўзилиб, ўзилмасдан чиқадиган тасма қирқилиб, алоҳида конфетлар килинади);

Сиртининг безатилишига кўра — (шоколад, помада, шакар, ёғ ва мевали-желе билан) сирланмаган ва сирланған конфетлар;

Таркибидаги начинкага кўра — начинкали ва начинкасиз;

Ташки безатилишига кўра — ўралмаган, ўралган, найчали ва хоказо;

Реализация муддатига кўра — тез сотилиши лозим бўлган конфетлар, сакланиши мүмкін бўлган конфетлар;

Реализация усулига кўра — тортиб сотиладиган конфетлар, конфет

туркумлари (бир конфет массасидан тузилган конфет туркумлари ва аснави, яъни хар хил конфет массасидан тузилган туркумлар).

Конфетлар куйидаги уч группага: начинкали шоколад конфетлар, сирланмаган конфетлар ва сирланган конфетларга бўлинади.

Начинкали шоколад конфетлар — пўсти шоколаддан бўлиб, турли шаклларда, кажми кичикроқ хар хил конфет массаларидан ишлаб чиқарилади. Шакли ва сиртнинг безатилишига кўра начинкали шоколад конфетлар: гулдор шоколад—унча катта бўлмаган, хар хил шаклда, тарам-тарам расмли конфет; катақдор шоколадлар ва начинкали батонлар; начинкали шаклдор шоколадларга бўлинади.

Одатда начинкали шоколад конфетлар туркум килиб чиқарилади, масалан “Аснави”, “Юбилейные” ва хоқазо.

Сирланмаган конфетлар кичикроқ тўғри бурчак шаклида бўлади. Улар бир катламли (бир хил конфет массасидан тайёрланган); икки ва уч катламли (бир неча хил конфет массасидан тайёрланган) бўлади.

Сирланган конфетлар хар хил конфет массаларидан бир катламли икки ва уч катламли килиб тайёрланади. Улар шоколад, помада, шакар, ёғ, мевали желе, сут-ёнгок ва карамеллар билан сирланади.

Сифатли конфетлар шакли тўғри, рангли бир килда, курук, ёпишмайдиган, силиқ ёки тарам-тарам сирти қўйкасиз, шишмаган, тирналмаган, докзис бўлиши, тамкаси аник кўриниб туриши керак. Таъми ва хиди ёғимли, конфетнинг массаси шираси ва кўшимчаларига мувофик бўлиши лозим. Сир микдори шоколад билан сирланган конфетларда камида 18—22%, помада билан сирланганларида 50% гача, шакар билан копланган конфетларда 22% дан ошмаслиги керак.

Шакли бузилган, мокорлаган, ёпишқоқ, начинкаси танасидан сизиб чиқкан, сезиларли доғлари бўлган, ёрилган, шунингдек, чучмал, нордон ёки бошқа ёғимсиз таъми бўлган конфетлар савдога чиқарilmайди.

Конфетлар курук, тоза ва яхши шамоллатиб туриладиган, харорати 18°C, хавосининг нисбий намлиги 75% дан ошмаган хоналарда сақланади. Мана шу шароитда уларга куйидаги гарантияли сақланиш муддати белгиланганди: шоколад билан сирланган, ўралган конфет учун турт ой, ўралмагани учун — уч ой;

Помада сирли, ўралган конфет учун бир ой, ўралмагани учун - 15 ун; шакар сепилган конфет учун икки ой; шаклдор шоколад конфет учун—уч ой; шоколад туркумлари учун—икки ой.

Ирис. Ирис шакар, патока, сут ва сариёғдан тайёрланади. Ириснинг баъзи бир навларига ёнгок, эрёнгок, кунжут, соя кўшилади. Ирис массасининг кайнатилиш муддати ва ишлов берилишига кўра каттиқ ёки карамелсимон, ярим каттиқ ва чузилувчан турларга бўлинади.

Ириснинг каттиқ навларига яхшилаб қайнатиладиган ирис массасидан тайёрланадиган асортиментлари киради.

Ириснинг бу асортиментларини тайёрлашда иссиқ ирис массасига тайёр ирис ушоклари арапаштирилади. қолиплангандан кейин, совиган, тайёр ирис массасида шакар кристаллана бошлайди, натижада ирис таркиби юмшайди ва унча каттиқ бўлмаган ирис ҳосил бўлади.

Юмшоқрок ирис навлари улар кам қайнатиладиган ирис массасидан тайёрланади.

Чўзилувчан ирис кам қайнатиладиган, чўзилувчан, шакар кристаллари бир меъёрда тарқалган ирис массасидан тайёрланади.

Ирис турли шаклларда: квадрат, тўғри бурчакли, шаклдор бўлиши мумкин. Унинг сирти куруқ, ёпишмайдиган, расми яккол кўриниб турган, бурчаклари синмаган ва четлари эзилмаган бўлиши лозим;

киркими тўғри, силлик; ранги оч жигар рангдан тўқ жигар ранггача, таъми ва хиди аниқ сезилиб турган бўлиши керак. қаттиқ ва навларининг намлиги — 6%, юмшоқ ирисниги—9% бўлади. Таркибидаги шакарнинг умумий миклори кўпич билан 75%, ёғ микдори камида 7—9% бўлади.

Ирис ҳам конфетлар сингари ўралиб ва ўралмай тайёрланади. Идишларга жойланishi ва сакланиш шартлари конфетниги билан бир хил бўлади.

Гарантияли сакланиш муддати ўралган карамелсимон ирис учун - олти ой; ўралмагани учун - беш ой; таркибидаги ёнгик мағзи бўлган ирис учун — уч ой; юмшоқрок ирис учун — икки ой.

Назорат ва мулохаза учун саволлар

1. Қанд ишлаб чиқариш технологиясини тушунтириб беринг.
2. Қандни қандай асортиментларини биласиз?
3. Қандни сифатига кўйиладиган талабларни гапириб беринг.
4. Асални олиниши, асортименти ва сифат кўрсаткичлари ҳакида гапириб беринг.
5. Крахмал ва патоканинг олиниши, ишлатилиши ва сифатига кўйиладиган талаблар ҳакида гапириб беринг.
6. Қандолат маҳсулотларини қандай турларини биласиз?
7. Мева ва резавор мевали қандолат маҳсулотларига нималар киради ва уларнинг товарлик хусусиятига тавсифнома беринг.
8. Карамелни қандай турларини биласиз ва уларнинг товарлик хусусиятига тавсифнома беринг.
9. Конфетларни қандай турларини биласиз ва уларнинг асортиментини тавсифлаб беринг?
10. Ирис қандай тайерланади ва уни асортиментларини тавсифлаб беринг.

12-мавзу: Мева ва сабзавотлар экспертизаси

Режа:

1. Меваларнинг классификацияси.
2. Сабзавотларнинг классификацияси.
3. Қайта ишланган мева, сабзавот маҳсулотлари ва уларни жойлаш ва саклаш усуслари.


1. Меваларнинг классификацияси

Хўл мева ва резавор мевалар инсон организми учун зарур моддаларга бойдир. Уларда углевод, кислота, минераллар, витамин, ошловчи, пектин ва күшбўй моддалар бор. Улардан баъзилари, масалан, ёнғоқ таркибида оқсил ва мой энг тўйимли моддаларга бой.

Мева ва резавор мевалар ёғимли таъм ва хидга эга бўлиб, киши организмида осон ҳазм бўлади. Баъзи меваларнинг, масалан узум, малина, черника, кора смородина, лимоннинг шифобашх хусусияти катта.

Барча мевалар, тузилишига караб, уруғли, данакли, резавор мевалар, субтропик тропик ва ёнғоқ меваларга бўлинади.

13-Чизма



Уругли мевалар. Уругли меваларга олма, нок бехи шунингдек, дулана, ва бошқалар киради. Уругли мева пуст, мақиз ва уруғ уясидан иборат.

Олма тўйимлилик кимматига эга, чунки унда 7 дан 15% гача қанд, 0,2 дан 0,8% гача органик кислоталар, 0,2 дан 0,8% гача минерал моддалар. А, Б, С витаминлари, ошловчи ва пектин моддалар бўлади. Олма табиий истеъмол қилинишидан ташқари ундан шарбат, вино ва қоқи олиш учун қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришида фойдаланилади.

Олманинг помологик навлари кўп. Улар бир-биридан шакли, йирик-майдалиги (йирик ўртacha, майда), этининг тузилиши, катта-кичиллиги (йирик ўрта, майда), косачасининг тузилиши (очик, ёпик), пўстининг қалин-юпқалиги, меваси ва этининг ранги, тъьми ва күшбўйлиги билан фарқ қилади.

Езги олма июл-август ойларида пишади, улар 10—20 кун сакланади. Уларга “Афросиаби”, “Голден Делитес” ва бошқалар киради.

Кузги нав олмалар сентябрда терилиб, 1 ойдан 3 ойгача сакланади. Энг кенг тарқалган кузги навлар: “Ренет Симиренко”, “Розмарин белўй”, “Боровинка Ташкентская” ва бошқалардир.

Кишки навлар сентябр охири ва октябрда терилади, уларнинг кўпчилиги баҳоргача сакланади. Энг кенг тарқалган қишки навлар: “Оқ розмарин”, “Ренет Симиренко”, “қандил-синап”, “Чолпон”, “Хосилдор” ва бошқалар.

Олма сифатига қараб икки хил товарлик навига бўлинади: 1-ва 2-навлар. Навларга бўлишда меванинг шакли, ранги, йирик-майдалиги, гулкоса бандининг бор-йўклиги, захаланган-захаланмаганлиги, қишлоқ хўжалик зараркунандалари етказган зарарни бор-йўклиги сингари кўрсаткичлар назарда тутилади.

Нок асосан, мамлакатимизнинг барча вилоятларида ўстирилади, унинг товарлик аҳамияти олмага қараганда камрок.

Нокда қанд (6 дан 14% гача), кислота, ошловчи модда, пектин, минерал ва күшбўй моддалар қамда С витамини бор.

Нок юмалок овалсимон, кунгироксимон ёки конуссимон шаклларда бўлади. Нок йирик ўрта ёки майда, яшил, сарик ёки бир ёғи кизил, хира жигар рангда бўлади. Нокнинг эти йирик кумок-кумок ёки майда кумок-кумок, серсув, эрувчи ёки ёғсимон, зич, дақал ковак (майнин), сарик, оқ ёки яшилрок рангда, ўзаги катта, ўртacha ёки кичик бўлиши мумкин.

Пишиш даврига қараб нок эртаги, ёзги ва кузги навларга бўлинади. Пишиш, терилиш муддати олманики билан бир қил.

Ертаги навларга: “Лесная красавица”, “Раъно”, “Подарок” ва бошқалар, ёзги “Зимняя нашвату 2”, “Сарик Гўзал” ва бошқалар, кузги навига -“Елсари”, “Юбилейная” ва бошқалар киради.

Нок сифатига қараб 1- ва 2-товар навларига бўлинади. Нави, шакли, йирик-

майдалиги, ранги, мевасининг холати, кишлок хўжалик зааркунандалари билан зарланиш даражасига қараб белгиланади.

Бехи иссиксевар ўсимликлардан бўлиб, унинг таркибида кўп миқдорда канд (5 дан 12% гача), кислоталар (0,2 дан 1,5% гача), пектин, ошловчи, минерал ва бошқа моддалар бўлади. Меваси ноксимон ёки олмасимон шаклда бўлиб, ўткир күшбўй хиддидир. Бехининг эти каттиқ бўлганлиги сабабли у табиий колида камдан-кам истеъмол килинади. Бехидан мураббо, мармелад, желе, компот тайёрланади; у ликёр-ароқ, маҳсулотлари тайёрлашда ҳам ишлатилади.

Сифатига караб бехи 1-ва 2-навларга бўлинади.

Данакли мевалар. Данакли меваларга гилос, олча, олхури, ўрик шафтоли, зайдун, жийда ва бошқалар киради. Данакли ўсимликлар меваси пўстдор ва серсув, эти: меванинг ўртасида каттиқ қобик билан қопланган уруғи бўлади.

Данакли мевалар табиийлигича истеъмол килинади ёки узок сакланмаслигини назарда тутиб улардан ўша захотиёғ консерва маҳсулотлари тайёрланади.

Гилос энг эртапишар данакли мевадир. Унинг меваси майнин, серсув ёки донадор эти, овалсимон ёки юмалоқ шакли, турли катталиқда ва ҳар хил (сарик, кизил, хира, нимранг, кора) рангли ширин ёки чучук тъымли бўлади. Унда 9—17% канд, 0,3—0,9% кислота, ошловчи, пектин ва бошқа моддалар бор. Гилос табиий колида кам, кайта ишланганда ҳам истеъмол килинади.

Гилоснинг “Дрогана-жётая”, “Восход”, “Самотсвет”, “Колхозная”, “Елтон” сингари помологик навлари мавжуд.

Олча мамлакатимизнинг кўпгина зоналарида мавжуд бўлиб, кўплаб товар маҳсулоти беради. Олчада кўп миқдорда канд ва бошқа моддалар бор.

Олча табиий ҳолда истеъмол килинишидан ташқари, мураббо, шарбат, вино, ликёр-ароқ маҳсулотлари, коки қилишда ва бошқа мақсадларга ҳам ишлатилади.

Олча меваси юмалоқ, овалсимон, япалоқ, шолромсимон ва ноксимон шаклда, пўстининг ранги-пушти, кизил, тўқ кизил ва карийиб кора бўлади, шарбати рангиз ва оч кизил, кизил, тўқ кизил, данаги йирик ўрта ва майдадир.

Енг кенг таркалган навларга “Самаркандинская”, “Шпанка чёрная”, “Подольская” ва бошқа турлари киради.

Ўрикнинг турли навларida 5 дан 17% гача канд, 0,3 дан 2,6% гача кислота, витамин, минерал, пектин ва бошқа моддалар мавжуд.

Ўрикнинг меваси юмалоқ ёки тухумсимон шакли, сарик, кунгир ёки кизгиш рангли, силлик ёки ботикрок пўстли, кумок-кумок ёки серсув этили бўлади.

Нимага мўлжалланганилигига қараб, ўрик навлари хураки, қоқибоп ва консервабол турларга бўлинади.

Хураки ва консервабол ўрикларнинг “Гулистан”, “Кўрсадик”, “Наврўз” навлари энг яхши ҳисобланади. қоқибоп навларга “Хурмаи”, “Исфарак”, “Субхони”, “Кандак” ўриклар киради.

Шафтолини Ўзбекистон Республикасида 25 нави раёнлаштирилган, уларга “Истиклол”, “Лола”, “Учкун”, “Старт”, “Фарход”, “Шарқ”, “Гулноз” ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Шафтолида ўрта ҳисобда 7—9% қанд, 0,5—1% органик кислоталар, пектин, ошловчи ва бошқа моддалар бор; меваси қоят хуштаъм бўлади. У табиий қолида истеъмол қилинади. Компот, қандолат маҳсулотлари тайёрлашда ишлатилади, шунингдек, қоқи қилинади.

Шафтолида меваси серсув этили, данаги жуда каттиқ ва қалин пўстли, илонизи бужурли бўлади. Меваси юмалок ёки овалсимон шаклли ва палла изли бўлади. Шафтолининг пўсти навига қараб тукли ёки силлик (луччак), ранги сарик-яшилдан қонсимон қизилгача, этининг ранги сарғищдан қизилгача бўлиб, одатда, данагига томон қизиллик орта боради.

Тукли ва луччак шафтолининг турли навлари данагининг этидан ажралган-ажралмаганлиги билан ҳам фарқ қилинади. Баъзи нав шафтолиларнинг данаги осон ажралади, айримлариники эса аксинча.

Жийдани Ўрта Осиё республикаларида, асосан, Ўзбекистон Республикасида жийданинг бир неча нави бор; шулар орасида, нон жийда кўп тарқалган бўлиб, унинг меваси серет, жуда ширин бўлади.

Жийда мевасининг данаги қалин, куруғ унсимон ширин эт билан ўралган. Меваси овал ёки цилиндрисимон шаклда, ўлчами 1-4 см, меванинг ранги сарик, кунгир, қизил, оч жигар ранг. Данаги овалсимон ёки чузикрок ўтқир учли бўлади. Жийданинг эти жуда тўйимли бўлиб, унда 10-10,5% сув, 50-65% қанд, 10% га якин азот моддалар, 1% га якин ёғ, 2-2,5% минерал моддалар, 11-12% клетчатка, 1-1,5% крахмал, 1,4-3,3% кислота, С витамини ва бошқалар бор.

Яхши пишган жийда меваси дараҳтнинг ўзидаёқ қурийди, шу сабабли у яхши сакланади.

Яхши жийданинг пўсти силлик, ялтирок, унсимон, эти ширин бўлади. Жийда куруқ хонада сакланади, чунки заҳ хона ёки нам идишда сакланган жийданинг пўсти кўришиб, ялтироклиги йўқолади, эти димиқиб, кўпинча мокорлайди.

Бундан ташкари Ўзбекистонда Чилон жийдани Та-ян-тсазо ва У-син-хун навлари кенг тарқалган.

Резавор мевалар. Резавор мевалар маданий ва ёввойи турларга бўлинади. Маданий резаворларга боқ ва мевазорларда ўстириладиган узум, криковник

смородина, земляника, кулупнай, малина киради. Ёввойи ўсимликлардан маймунжон истеъмол қиймати юкори хисобланади.

Резавор мевалар тўйимли ва юкори таъмлилик хусусиятларига эга. Уларнинг таркибида осон ҳазм бўладиган қанд, органик кислоталар, витаминлар, минерал моддалар бор.

Узум, кора смородина, малина сингари резавор мевалар шифобахшилик хусусиятига эга.

Узум ишлатилишига караб хураки, майизбоп ва винобоп турларга бўлинади.

Хураки навларнинг таъми яхши, унда 15 дан 20% гача қанд (асосан, глюкоза) ва 0,7% кислота бор. Майизбоп навда камидаги 20% қанд ва хураки навдагига нисбатан камроқ кислота бўлади.

Кенг тарқалган хураки навларга "Султон", "Тайфи розовўй", "Ризамат", "Паркент", "Хусайн", "Нимранг" ва бошқалар киради. Бу нав узумларнинг меваси йирик ёки ўртacha катталиқда, пўсти юпқа, майин ва эти серсув бўлади.

Сифатига кўра узум 1-ва 2-навларга бўлинади.

Хураки узум боши бўлик яхши пишган, банди мақкам, зака эмаган ва касал тегмаган мевали шингиллардан иборат бўлиши лозим.

Крижовникнинг меваси юмалоқ ёки чўзиқроқ шаклда бўлади, пўсти яшил ёки кип-қизил, рангли, силлиқ ёки тукли. Ўзбекистода "Крижовник крупноплодная" навини Р.Р.Шредер номли бокдорчилик ва узумчилик институтида яратилган. Эти серсув, нордон ва күшбўй, унда 8—10% қанд, 1,5—2,5% кислота, кўпгина пектин моддалари ва С витамини бор. Крижовникдан мураббо, желе қайнатилади. Ундан вино, маринад тайёрлашда ва бошка мақсадларда хам фойдаланилади.

Савдога чикариладиган крижовник меваси тоза, куруқ, йириклиги, шакли ва ранги бир кил, хашарот тегмаган ва касалланмаган, димиқмаган ва чиримаган бўлиши лозим.

Смородина уч турли бўлади: кора, кизил ва ок. кора смородина бошқаларга кўра мазали ва эйимлиkdir. Унда 6—7% қанд, 2—3% кислота, 0,7% гача пектин модда ва кўп миқдорда С ва П витаминлари бўлади. Смородинадан қандолат ишлаб чикаришида, шарбат, сироп, дамлама тайёрлаш ва бошка мақсадларда кенг фойдаланилади.

Кора смородинанинг меваси юмалоқ, овалсимон ва ялпоқ шаклда бўлади; йирик-майдалиги жиҳатидан, йирик ўрта ва майда, таъми нордон бўлади. Унинг "Узбекистанская крупноплодная", "Плотномясная" навлари кенг тарқалган смородинанинг энг яхши навлари хисобланади.

Кора смородина бандли ва бандсиз холда савдога чикарилади. Меваси янги, тоза, куруқ, яхши пишган, бир тусли, зака эмаган, хашарот тегмаган, касалланмаган ва мокорламаган, чиримаган ва димиқмаган, ёт таъм ва хиддан

холи бўлиши лозим.

Кулупнай кам таркалган, кам ҳосил, парвариш талаб резавор мевадир. кулупнай меваси майда, конуссимон шаклда, бир томони оқ, иккинчи томони эса тўқ кизил; косачасидан ажралиши кийин, ўткир қушбўй ва таъми хам жуда яхши бўлади. Ўзбекистонда кулупнайни 5 нави кенг майдонларга экиласди, булар "Узбекистанская", "Ташкентская", "Муто", "кўлвер". Унда 4—6% қанд, 1—1,8% кислота ва бошқа моддалар бўлади. кулупнай табиийлигича ва қайта ишлаган холда истеъмол қилинади. Узоқ сакланмайди, шу сабабли тез истеъмолга чиқарилади.

Малина бўқда ўсадиган ва ёввойи турларга бўлинади. Бўқда ўсадиган малинанинг меваси йирик ўрта ва майда, кимла-қил (юмалок, овалсимон, конуссимон, чузикроқ) шаклда, тўқ кизил ёки сарик рангли бўлади. Малинада 5—8% қанд, 1—2% кислота, хийла кўп микдорда минерал модда ва витаминлар бўлади. У табиий қолида истеъмол қилинади қамда ундан мураббо, жем, желе, шарбат, сироп, дамлама, наливка, ликёр тайёрланади.

Маймунжон Ўзбекистонда табиий қолда учрайди. Меваси қора ранги бўлиб, унда 3% дан 4% гача қанд, 2% дан ортиқ органик кислоталар, ошловчи ва пектин моддалар бор. Маймунжондан мураббо, шарбат, ликёр-ароқ маҳсулотлари тайёрлашда хам фойдаланилади.

Унинг меваси жуда йирик тўқ кизил, чўзиқроқ конуссимон шаклли, серсув, нордон таъмли. қайта ишлаб ва табиийлигича хам истеъмол қилавериш мумкин.

Резавор меваларнинг (узумдан ташқари) сифатига қуйидаги талаблар қўйилади: йирик-майдалиги, шакли ва ранги, бир кил, янги тоза, зака эмаган ва касалланмаган бўлиши шарт.

Яхши пишмаган ва ўта пишиб кетган, эзилган, шакли ва ранги ҳар хил бўлган мевалар стандарт бўйича тартибга солинади.

Субтропик ва тропик мевалар. Субтропик—тситруス меваларга анжир, анор, хурмо; тропик меваларга банан, ананас, хурмо киради. Субтропик мевалар Ўрта Осиё республикалари этиштирилади, тропик мевалар эса бизнинг мамлакатимизда ўсмайди.

Тситрус экинларга апелсин, мандарин, лимон ва грейфрутлар киради. Уларнинг хаммаси жуда мазали бўлиб, қанд моддаси (3 дан 9% гача), кислота (1 дан 6% гача), пектин, шунингдек, минерал моддалар (калтсий, фосфор каби) кўп, С витамини ва ундан бирмунча камрок Б, П ва А витаминлари бор.

Тситрус мевалар табиий қолича истеъмол қилинади. Улардан шарбат, мураббо, желе, тсукут, консерва (банкада), лимон кислотаси, пектин тайёрланади, улар ликёр-ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хам кўп ишлатилади; пўстидан қандолат ва атторлик саноати учун қимматбаҳо, қушбўй

Эфир мойи олинади.

Апельсин мевасининг эти юмшок ва пўсти қизқиши бўлади. Барча турдаги апелсинлар тузилиши ва пўстининг калинлигига қараб, калин ва юпка пўстли, шаклига кўра, юмалок ва овалсимон; уругининг бор-йўклиги жиҳатидан уругли ва ургисиз; пишиш муддатига қараб, эртаги ва кечки; йирик-майдалиги жиҳатидан йирик ва ўртача қилларга бўлинади. Меванинг эти серсув, ширин ёки нордон таъмли; 9—13 тилимчадан иборат.

Савдога тушадиган апелсин янги, кўнгир ёки оч кўнгир рангли, касалланмаган бўлиши лозим; йирик-майдалиги жиҳатидан меванинг кундаланг диаметри камидаги 50 мм бўлиши керак.

Кўкимтироқ, сал жигар ранг доки бор, кўлли замбурукча иззи бўлган ва бошқа нуқсонли апелсинларни ҳам сотиш мумкин, лекин мазкур куборларнинг дарајаси стандарт билан чекланади. Апелсин товар навларига бўлинмайди.

Мандариннинг меваси ясси - шарсимон ёки шарсимон шаклда; кўнгир ёки тўқ кўнгир рангли, эти серсув, 9—12 тилимчадан иборат, ширин ёки нордон таъмли, қушбўй хидди, ургисиз бўлади.

Саркил мандарин бўлиқ ўзига хос рангли, заха эмаган ва касалланмаган, кундаланг диаметри камидаги 38 мм бўлади.

Бушрок, лекин пишмаган, сал кўкиш, жигар ранг докли ва баъзи бошқа нуқсонли мандаринларни ҳам сотиш мумкин. Мандарин товар навларига бўлинмайди.

Лимон уч группага бўлинади: нордон (какий, типик), нордонроқ ва чучук Нордон лимон кўп этиширилади.

Лимонлар: шаклига кўра овалсимон ва тухумсимон, баъзан юмалок; уругли бор-йўклигига қараб - уругли ва ургисиз; пўстининг тузилишига кўра силлиқ ва кадир-будур бўлади. Лимоннинг эти кумоқ-кумоқ, оч сариқ рангли, серсув, 7—13 та тилимчадан иборат.

Янги сара лимон сок, силлиқ ёки ғадир-будир сиртли, тўғри шаклли, оч яшил, оч сариқ ёки сариқ рангли, закасиз ва касалланмаган лимонлардир. Бундай меваларнинг кундаланг диаметри камидаги 42 мм бўлади.

Лимон товар навларига бўлинмайди. У мевасининг энг йўкон қисми кундаланг диаметрига қараб беш группага бўлинади:

- 1) 70 мм ва ундан ортиқ;
- 2) 70 мм дан 60 мм гача;
- 3) 60 мм дан 51 мм гача;
- 4) 51 мм дан 45 мм. гача ва
- 5) 45 мм дан 32 мм гача.

Анжир серет, юмалок, ясси ёки ноксимон шаклларда бўлади. Мевасининг пўсти майин ёки дақал, сариқ, қизқиши ёки тўқ бинафша рангли; анжирнинг эти серсув ва жуда ширин. Янги анжирда 13% канд, анчагина микдорда темир ва калтсий тузлари, кўпгина каротин ва С витамини бор. Таркибига кўра, анжир меваси факат тўйимлигина эмас, шифобаҳаш хусусиятга ҳам эга. Уни меъда ва

кам қонлилик касалига учраган кишиларга истеъмол килиш тавсия этилади. Анжирдан мураббо, повидло, жем тайёрланади, лекин у асосан, коки килинади. қокиси майдаланиб кофели ичимликлар тайёрлаш учун ишлатилади.

Анжир тез бузилади, уни бир кундан ортиқ сақлаб бўлмайди.

Анор шарсимон шаклли, қизил ёки сарик рангли, қаттиқ пўст билан қопланган. Меванинг ичи уячаларга бўлинган бўлиб, унга ёғимли аччик-чучук таъмли серсув эт билан ўралган уруғи жойлашган. Анор этининг таркибида ўртача 10—15% қанд, 3—4% кислоталар. С, А витаминлари ва бошқа моддалар бор.

Анор табиийлигича истеъмол қилинади, шунингдек, шарбат, сироп, муж қаймоқ, спиртсиз ичимликлар тайёрлаща ва бошқа мақсадларда ишлатилади. Анор суви ташниликни кондириди, овкат ҳазм бўлишини яхшилайди ва иштахани очади, шунингдек, шифобахшлик хусусиятларига ҳам эга.

Анор меваси 0—6°C ҳароратда б ойгача яхши сақланади.

Хурмо тўйимли ва ширин мева. Пишган хурмода 14 дан 24% гача қанд, асосан, глюкоза ва фруктоза бор, у кислотаси камлиги ва С витаминига бойлиги билан барча мевалардан фарқ килади. Бу меванинг таркибида каротин ва темир бирикмаси ҳам бор. Ошловчи моддалар кўп бўлганилиги учун яхши пишмаган хурмонинг таъми нордон ва тиш қамаштирадиган бўлади.

Хурмо мевасининг оғирлиги 100 дан 500 г гача, шакли қилма-кил; пўсти оч сарик, сарғиши-кизил ёки кизил рангли; серсув ва ширин, эти сарик, тўқ кизил ёки корамтири рангли, желесимон консистентсияли. Хурмо табиийлигича ва консерва қолида истеъмол қилинади. У узоқ сақланмайди, шу сабабли тез истеъмолга чиқарилади, узок саклашга мўлжалланган хурмо музлатилади.

Банан. У тропик иклимли мамлакатлардан келтирилади. Бананинг меваси 15—20 см узунликда, ловиясимон шаклда, кобикгасимон сиртли, сомон рангли сарик, унсимон майда, ширин ва күшбўй эти пўстидан осон ажралади, мевада 20% гача қанд бўлади. Банан табиийлигича эйилади.

Ананас ҳам банан сингари бизга тропик иклимли мамлакатлардан келтирилади. Мевасининг эти серсув, сарик кўнгир рангли, нордон таъмли, ўта күшбўй, таркибида қанд кўп (12—15%), камда 0,6—1,2% кислота бор. А, Б, С витаминларига бой. Ананас табиийлигича ва консерва қолида истеъмол қилинади.

Хурмо қою—Африка, Хиндистон ва Жанубий Америкада ўсадиган хурмо палмасининг меваси, чузикроқ овалсимон шаклли, узунлиги 4—5 см. Тузилишига кўра данакли мевалар қаторига киради. Эзилган мевасида 60—62% қанд (сахароза, фруктоза, глюкоза), озрок оқсил (2% гача) ва С витамини бўлади.

Хурмо қоки савдога эзиб прессланган колда чиқарилади. У жигар ранг-

сарик рангли, ялтироқ силлик пўстли; эти данакли хурмога караганда ширин, серсуздир, туриб колган, эзилган хурмо кокининг эти сувсизланиб -сирти буришиб қолади. Эзилган, прессланган хурмо коки бир йилгача сакланиши мумкин.

Ёнгоқ мевалар. Ёнгоқ мевалар группасига ёнгоқ, ўрмон ва кедр ёнгоқлари, фундук бодом, писта, эр ёнгоқ ва каштан киради. Мевалардан фаркли улароқ, ёнгоқнинг пўчоки қалин, оқсил (10—25%) ва ёғ (30—70%) кўп бўлади. Ёнгоқ мағзи ширин ва ўта тўйимли маҳсулот.

1 кг ёнгоқнинг калориялилиги 8500 ккал. Унинг мағзи бевосита овкатга ишлатилади, конфетларнинг устига сепилади, шунингдек, холва, карамел начинкаси ва турли шарқ ширинликлари тайёрлашда ҳам ишлатилади. ком ёнгоқдан (пўчоки хосил бўлмасдан) мураббо кайнатилади.

Ёнгоқ сентябр - октябр ойларида пишади. Бу даврда унинг ташки қобики туша бошлайди. Ёнгоқнинг шакли, пучокининг катталиги ва қалинлиги факат ўсимликнинг турига эмас, балки обҳаво шароитига ҳам боклиқ Масалан, куркокчилик йилларида ёнгоқ, одатда, майда бўлади.

Ёнгоқ меваси йириқ ўрта ёки майда, қалин ёки юпқа пўчокли бўлади. Йириқ ва пўчоки юпқа ёнгоқ энг яхши хисобланади, чунки унинг мағзи баракали бўлади. Ёнгоқ мағзи окиш-сариқ, жигар ранг ёки қорамтири пўст билан копланган бўлади. Пўсти окиш ёнгоқ яхши саналади.

Ёнгоқ сифатига кўра, олий, 1-ва 2-навларга бўлинади, навлар куйидаги кўрсаткичларга: ташки кўриниши, пучокининг ранги ва тузилиши; мағзининг ранги, таъми ва хиди; ёнгоқнинг катта-кичилиги, қуруқ пучокли ва донли қобикили ёнгокларнинг бор-йўклигига, тақир, хашаротлар теккан-тегмагани ва пуч ёнгоклар бор-йўклигига, бегона аралашмалар қанчалик кўшилганлигига караб белгиланади.

Фундук ўрмон ёнгоқининг маданий шаклидир. Бу ёнгоқ ўрмон ёнгоқига караганда йирикроқ, пучоки юпқа, деярли мағзи билан тўда бўлади. Фундукнинг мағзи юкори калориялидир. қандолатчилиқда ва табиийлигича ишлатилади. Сифатига кўра фундук олий, 1-ва 2-навларга бўлинади.

Бодом. У икки кил: ширин ва аччик бўлади; ширин қили бевосита озиқ-овкатга ва бодомли печене, торт, пирожний тайёрлаш ва бошка мақсадларда ишлатилади. Бодом чузикроқ ёки ялпок шаклли, йириқ ва майда, юпқа пучокли ва қалин пучокли бўлади. Унинг мағзи оқ, таъми ёғимли, салгина қушбўйдир.

Бодом савдога пучоки билан ва пучоки тозаланган холда чиқарилади. Сифатига кўра бодом 1-ва 2-навларга бўлинади.

Аччик бодом овкатга ишлатилмайди, чунки унда заҳарловчи модда — амидалин бор. Ундан атторлик ва кимё саноатида фойдаланилади.

Писта. Пистанинг каттиқ, икки паллали пучоки бўлиб, ичига яшил-бинафша

ранг ширин таъмли магзи жойлашган. Яхши пишган пистанинг пучоқи зекидан ёрилиб, магзининг бир учи очилади. Пишгану очилмаган киллари ҳам бўлади, бу кили сифатли ҳисобланмайди, чунки унинг мағзини ажратиш кийин. Писта магзи қандолат саноати ва колбаса ишлаб чиқаришда кўп ишлатиласди.

Сара писта йириқ тоза, хашарот тегмаган сал аччик пучокли бўлади.

Арахис (ер ёнгок) ёнгок тупроқ ичидаги ўсиб пишади, кейин кавлаб олинади, ювилади ва қуритилади. Эр ёнгок меваси бурчоқ (дуккак) дан иборат бўлиб, бир ёки бир неча борламли, биттадан тўрттагача уруги бўлади. Меванинг кобики мўрт, сарик рангли, сирти турсимон, дони осон ажраладиган жигар ранг кобик билан копланган бўлади.

Ер ёнгокда 27—28% азот, 44—45% ёғ ва бошқа кимматли моддалар бор. қоврилган эр ёнгок овқатга ишлатиласди, шунингдек, ёғ, холва ва баъзи бир қандолат маҳсулотлари (торт, пирожний) тайёрлашда фойдаланилади. Эр ёнгок навларга ажратилмайди.

Кедр ёнгоки —бу кедр бужурининг уруги (ёнгокчаси)дир. Магзида ёғ кўп (62—63%), оксил ҳам (16—18%), у комлигича, овқат ёғи ва техника мойи камда ўсимлик сути ишлаб чиқаришда ишлатиласди.

Мева ва резавор меваларни жойлаш қамда саклаш тартиби.

Мевалар курук, тоза ва хидсиз яшиқ қалвир ва саватларга жойланади. Узок саклашга мўлжалланган мевалар помологик ва товарлик навларига қамда йирик-майдалиги ва пишиб этилиш даражасига қараб навланган бўлиши лозим.

Олма солинадиган яшикнинг сикими 18—30 кг, нокники 8—15 кг, қалвирнинг сикими 10 кг бўлади. ҳар турли идишга помологик ва товарлик нави бир хил ва бир ўлчамдаги мевалар диагонал бўйича қаторлаб, шахмат тартибида ёки тўкиб солинади.

Олма ва нокнинг яхши навлари кўпинча юпка қоғозга ўралади, қолган навлар учун қоғоз тусалади, ости ва устига юпқка катлам килиб ёғоч кириндиси ёки бошқа шу каби материал солинади.

Олча ва гилос 6 кг лик қалвир ёки саватларга жойланади. қалвир жуфт-жуфт килиб бокланади.

Шафтоли сикими 12 кг ва ўрик сикими 8 кг гача бўлган ёғоч яшикларга ва 6 кг лик қалвирга солинади; йирик ўрик яшиқ ва қалвирга қатор килиб терилади.

Сакланиш давомида меваларда пишиб этилиш, ўзига ҳаво сингдириш ва буқланиш жараёнлари юз беради. Бу жараён қанчалик тез ўтса, мева шунчалик тез бузилади. Бу жараёнларни, уларнинг интенсивлигини сусайтириш, микроорганизмларнинг ривожланишини секинлатиш учун мевалар сакланадиган бинодаги ҳароратни 0 дан 3°C гача ва ҳавонинг нисбий намлигини 85 дан 95% гача саклаш керак.

Резавор меваларни күёш нури бевосита тушмайдиган салқин биноларда 1

дан 80С гача бўлган ҳароратда саклаш максадга мувофиқдир.


Мевалар мақсус биноларда, холодилниң эртула ва ярим эртулаларда сакланади.

Барча турдаги мева саклаш бинолари яхши жикозланган, вактида ремонт килинган, яхшилаб тозаланган, дезинфектсияланган бўлиши лозим. Уларда ўзгармас ҳарорат ва зарур нисбий намлик сакланиши зарур.

Уругли мевалар (олма, нок бехи кабилар) ва хурмо учун табиий камайиш нормаси йил фаслига шу жойнинг иқлим шароитига караб, 0,5-1,2%, данакли мевалар учун 0,7-1,3%, резавор мевалар (кулипной, малина) учун 1,4-2,4%, хўл ва музлатилган ёввойи резаворлар (клюква, бруслика кабилар) учун 0,7—0,8% белгиланган.

2. Сабзавотларнинг классификацияси

13-Чизма



Сабзавотчилик қишлоқ хўжалигининг энг мухим тармоқларидан бириди. Сабзазавот майдонлари йилдан-йилга кенгайиб, сабзазавот экинларининг хосилдорлиги ортмокда, картошка ва сабзазавотларнинг ялпи хосили кўпайиб бормоқда.

Истемол маҳсулоти сифатида сабзазавотнинг роли жуда муҳимдир. Сабзазавотлар таркибида углевод, минерал моддалар, органик кислоталар, витамин, глюкозид, фитонцид, күшбўй ва ранг берувчи моддалар бўлади.

Барча сабзазавотлар овқатга ўсимликнинг қайси кисми ишлатилиши ва бошқа белгиларига караб, куйидаги группаларга бўлинади: туганаклилар, карамсимон

сабзавотлар, илдизмевалар, ковоқ, томат, пиёз, барги эйиладиган зирavor, десерт, дуккакли ва донли экинлар.

Туганаклилар. Туганаклиларга картошка, батат, топинамбур киради.

Картошка барча сабзавотлар ичидә энг мухим қишлоқ хұжалик ахамиятига әгадір. У фактат кеңг истеъмол килинадиган озиқ маҳсулотигина эмас, ундан крахмал, патока, декстрин, глюкоза ва спирт олинади. Бу маҳсулотлар, ўз навбатида, саноатнинг турли тармоқларида ком ашә сифатида ишлатилади. Картошка туганаклари картошка усимилиги эр ости поясининг йүконлашган гүштдор кисми бўлиб, унда тўйимли моддалар: крахмал (14 дан 24% гача), оксил (2% атрофида), қанд (1-1,5%), минерал моддалар, С, Б, Б2 витаминалар и йиқилади.

Картошканинг кўплаб хұжалик-ботаник навлари мавжуд. Улар бир-биридан шакли, йирик-майдалиги, пўстининг ранги, этининг тузилиши, пишиш вакти, хұжаликда нима мақсадда ишлатилиши, қасалга чидамли-чидамсизлиги, асралиши, хосилдорлиги, эртанги-кечкилиги ва бошқа баъзи белгилар билан фарқ қиласди.

Картошка шаклига караб юмалоқ, овалсимон, чузикроқ бочкасимон бўлади; пўстининг рангига кўра сарик, қизил, оқ, бинафша ранг; туганаги сиртининг карактери жиҳатидан силлик, турсимон, пўсти кўчадиган киллари бўлади. Пишиш муддатига караб картошка навлари эртаги (60-90кун), ўрта (120-130 кун) ва кечки (150-180 кун); истеъмол турига кўра-овқатбоп, заводбоп, ҳашаки ва универсал турларга бўлинади. Савдо амалиётидаги картошка эртаги ёш, пишган кечки ва сараланган турларга бўлинади.

Овқатбоп нав картошканинг таъми яхши бўлиб, унда, одатда, кўпи билан 15-18% крахмал бор. Туганаклари турри шаклли, йирик ёки ўргача, юпқа пўстли ва унча-мунча юза кўзчали. Энг яхши овқатбоп навлар: “Бахро-30”, “Диамонт”, “Зарафшон” ва бошқалар.

Картошка микроорганизмлар таъсирида қасалланади. Фузариум, фитофтора, хўл чириш, қалқасимон чириш, рак ва бошқа қасаллар картошканинг озиқлик кимматини камайтиради, сакланиш муддатини анча кискартиради, чикинди жуда кўпайиб кетади, туганаги бутунлай зааралангандаги колда эса овқатга мутлақо ярамай қолади.

Картошка сифатига кўйиладиган талаблар қуйидагилардир. Туганак этилган, соқ, бутун, қуруқ, тоза, ўсимтасиз бўлиши, эртаги картошка учун узунлик диаметри камидаги 3 см ва кечкиси учун 5 см бўлиши лозим. Стандарт картошкада озрок ўсимта берган кўкимтири майдада туганаклар, ҳашарот теккан, зака эган ва кўпи билан 1% тупроқ ёпишган бўлиши мумкин.

Карам сабзавотлар. Карам сабзавотлар групласига оқ бош карам, қизил бош карам, савой карам, брюссел карами, гул-карам ва колрабилар киради.

Ок бош қарамнинг таъми яхши ва тўйимли бўлади. Унда 2,5-3% оксил, 4% га якин канд, С витамини ва бошқа моддалар бор.

Бошининг шаклига қараб ок бош қарам юмалоқ, ясси (ялпок) ва конуссимон; катта-кичиклигига кўра майдан (диаметри, 10—18 см), ўрта (диаметри 20—25 см) ва йирик (диаметри 25 см дан ортиқ); зичлигига кўра ковак ўртача зичлиқда ва зич; ичидағи ўзагининг узунлигига кўра киска, ўрта ва узун ўзакли бўлади. Пишиш муддатига қараб қарам навлари тезпишар (100-120 кун), ўртапишар (170 кунгача) ва кечипишар (240 кунгача) турларга бўлинади.

Тезпишар навлардан энг кимматлиси “Наврўз”, ўртапишардан “Саратони” камда кечипишар навлардан “Узбекистанская -133”, ва бошқалардир.

Ертаги қарам яхши сакланмайди, қайта ишлаш учун яроксиз, у кулинарияда янгилигича ишлатилади; ўртапишар навлар яхшиrok (2-3 ой) сакланади, кечипишар қарамни эса келгуси йил бошигача саклаш мумкин.

Бундай қарам боши бутун, соқ, янги, шаклланган, ёрилмаган, зич ёки сал зич бўлиши, лекин ковак бўлмаслиги (ертаги қарам қовак бўлиши мумкин), ифлос бўлмаслиги, яхши ўралган кўк ёки ок баргларигача тозаланган бўлиши лозим. Эртаги қарам бошининг оғирлиги камида 0,4 кг, ўртаги ва кечки эса 0,8 кг келиши, ташки ўзагининг узунлиги 3 см дан ошмаслиги лозим. Ок бошли қарам товар навларига ажратилмайди.

Стандарт қарам бошида қуйидаги нуксонлар бўлиши мумкин: коплаб турган баргларининг куруқ ифлос бўлиши, коплаган уч кават баргининг захаланган бўлиши, боши ва ўзагининг кемтик бўлиши. Бирок бундай бошлар бир партия қарамда 5% дан ошмаслиги лозим.

Кизил бош қарам зангори-яшил тусдаги кизил-бинафша рангли ва баргларила мум чангиги бўлади. Бу қарам боши каттиқ, барги хийла дақал бўлади. У янгилигича ва зиравор кўшиб сиркалланган колда ишлатилади. Тузлашга ярамайди.

Кизил бош қарамда 2% атрофида оксил моддалар, 3-4% канд, минерал моддалар, витаминлар, айникса С витамини ва каротин кўп бўлади. У касаллик ва совукка чидамли бўлиб, яхши сакланади, зарапкунандалар кам тушади.

Енг яхши хўжалик-ботаник навлари “Кешмер Ф”, “Фарго Ф” ва бошқалардир.

Савой қарами кижим-кижим, бурмали, ок бош қарамдан кўра майинрок баргли бўлади, улар бир-бирига зич ёпишмай, ковак қарам боши хосил килади.

Бу қарам тузлашга ярамайди, у қайнатиб, ковуриб ва димлаб ишлатилади. Савой қарамида 3% дан ортиқ оксил моддалар, ўртача 3,7% канд, 0,83% кул, С витамини ок бошли қарамга нисбатан 1,5-2 баравар кўп; бундан ташқари, А ва ПП витаминлари хам бўлади. “Хибинская”, “Ча-Ча Ф” ва бошқа навлар энг яхши навлар хисобланади.

Брюссел карами бошқа турдаги карамлардан фарқли ўлароқ, күп бошлидир. Майда бошчалар узунлиги 80-100 см ли илдизпоясида жойлашган бўлиб, улар узун бандли барглар чукурчасида бокланади.

Бошчаларнинг сони 30 дан 90 донағача бўлиб, навига қараб улар турли ўлчамда (диаметри 2 дан 6-8 см гача) ва турли шаклда (овал, юраксимон ёки юмалоқ) бўлади.

Бошчаларнинг баргидаги 3—4% оқсил, 3,5-4% қанд, С витамини ва бошқа витаминлар оқ бош қарамга қараганда 3-4 баравар кўп бўлади. У қайнатиладиган колда ишлатилади, зирavor қўшиб сиркаланади ва қуритилади.

Гулкарам озиқ моддаларга анча бой ва таъми, мазалилиги билан қимматлидир. Гулкарамнинг эйиладиган қисми бошча деб номланадиган гул бўлиб ҳали очилмаган қисмидир. Унда тахминан 3-3,5% оқсил, 2-2,5% қанд, кўп микдорда калтсий, фосфор ва темир бўлиб, С, А, Б витаминларига бой. Гулкарамда клетчатка кам, шу туфайли киши организмига осон ҳазм бўлади.

Илдизмевалар. Илдизмеваларга сабзи, лавлаги, брюква (шолгомсимон сабзавот), шолком, турп, редиска, петрушка, пастернақ селдерей ва хренлар киради. Уларнинг юқонлашган пояли илдиз қисми эйилади. Унда ўсимлик ўзига озука моддалари: анчагина қанд, оқсил, минерал моддалар, кислота, А, Б, С витаминлари, эфир мойи ва бошқаларни туплайди.

Сабзи деярли ҳамма жойда тарқалган. У жуда тўйимли, унда тахминан 5-8% қанд, минерал моддалар, кислоталар, Б1, Б2, С витаминлари ва айникса каротин кўп. У табиийлигича истеъмол қилинади ва сабзавот консервалари, сабзи суви тайёрлашда ва ҳар хил иссик овқатларга ишлатилади ва қуритилади кам.

Сабзининг шакли юмалоқ, цилиндрисимон, конуссимон ва дугсимон, рангига кўра оч сарик, сарғиш-кунгир ва кунгир (кунгир рангли илдизмевалар энг яхши хисобланади, чунки унда каротин кўп); сабзининг сирти силлиқ ва кадир-буудур, ўзагининг катта-кичиклигига кўра кичик ўрта ва катта ўзакли бўлади (кичик ўзакли нав яхши хисобланади; катта ўзакли сабзи тўқималари хийла дақал, кам сув ва қанди ҳам кам бўлади), сабзининг энг яхши навлари: “Мирзон сарик 304”, “Мирзон кизил 228”, “Барака” ва бошқалардир.

Сара сабзи қуруқ, сўлимаган, касалланмаган, бутун, ёрилмаган тоза, хашшарот тегмаган, шакли ва ўлчами бир қил, камида 2 см узунликдаги пояли бўлиши лозим; сабзининг кўндаланг кесими диаметри 2,5—6,0 см келадиган бўлиши керак.

Илдизмеваларнинг стандартда белгиланган ўлчамдан ташқари, ёрилган, кирқилган, қинқир-кийшиқ шаклли, нотўғри кирқилган пояли сабзиларни ишлатишга йўл кўйилади, бирок бундай камчиликли сабзи бир партияда 5% дан ошмаслиги лозим. Чириган, димиккан, яхлаган, бегона таъм ва хидли илдиз меваларни ишлатишга йўл кўйилмайди.

Лавлагининг уч тури: овқатбоп, қанд лавлаги ва ҳашаки лавлагилар экилади. Овқатбоп лавлаги карам шурвага солинади ва ўзидан лавлаги шўрва килинади, соус, салат тайёрланади, консерва саноатида ишлатилади ва қуритилади. Лавлагида ўрта хисобда 6% қанд бор. Лавлагининг шакли япалоқ, юмалоқ, юмалоқ ясси, овалсимон, конуссимон ва цилиндрисимон, рангига кўра тўк кизил, кизил, пушти кизил, қалқасимонлиги жихатидан оқ қалқали ва қалқасиз (калқасиз навлар энг яхши хисобланади, улар серсув майин этили) бўлади; сиртининг карактери жихатидан силлик, кадир-будур, туп-туп, нотекис (силлик нави яхши хисобланади). Пишиш муддатига кўра, лавлаги эртапишар, ўртапишар ва кечпишар навларга бўлинади. Лавлаги, айниқса кечпишар навлари, яхши сакланади. Овқатбоп лавлагининг яхши навлари “Бордо-237”, “Волдан-Ф” ва “Пабло-Ф” навларидир.


Савдога тушадиган овқатбоп лавлаги янги кавланган, тоза, сок, ифлосланмаган, шакли бенуқсон, ёрилмаган, зака эмаган ва касалланмаган, барги кўпи билан 2 см узунликда киркилган, турли тусдаги тўк кизил рангли, серсув, этили бўлиши лозим. Энсиз оқ қалқали лавлаги хам савдога чикарилади. Илдизмеванинг энг узун кўндаланг диаметри камида 5 см ва кўпи билан 14 см бўлиши лозим.

Илдизмеванинг сал эдирилган, катта-кичиклигига бир оз фарқ бўлиши, битиб кетган ёрики бўлиши, боши нотўғри кесилган, сал сулиган бўлиши хам мумкин, аммо бундай кубори бор лавлаги оғирлигига нисбатан 5% дан ошмаслиги лозим. Лой ёпишган илдизмева эса 2% дан ошмаслиги лозим.

Қовоксимон сабзавотлар. Буларга бодринг, тарвуз, қовун, қовок кабилар киради.

14-Чизма

Полиз маҳсулотлари классификацияси



Бодринг, асосан таъмлилик киммати билан манзур, чунки унинг озиқлик киммати баланд эмас (унинг 95% и сув). Бодринг комлигича, тузлаб ва консерва килиб истеъмол қилинади.

Экиш усулига караб бодринг ерда, парникда ва иссик хонада ўстириладиган; рангига караб оч яшил, яшил ва тўқ, яшил, оқ, тарам-тарам ёки тарамсиз; сиртининг характери жиҳатдан қадир-будур ва силлик. қадир-будур бодринг силлик бодрингдан кўра яхши тузланади ва ачиш давомида хосил бўладиган сут кислотасини кўпроқ шимади. Пишиш муддатига кўра эртапишар (40—45 кун), ўртапишар (55 кун) ва кечки навларга бўлинади. Эртаги бодрингнинг узунлиги, 9 см дан, ўртапишар ва кечки бодрингларнинг узунлиги эса 12 см (диаметри 6 см), дан ошмайди.

Хомлигича истеъмол қилиш, тузлаш ва консервалаш учун майда ва ўртача йириклидаги бодрингларни ишлатиш маъқул, чунки улар ёш, эти зич ва уруғи пишиб етмаган - юмшоқ бўлади.

Бодрингнинг энг кенг тарқалган хўжалик-ботаник навлари, “ТошДАУ”, “Орзу Ф”, “Султон Ф” ва бошқалардир.

Тарвуз истеъмол ўрнига кўра овқатбоп, хашаки ва цукат хилларга бўлинади. Овқатбоп тарвузда 6-8% қанд, С витамини ва бошқа моддалар бўлади, эти майнин, таъми ширин. Тарвуз табиийлигича ва тузлаб ҳам ейилади. Ундан тарвуз асали (нардек) ва вино тайёрланади.

Тарвузнинг бир қанча навлари ичиди “Хайт кора”, “Кўзибой-30”, “Сурхонтонги”, “Узбекский 452” навлари энг яхши навлар хисобланади. Уларнинг эти серсув, майда донали, майнин, қип-қизил рангли бўлади.

Стандарт талабларига кўра тарвуз сок, янги узилган, тоза, тўғри ёки нотўғри шаклли бўлса-да, кинкир-қийшик бўлмаслиги, пишиб ўтиб кетмаган, қизил ёки пушти рангли бўлиши лозим. Тарвузнинг ўлчами кўндаланг диаметри камида 15 см бўлиши керак.

Стандарт талабларига кўра бир партияда кинкир-қийшик (нотекис шаклли) кирилган, сал эзилган тарвузлар 8% дан ошмаслиги лозим, жумладан қомрок ва ўта пишиб кетган тарвузлар кўпич билан 3% бўлиши мумкин.

Қовун серет, йирик ўрта ёки майда ўлчамли, тухумсимон, юмалоқ ёки цилиндрисимон шаклли, силлик, тўр-тур ёки ковуррасимон сиртли, ранги сарик, кўнгир ёки жигар ранг. Этилиш даражасига караб қовун пишган ва қомрок килларга бўлинади. қовун эти оқ, сарик, пушти ёки сал яшил рангли; зич тузилиши; таъми ширин ва ёғимли, сал ёки ўта күшбўй.

Қовунда 13% қанд, С витамини, минерал моддалар, кислота, күшбўй ранг берувчи ва бошка фойдали моддалар бўлади. қовун табиийлигича истеъмол килинади ва ундан қовун қоқи, қовун асали, тсукат, повидло, мураббо тайёрланади.

“Шакарпалак”, “Оби новвот”, “Саховат”, “Асатил”, “Чурлан” навлари кенг тарқалган.

Қовун янги узилган, бутун, сок, турли шаклда, текис, хар қайси навнинг ўз

рангида бўлиши лозим. Меванинг ўлчами кўндаланг кесим диаметри эртапишар ва майда қовун учун камида 10 см, ўрта ва кечпишар (кузги) қовунлар учун (юмалоқ ва овалсимон шаклли) камида 15 см бўлади. Пишган қовун серсув, майин, этли ва этилган, уруги осон ажраладиган бўлиши лозим. қомрок қовуннинг эти зичроқ ва камсувроқ, уруги пишиб этилмаган ва унинг этидан кўчиши қийин бўлади.

Бир партияда кирилган, эзилган, ўлчамига тўғри келмайдиган қовун кўпичилан 5% бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда қовокнинг овқатбоп ва ҳашаки навлари этиштирилади.

Овқатбоп қовок йирик ўрта ёки майда, шарсимон, япалоқ, цилиндрсимон ёки тухумсимон шаклда бўлади. Уларнинг пўсти юпка ёки қалин, тўрсимон ёки қовуркасимон сиртли, ок кул ранг, сарик, кўнгир ёки қизил тусли. Пишиш муддатига қараб қовун навлари эртаги, ўрта ва кечки навларга бўлинади.

Қовок ёриб, қайнатиб, қовуриб истеммол қилинади ва қандолат ишлаб чикиришда хомашё сифатида ишлатилади.

Овқатбоп қовокнинг яхши навлари “Нон кади”, “Шириной”, “Палов кади” ва бошка навлар хисобланади.

Сифатига кўра овқатбоп қовок навлари янги узилган, тоза, бутун, соқ, пишган, тўғри шаклли, қаттиқ пўстли ва зич ёки серсув этли, ширин бўлиши лозим.

Нотўғри шаклли, лекин жуда ҳам қинқир-қийшиқ бўлмаган, пўстининг кирқилган ва тирналган жойлари билинар-билинмас қовокни ишлатиш мумкин. Бир партияга бир маҳал этиладиган бошка нав қовокларни аралаштириш мумкин-у, лекин у 10% дан ошмаслиги керак. қовокнинг ўлчами—енг кенг кўндаланг диаметри чўзинчоқ шаклдаги қовок учун 12 см дан, япалоқ ва юмалоқ қовок учун 15 см дан кам бўлмаслиги лозим. Босилиб эзилган, ёрилган қовокни ишлатишга йўл қўйилмайди.

Томат сабзавотлар. Томатбоп сабзавотларга помидор, баклажон ва гармдори киради.

Помидор таъмлилиги ва тўйимлилиги билан қимматли сабзавот хисобланади. Унда С, Б витаминлари, каротин кўп. 2,6% дан 3,7% гача канд, 0,5% га яқин органик кислоталар, минерал моддалар ва оксилилар бор. У овқатга табиийлигича, тузлаб ва консерва килиб ишлатилади, консерва саноатида томат суви, томат-люре, томат пастаси тайёрлашда ва банкали консервалар ишлаб чикиришда ишлатилади.

Помидорнинг меваси юмалоқ, овалсимон, япалоқ, тухумсимон ёки чузиқроқ шаклли, силлик ёки қовуркасимон сиртли бўлади. Меванинг ичи алоҳида алоҳида хоналарга бўлинган бўлиб, унда уруги жойлашган бўлади. Хоналари ва уруги канча кам бўлса, помидорнинг нави шунчалик яхши ҳисобланади. Йирик-

майдалигига караб помидор йирик ўрта ва майда, пишган мевасининг рангига кўра турли тусдаги оқ, сарик, кўнкир ва кизил турларга бўлинади. Пишиш муддати жиҳатидан помидор навлари эртаги (110—120 кун), ўрта (125—130 кун), кечки (130 кундан кўп) бўлади.

Енг кўп тарқалган помидор навлари Ўзбекистонда помидорни 43 нави экиласди. Кенг тарқалган “Бардо Ф”, “Буран Ф” “Малина Ф”, “Омад Ф” ва бошқалар.

Янги помидор товарлик навларига бўлинмайди. Помидор факат қизил ва пушти ранг олиб этилган қолдагина тарқатилади (сотилади). Савдога тушадиган помидор янги терилган, соқ, бутун, тоза, закаланмаган ва офтоб урмаган, кенг кўндаланг диаметри камида 4 см бўлиши лозим. Сотиладиган помидорлар орасига куруқ доки борлари қўшилиши мумкин-у, бироқ бундай помидорлар 15% дан ошмаслиги керак. Помидор тайёrlайдиган раёнларда истеъмолга жўнатицда пишар-пишмас помидорлар бутун маҳсулот оғирлигига нисбатан 5% дан ошмаслиги лозим.

3. Қайта ишланган мева ва сабзавот маҳсулотлари

Мева ва сабзавотларнинг сақланиш муддатини узайтириш, бу маҳсулотларнинг ассортиментини (қилини) кўпайтириш максадида улар қайта ишланади: қоки килинади, ачитилади, тузланади, зиравор қўшиб сиркаланди, банкали консервалар тайёrlанади ва ҳоказо.

Мева қокилар. қокига мўлжалланган мевалар аввал сифати ва ўлчамига караб навларга ажраталади, ювилади, агар зарур бўлса, тозалаб қирқилади. Мевалар асралганда, уларнинг табиий ранги ва чидамлилигини саклаш учун улар олтингугурт газига тутилади. Шундан кейин улар офтобда ёки куригичларда куритилади. куритиш вактида мева таркибидаги сувнинг кўп кисми букланиб кетади, бунинг натижасида канд ва кислота контсентратсияси ортади. Буларнинг барчаси микроорганизмларнинг ривожланишини сусайтиради ва мева коқисининг узок сақланишига имкон беради. Мева коқисининг намлиги уларнинг турига караб кўпи билан 17—24% дан ошмаслиги лозим.

Олма қоки куйидаги турларга бўлинади:

пўсти ва ўзаги тозаланиб, қалка-қалка килиб қирқилган, олтингугурт газига тутилган олма;

тозаланмаган (пўстли ва ўзакли) қалка-қалқа килиб қирқилган ёки бўлокчаларга бўлинган ва олтингугурт газига тутилган олма;

тозаланмаган, бўлокчаларга ёки қалка килиб бўлинган ва олдиндан намакобланган олма;

тозаланмаган, қалқасимон қисмларга ёки иккига бўлинган, олтингугурт газига тутилмаган ва намакобланмаган олма;

ипга тизилган, тозаланмасдан, қисмларга ёки икки бўлинган ва тутун билан қуритилган олма; турли усууллар билан қуритилган бутун ёки қирқиб қуритилган ёввойи олма.

Олтингугурт газига тутилган ва тозаланган олма қоки олий ва 1-навларга, тозаланмаган 1-ва 2-навларга бўлинади, ипга тизиб қуритилган ва ёввойи олма қоки навларга ажратилимайди. Навларга ажратишда ранг, таъм, хид, шакл, шунингдек, кўйган, майдаланган, касалланган ва қашарот теккан қоқининг борйўклиги, мева чўпи, уруғи, барглари кабилар билан ифлосланган-ифлосланмаганлиги назарда тутилади.

Нок қоки. Нокнинг Ўзбекистонда 17 нави маданийлаштирилган. “Рано”, “Салом 2”, “Юбилейная” ва бошқа навларидан тайёрланади. Нок бутунлигича ёки бўлокларга бўлиб, тозаланган ёки тозаланмаган колда ва ўзаги билан қуритилади.

Сифатига караб нок қоки 1-ва 2-навларга бўлинади. Бунда ҳам олма қоқини навларга бўлишдаги кўрсаткичлар асос қилиб олинади.

Ўрик қоку туршак баргак ва аштар-паштакка бўлинади.

Туршак данаги билан қуритилган, олдиндан олтингугурт газига тутилган ва тутилмаган ўрикдир. Ўзбекистонда ўрикнинг помологик 14 нави раёнлаштирилган ва улардан туршак тайёрланниб, туршак қуидаги турларга бўлинади: миран-жели, субқани, исфарак хурмой, боби, қандаки ва қашаки.

Ишлов берилган ва олтингугурт газига тутилган туршак сифатига қараб олий, 1-ва 2-навларга, олтингугурт газига тутилмаган ва қайта ишланмаган туршак эса 1-ва 2- навларга бўлинади.

Баргак данаги олиниб, қуритилган ўрикдир. Ўрикни тайёрлаш ва қайта ишлаш усулига караб қирқилган ва ёрилган, олтингугурт газига тутилган ва тутилмаган бўлади. Баргак ҳам худди туршак қилинадиган ўрикнинг помологик навидан солинади.

Аштар-паштак қуритишдан олдин данаги сиқиб чикарилган ўрикдир. У олтингугурт газига тутилган ва тутилмаган бўлиши мумкин.

Олтингугурт газига тутилган, ишлов берилган аштар-паштар ва баргак олий, 1- ва 2-навларга, олтингугурт газига тутилмаган ва ишлов берилмагани эса 1- ва 2-навларга бўлинади.

Туршак баргак ва аштар-паштакни навларга бўлишда уларнинг шакли, ранги, йирик-майдалиги, тоза-ифлослиги, закаланган-закаланмаганлиги, қуритилиш ва бўлиниш сифати асос қилиб олинади.

Олхўри қоки Ўзбекистонда олхўрини 7 нави этиширилади. Ўзбекистонда этиширилган олхўрини “Чернослив”, “Самаркандская”, “Венгерка

фиолетовая", "Венгерка домашняя" ва бошқалардан юкори сифатли олхўри қокиси тайёрланади. Олхўри қоқи сифатига қараб 1 ва 2 навларга бўлинади. Навларга ажратишида олхўрининг шакли, ранги, йирик-майдалиги, этининг калин-юпқалиги, меванинг, закаси кўп-озлиги, тоза-ифлослиги ва бошқа кўрсаткичлари эътиборга олинади.


Майиз узумнинг мақсус қуритиладиган, қанди кўп, уругсиз ёки уруғи кам узум навларидан қуритилади. Рус тилида уругсиз майиз кишиши, уруғли майиз—изюм деб аталади. Ампелографик нави ва ишлов берилиш усулига қараб майиз куйидаги турларга бўлинади; уругсиз навлар — сабза, бедона, сояки, шивиркони; уруглик навлар малага, гермиён, вассарга ва қора чиллоки, авлон (турли навли узумлар аралашмаси).

Сифат кўрсаткичларига қараб авлон навидан бошқа майизлар навларга ажратилади: сабза, бедона, сояки, шивиркони, малага ва гермиён—олий, 1-ва 2-навларга, вассарга ва қора чиллоки 1-ва 2-навга ажратилади.

Навларга бўлишда ранг, йирик-майдалик, намлик ва бошқа кўрсаткичлар асос қилиб олинади.

15-Чизма

Мева ва резавор мевали қандолатлар



Куритилган сабзавотлар. Картошка, карам, нуш пиёз, сабзи, лавлаги, оқ этилдизли кўкат ва бошқа сабзавотлар қуритилади.

Дастлаб сабзавот сараланади, тозаланади, ювилади, тўқралади, айримлари эса қайнок сувда ивитиб олинади, сўнгра турли типдаги қуритгичларда қуритилади. Тайёр қуруқ сабзавотнинг намлиги 12—14% дан ошмаслиги лозим.

Қуруқ сабзавот товарлик навига бўлинмайди. Сифатини аниклашда маҳсулотнинг ташки кўриниши, консистентсияси, тайми ва ҳиди, ранги, шакли, йирик-майдалиги, кўйган сабзавот бор-йўқлиги, тоза-ифлослиги ва бошқа

кўрсаткичларига эътибор берилади.

Ачитилган карам. Ачитилган карам пишган ўргаги ва кечки навли оқ бош карамдан тайёрланади. Бундай карамнинг боши тўла шаклланган, зич, янги, ифлос тегмаган, бутун, соқ бўлиши лозим. Касал хашарот теккан, сўлинкираган ва музлаган карам боши ачитишга ярамайди.

Ачитилган карам майда тўқралган, қирқилган, бутун бошли ва провенсал килларга бўлинади.

Оқ, бошли карам кўк барглардан тозаланиб тўқралади, кейин максус каттакон бочкаларга солиниб туз (карам оғирлигига нисбатан 2-3%), сабзи, баъзан олма, турли хил резаворлар, баъзи бир зираворлар кўшилади, ачиш жараёни ўтиши учун маълум муддат сакланади.

Сифатига қараб ачитидган карам икки навга бўлинади. 1-нави ачитилган карам лентасимон тўқралган ёки дақал ўзаклари олиб ташланиб тўқралган, консистентсияси серсув, карсилайдиган, сарқимтири, оч рангли сомонсимон, сал шўр ва нордонроқ, таъми ёғимли бўлади. Тўқроклик ачитилган карамнинг намакоби 12% дан, колган турларида эса 15% дан ошмаслиги лозим. 2-нав ачитилган карам яшилсимон тусда оч сарик рангли, яхши карсиламайди, сал кайишкоқ, нордон-шўр таъми яққол сезилиб туради.

Провенсал карам ачитилган бутун бошли карамдан тайёрланади, у дастлаб майдаланади, кейин унга ўсимлик мойи, шакар, сиркалган резавор ва мевалар кўшилади.

Провенсал карам навларга ажратилмайди. У ёғимли хидли, нордон-ширин таъмли, қасирлайдиган этли, оч қақрабо рангли бўлиши лозим.

Тузланган бодринг. Янги ва соқ (касаллик тегмаган), дақаллашмаган зич этли ва уруги этилмаган бодринг тузланади. Тузлашга “Омад”, “Нафис”, “Талаба”, “Наврўз” ва бошқа шу каби навлари маъқул. Бодрингни тузлашдан олдин сифати, йирик-майдалиги (майда, ўрта ва йирик) ва пишиш даражасига қараб навларга ажратилади. Кейин идишга солиниб, укроп, хрен, саримсок пиёз, аччик гармдори солиниб, намакоб куйилади. Тайёр маҳсулотда 2,5 дан 4,5% гача туз бўлиши лозим. Сифатига қараб тузланган бодринг, 1-ва 2-навларга бўлинади.

Навларга бўлишда бодрингнинг ташки кўриниши, ранги, таъми, хиди, йирик-майдалиги, консистентсияси, намакобнинг сифати эътиборга олинади.

Тузланган помидор. Пишиб этилиш даражасига қараб помидор ҳам сут макали, нимранг, пушти ва қизил, йирик-майдалигига қараб йирик ўрта ва майда килларга ажратилиб ювилади ва идишга солиниб, дориворлар (укроп, саримсок пиёз, хрен ва бошқалар) кўшилади ва намакоб куйилади.

Тузланган помидор сифатига қараб 1-ва 2-навларга бўлинади, бунда сабзвотнинг ташки кўриниши ва консистентсияси, йирик-майдалиги ва

шаклининг бир киллиги, пишганлик даражаси, намакоб сифати назарда тутилади.

Сафарова Ш.А “Тамат парошогини интенсификатсия усулида олиш” кандидатлик десиртатсиясида, Тошкент-2003 йил. Ўзбекистонда этиштириладиган помидор мевалардан лиофилизатсия усули орқали парошок маҳсулотини олиб бу соҳада Ўзбекистонда биринчи маротаба бу маҳсулотни сифат кўрсаткичларини ўрганиб, улардан тайёрланган маҳсулотларни ассартиментларини ўраш, жойлаш ва ташиш бўйича замонавий усуллар кўлланилган.

Зиравор кўшиб сиркаланган сабзавот ва мевалар. Зиравор кўшиб сиркалаш учун сифати амалдаги стандартга мувофиқ келадиган турли сабзавотлар ишлатилади. Бирор турдаги сабзавотни алоҳида сиркалаш билан бирга, турли сабзавотни аралаштириб ҳам сиркаланади. Тайёрланган (ювилган, навларга ажратилган ва хоказо) сабзавот идишга жойланаб, устига зиравол солинган сиркали сув куйилади. Зиравор ва сиркали сув таркибига сирка, шакар, зираворлар (долчин, калампир мунчок), саримсок пиёз, арлабодиён, лавр япроги ва бошқалар киради.

Зиравор кўшиб сиркаланган сабзавотлар сал нордон пастеризацияланган ва нордон пастеризацияланган қилларга, сифатига қараб эса олий ва 1-навларга бўлинади.

Сиркаланган сабзавотлардан ташкари, сиркаланган мева-резаворлар ҳам тайёрланади. Улар ҳам алоҳида-алоҳида ёки аралаш килиб сирка кислотаси, шакар ва зираворлар кўшиб ишлаб чиқарилади. Сиркаланган мева-резаворлар пастеризацияланаб сал нордон ва нордон қиллари тайёрланади.

Томат маҳсулотлари. Томат маҳсулотларига томат-пюре, томат-паста ва томат суви киради.

Томат-пюре ва томат-паста томат массасини маълум бир қуокликка келгунча қайнатиб ҳосил килинади.

Хусусан томат-пюреда 12, 15 ва 20%, тузсиз томат-пастада 30, 35 ва 40, 45% камда тузли (қайнатиладиган туз микдори 10%. гача) томат пастада эса 27, 32 ва 37% куруқ моддалар бўлади,

Томат-пюре ва томат-паста олий ва 1- навларга бўлинади. Тузли томат-паста факат 1-навда чиқарилади. Навларга ажратишда маҳсулотнинг ташки кўрининиши, консистентсияси, ранги, таъми, хиди, туз микдори, бегона аралашмаларнинг бор-йўклиги асос килиб олинади.

Томат суви уруги ва пўсти тозаланган пишган кизил помидорни эзиб олинади, сувни қопкоклаб беркитишдан аввал стерилизатсия килинади. Унда қанд ва кислотадан ташкари, каротин, С витамини ва бошқа фаол моддалар бўлади.

"Узмевасабзавотузумвино саноати" холдинг компанияси қаромокида бўлган ишлаб чиқариш корхоналарда тайёрланган консервалар, тамат пастаси, узум, вино ва канъяқ маҳсулотлари ўзини экспорт патентсиялини юқори дараражалилиги билан ажралиб туради. Холдинг компанияси 2006 -йилда 40 м.л.н долларли маҳсулотларни узок ва якин хорижий мамлакатларига сотган бўлса, 2005-йилда бу кўрсатгич 50 м.л.н долларни ташкил этиш режалаштирилган. Товарни сифат кўрсатгичларига айниқса уни дизайнинг янги ва чиройли этикеткалар, буклетлар маҳсулотларга ёпиширилган реквизитларга катта эътибор берилмоқда.

Мева кокилари сикими 25 кг. гача бўлган курук, тоза яшикларга, ичиди полиетилен халтали қават-қават қофоз қопларга (30 кг гача), оддий қопларга (70 кг гача) ва бочкаларга, (100 кг гача) солиб сакланади.

Куритилган сабзавотлар сикими 15, дан, 30 кг гача бўлган фанер яшик ва барабанлар ичига тоза уров қофози солиб жойланади, шунингдек, сикими 30 кг ли ва ичиди полиетилен халтали ёки халтасиз қават-қават қофоз қопларга солинади.

Куритилган мева, резавор ва сабзавотлар гигроскопик бўлади, улар зак бинода сакланса, намиқиб, моқорлайди ва ишдан чиқади. Шу туфайли улар курук, тоза, 0° дан 10°C гача ҳарорат ва ҳавонинг нисбий намлиги кўпи билан 70% бўлган бинода, ўткир хидли маҳсулотлардан қоли жойда сакланиши лозим. қуритилган мева ва сабзавотларга кемирувчилар ва курт-кумурскалар ўч бўлади. курт-кумуркалар тухум кўйиб, улардан личинкалар пайдо бўлади, бу личинкалар қуритилган маҳсулот билан озиқланади. Шунинг учун ҳам мева, резавор ва сабзавотларни курт-кумурскалардан эктиёт килиш зарур.

Ачитилган, тузланган сабзавотларни музхона, траншея, омбор, эртўла ва шунга ўхшашиб жойларда 0° дан 4°C гача бўлган ҳароратда, шунингдек, оқарсув ҳавзаларда саклаш лозим.

Зиравор кўшиб сиркаланган сабзавотлар, томат маҳсулотлари ва стерилизатсияланган консервалар 0—20°C ҳарорат ва ҳавонинг нисбий намлиги кўпи билан 50—70% бўлган омборхоналарда сакланади.

Сал музлатилган мева ва сабзавотлар—10—12°C ва ундан паст ҳароратда сакланади.

Кайта ишланган мева ва сабзавотлар учун шакар ва кишлок чакана савдо тармокларида, мавсум ва жойлашган раёнинг қараб табиий камайиш нормаси белгиланган.

Турли мева кокилар, компот, майиз, олма ва бошқалар учун 0,20% дан 0,30% гача, тузланган зиравор кўшиб сиркаланган ва ачитилган (карам ва бошка) сабзавотлар учун 0,70 дан 1,00% гача, томат паста ва шу группадаги тортиладиган бошка маҳсулотлар учув 0,45 дан 0,50% гача норма белгиланган.

Назорат ва муроҳаза учун саволлар

1. Уругли меваларга қайси ўсимликларнинг меваси киради ва уларнинг товарлик хусусиятига тавсифнома беринг?
2. Данакли меваларга мисоллар келтириш ва уларнинг товарлик хусусиятига тавсифнома беринг?
3. Резавор меваларга қайси ўсимликларнинг меваси киради ва уларнинг товарлик хусусияти ҳақида гапириб беринг?
4. Субтропик ва тропик меваларга мисоллар келтириш ва уларнинг товарлик хусусиятига тавсифнома беринг?
5. Ёнгоқ мевалар гурухига кирувчи меваларга мисоллар келтириш ва уларнинг товарлик хусусиятига тавсифнома беринг?
6. Туганакли сабзавотларга мисоллар келтириш ва уларнинг товарлик хусусияти ҳақида гапириб беринг?
7. Баргли сабзавотлар ассортиментига мисоллар келтириш ва уларнинг товарлик хусусияти ҳақида гапириб беринг?
8. Илдиз мевали сабзавотларга мисоллар келтириш ва уларнинг товарлик хусусиятига тавсифнома беринг?
9. Қовоқсимон сабзавотларга мисоллар келтириш ва уларнинг товарлик хусусиятига тавсифнома беринг?
10. Таматбол сабзавотларга мисоллар келтириш ва уларнинг товарлик хусусияти ҳақида гапириб беринг.
11. Қайта ишланган мева ва сабзавотларнинг овқатлилик киймати ва уларнинг сифатига кўйиладиган талаблар ҳақида гапириб беринг.

13-мавзу: Лаззатли маҳсулотлар экспертизаси

Режа:

1. Чой ва чой ичимликлари.
2. Кофе ва кофе ичимликлари.
3. Алкоголли ичимликлар.
4. Узум винолар
5. Шампан винолари
6. Конъяк маҳсулотлари

1. Чой ва чой ичимликлари

Чой. Чой ёғимли таъми ва күшбўйлиги, шунингдек, сокломлаштирувчи камда пархез хусусиятлари туфайли жуда кенг таркалган ичимлик хисобланади.

Чойнинг сифати кўк чой баргининг химиявий составига боқлиқ Чой барги

таркибида: чойга таъм, ранг ва шира берадиган ошловчи моддалар; асаблар системасини қўзкатувчи кофеин; чойга ёғимли, қушбўй хид берадиган эфир мойи бўлади. Шунингдек, чой барги таркибида оксиллар, углеводлар, кислоталар, пектин ва минерал моддалар, витаминалар ва ферментлар бор. Тайёр чойнинг сифатига, шунингдек, терилган баргга ишлов бериш усули ҳам таъсир килади.

Ишлов бериш усулига кўра байха (сочма) ва прессланган чой (тахта чой ва тош чой) ларга бўлинади.


Чой баргини ферментатсия қилинишига кўра чой фамил кўк; сарик ва кизил; устирилган жойига кўра - Грузин, Озарбайжон, Краснодар, Хинд, Тсейлон чои ва бошқаларга бўлинади.

Байхоли фамил чой — энг кўп тарқалган чой; у яхши таъмли ва қушбўй бўлиб, дамлаганда тилла-жигар рангли аччик дамлама беради.

Байхоли кўк чой ферметатсия қилинмаган чой комашёсидан тайёрланади, аммо тайёрлаш жараённада чой барги сўлитилмайди ва ферментатсия қилинмайди. Бунинг ўрнига чой барги бурлатилади. Байхоли кўк чой дамламасининг ранги оч-сарик, таъми нордон ва хидли бўлади.

16-Чизма

Лаззатли маҳсулотлар



Фамил ва кўк тахта, чой байхоли фамил ва кўк чойнинг яхширок барг

чикитларини пресслаш йўли билан тайёрланади. Тахта чойнинг таъми яхши ва хиди кушбўй бўлади.

Кўк тош чой сочма кўк чой ишлаб чиқаришдан чиккан чикитлар, шунингдек, кузги теримда дақаллашиб кетган шоқ ва барглардан тайёрланади. У 1—1,5 ва 2 кг оғирликда тахтача шаклида тайёрланади.

Байхоли чой сифатига кўра аъло, 1—2 ва 3- навларга бўлинади. Одатдаги аъло навдан бирмунча сифатли бўлган экстра чойи ва ундан ҳам устун турувчи букеч чойлари ҳам аъло навларга киради.

Чойларни товар навларига ажратишда уларнинг ташки кўриниши (терими), кушбўйлиги, таъми, дамламаси, қайнатиладиган баргининг ранги каби кўрсаткичлар асос қилиб олинади.

Аъло нав байхоли фамил чойнинг шамалари тўғри буралган; бўлиқ кушбўйлиги ёғимли, нафис, таъми аччиқ, дамламаси тиник шаффо бўлади. 1-навли чойнинг кушбўйлиги уччалик нафис, таъми ҳам уччалик тўла ва дамламаси тиник булмайди. 2-навли чойнинг шамалари этарли буралмаган, хидли дақалроқ; таъми пастроқ; дамламаси қорамтири бўлади. 3-навли чойнинг шамалари ҳар қил, ёмон буралган; хиди дақал, таъми паст ва дамламаси тўқ қорамтири бўлади.

Аъло навли кўк байхо чойнинг шамалари яхши буралган. дамламаси тоза, куйкасиз, оч-сарник ёки оч-сомон тусли; жуда кушбўй; таъми аччиқ, ёғимли бўлиши керак.


1-нав кўк чойнинг хиди кам, қизкиш тусда бўлиши; 2 ва 3-навларининг сифати сезиларли даражада нормадан пастроқ бўлиши табинийdir. Кўк тош чой товар навларига ажратилмайди.

Чой ичимликлари. Чой ичимликлари баъзи мевалар, резаворлар ва ўсимликларнинг куритилган баргларидан тайёрланади.

куритилган, ковурилган қамда патока ва қанд шарбати билан тўйинтирилган мева ва резаворлар ҳар хил (малина, кулупнай, лимон) эссентсиялари билан кушбўйлантирилади, дамламасининг рангини ошириш учун унга цикорий кўшилади.

Яхши чой ичимлигининг ташки кўриниши ва ранги бир хил, таъми соф, ёғимли ва хиди хушбўй бўлиши керак.

Чойларнинг классификацияси



Байхоли чой 25, 50 ва 100 г дан қозоз ва картон пачкаларга, 50 ва 100 г дан тунука камда шиша чой идишларга қадоклаб солинади. қадокланган байхо чой куруқ, тоза фанер яшикларга жойланади. Фамил ва кўк тахта чойлар соғ оғирлиги 250 г қилиб савдога чиқарилади.

Чой куруқ, тоза, яхши шамоллатиб туриладиган, хавосининг нисбий намлиги 70—75% дан ошмаган хоналарда сакланади.

Гарантияли сакланиш муддати чойнинг фабрикадан чиккан вақтидан бошлаб—6 ой. Шу муддат ўтгандан кейин келгуси саклаш муддати ёки дархол сотилиши кераклиги белгиланиши керак.

Чой ичимлеклари 100, 150, 200, 250 в а 300 г дан қозоз пачкаларга жойланади. Улар ҳам табиий чой каби сакланади.

2. Кофе ва кофе ичимлеклари

Кофе. Кофе тропик иклимдаги мамлакатларда ўсадиган кофе дарахти мевасининг ургудан олинади. Кофе дарахтининг меваси олча катталигида бўлиб, иккита, баъзан битта уруги бўлади. Кофе меваси териб олингандан кейин этидан ажратиласди, силликланади, сифатига қараб навларга ажратиласди ва копларга жойлаб узок муддат сакланади. Масалан, Ява ва Либерия кофелари камида бир йил, Мокко кофеси уч йилгача, Бразилия кофесининг айрим навлари 10—12 йилгача сакланади. Кофе канча узок сакланса таъми шунча яхши ва күшбўй бўлади.

Кофенинг тури жуда кўп бўлиб, одатда улар ўзи ўсадиган-жойнинг номи

билингаталади. Арабистоннинг Мокко, Бразилияниң Сантос, киндинстоннинг Малбр кофелари ва Сейлон, Колумбия, Гватемала кофелари яхши кофелардир.

Савдога қом ёки қовурилган уруғлари, туулган, чўкмасиз эрийдиган кофе ва контсентратланган кофе чиқарилади. Туулган қом уруғлардан кофе ичимлиги тайёрланмайди, чунки унинг таъми жуда ёгимсиз буруштирадиган бўлади. Шунинг учун кофе аввал қовурилади, кейин майдалаб ун қилинади.

Туулган кофе савдога икки турда: натурал — қўшимчасиз ва қўшимчали турлари чиқарилади. қўшимчали кофе таркибида 80% ва 20% қовуриб туулган тсикорий ёки анжир, баъзан уларнинг аралашмаси бўлади. Тсикорий ёки анжир кофенинг аччиқ таъмини юмшатиш, экстрактлигини ошириш, дамламасининг рангини кучайтириш учун қўшилади.

Чўкмасиз эрийдиган кофе кўкун қолида чиқарилади; у қом кофе донидан тайёрланади. Кофе дони қовурилгандан кейин майдаланади, иссиқ сув куйилади, ҳосил бўлган сувли экстракт қулоқлаштирилади, кейин эса тўзқитиб қуритилади. Кукуннинг тузилиши ун каби майда донадор, ранги жигар ранг, кофенинг таъми ёғимли, хиди күшбўй бўлади; намлиги 4%, совуқ сувда кам, иссиқ сувда ҳам тамомила эрийди.

Контсентратланган кофе—бу туулган кофенинг қуритилган қаймоқ, сут, шакар билан аралашмасидир. У бир стакан кофега мўлжаллаб оғирлиги 20, 30, 40 г дан прессланган брикетлар шаклида тайёрланади. Ассортименти: любителский кофеси, қаймоқли кофе; плиткали натурал кофе.

Сифатига кўра донали (қовурилган) ва туулган кофе аъло ва 1-навларга бўлинади. Навларга ажратишида күшбўйлиги, таъми, куюклиги ва дамламасининг ранги, майдалиги, шунингдек, донининг сифати асос килиб олинади. қусусан, аъло навли туулган кофе таркибида камида 75% Мокко, Гватемала, Колумбия кофеси ва 25% бошка тур кофе доналари бўлиши керак. 1-навли кофеда 100% ҳар қандай табиий кофе доналари бўлиши керак. Туулган кофенинг ранги жигар рангда; аъло навининг таъми ва күшбўйлиги 1-навникидан анча нафис; майин бўлиб, бегона таъм ва хидлардан қоли бўлади.

Кофе ичимликлари. Кофе ичимликлари тайёрлашда тсикорий, дуб ёнгок, ёнгоклар, каштан, мева данакларининг магзи, какавелла, арпа, сули, жавдар, бугдой, соя, анжир ва бошқалар қомашё бўлиб хизмат қиласи.

Бу ичимликлар одатда, қомашёнинг бир неча тури аралашмасини қовуриб ва майин туйиб тайёрланади. Таркибидаги натурал кофе микдорига кўра кофе ичимликлари икки турга: камиде 10% натурал кофе бўлган (“Наша марка”, “Экстра”, “Смена”, “Курортний” ва бошқалар) кофе ичимликлари ва таркибида натурал кофе булмаган (“Здорове”, “Прима”, “Кавказский”, “Спорт”, “Рекорд” ва бошқалар) каби кофе ичимликларига бўлинади.

Ҳамма кофе ичимликлари ҳам яхши майдаланган кукун бўлиб, бир хил тўқ

жигар рангда, таъми, хиди ва дамламаси уз навига хос бўлиши керак.

Ковурилган донали кофе фанер яшикларга, қоллар ёки қоз қалталарага; туйилган натурал кофе—100, 150, 200, 250, 300 г дан оқ тунука банка ёки қоз кутичаларга; кофе ичимликлари—соф оғирлиги 100, 250 ва 300 г дан қоз қалтачалар ёки картон кутичаларга жойланади.

Тез эрийдиган натурал кофе кумуш ранг, ялтироқ зар қоғоздан ясалган қалтачаларга 25 г дан; кумуш ранг, пардали герметик ёпик тунука банкаларга 50 г дан қадоклаб қўйилади. Бир портсиялик қалтачалар 500 тадан соф оғирлиги 1,25 кг килиб картон кутичаларга жойланади.

Кофе ва кофе ичимликлари тоза, курук, ёрук, яхши шамоллатиб туриладиган ва омбор зараркунандаларидан зарарланмаган омборларда сақланиши лозим.

Тунука банкаларга жойланган кофе учун сақланиш муддати -12 ой; қоғоз кутичаларга жойлангани -6 ой; қоғоз қалтача ва фанер яшикларга жойлангани -3 ой; тез эрийдиган кофе учун -6 ой.

3. Алкоголли ичимликлар

Таркибida этил спирти бўлган ичимликлар алкоголли ичимликлар дейилади. Арок, ликёр-арок маҳсулотлари, узум ва мева резаворлардан тайёрланган винолар, коняк алкоголли ичимликлардир.

Арок ва ликёр-арок маҳсулотлари учун этил спирти асосий қомашё бўлиб хизмат киласди. У таркибida крахмал бўлган (картошка, дон ва бошқалар) ёки канд бўлган ҳар хил маҳсулотлар, дрожжи ёрдамида ачитиб олинади. Истеъмол учун ўткирлиги камида 96,5% бўлган, яхши тозаланган ёки ректификатсия килинган спирт ишлатилади. Тозаланмаган спирт факат техникавий максадларда кўпланилади.

Арок ректификатсияланган этил спирти билан юмшатилган сув аралашмасидир. Сув билан яхшилаб аралаштирилган спирт ҳар хил филтрлар (активлаштирилган кўмир, кум, асбест, намат, газлама) дан ўтказилади, ундан кейин арок сифатини пасайтирувчи механикавий кўшилмалардан, мой ва бошқа моддалардан тозаланади.

Арок ассортименти: 40% ли оддий арок, “Московская особая” (40% спиртли), “Столичная” (40% спиртли), “Екстра” ва бошқалар. Бу арок турларининг хаммасига ректификатсияланган аъло навли спирт ишлатилади. Таъмини юмшатиш ва яхшилаш учун “Московский особая” ароқига озрок натрий ишқори, “Столичная” ароқига — озрок канд, туз, сирка кўшилади.

Ликёр-арок маҳсулотлари. Ликёр-арок маҳсулотларига дамламалар, наливалар, ликёрлар ва пуншлар киради. Уларга спирт, сув, қанд, шифобахш

ва күшбүй ўтлар, мевалар, резаворлар, шарбатлар, морслар, эфир мойи моддалари комашё бўлиб хизмат килади.

Дамламалар таркибидаги спирт ва қандга кўра аччик, ярим ширин ва ширин бўлади.

Аччик дамламалар сув кўшилган ва ректификатсияланган этил спиртига хар хил қүшбүй ўтлар, уруглар, тситрус меваларининг пўсти ва бошқалар кўшиб узоқ саклаш йўли билан ҳосил қилинади. ҳосил бўлган спиртли дамлама сув билан аралаштирилади, озука бўёғлари билан ранг берилади ва озроқ қанд (1—2%), айрим навларига эса қүшбўйлигини ошириш учун эфир мойи кўшилади. Аччик дамламалар, яъни ўткир ароқ маҳсулотлари таркибида 30 дан 45% гача спирт бўлади. Уларга: “Горний дубняк”, “Зубровка”, “Зверобой”, “Анисовая”, “Вишневая”, “Тминная”, “Мятная”, “Лимонная” ва бошқа турлари киради.

Ярим ширин дамламаларнинг таркибида 25—30% спирт ва 2—3% қанд бўлади. Уларга “Вишневая”, “Рябиновая”, “Янтарная” турлари киради.

Ширин дамламалар спирт, сув, қанд ва янги ёки қуритилган мева қамда резаворларни спиртда саклаш йўли билан олинган морслардан ишлаб чиқарилади. Одатда ширин дамламалар таркибида 20—24% спирт ва 15—20% қанд бўлади.

Ширин дамламанинг энг кўп тарқалганлари: “Абрикосовая”, “Вишневая”, “Яблочная” ва бошқа турларидир.


Наливкалар резавор-мевалар, морслари қамда янги мева ва резаворларининг спирт кўшилган шарбатидан тайёрланади. Наливкалар таркибида спирт кам (18—20%), қанд кўп (20—40%) бўлганлиги билан ширин дамламалардан фарқ килади. Энг яхши наливкалар “Золотая осен”, “Сливянка”, “Айвовая”, “Земляничная”, “Клубничная” ва “Вишневая” лардир.

Ликёрлар таркибидаги қанд ва спиртга қараб ўткир, дессертли ва кремларга бўлинади.

Ўткир ликёрлар айло сифатли спирт, эфир мойининг дамламаси, қанд шарбати, сув ва озиқ-овқат бўёғларини аралаштириб ҳосил қилинади. Улар дуб идишларда 6 ойдан 2 йилгacha сакланади.

Саклаш жараённида ликёрларда кимёвий ўзгаришлар рўй беради, натижада уларнинг таъми ва күшбўйлиги яхшиланади. Уларнинг таркибида 40 дан 45% гача спирт ва 32 дан 40% гача қанд бўлади.

Ўткир ликёрларга: “Кристалл”, “Прозрачный”, “Южний жёлтий” ва бошқа турлари киради.



Десертли ликёрлар мева ва резаворлар морсидан ёки эфир мойли ком ашёдан тайёрланади. Уларнинг таркибида 25- 30% спирт ва 32-50% қанд бўлади. Десертли ликёрларга: “Абрикосовий”, “Ароматний”, “Ванилний”, “Кофейний”, “Лимонний”, “Новогодний”, “Розовый”, “Черносмородиновый”, “Шоколадный”, “Юбилейный” ва бошқалар киради.

Ром. Ром—ўткир алкоголь ичимлиkdir. Ром шакаркамишнинг ачитилган ширасини ёки уни қайта ишлашда ҳосил бўладиган бошқа маҳсулотларни қайдаб олинадиган ром спиртини дубдан ясалган янги бочкаларда 4-5 йил мобайнода сақлаш йўли билан тайёрланади. Табиий ром жуда ўткир (70-80%) бўлиб, сотувга чиқарилишидан олдин ўткирлиги 45% га келтирилади.

Виски. Виски — бу ўткир алкоголь ичимлиқ Виски жавдар, маккажӯхори, арпа ёки улар аралашмасининг ачитилган шарбатини қайдаш йўли билан олинади. Олинган спирт ички томони кўйдирилган дуб бочкаларда 4—10 йил мобайнода сақланади. Сотишга чиқарилишидан олдин юмшатилган сув, қанд қиёми қўшилади ва ранг берилади. Вискининг ўткирлиги 45%; арокдан фарқ килиб, таркибида спирт ёғи кўп бўлганлигидан таъми жуда ўткир бўлади.

Арок ва ликёр-ароқ маҳсулотларининг сифати органолептик усулда қамда кимёвий анализ ёрдамида баҳоланади. Арок ва ликёр-ароқ маҳсулотларининг ўткирлиги стандартда белгиланганидек тиник, қуйқасиз, бегона таъм ва хидлардан қоли бўлиши керак.

Ўткирлиги нормадан паст бўлган ичимликлар савдога чиқарилмайди. Шунингдек, тиник бўлмаган, таркибида эримаган заррачалари ёки қуйқаси бўлган, бегона таъм ва ҳидли, яхши тиникланмаган, смолкаси шикастланган, смолкадаги тамқаси яхши кўринмайдиган, этикеткасиз ёки этикеткаси йиртилган, тўла қўйилмаган ичимликлар ҳам савдога чиқарилмайди.

Бутилкалар белгиланган шаклда, тоза, дарз кетмаган, оқзи шикастланмаган бўлиши керак.

Ароқ 0,25; 0,5; 1 ва 3 л сикимли тоза шиша бутилкаларга қўйилади. “Столичная”, “Московская особая” ароклари қўйилган бутилкаларнинг оғзи оқ пергамент қуйиб пўстлок тикин билан бекитилади. “Московская особая” арогининг бутилкалари пўстлок катлами металл қалпоқчалар билан бекитилади. 40% ли ароқ тсельлофан катламли бир қават картон ва металл қалпоқча билан бекитилади. Тикин билан бекитилган бутилкалар оқ смолка катлами билан копланади ва завод тамқаси босилади. Картон тикинли бутилкалар завод тамқаси босилган қизил смолка билан қопланади.

Дамламалар, наливкалар ва ликёрлар 0,2; 0,25 ва 0,5 л сикимли бутилкалари ва шаклдор идишларга қўйилади.

Арок ва ликёр-ароқ маҳсулотлари омборлар ва магазинларда яшикларга ётқизиб тахланган холда сақланади. Сақлаш учун ажратилган хона курук,

коронки, яхши шамоллайдиган, ҳавосининг ҳарорати 5 дан 30°С гача бўлиши керак.

4. Узум винолари

Узум винолари таркибида спиртдан ташқари қанд, органик кислоталар, ошловчи, ранг берувчи, күшбўй, минерал маддалар ва Б1, Б2 қамда С витаминлари бор. Узум винолари қоят лаззатли бўлиб, улардан баъзилари қатто даволаш учун ҳам кўпланилади.

Мамлакатимизда узум винолари жуда кўп ишлаб чиқарилади. Винолар таркибида углекислий гази бўлмаган (юмшок) ва газли виноларга ажратилади.

Юмшок винолар катта ассортиментда ишлаб чиқарилади. Улар савдога оддий бутилкаларда чиқарилади. Сифатига кўра юмшоқ винолар маркали оддий (ординар), коллекцияли турларга бўлинади.

Маркали винолар узумнинг маълум бир навидан ишлаб чиқарилади. Улар вино ишлаб чиқарадиган раёнга хос ва доимий сифат кўрсаткичлари билан фарқланади. Одатда маркали винолар 2 йилдан 6 йилгача ва ундан ҳам кўпроқ саклаб этилтирилади. Маркали вино солинган бутилканинг томоқига узум ҳосили йикилган йил кўрсатилган ёрлик ёпиштирилади.

Оддий винолар сифатига кўра маркали винодан анча паст ва уларнинг доимий сифат кўрсаткичлари бўлмайди. Оддий винолар узумнинг ҳар хил навидан килинади ва факат 3 ойдан бир йилгача сакланади. Бир йилдан ортиқ сакланган оддий винолар этилган оддий вино хисобланади, аммо маркали вино саналмайди.

Коллекцияли винолар камида 6 йил, шу жумладан, бутилкаларда камида 3 йил сакланган аъло сифатли маркали винолардир.

Узум винолари одатда столловий, ўткирлаштирилган, күшбўйлантирилган ва газли виноларга бўлинади.

Ошхона винолар. Таркибида 9 дан 14% гача спирт бўлган, узум шарбатини табиий ачитиш натижасида олинган винолар ошхона винолар дейилади. Узум шиннисини тўда ачитиб таркибида 0,5% қанд бўлган ширасиз ошхона виноси, чала ачитиб—ярим ширасиз (қанди 0,5% дан 3% гача) ва ярим ширин (қанди 3% дан 8% гача бўлган) ошхона винолар олинади.

Ярим ширасиз ва ярим ширин ошхона винолар туркун эмас, тез бузилади. Шунинг учун ҳам улар фақат янгилигига савдога чиқарилади. Ошхона винолари рангига кўра оқ (оч сомон рангдан тўқ тилла ранггача), пушти (оч пуштидан оч кизил ранггача) ва қизил (кизилдан тўқ қизилгача); сифатига кўра—маркали ва оддий бўладилар.

Ўткир винолар. Узум шарбати ёки шиннисини чала ачитиб олинган винолар

ўткирлаштирилган винолар дейилади; бундай виноларнинг ачиш жараёни спирт кўшиб тутқатилиди. Таркибидаги спирт ва қандга кўра улар ўткир ва десерт виноларга бўлинади.

Ўткир винолар таркибида 16% дан 20% гача спирт ва 3% дан 17% гача қанд бўлади. Улар оқ, пушти ва қизил рангли бўладилар. Портвейн (оқ, пушти, қизил), мадера, марсала, херес ўткир виноларнинг энг типик намуналаридир. “Чашма”, “Фарход” ва ҳ қ ҳам ўткир винолар группасига киради.

Десерт винолар таркибида 12 дан 16% гача спирт ва 5 дан 35% гача қанд бўлади. Улар анча юмшок таъми, қушбўйлиги, мева ёки асал ҳиди келиб туриши билан ўткир винолардан фарқ қиласди. Таркибидаги қандга кўра десерт винолар уз навбатида: ярим ширин (қанди 5 дан 12% гача), ширин (20%) ва ликер (21—35%) виноларга бўлинади.

Ўткирлаштирилган ярим ширин винолар таркибидаги спирт (15-16%) ва қанд (5-10%) нисбатан кам бўлганлиги сабабли узоқ сақлаб бўлмайди, тез бузилиди.

Ўткирлаштирилган ширин винолар узумнинг ўткир қушбўй ҳидли мускат (оқ, пушти, бинафша ранг, қора, венгерский, александрийский мускатлари) навларидан тайёрланади ва бошқалар бу нав виноларнинг энг яхши килларидир. Уларнинг таркибида 16% спирт ва 14-20% қанд бўлади.

Ликёрли виноларга: “Каберне”, “Ширин”, “Алеати-ко”, “Мускат белий”, “Мускат розовий”, “Мускат черний”, “Ай-Данил”, “Кюрдамир” ва бошқалар киради. Уларнинг таркибида 12—16% спирт ва 20 дан 35% гача қанд бўлади.

Қушбўйлантирилган винолар. Спирт, қанд, қамда винога ёғимли таъм ва қушбўй ҳид берувчи утлар ва илдизларнинг шарбати кўшиб тайёрланган винолар қушбўйлантирилган винолар деб аталади. Оқ, пушти, қизил вермут шу группанинг намунасиdir. Вермут дамламаси лимон пўсти, кориандр, эрман, ширин бодом, мойчечак аррувон гули, малина, қайнатиладиган майиз ва ҳ қ солиб тайёрланади. Бу винолар ўткир (спирти 18%, қанди 10%) ва десерт (спирти 16%, қанди 16%) бўлиши мумкин.

4. Шампан винолар

Буларга Шампан виноси, вижиллайдиган ва газли винолар киради.

Шампан виноси узумнинг алоҳида қимматли навидан ишлаб чиқарилади. Шампанский ишлаб чиқаришнинг алоҳида қусусияти шундан иборатки, вино мақсус резервуарлардан карбонат кислотасининг гази билан тўйинтириш учун иккинчи марта ачитилади. Шампан виноси энг нозиқ букетли, таъми ёғимли, қушбўй, ҳиди ўзига қос ва карбонат кислотаси гази билан кучли тўйинган бўлиб, таркибидаги спирт-10,5-12,5% бўлади.

Тайёрланиш усулига ва таркибидаги қандга кўра “Шампан виноси” куйидаги номларда ишлаб чиқарилади.

Этилтирилган “Совет шампани”: брют (қанди 0,3% гача), энг нордон (0,8 дан 1,3гача); нордон (3,0 дан 3,5% гача); ярим нордон (қанди 5 дан 5,5% гача) турлари чиқарилади. Этилтирилган турга “Совет шампани”нинг бутилкаларда иккинчи мар-та ачитилгани ва шу бутилкаларда камида 3 йил сакланганлари киради.

Оддий “Совет шампани”: энг нордон (қанди 0,8—1,3%), нордон (3—3,5%), ярим нордон (5—5,5%), ярим ширин (8—8,5%) ва ширин (10—10,5%) ларга бўлинади.

Вижиллайдиган винолар ҳам ачитиш вақтида катта босимда карбонат кислотаси билан тўйинтириш йўли, билан тайёрланади. Бироқ, уларнинг тайёрланиш технологияси шампан виноларининг тайёрланиш технологиясидан фарқ қиласди. Вижиллайдиган виноларга: “Мускатное игристое” виноси киради. Уларнинг таркибида 11-13% спирт ва 5-12% қанд бўлади.

Газлаштирилган (карбонат кислота билан газланган) винолар. Бу винолар карбонат кислотаси гази билан сунъий (сатуратсия) йўл билан тўйинтирилади. Уларга аралаштирилган карбонат кислотаси гази тез учиб кетади. Таркибида 9 дан 12% гача спирт, 3 дан 8% гача қанд бўлади.

Узум виноларининг сифатига ранги, таъми, хиди, қушбўйлиги, тиниклиги ва бошка шунингдек органолептик кўрсаткичларга асосланиб баҳо берилади.

Таркибидаги спирт, қанд, кислоталар, экстракт, ошловчи ва бошка моддалар лаборатория усуллари билан аникланади.

Яхши сифатли винолар бегона кўшимчаларсиз, чўқинди ва кўйкасиз бўлади. Навига кўра уларнинг таъми ёғимли ва маълум даражада қушбўй бўлиши керак.

Ўткирлиги белгиланган нормадан паст, кира, қўйкали, бегона таъм ва хиди камда бошка нуксонлари бўлган винолар истеъмолга чиқарилмайди.

Узум винолари 200 л сикимли тоза, эмандан ясалган ва буқлатилган бочкаларга 0,375; 0,5; 0,8 ва 1 л сикими бутилкаларга кўйилади.

Шампан виноси 0,8 ва 0,4 л сикимли бутилкаларда чиқарилади.

Узум виноларини куруқ, тоза ҳарорати 8—15°C ва нисбий намлиги 70—75% бўлган хоналарда ётқизилган холда сақлаш тавсия этилади.

5. Коняқ маҳсулотлари

Коняқ янги тайёрланган оқ узум виносини қайдаш йўли билан олинадиган коняқ спиртидан тайёрланади. Олинган узум спирти эмандан ясалган бочкаларга кўйилади ва унда узок муддат сакланади. Спиртининг сифати ва

эман бочкаларда сакланыш муддатига кўра коняк икки турга: оддий камда маркали конякларга бўлинади.

Уч йилдан беш йилгача этилтирилган коняклар оддий коняклар дейилади. Уларга 3 йил этилтирилган “Уч юлдузли”, 4 йил этилтирилган “Турт юлдузли” ва 5 йил этилтирилган “Беш юлдузли” коняклар киради. Коняк этикеткасидаги хар бир юлдуз коняк спиртининг эман бочкаларда бир йил этилтирилганини билдиради. Оддий коняклар таркибида 40-42% спирт ва 1,5% канд бўлади.

Маркали коняклар 6 йилдан ортиқ этилтирилади. Уларга 6-7 йил этилтирилган КС (коняк видержаний, яъни этилган коняк); 8-10 йил этилтирилган КВВК (коняк видержаннўй, вўсшего качества, яъни юкори сифатли этилтирилган);

10 йилдан ортиқ этилтирилган КС (коняк старўй, яъни секи, кўп йиллик) коняклари киради. Ун йилдан ортиқ этилтирилган ОС (очен старўй, яъни жуда эски) конякларга: “Юбилейний”, “Армения”, “Двин” ва “Ереван” номли коняклар киради. Маркали конякларнинг ўткирлиги 42-57%, таркибида 0,7% канд бўлади.

Коллекцияли коняклар — бу юкори сифатли, эман бочкаларда 5 йилдан ортиқ қайта этилтирилган коняклар бўлиб, ўткирлиги 42-57% дир. Турли мамлакатларда ишлаб чиқарилган коняклар таъмининг хислатлари бир кilda бўлмайди. Масалан, Арманистон коняклари букетининг алоҳида тўлалиги, ўзига қос кучли ванил хиди ва юкори сифати билан ажralиб туради. Бу коняклар бизнинг мамлакатимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам машкурдир. Грузиянинг “Енисели”, “Греми”, “Вартсихе” “Тбилиси” ва бошка коняклари нафис нозик букетга эга бўлиб, таъми бошка республикаларда ишлаб чиқарилаётган конякларга кўра анча энгилдир.

Коняк сифатига баҳо беришда унинг таъми, күшбўйлиги, букети, тинклиги асос қилиб олинади.

Коняк ҳам винолар каби жойланади ва сакланади.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Чой ва чой ичимлекларининг ассортименти ва сифат кўрсаткичлари ҳақида гапириб беринг.
2. Кофе ва кофе ичимлекларининг ассортименти ва сифатига қўйиладиган талаблар ҳақида гапириб беринг.
3. Ароқ ва ликер-ароқ маҳсулотлари тайерлаш технологияси, ассортименти ва сифат кўрсаткичлари ҳақида гапириб беринг.
4. Узум винолари тайерлаш технологиясини тушунтириб беринг.
5. Узум винолари сифатига кўра қандай турларга бўлинади?

6. Узум виноларининг ассортименти ва сифат кўрсаткичлари хакида гапириб беринг.

7. Ром ва виски тайерлаш технологияси, ассортименти ва сифатига кўйиладиган талаблар хакида гапириб беринг.

8. Конъяк тайерлаш технологияси, ассортименти ва сифат кўрсаткичлари хакида гапириб беринг.

14-мавзу: Сут ва сут маҳсулотлари экспертизаси

Режа:

1. Сут.
2. Қайта ишланган сут маҳсулотлари
3. Сут-қатиқ маҳсулотлари.
4. Қимиз
5. Сариёғ.
6. Пишлоқ.

1. Сут

Сут - асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан биридир. Унда киши организми учун гоят мухим ва зарур бўлган барча озиқ моддалари мавжуд. Сут таркибида 3-4% оксил, 3-5% ёг, 4,5-5% сут шакари, 0,6-0,8% минерал моддалар, 87-89% сув, А, Б, Б12, С, Д, Е, ПП витаминлари бор. Ёги олинмаган сутда киши организмига зарарли бўлган бактерияларни йўқотишига қодир бўлган иммун деб аталувчи модда мавжуд.

Сут оксиллари - казеин (2,5-3%), албумин (0,5-0,7%) ва глобулин (0,05-0,1%) асп оксиллар каторига киради. Казеин сувда эримайди, сутни кайнатганда ириб колмайди, аммо кислоталар хамда айрим ферментлар таъсирида чўкади ва қуюклик ҳосил қиласди. Унинг шу хусусиятидан катиқ сузма ва пишлоқ тайёрлаш учун фойдаланилади. Албумин сувда эрийди; сутнинг иришида у зардобда қолади, бироқ сутни 70°C дан ортиқ иситилганда ирийди ва чўкади. Глобулин сутда жуда кам ва унчалик ахамиятли саналмайди.

Сут ёғи сут таркибида сирти оксил билан қопланган майдага шарчалар шаклида бўлади. Ёғни сутнинг суюқ кисмидан ажратиб олиш учун шарчаларнинг оксил пўсти бузилади ва улар бир-бири билан бирлашиб катта булоклар пайдо бўлади. Қаймокни кувлаб сариёғ олиш ана шунга асосланган. Сут ёғи жуда паст ҳарорат (26—31°C) да эрийди.

Сут шакари (локтоза) лавлаги шакаридан мазасизроқ бўлади. Локтоза сутга сезилар-сезилмас ширин таъм беради. Сут кислота ҳосил қилувчи

бактериялардан ажралиб чикқан ферментлар таъсири остида локтоза аввало парчаланиб, глюкоза ва галоктозаларга айланади, кейин эса сут кислотаси ҳосил бўлади. Дрожжи сут шакарининг спиртланиб ачишга олиб келади. Мой ҳосил қилувчи бактериялар сут шакарига таъсир қилиб, ёғ кислотаси ажралиб чикувчи ачишга олиб келиши мумкин; бундай холда сут маҳсулотлари айниди, бузилади.

Сутдаги минерал моддалар калтсий, калий, натрий, магний, фосфор, темир ва бошқаларнинг тузларидан иборат бўлади. Уларнинг ҳаммаси киши организми учун катта аҳамиятга эга.

Сутдаги оксиллар, ёрлар ва углеводлар киши организмидаги деярли тўла ҳазм бўлади. Бир литр сут таҳминан 670 ккал беради.

Сутнинг таркиби доим бир хил булмайди ва улар сигирнинг насли ва ёшига, парвариш килиниши, боқилиши, согилиши даврининг давомига ва бошқа сабабий факторларга бояглик бўлади.

Бу факторлардан эйг асосийси чорванинг боқилиши ва насли ҳисобланади: Яхши боқим сут согимини оширади, унинг таркиби ва сифатини яхшилайди.


Сут тез бузилувчан маҳсулот ҳисобланади, чунки у микроорганизмларнинг ривожланиши учун кулай мухитдир.

Кўпинча сут бактериялар таъсирида ириди. Сут кислотасининг ҳакиқий бактериялари (стрептоқокк болгарская палочка, атсидофилная палочка) сут кислотаси маҳсулотлари тайёрлаща кўлланилади.

Савдога келтирилган сигир сути термик ишлов берилишига кўра пастеризация килинган, стерилизатсия қилинган, кайнатиб, пиширилган, таркибига кўра эса—Ёғи олинмаган (нормалаштирилган ва қайта тикланган), серёр, ёғизлантирилган оксимил моддали, витаминлаштирилган, ионитли, ёғи олинмай кофе, ёки какао кўшилган бўлади.

18-Чизма

Халқ истеъмолида бўлган сутлар



2. Қайта ишланган сут махсулотлари

Пастеризация қилинган сут - касал туғдирувчи микроорганизмларни йўқотиш ва сақлаганда тургунлигини ошириш мақсадида 65—85°C хароратда термик ишлов берилган сутдир. Ёги олинмаган, ёғсизлантирилган ва серёг сутлар пастеризация килинади.

Стерилизация қилинган сут ўзининг составига кўра пастеризация қилинган сутдан фарқ килмайди. Стерилизация жараёни автоклавларда 103—104 дан 118—123°C гача бўлган хароратдаги босим билан ўтказилади; бунда ҳамма микроблар ва уларнинг споралари ўлади. Бундай сутни уй шароитида 10—15 кун саклаш мумкин бўлади.

Кайнатиб пиширилган сут ёғлиги 6 %, ёги олинмаган сутдан тайёрланади. У 80—85°C хароратда 4 соат ёки 90 - 95°C хароратда 2-3 соат мобайнида сакланади.

Нормаллаштирилган сут — табиий сутни ёғсизлантириш ёки қаймоқ олиш йўли билан таркибидаги ёғ 3,2 %га етказилган сутдир.

Қайта тикланган сут ёги олинмаган ёки ёғсизлантирилган курук сут, шунингдек, канд кўшилмай куюлтирилган сутдан тайёрланади. Курук сут сувда эритилади ва оксиллар бўкиши учун кўйиб турилади сўнгра филтрланади, гомогенлаштирилади, пастеризацияланади ва совутилади. Ёғсизлантирилган курук сутдан фойдаланилганида унинг аралашмасига сут ёғи кўшилади. Қайта тикланган сутда 3,2 % ёғ бўлади.

Серёг сут ёғи олинмаган сутга қаймоқ кўшиш йўли билан таркибидаги ёғ 6 %га етказиб тайёрланади.

Ёғсизлантирилган сут қаймоги олинмаган табиий сутни сепаратордан ўтказиб олинади.

Оксилли сут қаймоги олинмай нормаллаштирилган сутга курук ёки куюлтирилган, ёги олинмаган ёки ёғсизлантирилган сут кўшиб тайёрланади. Унинг таркибида оксил оддий табиий сутдан кўра хийла кўп бўлади.

Витаминлаштирилган сут - витаминлар кўшилган, қаймоги олинмай нормаллаштирилган ва пастеризация қилинган сутдир.

Ионитли сут — бу сутдаги калцийни қисман йўқотиш учун ионитлар билан ишлов берилган, қаймоги олинмаган сутдир. Бундай ишлов беришда сигир сутидан камида 20% калций йўқотилади. Ионитли сут ширдан суви ажратиш учун ферментлаб ивитилганда нафис, майда, донадор куюклик ҳосил бўлади; бу сут эмизикли болалар учун мўлжалланади.

Какао ёки кофели сут камида 2 % кофе ёки 2,5 % какао кўшилган, қаймоги олинмаган сутдан тайёрланади. У бир оз ёпишқоқ консистенцияга, какао ёки кофенинг сезиларли таъми ва хидига, бир хил рангли массага эга бўлади.

Бундай сутнинг ёғлилиги 3,2 5; таркибидаги сахароза какао кўшилган сутда камидা 12 %, кофе кўшилганида эса—камидা 7 % бўлади.

Сут жойланган идишга кўра: кадоқланган—шиша ёки па-рафинланган қозо бутилкаларга ёки полимер билан қопланган қозо халтачаларга кўйилган; флягали -флягаларга кўйилиб пломбаланган (қайнатиладигандан кейин овқатга ишлатиш учун мўлжалланган); термоцистернали—сут цистерналарга кўйилиб кран ва люклари пломбаланган бўлади.


Сутнинг ранги, таъми, хиди, ифлосланиш даражаси, ёғлиги, нордонлиги, микроорганизмларнинг оз-кўплиги сифат кўрсаткичлари бўлиб хизмат килади. Сарқил сут сарғимтир оқ, ёғсизлантирилган сут эса бир оз кўкимтир оқ рангли бўлиши керак. Таъми ва хиди янги согилган сутга хос, бегона таъми ва хидлардан холи бўлиши керак.

Сутнинг ҳамма турлари таркибida 8 фоиз қуруқ ёғсизлантирилган қолдиқ бўлади. Қаймоги олинмаган сутнинг ёғлиги камидা 3,2 фоиз; бутилкали сутнинг нордонлиги тернер бўйича - 21°, қолганлариники - 22° дан ошмаслиги керак.

Сигир истеъмол килган озиқ (пиёз, саримсок, шувоқ ва бошқалар) нинг таъми сезилиб турган, ачимсиқ мөгор ва бошқа таъм, хидли бўлган, ёпишкоқ консистенцияли, нордон ва бошқа камчиликлари бўлган сут савдога чиқарилмайди.

Савдо тармогида сутни 8°C дан ошмаган ҳароратда саклаш керак. Бундай шароитда сут кўпи билан 12 соат сакланади.

Кўйиб сотиладиган сут учун табий камайиш нормаси - 0,05 фоиздир.



3. Сут-қатик маҳсулотлари

Сутни ачитиб хосил килинган маҳсулотлар сут-қатик маҳсулотлари деб аталади. Унга сметана, творог ва творог маҳсулотлари, қатик атсидофилин, кефир ва қимизлар киради. Узининг ёғимли таъми ва қушбўйлиги, шифобаҳш ва пархезбоп ҳусусиятлари, шунингдек, мухим озиқлик киммати туфайли бу маҳсулотларга ахолининг талаби жуда каттадир.

Сметана пастеризация қилинган ва сут кислотаси хосил қилувчи тоза бактериялар билан уютилган каймоқдан тайёланади. Уюш жараёни 18—22°C ҳароратда 12—18 соат давом этади, кейин сметана 3—6°C ҳароратли хонага ўтказилади, унда совиб икки сутка ичиди этилади.

Ишлаб чиқариш усули ва таркибидаги ёғ миқдорига қараб сметана бир неча турга бўлинади:

30 фоиз ёрли сметана башка тур сметаналарга караганда савдода асосий урин тұтади. Унинг нордонлиги 65—100° Тернер, ёғилиги камида 30 фоиз бұллади. Сифатига күра у аъло ва 1-навларга бўлинади. Аъло навли сметана саргимтирик оқ рангли бўлиши, соф ёғимли таъми ва қушбўйлиги сут-қатиқа хос ва бир хил қуюқрок консистентсияли бўлиши керак. 1- навли сметанага ҳам аъло навга кўйилган талаблар кўйилади, аммо хар хил утларнинг сезилар-сезилмас аччик таъми билиниб туради ва консистентсияси донадор бўллади.

36 фоиз ёрли сметананинг пастеризация килинган сутга хос соф сут-қатиқ таъми бўллади. У қуюқрок консистентсияли, сал саргимтирик оқ рангли, кўринишда ялтиллаб туради. ёғилиги камида 36 фоиз бўлиши, нордонлиги эса 65 - 90°C дан ошмаслиги керак.

40 фоиз ёғи любителский сметана каймокни 90 -92°C ҳароратда 10 - 15 минут давомида пастеризация қилиш йўли билан тайёрланади; бунда сут шакари карамеллашади ва тайёр маҳсулотга узига хос ёғимли ёнрок таъми ва қушбўйлигини беради. У сут кислотасининг стрептоқокклари билан уютилади. Бу сметана башка тур сметаналардан фарқ қилиб, калин, қуюқ суртиладиган консистентсияга, пастеризациянинг аник сезилиб турадиган таъми ва қушбўйлигига эга бўллади. Нордонлиги 55—90° Тернер.

Пархез сметанаси Б ва С витаминлари кўшилган холда 10 фоиз ёрли қилиб тайёрланади. У шиша ёки картон стаканларга қадоклаб солиниб, тезда сотилиши лозим. Сметананинг таъми яхши, нафис, узи қуюқ консистентсияли, нордонлиги 70—95°Т бўлиши керак.

Могорлаган, кўланса хидли, кўйган, ўта нордон, озиқ таъми сезилиб турган, шилимшик ҷузилувчан, қовак консистентсияли, пушти ва кўкимтирик доглари бўлган хар хил рангли сметана савдога чиқарилмайди.

Творог ёғи олинмаган ёки ёғсизлантирилган сутдан олинади. Бунинг учун сут соф сут-қатиқ бактериялари билан ачитилади ёки фермент препаратлари (ширдон суви ёки пепсин) кўшилади. Олинган қуюқликни пресслаб ундан сут зардоби сикиб чиқарилади; кейин творог 8—10°C гача совутилади ва сикими 100 кг гача бўлган кесик конусга ухшашиб бочкаларга жойланади.

Творог энг тўйимли озиқ-овқат маҳсулотлариданdir. У шифобахш хусусиятга эга бўлиб, таркибида 14—17 фоиз оксил, 18 фоизгача ёр, 2,4 дан 2,8 фоизгача сут шакари, калтсий, фосфор, темир ва магний бор.

Таркибидаги ёғига кўра творог ёрли (камидаги 18 фоиз), кам ёрли (камидаги 9 фоиз) ва ёғсизлантирилган бўллади. Шунингдек, сут заводларида пастеризация килинган сутдан ёрли пархез твороглари тайёрланади. Творог 24 соат ичидаги сотилиши лозим.

Сифатига кўра творог—аъло ва 1-навларга бўлинади. Навларга ажратишида творогнинг таъми, хиди, ранги, консистентсияси ва нордонлиги асос қилиб

олинади.

Аъло навли творог нафис консистентсияли, сал саргимтирик рангли бўлиб, тоза ва ёгимли сут-катик таъмига эга бўлади. 1- навли творогда озиқ ва солинган идишнинг таъми сал сезилиб туриши, бирмунча ачимсик укаланувчан ва ёпишкокрек консистентсияли бўлади.


Баъзи сабзавот экинлари (пиёз, саримсок, шувоқ, шолгом ва бошқалар) нинг таъми сезилиб турган; ачиған, аммиақ мотор, тутун, орилхона, куюқ хиди бўлган; чандирсизмон, шилимшик ва чузилувчан консистентсияли камда кирпичир, хира рангли твороглар савдога чиқарилмайди.

Творог маҳсулотларига творог камири, сирки, творогли торт ва кремлар киради. Улар творогга шакар ёки туз, сариёғ ёки каймок кўшиб тайёрланади.

Творог маҳсулотлари тайёрлашда ёрли ёки ёғсизлантирилган творог мақсус машиналарда бир хил масса хосил булгунча ях-шилаб аралаштирилади ва унга шакар, ёгимли таъм берувчи ва кушбўй моддалар, туз ва бошка маҳсулотлар кўшилади. Кейин ҳаммаси корадиган машинада яхшилаб аралаштирилади.

Қаймок маҳсулотлари. Қаймок – Ҳайвон сутини сепаратдан ўтказилиб, ёғи асосида уни қайта ишлаб тайёрланган маҳсулот. Уни 10 ва 35% ёғли ҳолда савдога чиқарилади.

Қаймокни ичимликлар пастерланган маҳсулотга шакаар, какао ва кофе кўшиб тайёрланади. Бу маҳсулотлар юкори хусусияти энергетис хусусиятга эга бўлиши билан бирга, таркибидаги А ва б каратин миқдори сутга нисбатан 3 – 3,5 марта ортиқ. Сепаратдан ўтказилган сутга қаймок кўшиб, уни нордон сутли бактериялар билан, ачитки кўшилиб ёки кўшилмаган ҳолда тайёрланади.



Творог хамири таркибига кўра ширин, тузланган ва ўткир бўлади. Ширин творог хамири ёғимли таъм берувчи ва хушбўй моддалар (тускатлар, ванил, долчин, майиз ва бошқалар) кўшилган ва кўшилмаган бўлиши мумкин; баъзида тузланган қамирга хам дориворлар (тмин, калампир ва бошқалар) кўшилади.

Ширин творог хамири ўта ёғи (26, 23 ва 20 фоиз); ёғи (15 ва 14%), кам ёғли (7,5 ва 7 фоиз) ва ёғсиз турларга бўлинади.

Тузланган творог қамирининг ёғи (17,5 ва 15,5 фоиз) кам ёғи (8,5 фоиз) ва ёғсиз турлари ишлаб чиқарилади.

Ўткир творог хамирида 18 фоиз ёғ бўлиб, у тузланган творог қамирига каттиқ ширдан сувли пишлок кўшиб ишлаб чиқарилади.

Сарқил творог қамири сутга ухаша сарримтири оқ рангли ёки кўшилган моддалар рангида, тоза сут-қатиқ таъми ёки кўшилган моддалар таъми ва кушбўйлигига, бир хил нафис, суртиладиган консистентсияга эга бўлиши керак.

Творог кулчалари (сирки) нинг ширин, сирланган, тузланган ва ўткир турлари ишлаб чиқарилади.

Каттиқ ширдан сувли пишлок кўшилган творог кулча таркибидаги камидаги 18 фоиз ёғ бўлади.

Пиёз, саримсоқ, шувок ва шу каби бошқа сабзавот экинларининг таъми аниқ сезилиб турган, аччиқ сирка, аммиак жуда нордон, шур, спирт, морор қамда бошка бегона таъм ва хидди; димиккан, чузилувчан ва ёпишқоқ; консистентсияли; сирти куриган ва морорлаган; ифлос ва нотурри жойланган творог қамири аа творог кулчалар савдога чиқарилмайди.

Творогдан килинган торт творог қамирига кўп микдорда ёғ кўшиб тайёрланади. Бу қамирга ванилин, шоколад, кофе, ёнроқлар, бодом, тускатлар кўшилади. Кўшилган нарса-ларга караб творогли торт—ванили, шоколадли, кофели, ёнгокли, бодомли, тускатли бўлади.

Тортнинг сирти каймокли крем билан безатилади. Торт 250, 500, 1000 ва 2000 г оғирликда ишлаб чиқарилади.

Творог креми сариёг, шакар, шоколад ва ванилин кўшилган ёғи творогдан тайёрланади. У творог кулчаларида таркибидаги қанднинг кўплиги (камидаги 40 фоиз) билан фарқ қиласи. Творог креми эзилган массага ва суртиладиган консистентсияга эга бўлиши керак. Кремда камидаги 18 фоиз ёғ бўлиши лозим.

Катик каймоги олинмаган, ёғсизлантирилган, пастеризация қилинган, стерилизатсия қилинган сутларни, сут ачитувчи стреп-тококкларга болгар ёки атсилофил таёкчалари кўшиб ёки кушмасдан ачитиш нули билан тайёрланади.

Сутни ачитиш 30—35°C хароратда 6 соат давом этади, кейин ҳосил булгап катик 3-5°C хароратли совутгич камераларга жойланади ва у ерда етилгунча (4-6 соат) сакланади.

Ачитилишига күра қатик; Мечников, ацидофил южний, Украина, Варенетс, Оддий, Мацони (мацун) турларига бўлинади.

Мечников қатиги пастеризация қилинган сутни болгар таёғчалари қўшилган сут ачитувчи стрептоқоклар билан ачитиб тайёрланади.

Ацидофил қатик пастеризация қилинган сутга ацидофил таёғчалари қўшиб тайёрланади. Ацидофил таёғчаси ичакда заарли микроорганизмларнинг ривожланишига қаршилик кўрсатувчи сут кислотаси ишлаб чиқаради.

Южний қатиги пастеризация қилинган сутдан тайёрланади. Сут дрожжи қўшилган ёки қўшилмаган сут ачитувчи таёғчалар ёрдамида ачитилади. Южний қатикнинг таъми бошқа тур қатикларга Караганда анча нордон бўлади.

Украина қатиги пастеризация қилинган сутни соф сут ачитувчи стрептоқокклар ачитиб тайёрланади. У ёгининг кўплиги билан бошқа тур қатиклардан фарқ қиласди.

Варенец 95°C ҳароратда 2 -3 соат давомида сақланган, стерилизация қилинган ёки қайнатиладиган сутдан тайёрланади. Унга соф сут ачитувчи таёғчалар қўшилган ёки уларсиз сут ачитувчи стрептоқокклардан тайёрланган ачитки қўшилади. Варенецнинг таъми қайнатиладиган сутни эслатади ва у сезилар-сезилмас кўнгир тусли саргимтири рангда бўлади. Бундай ранг сутни юқори ҳароратда, стерилизация қилиш ёки сақлаш пайтида сут шакари саргимтири тулага киради.

Оддий қатик пастеризация қилинган сутни сут ачитувчи бактериялар ёрдамида ачитиб, тайёрланади.

Мацони (мацун) жануб қатиги билан бир хил кўринишда бўлиб, Грузия, Арманистон ва Озарбайжонда кенг тарқалган, Мацони сигир ва кўтас сутини сут ачитувчи стрептоқоклар ва сут дрожжиси қўшилган болгар таёғчалари ёрдамида ачитиб тайёрланади. Мацони -икки марта ачитиладиган маҳсулотдир, шунинг учун ҳам унинг таркибида сут кислотасидан ташқари спирт ва карбонат ангидрид гази бўлади. У 45—50°C ҳароратда ачитилади.

Таркибаги ёғ микдорига кўра қатик ёги (қаймоги олинмаган сутдан тайёрланган) ва ёғсиз (ёғсизлантирилган сутдан тайёрланган) турларга бўлинади.

Сархил қатик соф сут-қатик ёки қўшилган маҳсулотларнинг таъмига эга бўлиши; меърида зич, бузилмайдиган, газ ҳосил бўлмайдиган ва устига ширдан суви кўп ажралиб чикмаган, ушатилган бўлаги ялтироқ, турғун бўлиши; ранги сутсимон ок ёки кунгирроқ тусли сарримтири (варенетса) бўлиши керак.

Хашак таъми ва оғил ҳиди яққол сезилиб турган, кир-чир, шунингдек, аччик ёғ кислотаси, амиак мөғор таъми ва ҳиди келадиган, кўпирадиган ва 3 фойиздан ортиқ зардоб ажраладиган суюқ консистенцияли ҳамда бегона ранг олган қатик

савдога чикарилмайды.

Ацидофилин қаймоги олинмай пастеризация қилинган ёки ёғсизлантирилган сутни ацидофил таёгчасига соф сут ачитувчи стрептококлар ва дрожжи күшиб тайёрланган ачитки ёрдамида ивитиш йўли билан олинади. Таъм ва хушбўйлиги яхши бўлиши учун унга қанд, ванил, ванилин, долчин кўшилиши мумкин.

Ацидофилин соф сут-катиқ ва спиртли хузурбахш таъмга, зич, суюқ сметанага ухашаш консистентсияга камда сутга ухашаш оқ, бир тусли рангга эга бўлади. Атсидофилин 0,25 ва 0,5 л сикимли сут бутилкаларига кўйилади.

Кефир қаймоги олинмаган ёки олинган пастеризатсяланган сутни кефир замбуруқлари, яъни сут ачитувчи бактериялар ва дрожжи аралашмаси билан ивитиб тайёрланади. Кефир—сут кислотаси ва спирт хосил килиб ачидиган маҳсулотдир.

Мўлжалланишига кўра кефирнинг икки кили: оммавий истеъмол учун ва шифобахш кили беморлар учун тайёрланади.

Оммавий истеъмолга мўлжалланган кефир олиш учун ачитилган сут 0,25 ёки 0,5 л сикимли сут бутилкаларига кўйилиб 14—18 соат мобайнода 20—25°C хароратда сакланади.

Шифобахш кефир оммавий истеъмол кефиридан фарқ килароқ, 1—3 сутка мобайнода сакланиб этилтирилади. Этилтитириш муддатига кўра шифобахш кефир кучсиз, ўрта ва ўткир кефирларга бўлинади.

Кучсиз кефирнинг спирти ортиги билан 0,2 фоиз; нордонлиги 90°Т гача бўлиб, бир сутка мобайнода этилтирилади; бу хил кефир ошкозонни бушаштиради.

Ўртача кефирнинг спирти ортиги билан 0,4%; нордонлиги 505°Т гача бўлиб; икки сутка мобайнода этилтирилади.

Ўткир кефирнинг спирти ортири билан 0,6%; нордонлиги 120°Т гача бўлиб. уч сутка мобайнода этилтирилади, у ошкозонни мустахкамлайди, ични котиради.

Кефир ёрли, Ёғсиз килиб, баъзида С витамини кўшиб тайёрланади.

Саркил кефир бир килдаги, суюқсметанага ухашаш консистентсияли, ранги сутга ухашаш оқ ёки сал сарримтири, таъми эса нордонроқ хузурбахш бўлади.


Сирка, аччиқ, бурсиган, аммиак гунг, хашак таъми ва хидига димиккан, 5% дан кўп зардоб ажратиб чикарадиган консистентсияли, кир-чир, могорлаган ва ранги бузилган кефир савдога чикарилмайди.

Сметана. Бу сутли нордон маҳсулотни биринчи марта Россияда ишлаб чикарилган хозирда дунёни кўпчиллик мамлакатларида ишлаб чикарилади. Бу маҳсулотни тайёрлашда пастеризация қилинган қаймоқни тоза нордон сут стрептоклари билан ачитилиб маҳсулотларни галогенизлаштириб тайёрланади.

Маҳсулотларни ассортиментларга қараб уларни таркибидаги ёғни миқдори 20,25,30,35 ва 40% гача бўлади. Сметанани озиқалик кийматини маҳсулотни таркибидаги ёг, оқсили, ёғда, эрувчи витаминлар, сут кислоталари ва бошқа моддалар ташкил қиласди.

Творог ва творог маҳсулотлари. Творог – оксилни суткислотали маҳсулот у сут тоза ўстирилган бактериялар калсий хлор кўшиб кўшмасдан, сичужин ферменти ёки пенсин орқали сут зардобини чикриб тайёрланади. Творог сут кислотали бактериялар ёрдамида тайёрланганлиги нордон, пепсин, ёки сичун ферментлари орқали сичужно нордон творог маҳсулоти дрейилади. Таркибидаги ёғ миқдорига қараб улар ёғсиз, яримёғли ва ёғли творогларга бўлинади.

21-Чизма



4. Қимиз

Қимиз —бия ва баъзан сигир сутини сут ачитувчи бактерияларга сут дрожжиси кўшиб ачитиш йўли билан олинадиган ичимлик бўлиб, шифобахш хусусиятга эга. Қимиз тайёрлашнинг узига хос хусусияти шундан иборатки, у қуюқлик ҳосил бўлиш жараённида жуда кўп аралаштирилади, шунинг учун ҳам унинг консистентсияси нисбатан суюқ бўлади. Этилтириш даражаси ва сакланиш муддатига кўра қимиз кучсиз, ўртacha ва кучли турларга бўлинади.

Кучсиз қимиз бир суткада этилади, таркибида 1 % спирт бўлиб, нордонлиги 60—80°Т бўлади.

Ўртacha қимиз икки суткада этилади, таркибида 1,75% спирт ва нордонлиги 81—105°Т бўлади.

Кучли қимиз уч суткада этилади, таркибида 2,5% гача спирт ва нордонлиги 106—120°Т бўлади.

Сарқил қимиз сметана консистентсияли, ранги сутсимон оқ, таъми эса соф, спиртли хузурбахш бўлиши керак.

Сирка, айниган, мөгрөлгөн, гүнг, аммиак таъм ва хидли, шунингдек, ивиган булоклари бўлган кимиз савдога чиқарилмайди.

5. Сариёғ

Сариёғ жуда хуштаъм бўлиб, паст хароратда (26—31°C) эрийди, унинг таркибида кўп микдорда А, Д ва э витаминлари бўлади ва у киши организмидаги яхши (97—98%) ҳазм бўлади. Сариёғ юкори калорияли маҳсулотdir.

Сариёғнинг эритилгани ҳам бўлади. Сариёғ каймокни максус ёғ тайёрлаш машиналарида кувлаш йўли билан, эритилган сариёғ эса сариёғни эритиш йўли билан олинади. Сариёғда 81—83%, эритилган сариёғда—98% ёғ бўлади.

Сариёғнинг: чучук тузли, Вологодский, Любителский ва қўшилмали (какао кўкунли, асалли, шакарли, мевали, резаворли ва ҳ.к.) турлари мавжуд. Қўшилган маҳсулотларига кўра шоколадли, асалли, мевали, детский ва бошқа сариёғлар бўлиши мумкин.

Чучук ва тузли сариёғ ивтилмай пастеризацияланган ёки соф сут ачитувчи бактериялар билан ивтилган каймокдан тайёрланади.

Вологодский сариёғи — сараланган, янги, ивтилмаган, юкори хароратда пастеризацияланган чучук каймокдан тайёрланиб, ёғимли ёнроқ таъм ва хидига эга бўлади.

Любителский сариёғи — ивтилмаган пастеризацияланган каймокдан тайёрланган чучук сариёғ бўлиб, бошқа тур сариёғларга Караганда намлиги кўп (20%) ва ёги кам (78%) бўлади.

Шоколадли сариёғда камидаги 62% ёр, камидаги 18% шакар, 2,5% какао-кўкуни ва намлиги ортири билан 16% бўлади.

Асалли сариёғ таркибида 25% табиий асал, 25% ёғ ва кўпи билан 18% намлик бўлади.

Мевали сариёғда шакар билан аралашган резавор-мева пюреси ёки шарбати бўлади. Ундаги ёғ микдори—62%, шакар—16%, намлик—18% ни ташкил килади.

Шакарли (Детский) сариёғга 8% шакар, бир озрок ванил ва ванилин қўшилади. Ундаги ёғ камидаги 76% бўлиши керак.

Эритилган сариёғ сутнинг эритилган ёги бўлиб, совутилганда тузилиши майда донадор ёки йирик донадор бўлади.

Майда донадор сариёғ энг яхши хисобланади. Таркибидаги ёғ - 98%, намлик - 1% бўлади.

Ёғнинг хамма турлари (қўшилмаларидан ташқари) аъло ва 1-навларга бўлинади. Навларга ажратишда ёғнинг таъми, хиди, ранги, консистенцияси, ташки кўриниши, тузлаш сифати ва жойланиши холати асос килиб олинади.

Ёғда шунингдек, ёг сув ва туз ҳам нормалаштирилади. Сариёғ сифатига органолептик баҳо юз балли система асосида берилади. ҳар бир кўрсаткич учун маълум миқдор балл берилади: таъм ва хидига -50 балл, консистентсиясига ва ташки кўринишига -25, рангига -5, тузланишига -10 ва жойланишига 10 балл берилади. Нуксонлари бўлган тақдирда балл баҳолари жадвалига мувофик баҳо камайтирилади. Агар Ёғда берилган органолептик кўрсаткичлар бўйича иккита нуксон бўлса, унда баҳони кўпроқ пасайтирувчи нуксон назарга олинниб баҳо камайтирилади.

88-100 балл олган ёғлар аъло нав, 80-87 балл олган ёрлар 1-нав ҳисобланади.

Сарғил ёғнинг ранги сал сарғимтири ёки оқ; таъми ва хиди шу турга хос, 10-12°C да бир хил зич консистентсияли; кесилганида усти куруқ ёки жуда майда нам заррачалари текис таксимланган, сал-пал ялтиллаб турадиган бўлади. Эритилган сариёғ юмшоқ, донадор консистентсияли бўлиши, эриган холатида эса чукиндисиз бутунлай тиник бўлиши лозим.

Балиқ, металл, тутун таъми келиб турадиган, бурсиган, кўйган, могорлаган ва хащак хидли; ичидан могорлаган; бегона қўшилмалари бўлган; кир-чир ёки ноаниқ маркаланган идишга жойланган ёғ савдога чиқарилмайди.

Сариёғни жойлаш учун 25,4 кг сигими тоза, куруқ тахта ва фанер яшиклар ҳамда 50,8 кг сикими ёғоч бочкалар ишлатилади. Любителский сариёғ 24 кг сигими яшиклар ва 48 кг сикимли ёғоч бочкаларга жойланади. Сариёғ шунингдек, 100, 200, 250, 500 г дан қадоқланиб, пергамент қоғозга ўралади.

Эритилган ёғ соф оғирлиги 50 дан 100 кг гача арча, қора-қайнин, липа, тоғтерак қайнин тахтасидан ясалган бочкаларга жойланади. Эритилган сариёғ сигими 500 г гача бўлган шиша идиш ва парафинланган қофоз стаканларга қадоқлаб жойланади.

Сариёғни магазин шароитида 10°C дан ошмаган ҳароратда ва нисбий намлиги 75—80% бўлган хонада саклаш тавсия килинади.

Холодильникларда ёр—6 дан—18°C гача бўлган ҳароратда сакланади.

Сариёғни эзда 3 кунгача, кишда —5 кунгача, эритилган сариёғни бутун йил давомида 15 кунгача саклаш мумкин.

Йил фасллари ва раёнларнинг жойланишига кўра табиий камайиш нормаси сариёғ учун 0,19-0,35%, эритилган сариёғ учун - 0,30-0,45% дир.

5. Пишлок

Пишлок янги, қаймоги олинмаган ёки нормаллаштирилган сигир, шунингдек қўй ва эчки сути ёки улар аралашмасидан ишлаб чиқарилади. Сут ширдан ферменти ёки сут ачитувчи ачитки ёрдамида ивитилади. Олинган қуюклик (кале) зардобини ажратиш учун янчилади, шакл берилади,

прессланади, тузланади, кейин эса 15—30 кундан 12 ойгача этилтирилади. Этилиш даврида қомаш ачиди, бунда газ ажралиб чишиб, пишлокда күзчалар хосил бўлади (расмга каранг). Ачиғандан кейин яхши пишиб этилиши учун пишлок эртулаларда сакланади. Бу даврда пишлок оксилида катта ўзгаришлар руй беради. Натижада пишлокда узига хос ёғимли таъм, күшбўй хид, бир килдаги сарик ранг пайдо бўлади. Тайёр пишлоклар куриб кетиш ва бузилишдан саклаш учун парафинланади.

Пишлокда 25—30% оксил, 16—32% ёр, 1% атрофида калтсий, 0,6% фосфор, А, Б1, Б2 ва Д витаминлари бўлади; бу гоятда хуштаъм овқат, организмда яхши хазм бўлади. 100 г пишлок 300—400 ккалга эга.

Пишлок куйидаги группаларга бўлинади:

1. Ҳомашёсига караб — сигир, кўй, эчки сутларидан ёки улар араплашмасидан тайёрланган пишлоклар;
2. Ивтиш усулига караб—ширдан сувди ва сут ачитувчи бактерияли пишлоклар;
3. Каленинг ишлов берилишига кўра—қаттиқ (прессланган) ва юмшок (ўзича прессланадиган) пишлоклар;
4. Тузлаш усулига кўра - намакоб билан ва куруқ туз билан тузланган пишлоклар;
5. Келиб чиқишига кўра - табиий ва юмшоқ пишлоклар;
6. Ёр микдорига кўра - 50, 45, 40 ва 30% ёғли (куруқ моддалар хисобида) пишлоклар.
7. Қаттиқ ширдан пишлоклар. Швейцар, голланд, чеддер ва латин пишлоклари группаси қаттиқ ширдан пишлоклар туркумига киради. Буларнинг хаммаси пишиқ эластик хамирга эга бўлиб, таркибидаги намлик 42% дан 48% гачани ташкил этади.

Швейцар пишлоклари группасига Швейцарский, Алтайский, Тошкент, Москва ва Кубан пишлоклари киради. Бу пишлокларни олий навли хом сутдан (Швейцарский, Алтайский) ёки пастеризация қилинган сутдан. Советский ва Московский тайёрланади. Калеси жуда майда, тарик катталигига килиб ишланади. Пишиб этилган пишлокларда деярли йирик ёки ўртача катталикдаги думалок ёки овал шаклидаги күзчалар пайдо бўлади: бутунлай бир хил массадан иборат камири силлик, соф, бир оз чучмалрок, күшбўй таъмли бўлади. Швейткарский пишлоклари ками 6 ойда, колганлари—ками 4 ойда пишиб этилади.

Бу пишлоклар таркибидаги ёғ 50% дан кам, намлиги 42% дан кўп бўлмаслиги лозим.

Швейцарский пишлоқ паст цилиндр шаклида, огирилиги 50 дан 100 кг гача бўлади; бир текисдаги эти силлик, думалок ёки овал шакл, йирик-йирик

күйчалар шу пишлок үчүн характерлидир; таъми ва хиди соф, ширинроқ, пўсти пишик ғадир-будуррок бўлади.


Алтайский пишлоги ҳам паст цилиндр шаклида 12— 20 кг оғирликда тайёрлаб чиқарилади; пўстининг усти парафинли аралашма билан қопланади.

Советский пишлоги пастеризация қилинган сутдан тайёрланади; у тўғри бурчак шаклида ва оғирлиги, 12—16 кг бўлади; таъми Швейцарский пишлогининг таъмига яқинроқдир.

Московский пишлоги баланд цилиндр шаклида бўлади; сирти сарик рангли парафин билан қопланади, оғирлиги 6-8 кг. У Советский пишлоги турларининг биридир. Таъми ва хиди ҳам Советский пишлогидан фарқ килмайди.

Кубанский пишлоги цилиндр шаклида бўлиб, оғирлиги 10 кг гача, таъми, хушбўйлиги ва консистенциясига кўра Советский пишлогига якин бўлиб целлофанга ўралади. Пишлоклар – концентриланган оқсилли маҳсулотлар юкори микдорда ёғларни саклайди.

Пишилекшар



Голландский пишлоклари группасига Голландский, Костромской, Степной, Ярославский ва Углич пишлоклари киради Бу группадаги пишлоклар қаймоги олинмаган ёки нормаллаштирилган сутдан тайёрланади. Швейтсар пишлокларидан фарқ килароқ, бу пишлокларнинг калеси бир оз йирикроқ килиб майдаланади, шунинг учун ҳам уларнинг намлиги нисбатан кўпроқ (43—44%) бўлади; 2-2,5 ойда пишиб етилади; ёғи 45%, бироқ думалоқ шакл катта ва кичик Голланд пишлоклари бундан мустаснодир. Уларнинг ёғи 50% бўлиши шарт. Хамири эластик нафис, букилганда синувчан, кўзчалари майда, думалоқ шаклда бўлади. Таъми ва хиди соф пишлокқа хос, ўткир кислоталилиги сезилиб туради.

Голландский пишлоклар куйидаги кўринишларда ишлаб чиқарилади; катта думалоқ, пишлокнинг оғирлиги 2—2,5 кг, кичик думалоқ (лилипут) ники 0,4—0,5 кг; катта тўғри туртбурчак шаклидаги пишлокнинг оғирлиги 5—6 кг ва кичик туртбурчак шаклидагиники 1,5—2 кг. Кобиги кўпинча оч кизил рангга буялган парафин плёнкаси билан қопланади.

Костромской пишлоги 9—12 кг оғирликдаги катта паст цилиндр ёки 5—6 кг оғирликдаги кичик думалоқ шаклида тайёрланади.

Степной пишлоги туртбурчак шаклида бўлади; оғирлиги 5—6 кг; таъми ўткир ва қушбўйдир,

Ярославский пишлоги 2—3 кг оғирликда, баланд цилиндр шаклида чиқарилади; таъми нордонрок бўлади.

Угличский пишлоги оғирлиги 2—3 кг, тўғри туртбурчак шаклида бўлади. Консистентсияси нозиқ, синувчан, таъми бир оз нордонрок. Усти буялмаган, аммо, парафин билан қопланган бўлади.

Пошехонский пишлоги — паст цилиндр шаклида, оғирлиги 5—6 кг; консистентсияси пластик таъми бир оз нордонрок.

Эстонский пишлоги баланд цилиндр шаклида бўлиб, оғирлиги 2—3 кг, тезпишар пишлок; пишлокка хос нордонрок таъми аниқ сезилиб туради.

Российский пишлоги оғирлиги 11—15 кг ёки 7—10 кг бўлган паст цилиндр шаклида чиқарилади. Сирти буялмайди, парафин билан қопланади, таъми ва хидидан пишлокқа хос хид анкиб туради; бир оз нордонрок, давлат Сифат белгисини олган.

Чеддер пишлоклари группасига -Чеддер ва Тоглик Олтой пишлоклари киради. Бошқа пишлоклардан фарқли ўлароқ бу группага кирувчи пишлоклар шакл берилишдан олдин ачитилади, шунинг учун ҳам уларда кўзчалар бўлмайди. Улар ками 3 ойда пишади; таркибида (куруқ моддага нисбатан) 50% ёғ, 44% намлик бўлади. Етилган пишлок соф, бир оз ачинкираган таъми ва хидди бир оз сўликроқ, майин хамири бир хил оқ ёки сарик рангда бўлади. Бу пишлокнинг қаттиқ пўсти бўлмайди, дока ёки миткал газламага ўралади,

газлама пишлок этига маҳкам ёпишиб туради. Бу пишлоклар шакли ва оғирлиги билан бир-биридан фарқ қилади.

Чеддер пишлоги катта цилиндр шаклида, оғирлиги 30—33 кг.

Тогли Олтой пишлоги паст цилиндр шаклида, оғирлиги 10—15 кг.

Латвийский пишлоклари группасига Латвийский, Краснодарский, Волжский пишлоклари киради. Бу пишлокларнинг хусусияти шундаки, пишиш даврида уларнинг кобигида шиллик модда пайдо бўлади. Бу шиллик мoddада эса аммиак ажратувчи бактериялар ривож топади. Аммиак пишлокнинг ичига утиб, унга ўткир, бир оз аммиакли таъм ва хид беради.

Бу пишлокларнинг қамири эластиқ нафис, овал ёки нотекис шаклда бўлади; ёғи (куруқ мoddага нисбатан), 45%, намлиги 48% бўлиб, 2 ойда пишади.

Латвийский пишлоги туртбурчак шаклида бўлади. оғирлиги 2,2—2,5 кг.

Краснодарский пишлоги цилиндр шаклида, оғирлиги 8—10 ёки 4—6 кг; таъми ўткир, бир оз аммиак хидли бўлади.

Волжский пишлоги 2,3—3 кг оғирлиқдаги турри бурчакли булоклар шаклида тайёрланади.

Сифат кўрсаткичларига кўра барча каттиқ ширдон пишлоклар (Кубанский пишлоридан ташқари) олий ва биринчи навларга бўлинади. Пишлокни навларга ажратишда таъми, хиди, ранги, консистентсияси, кесилгандаги кўриниши, ташки кўриниши, уралиш ва маркировка холати асос қилиб олинади.

Саркіл пишлок турри шакл: бир хил юпка ёки калин қобик; шу пишлок турига хос бўлганлиги аниқ билиниб турадиган таъм ва хид; нафис, пластик бир оз эластиқ консистентсия; бутун массада бир хил сарримтирик оқ ранг; кесилгандаги овал, думалок, ясси ёки бошқа шакл кузчалар (пудак уринлари булмайдиган Чеддер пишлок группаларидан ташқари) бўлиши керак.

Пишлокларнинг сифати 100 балли система билан баҳоланади. Пишлокнинг таъми ва хиди -45 балл, консистентсияси —25, кузчалари—10, қамирининг ранги—5, ташки кўриниши—10 ва маркировка холати 5 балл билан баҳоланади.

Нуксонлар учун балл пасайтирилади. 87 баллдан кам баҳо олмаган (87—100) шу билан бирга таъми ва хидига 37 балл олган пишлоклар олий навга, жами 75—86 балл, таъми ва хидига 34 балл олган пишлоклар 1-навга киритилади.

Таркибидаги ёр, намлик ва туз стандарт талабига жавоб бериши керак.

Пишлок тоза, пишиқ бут идишга солиниши ва маркировкаси аниқ тушунарли бўлиши керак.

Юмшок ширдон пишлоклар. Бу группадаги пишлоклар юмшок консистентсияли бўлади, чунки уларнинг калеси майдаланмайди, майдаланса хам зарралари йирик-йирик бўлади, аммо прессланмайди. Тайёр

пишлокларнинг ёрлилиги 45—50%, намлиги 46—60% бўлади, 25—45 кунда пишиб эти-лади.

Юмшоқ пишлоклар пишиб этилишига кўра икки группага бўлинади: шиллик модда иштирокида этиладиган пишлоклар (Дорогобужский, Медитсинский, Смоленский); морор иштирокида этиладиган пишлоклар (Рокфор ва Закусочный).

Дорогобужский пишлоги ён томонлари бир оз каварик куб шаклида, 0,5—0,7 кг ёки 0,15—0,2 кг оғирлика чиқарилади.

Медитсинский пишлоги тўгри бурчак шаклида, оғирлиги 0,24—0,36 кг. Смоленский пишлоги паст цилиндр шаклида 0,85—1,2 кг оғирлика чиқарилади.

Закусочный ва Рокфор пишлоклари ҳам паст цилиндр шаклида бўлиб, биринчисининг оғирлиги 0,2 - 0,4 кг, иккинчисининг - 2,3-3 кг бўлади.

Юмшоқ пишлоклар тўгри шаклда, юпқа, пишлок шиллиги билан копланган юмшоқ қобикили бўлиши; пишлокнинг таъми ва хиди ўз турига хос аник ўтқир аммиакли; нафис, бир оз ёпишқоқроқ ёғдор консистенцияли; саргимтирик оқ рангли, хамири силлик ёки озроқ кўзчалари бўлиши лозим. Рокфор пишлоги ичидаги кўяшил томирлари бўлади.

Юмшоқ пишлоклар сифатига қараб товар навларига бўлинмайди.

Намакобли пишлоклар. Намакобли пишлоклар ширдон пишлоклар группасига хосdir. Улар кўй, баъзан сигар сутидан ёки уларнинг аралашмасидан тайёрланади; бу пишлоклар намакобда этилади ва шу намакобда сакланади. Бринза, Чанак Тушинский, эреванский, Сулугун ва Осетинский пишлоклари нама-кобли пишлоклардир.

Бу пишлоклардан товар сифатида аҳамиятлиси бринзадир. Бринза кўй ва сигир сутидан ёки уларнинг аралашмасидан тайёрланади. Сут ивигандан сўнг хосил бўлган қуйқа бўз копларга солинади, зардоби сикиб чиқарилгандан сўнг оғирлиги 1,5 кг қилиб квадрат бўлакларга бўлинади ва бочкаларга тахлаб устидан 18-22% ли намакоб кўйилади, бринза ўша намакобда этилади ва сакланади.

Сифатига кўра бринза олий ва 1-навга ажратиласди.

Сарғил бринза соф, шиллиқсиз, нафис, синувчан, бироқ уваланиб кетмайдиган консистенцияли; ранги оқ ёки саргимтирик; таъми тоза, катиксимон, ўйрангроқ бўлади. Бринза-нинг таркибида 40—50% ёр, намлиги 49—52%, туз 4—8% бўлади.

Ачитилган сут пишлоклари. Ачитилган сут пишлоклари кўпинча ёғи олинган (сепаратдан чиқкан) сутни ивитиб тайёрланади. Яшил пишлок шу пишлокларнинг бир туридир.

Яшил пишлок массасига узига хос таъм бериш мақсадида кашкарбеда

баргларидан тайёрланган күкүн күшилади.

Яшил пишлок қесик конус шаклида, 100 ва 200 г орирликда бўлади. Яшил пишлокнинг усти бир оз гадир-будур бўлсада ёриклари булмайди, ранги кўкимтири-яшил кашкарбедага хос хидли, шўртанг, қаттиқ консистентсияли, киргичдан ўтказилганда яхши майдаланадиган бўлади. Яшил пишлокнинг кўкуни ҳам чикарилади.

Юмшоқ пишлоклар. Юмшоқ пишлоклар консистентсиясида, ранги, шакли ва кузчаларида камчиликлари бўлган ширдон, қатикили, намакобли пишлоклардан камда мақсус тайёрланган пишлок массасидан тайёрланади. Эритилган пишлок массасига сузма, сариёғ, ёги олинниб курутилган сут, турли зираворлар (гармдори, калампирмунчоқ, долчин, мускат, кардамон ва бошқалар) камда пишлок қамирини буяш учун озука бўёғлари кўшилади. Эритувчи сифатида фосфор, лимон натрийларидан фойдаланилади.

Еритишига мўлжалланган пишлок пўсти артилиб майдаланади ва вакуум-козонларга жойланиб, унга туз, эритгичлар, бу-ёклар кўшилади камда 70—75°C гача иситилади. Бу иссиқ лиқда пишлок эриди. Эриган пишлок массасини алюмин заркорози солинган турри бурчакли паст цилиндр ёки ярим цилиндр ко-липларга кўйилади ва у совигандан сўнг чиройли этикеткаларга уралади.

Бизнинг пишлок ишлаб чикарувчи саноатимиз юмшоқ пишлокнинг 40 дан ортик турини тайёрлаб чиқаради. Улар қамирининг таркиби, таъми, шакли, ранги, консистентсияси ва бошка хусусиятлари билан бир-биридан фарқ килади. Пишлок ҳамирининг таркиби ва тайёрланниш усулига кўра барча юмшоқ пишлоклар олти группага бўлинади.

Тўлдиричларсиз юмшоқ пишлоклар — Советский, Российский, Костромской, Латвийскийлардир. Бу пишлокларни ишлаб чиқаришда уша номлари айтиб утилган табиий ширдон пишлоклардан фойдаланилади.

Қаймокли Угличский ва қаймокли Невский пишлоклари ҳам худди шу группага киради; юмшоқ пишлокларнинг бу қиллари қаттиқ ширдон пишлоклар аралашмасига 14-20% сариёғ кўшиб тайёрланади. Колбаса шакл дудланган пишлок (еритилган пишлок массаси аввало уралади, сўнгра дудланади) ва ёги олинган сутга ёғ кўшиб тайёрланадиган Новий пишлоки ҳам шу группага мансубdir.

Тулдиричли ва зираворли юмшоқ пишлоклар группасига ветчина, дудланган колбаса, гармдори, зираворлар (тмин, кашкар беда, укроп ва хх) томат соуси кўшилган пишлоклар киради.

Пастасимон юмшоқ пишлоклар: 55% ёғи бўлган Дружба, Волна, Лето, ёғи 50% бўлган Рокфор, ёғи 45% бўлган Кисломолочний, тюбикли Московский, яна тюбикли Мягкий ва шу каби бошқалар ушбу группага мансуб пишлоклардир. Бу пишлоклар ширдон сувли, пишиб этилган катта ва майда қаттиқ пишлок-

ларга турли микдорда каймок, сметана, сариёг кўшиб тайёрланади. Юмшоқ пишлокларнинг консистентсияси нафис, суркалувчан бўлади.

Юмшоқ ширин пластик пишлоклар (Шоколадний, Кофейний, Фруктовий) таркибида ёғ турли микдорда бўлган творог массасига сариёг, қанд, таъм берувчи тулдиргичлар камда желатин, агар ёки агароид кўшиб тайёрланади. Бу хил пишлоклар таркибидаги ёғ 30%, қанд 30% дан кам булмаслиги, намлик эса 35% дан ошик булмаслиги керак.

Консерва килинган юмшоқ пишлоклар олий навли табиий пишлоклардан тайёрланади. Эритилган иссиқ масса озиқ-овкат локи суртилган темир банкаларга кўйилади, сўнгра банкалар бекитилиб стерилизатсия ёки пастеризация килинади. Савдога юмшоқ сирларнинг стерилизатсия қилинган, пастеризация қилинган, ветчина билан пастеризация қилинган турлари чиқарилади.

Доривор пишлоклар (“Сўрў к обеду”) биринчи ва иккинчи хил таомлар камда турли соус ва кайлалар тайёрлашда дори-вор хизматини ўтайди. Бу группага сабзавот таомлари учун пишлок, макарон овқатлар учун пишлок, ок кузикорин учун пишлок ва ҳ киради.

Улар шиша банкаларга 225 граммдан солиниб, банкалар темир қопкоклар билан герметик ёпилади.

Пишлоклар таомга узига хос таъм ва хид беради.

Саркил юмшоқ пишлоклар эластиқ уваланмайдиган, заррacha ва кузчалардан холи, камирнинг ранги сарримитир, таъми шу турга мое, зираворли пишлокларнинг таъми ва хиди эса кўшилган зираворларга хос бўлиши керак.

Юмшоқ пишлоклар 30, 50, 100, 125, 200 ва 250 г килиб кадокланади.

Пишлоклар ҳар хил идишларга: тахта яшиқ оқоронка, барабан, бочкаларга (намакобли пишлоклар) солинади. ҳар бир идишга пишлокнинг бир тури, бир нави ва деярли бир вактда ишлаб чиқарилгани жойланади.

Бринза тоза, намакоб ўтказмайдиган бочкаларга жойланади. Кўк пишлоклар тахта яшикларга 250 тадан солинади, кўкуни эса мақсус ёғ ва нам ўтказмайдиган юпка қоғоз халтачаларга солиниб яшикларга жойланади.

Юмшоқ пишлоклар фанер ва юпка тахтадан ясалган яшикларга ёки сикими 5 кг дан 20 кг гача бўлган бурма картон кутиларга солинади.

Сотиш жойларида пишлокларни тоза, қуруқ, яхши шамоллатиладиган, ҳарорати 2° дан 10° атрофида, хавонинг ниобий намлиги 85—87% бўлган биноларда саклаш керак.

Пишлокни бошқа товарлар (балиқ дудланган маҳсулотлар, пиёз, мевалар) билан бирга саклаш ярамайди. Саклаш жараёнida пишлоклар артиб, айлантириб турилади.

Назорат ва мулохаза учун саволлар

1. Сутнинг таркибида инсон организми учун зарур бўлган қандай моддалар мавжуд?
2. Савдога чиқариладиган сутнинг қандай турларини биласиз ва уларнинг товарлик хусусиятини тавсифлаб беринг.
3. Сут-катик маҳсулотлари ассортименти ва сифат кўрсаткичлари ҳакида гапириб беринг.
4. Сметананинг қандай ассортиментларини биласиз ва уларнинг товарлик хусусиятини тавсифлаб беринг.
5. Кефирнинг қандай турларини биласиз ва уларнинг сифат кўрсаткичларини тавсифлаб беринг.
6. Сариегнинг овқатлилик киймати, ассортименти ва сифат кўрсаткичлари ҳакида гапириб беринг.
7. Пишлокларни овқатлилик киймати. Ассортименти ва сифатига кўйиладиган талаблар ҳакида гапириб беринг.
8. Пишлокларни қандай турларини биласиз?
9. Каттик ширдан пишлоклар ассортиментига мисоллар келтиринг ва товарлик хусусиятини тавсифлаб беринг.
10. Юмшоқ ширдан пишлоклари ассортиментига мисоллар келтиринг ва товарлик хусусиятини тавсифлаб беринг.

15-мавзуу: Гўшт ва гўшт маҳсулотлари экспертизаси

Режа:

1. Гўштнинг озиқали киймати
2. Гўшт маҳсулотларининг киймати
3. Колбаса маҳсулотлари.
4. Гўшт консервалари.
5. Гўшт ва гўшт маҳсулотларини сақлаш.

1. Гўштнинг озиқали қиймати

Гўшт турли тўқималардан: мускул тўқималари, ёғ тўқималари, бириктирувчи тўқималар (парда, пай, кемирчак) ва суяқ тўқималаридан иборат. Гўштнинг озиқлик киммати унинг химиявий таркибига, яъни ушбу тўқималардаги оксил, ёғ, углеводлар, минерал моддалар ва витаминлар (А, Б, Д) нинг миқдори ва сифатига бўклиқ

Оксиллар энг тўйимли модда хисобланади. Мол гўштида ўртача 16-18% оксил моддаси бўлади. Гўштдаги жуда қимматли оксилнинг кўпи мускул

тўқимасига, қиммати пастрок оқсиллар эса бириттирувчи ва сувак тўқималарига жойлашган бўлади.

Гўштнинг калориясини оширувчи ёғ ҳам тўла тўйимли қимматга эга, ёғлар жойлашишига қараб тери ости ёғлари, мускул тўқималари орасидаги ёғлар ва чарви ёғларга ажратилади. Тери ости ва мускул тўқималари орасидаги ёғлар энг яхши сифатли ёғлардир. Чунки бу ёғлар нисбатан паст ҳароратда эрийди ва унда чарви ёғига қараганда бириттирувчи тўқималар кам бўлади.

Турли моллар ёғининг тўйимлик қиммати турлича. Масалан, чўчка, товук ва қоз ёғларининг эриш ҳарорати киши танасининг ҳароратига якин бўлганилиги туфайли ёғнинг бу турлари юкори ҳароратда эрийдиган мол ва кўй ёғларига қараганда организмда яхши ҳазм бўлади.

Гўштда углеводлар никоятда кам ($0,5\%$ га якин). Аммо улар гўштнинг етилишида мухим рол ўйнайди. Чунки ферментлар таъсири остида углеводлар сут кислотасига айланаб ачиди, натижада гўштнинг мазалилик хусусиятлари яхшиланади.

Гўштдаги минерал моддалардан калций, натрий, фосфор, темир бирикмаларини айтиб ўтиш керак. Уларнинг миқдори $0,7$ дан $1,2\%$ гача ўзгариб туради.

Гўшт таркибида сув ҳам кўп ($60-73\%$), шунинг учун ҳам у тез бузилувчан маҳсулотларга киради.

Гўштнинг иссиқлик қолати. Гўштлар ҳароратига қараб, янги совиган, совитилган ва музлатилган турларга бўлинади.

Янги гўшт мол сўйилиши билан олинган гўштдир. У дағал, мазасиз ва организмда яхши ҳазм бўлмайди. Бунинг сабаби шуки, бундай гўшт хали етилиш жараёнини ўтмаган бўлади. Янги гўшт истеъмолга чиқарилмайди.

Совиган гўшт — бу нимталангандан сўнг табиий шароит ёки маҳсус камераларда энг ками б соат совитилган гўштдир. Шу муддат ичida унинг ҳарорати ташки мухит ҳароратига мослашади, сирти куриб юпка парда билан қопланади. Совиган гўштнинг сирти нам бўлмайди, мускуллари қайишқоқ, кўл ботирилса, хосил бўлган чуқурча тез тўғриланади, яъни эластик бўлади. Совиши жараёнида гўшт етилади, яхши таъм ва ёғимли хид пайдо бўлади; у қайта ишловга жуда куляй ва организмда яхши ҳазм бўлади.

Совитилган гўшт — бу, нимталарга ажратилгандан сўнг мускуллар ичидаги ҳарорат 0°C дан 4°C гача совитилган гўштдир. Бундай гўшт сифат жихатдан совиган гўштдан яхшироқ. Унинг устки кисми нам бўлмайди, юпка парда билан қопланган, мускуллари эластик бўлади. Совитилган гўштнинг шўрваси мазали ва хушбўй бўлади.

Музлатилган гўшт -совитилгандан сўнг мускуллар ичидаги ҳарорат - 6°C гача музлатилган гўштдир.

Музлатилган гўштнинг сифати уни музлатиш усулига - тез ёки секин музлатишга боклик. Тез музлатилган (-15° дан - 25° С гача) гўшт яхши гўштдир (секин музлатиш -6° - 10° С атрофида бўлади). Тез музлатиш натижасида гўшт катларида жуда майда муз кристаллари хосил бўлади, улар гўшт тўқималарининг катагини эмирмайди; аста-секин эритилганда хосил бўладиган сели мускулларга сингади ва гўштда қолади.

Секин музлатилганда гўштда йирик кристаллар хосил бўлади, улар мускул тўқималарининг катакларини бузади, натижада гўшт ўзининг қайишқоқлик ва эритганда хосил бўладиган селни ўзига сингдириш хусусиятини йўкотади.

Шунинг учун ҳам гўшт имкони борича паст ҳароратда ва тез музлатилади. Эритиш (дефростатсия) эса, аста-секин бўлади, О - 4° С ҳароратда эритилади.

Музлатилган гўшт чертиб кўрилса, жарангдор овоз чиқаради.

2. Гўшт маҳсулотларининг классификацияси

Молнинг тури ва семизлигига қараб гўштнинг характеристикаси. Сўйиладиган мол турига қараб гўштлар мол гўшти, кўй гўшти, чўчка гўшти, от гўшти ва бошқаларга бўлинади.

Мол гўшти - бу катта ёшдаги буқа, хўқиз, сигир ва бузок, гўштидан иборат. Гўштнинг бу турлари сифат жиҳатдан бир хил эмас ва улар бир-биридан гўшт ва ёгининг ранги, тўқималарининг тузилиши, пиширилганда эса мазаси ва кушбўй хиди билан фарқ килади.

Семизлигага қараб мол гўшти И, ИИ категорияларга ва ориқ гўштга бўлинади. Мол гўшти мускул тўқимасининг ривожланганлик даражаси, тери ости ёғ катламлари ва скелет суюклари бўртиб чикканлигига қараб категорияларга бўлинади.

И категорияли мол гўшти - мускуллари этарли даражада ривожланган катта ёшдаги мол гўштидир; скелет суюклари туртиб чикмаган саккизинчи қовуркасидан то кўймичигача тери ости ёғ билан қопланган (маълум даражада ёғ бўлмаслиги ҳам мумкин); бўйин, кўрақ олд қовурқалар, сон, орқа кисми устида, чот атрофида кичик-кичик ёғ катламлари бўлади. И категориядаги мол гўштига гунафша ранг думалоқ тамқа кўйилади.

ИИ категорияли мол гўшти—мускуллари бирмунча камроқ тарақкий этган катта ёшдаги мол гўштидир; скелет суюклари сезиларли даражада туртиб чиккан бўлади; кўймич, бел ва кейинги қовурқалар атрофида ҳар эрда тери ости ёғ катлами бўлади. ИИ категорияли мол гўштига гунафша ранг квадрат тамқа босилади.

Ёш мол гўшти ҳам И ва ИИ категорияли бўлади; бундай гўштлар ҳам катта ёшдаги моллар гўшти сингари тамкаланинг ўнг томонига “M”

(молодняк) қарфли белги қўйилади.

ИИ категория талаблариға жавоб бермайдиган гўштлар ориқ гўшт ҳисобланади, бундай гўштлар сотишга чиқарилмайди, ундан саноатда гўшти қайта ишлашда фойдаланилади. Ориқ мол гўштига гунафша ранг учбурчак тамқа қўйилади.

Мол гўшти бўйига бўлинган нимта ва чоракталик килиб чакана савдога чиқарилади. Нимталар ўн биринчи ва ўн иккинчи қовурқалар ўртасида чоракталика бўлинади.

Иккала категориядаги мол гўшти сифат жиҳатдан 1-, 2-, 3-товар навларга бўлинади.

1-навга—орқа, кейинги қисми (бел, бўйса, думқаза, озрок сон), кўкрак қисмлари кириб, улар бутун тананинг 63% ини ташкил этади.

2-навга — кўрақ элка ва қорин гўшти киради; улар бутун тананинг 32% ини ташкил этади.

3- навга — бўйиндан личоқ теккан қисм, олд ва орқа оёғларнинг болдирилари киради; улар бутун тананинг 5% ини ташкил этади.

Стандартда ҳар қайси мол танасини нимталашнинг аниқ анатомик чегараси алоҳида кўрсатилган.

Қўй (кўй ва кўчкор) гўшти—саргиш қизил ёки тўқ қизил, майда донадор тузилиши; ўзига қос хидли, ёги зич оқ рангда ва баланд ҳароратда эрийди.

Қўй гўшти семизлник даражасига қараб, И, ИИ категорияларга ва ориқ гўштга бўлинади. Қўй гўштининг категорияларга бўлиниш принципи ҳам мол гўштиникидек бўлади.

И категориядаги қўй гўштининг мускуллари этарли ривожланган бўлиши; бел ва умуртка ўсимталари бирмунча туртиб чиқсан; тери ости ёғлари бўлади, айрим жойларида юпка қатлам, баъзан эса бу қатламлар бўлмаслиги ҳам мумкин. ИИ категорияли қўй гўштига гунафша ранг думалоқ шакл тамқа қўйилади.

ИИ категорияли қўй гўштида мускуллар яхши ривожланмаган, суяклар сезиларли даражада туртиб чиқсан тери ости ёғлари бўлади, айрим жойларида юпка қатлам, баъзан эса бу қатламлар бўлмаслиги ҳам мумкин. ИИ категорияли қўй гўштига гунафша ранг квадрат тамқа қўйилади.

Семизлиги жиҳатидан ИИ категорияли гўшт талабларига жавоб бермайдиган қўй гўшти ҳам ориқ ҳисобланаб, унга гунафша ранг учбурчак тамқа қўйилади.

И категорияли қўй гўшти ҳам ИИ категориялиси ҳам сифат жиҳатдан 1-, 2-, 3-навга бўлинади. 1-навга—орқа-кўрак ва бикин-сон киради, улар бутун тана оғирлигининг 75% ини ташкил этади; 2-навга—бўйин (личоқ тегмаган қисми), кўкрак ва қорин гўшти киради, булар бутун тана оғирлигининг 17% ини ташкил

этади; 3-навга бўйиннинг четки кисми, олд ва орка оёғ гўштлари киради, улар бутун тананинг 8% ини ташкил этади.

Чўчқа гўшти майдо толали (майда донадор) майин тузилиши, оч қизил ёки пушти қизил рангли бўлади. Эркак чўчқанинг -гўшти дакал, қаттиқ, хиди ва таъми ёгимсиз бўлади, танаси турли қалинликдаги ёғ билан қопланган бўлади. Ёғнинг ранги одатда оқ, лекин устки катлам ёғининг ранги оч пушти бўлиши ҳам мумкин.

Чўчқа гўшти семиз-ориқлигига қараб:

Ёғи чўчқа гўштига — ёғнинг қалинлиги 4 см ва ундан ҳам кўпроқ бўлади; бунга гунафша рангли думалоқ тамқа кўйилади;


беконбол кисмга—(бекон учун сўйилган чўчқалар), ёғнинг қалинлиги 2—4 см; истеъмолга териси шилинмасдан чиқарилади;

Барча семизлик категориясидаги музлаган чўчқа гўшти ёғининг қалинлиги совиган ва совитилган гўштга караганда 0,5 см га камайтирилган.


Чўчқа боласининг гўшти ҳам И ва 11 категорияли бўлади. И категорияли чўчқа боласи гўштига семиртирилган, оғирлиги 1,5 кг дан то 5 кг гача бўлган эмизикли чўчқа танаси киради; уларга думалоқ тамқа кўйилади. ИИ категорияли чўчқа боласи гўштига камроқ семирган, оғирлиги 5—12 кг бўлган таналар киради; уларга квадрат тамқа кўйилади.

23-Чизма

Истеъмолдаги гўшт классификацияси



Қайта ишланган гўшт маҳсулотлари



3. Колбаса маҳсулотлари

Қорамол, чўчқа, камдан-кам кўй, от, уй паррандаларининг гўшти, қуён, шунингдек, чўчқа ёги, баъзан бошқа турдаги хайвон ёглари колбаса ишлаб чиқаришда асосий хомашё бўлиб хизмат қилади. Чўчқанинг ёғсиз, кам ёги ва ёғи гўштидан фойдаланилади. Ёғсиз чўчқа гўшти - бу факат мускул тўқималаридан иборат гўштидир; кам ёғлигига 30-35% и ва ёғлигига эса унинг 50% дан кўпроғи ёғдан иборатдир.

Колбаса таркибида унинг тури ва навига караб калла-почалар, таркибидан оқсил-фибрин олиб ташланган қон, сариёғ, тухум, сут, буғдой уни, крахмал, ёрма, таъм бериш учун эса - туз, кора ва хушбўй мурч, қанд, мускат ёнғоги, писта мағзи, қалампирмунчоқ, кардамон, саримсоқ пиёз, коняк баъзи винолар (кагор, модера) бўлади. Гўштнинг рангини саклаш учун қиймага нитрит ёки

нитрат күшилади.

Колбасани тайёрлаш: гүштни тайёрлаш, тозалаш, чопиш, дастлабки түграш, тузлаш, гүштнинг етилиши, қийма килиш, қиймани пўстга тикиш, боғлаш, чўктириш, ковуриш, пишириш, дудлаш ва қуритиш каби операцияларни ўз ичига олади.

Гўштни тайёрлаш уни дастлаб суюқдан ажратишдан иборат. Гўштни тозалашда ундан кемирчак ёғ, кон томирлари ва биринтирувчи тўқималар олиб ташланади. Шу тарика тайёр қилиб қўйилган гўшт уч навга: олий, 1 ва 2-навларга ажратилади. Олий навдаги гўштда биринтирувчи тўқима бўлмаслиги лозим.

1-навда эса у 6% дан ва 2-навда - 20% дан ортик бўлмаслиги лозим. Соф колбаса гўшти бўлак-бўлак қилиб тўгралади ва қайнатиладиган ҳамда чала дудланадиган колбасалар учун 3 дан 4°C ҳароратгача икки-уч сутка давомида, дудланадиган колбасалар учун беш-етти суткагача саклаб етилтирилади. Ана шу муддат давомида гўшт етилади, ёпишқоқ бўлади, бу эса қиймани пўстга зич қилиб тикиш имконини беради. Етилган гўшт йирик гўшт майдалагич (мясорубка) да майдаланади, куттер деб аталувчи маҳсус машинада ишлов берилади. Гўштни майдалаш даражаси қийма тайёрланётган колбаса тури ва навига боғлик. Сўнгра қийма майдаланган ёғ ва хар бир турдаги колбаса учун рецептурада кўрсатилгани бўйича дориворлар билан аралаштирилади. Қийма пўстга маҳсус машиналар ёрдамида тикилади. Қийма қанчалик зич тикилса, колбасанинг сифати шунчалик юқори ва саклашга ҳам шунчалик чидамли бўлади. Колбаса батонлари каноп билан боғланади, қиймасининг чўкиб, зичланиши учун бир неча соат илгакларга осиб қўйилади. Қиймани чўктиришгача бўлган барча операциялар ҳамма группадаги колбасалар учун умумийdir. Улар бир-биридан факат энг сўнгги тўртта операциядан қайси бири амалга оширилишига караб фарқ қиласди.

Барча колбаса маҳсулотлари куйидаги группаларга бўлинади: қайнатиладиган колбасалар, сосискалар ва сарделкалар; қиймали ва ливер колбасалар; гўшт нонлари; паштетлар; зелилар; чала дудланган ва дудланган колбасалар.

Бу маҳсулотлар хомашёси, тайёрлаш усули ва ташки безалишларига қараб бир-биридан фарқ қиласди.

Қайнатиладиган колбасаларни тайёрлаш жараёнида ковурилади ва қайнатилади. Батонларнинг йўқонлигига қараб, бу колбасалар 65—110°C ҳароратда ярим соатдан то икки соатгача ковурилади. Ковуриш жараёнида пўстидаги майда тешикчалар беркилади. Қийма эса ёғочнинг тўла ёнмаслиги натижасида керакли рангга киради, ўзига хос таъм ва хушбўй хид ҳосил қиласди. Сўнгра колбасалар 10-15 минутдан то 2,5 соатгача 70-85°C ҳароратда

то батоннинг ички харорати 68°C га етгунча қайнатилади.

Қайнатиладиган колбасалар гўшт хомашёсининг сифати ва таркибига кўра, олий 1- ва 2-навларга бўлинади. Олий ва 1-навли колбасалар юқори сифатли гўшт хомашёсидан тайёрланади. 2-навли колбасалар 2- навли корамол гўштидан, кесилган гўштлардан, калла-почалардан, жуда оз микдорда чўчка гўшти ва ёғи кўшиб тайёрланади.

Сосиска ва сарделкалар қайнатиладиган колбасалар турига кидиради, чунки уларни тайёрлаш усули ҳам қайнатиладиган колбасалар тайёрлаш усулига ўхшайди. Улар қайнатиладиган колбасалардан қиймадаги ёғ ўрнига кам ёғли чўчка гўшти солиниши билан фарқ қиласди; қийма жуда юпка қилиб майдаланади ва қўйнинг сосискага мос ингичка ичакларига унчалик зич килмай солинади. Сосиска ўртасидан каноп билан боғланмайди, балки ҳар 10-15 см орасида бураб қўйилади. Сарделкалар бирмунча йўғон ичакларга тикилади. Ҳозирги вактда сосискалар тайёрлашда кўй ичаги ўрнига плёнкалар ишлатилади.

Сосискалар факат чўчка гўштининг ўзидан, мол гўштининг ўзидан ёки кўй гўштининг ўзидан, ёхуд чўчка ва мол гўшти аралашмасидан тайёрланиши мумкин. Тайёрлаш усулига кўра сосискалар қайнатиладиган ва ком сосискаларга, сифатига кўра эса олий ва 1-навларга бўлинади.

Олий навга чўчка гўштидан тайёрланган сарделкалар, Сутли, каймоқли сарделкалар, чўчка гўштидан тайёрланган сосискалар; 1-навли, мол гўштидан тайёрланган (говяжи), кўй гўштидан тайёрланган (барани) сосискалар, хом сосискалар ва мол гўштидан тайёрланган (говяжи) сарделкалар киради.

Қиймали колбасалар аъло нав гўштдан унга тўхум ва сарнёғ кўшиб тайёрланади. Қиймали колбасаларнинг баъзи хилларига тозаланган қон кўшилади. Тайёр килинган қийма қаттикрок чўчка ёғи қатламига ўралиб, кўл билан йўғон (10-12 см ли) ичакларга тикилади ва ҳар 5 см ораси ингичка шпагат билан қаттиқ қилиб боғланади. Сўнгра бу батонлар қовурилади, кейин қайнатилади.

Гўшти нонлар қайнатиладиган колбасалар тайёрланадиган қиймалардан килинади. Шакли билан бу колбасалар гиштнамо булка нонга ўхшайди. Тайёрланган қийма металл қолибларга солинади ва печда пиширилади. Гўшт нонлари 0,5 дан то 2,5 кг гача оғирликда чиқарилади.

Гўшт нонлари сифат жиҳатдан олий, 1 ва 2-навларга бўлинади.

Олий ва 1-навли гўшт нонлари юқори сифатли гўшт хомашёсидан, 2-нави 2-навли гўшт хомашёсидан тайёрланади.

Ливер колбасалар чўчқанинг кулок, лаб, бет, бўйин гўшти ва жигаридан тайёрланади. Баъзи навларига бузок гўшти (тухумлисига), мол гўшт (оддийсига), куён гўшти (куён гўштлисига) ва бошқалар кўшилади. Дастлаб

гүшт хомашёси қайнатилади ва майдаланади, сўнгра пўстга тикилади ва яна қайнатилади. Баъзи навлари қайнатишдан ташқари дудланади ҳам. Ливер колбасалар олий, 1 ва 2 - навли қилиб чиқарилади. Олий навли ливер колбасаларга: тухумли (тухум ва сут кўшилган) ливер колбасалар, жигардан тайёрланган ливер колбасалар киради. И - навлиларига -қайнатиладиган ливер колбасалар, оддий ливер колбасалар, дудланган ливер колбасалар, куён гўштидан тайёрланган ливер колбасалар, миядан тайёрланган ливер колбасалар; 2-навга - чўчқа ёғи ливер колбасалар киради.

Паштетлар ливер колбасалар сингари қиймалардан тайёрланади. Юпка қилиб майдаланган (паста сингари эзилган) қийма турли бурчакли металл қолибларга солинади ва пиширилади. Паштетлар олий, 1- ва 2-навли қилиб чиқарилади. Олий навли паштетлар ёввойи паррандалар гўштидан тайёрланади; 1-нав-лиларига — Ливер паштетлари ва Украинский паштетлар;

Зельцлар калла гўштлари ва крриндан қиймани зич қилиб биринкириш учун каттиқ, қайнатиладиган булон кўшиб тайёрланади. Тайёр қийма ичак (пуфак) ка тикилади ва қайнатилади.

Зельцлар сифатига қараб олий, 1-, 2- ва 3- навларга бўлинади. Олий навли зелтсларга — Русский, Красний, Деликатес-кий (тансик) зелтслари киради; 1-навга—Белий, 2-навга - Калла гўштидан тайёрланган Головной красний; 3-навга - Серий, мол гўштидан тайёрланган Говяжий Красний. Корин гўштларидан тайёрланган зельц, рулет зельцлар киради.

Чала дудланган колбасалар қайнатиладиган колбасалардан фарқ, қилиб, пўстга қийма тикилгандан сўнг 9-14 соат давомида қиймани чўқтиришга кўйилади, сўнгра ковурилади, қайнатилади, дудланади ва бир неча кун давомида куритишга кўйилади. Дудлаш колбасаларнинг таъмини оширади, уларга олтин тусли жигар ранг беради.

Чала дудланган колбасалар олий, 1-, 2- ва 3-навларга бўлинади.

Дудланган колбасалар юят тўйимли колбаса маҳсулотлари хисобланади. Улар аъло сифатли гўшт хомашёларидан тайёрланади. Тайёрланиш усулига кўра дудланган колбасалар хомлигича дудланган (қотириб дудланган) ва дудлаб қайнатиладиган колбасаларга бўлинади.

Хомлигича дудланган колбасаларни тайёрлашнинг афзаллиги шундаки, улар ковурилмайди ҳам ва қайнатилмайди ҳам, балки қийма пўстга тикилгач, ўша захоти чўқтиришга (беш-етти сутка давомида) кўйилади ва шундан сўнг 18—22°C хароратда уч-беш сутка давомида дудланади. Ана шундай йўл билан тайёрланган батонлар, йўғонлигига қараб 12°C хароратда 25-60 сутка давомида куритилади. Бундай ишловлар натижасида хомлигича дудланган колбасаларнинг нами жуда кам (25 дан то 35% гача) бўлади, шу сабабли улар яхши сақланади.

Хомлигича дудланган колбасалар пўсти тўқ жигар ранг бўлиб, туз ва органик моддалардан таркиб топган оқиши занг билан қопланган бўлади. Бу колбасанинг яхши ишлов берилганлиги ва аъло сифатли эканлигидан далолат беради; бу занг колбаса дудлангандан сўнг узок муддат куритилиши давомида хосил бўлади. Қуритища қийма етилади, консистенцияси зич бўла боради, ёқимли таъм пайдо бўлади, тук қизил рангли ва дуд хиди келиб турадиган бўлади.

Хомлигича дудланган колбасалар сифат жиҳатдан олий ва 1- навга бўлинади.

Дудлаб қайнатиладиган колбасалар хомлигича дудланган колбасалардан фарқ қилиб, дастлаб 48-72 соат давомида дудланади, сўнгра қайнатилади ва 12-24 соат давомида иккинчи марта қайта дудланади ва ниҳоят, 15 сутка давомида куритилади. Уларнинг намлиги хомлигича дудланган колбасаларнига караганда кўпроқ (40 дан то 68% гача) бўлади, шу сабабли хомлигича дудланган колбасаларга қараганда саклашга бирмунча чидамсизроқдир. Дудлаб қайнатиладиган колбасалар ҳам олий ва 1-навларга бўлинади.

Сотувга кўйиладиган колбасалар куйидаги стандарт талабларига жавоб бериши лозим: батонларнинг юзаси тоза, пўсти шикастланмаган, дөғсиз, шилликсиз бўлиши, кўйган жойи, қуруми ва қийма кўйкаси бўлмаслиги лозим; консистенцияси каттиқ ва зич; қиймаси уваланмайдиган ва бир текис аралаштирилган, мезёрида тузланган, ёғ булоқлари оқ рангда, мазали хушбўй; хидли бўлиши шарт.

Ифлосланган, шакли ўзгарган, пўсти ёрилган, пўстининг устида қийманинг катта-катта қўйқалари бўлган, синган, пўсти шиллик ва хўл мотор билан қопланган, кул ранг доғли ва кесиб кўрилганда ёғ булоқчалари сарик бўлган, яхши қайнатилмаган, ёғлари эритиб кўйилган, дудлаш вақтида қорайтириб юборилган, ғовак консистенцияли колбасалар савдога чиқарилмайди.

4. Гўшт консервалари

Гўшт консервалари қорамол, чўчка, кўй ва уй паррандалари гўштидан, турли хил калла-почалардан, шунингдек бошқа маҳсулотлардан тайёрланади. Тўйимлилигини ошириш ва таъмини яхшилаш учун консерваларга ёғ ва дориворлар кўшилади.

Гўшт консервалари куйидаги асосий белгиларига кўра классификасия килинади: қомашё тури жиҳатидан—гўштдан тайёрланган консервалар, гўшт-ўсимликли консервалар, калла-почалардан тайёрланган консервалар, ўсимлик ва мол (хайвон) Ёғидан тайёрланган консервалар; идиш тури жиҳатидан—металл банкали консервалар ва шиша банкали консервалар; иссиқ ишлов

берилиши жиҳатидан — стерилизатсия қилинган ва насте-ризатсияланган консервалар; ишлатилишига қараб — газак консервалари, овқатбоп консервалар ва ярим фабрикат консерваларга бўлинади.

Гўштдан тайёрланган консервалар тайёрланишига қараб, қом гўштдан, қайнатиладиган, ковурилган ва тузланган гўштдан тайёрланган консерваларга бўлинади.

“Димлама гўшт” консервалари қом гўштдан, ёғ, туз, пиёз, мурч ёки гармдори ва лавр барги қўшиб тайёрланади. қомашё банкаларга солинади, сўнгра оғзи маҳкамлаб (герметик) беркитилгач, стерилизатсия қилинади. Савдога димланган қорамол гўшти, димланган чўчқа гўшти, димланган кўй гўшти, димланган буру гўшти ва ҳ к чиқарилади. Бу консервалар сифат жиҳатидан олий ва 1-навларга бўлинади. Навларга бўлишда таъми, ҳиди, гўшт консистентсияси, шурвасининг сифати, гўштнинг семизлик даражаси ва тайёрлаш сифати асос қилиб олинади.

Пиширилган гўштдан тайёрланган консервалар булок-булок кесиб пиширилган қорамол гўштидан тайёрланади. Консерва банкасига гўштдан ташкари ёғ, туз, мурч, лавр барги солинади ва устидан сардак кўйилади. Бу консервалар навларга ажратилмайди.

Ковурилган гўштдан тайёрланган консервалар — “Ковурилган гўшт” консерваси, соусли гуляш ва тефтели турларидан иборат. Ковурилган гўштдан тайёрланган консервалар нисбатан йирик булокларга бўлинган ва илик Ёғида ковурилиб соус қўшилган гўштдан тайёрланади. Гуляш—майда булокли қилиб кесилган қорамол ёки кўй гўштидан мол Ёғида ковурилиб сўнгра томат соуси қўшиб тайёрланади. Тефтели— мол ёки чўчқа киймасини мол ёки чўчқа Ёғида ковуриб, банкаларга солинади ва устидан соус қўйиб тайёрланади.

“Ковурилган гўшт” консервалари ва гуляш навларга ажратилмайди. Тефтели консервалари олий ва 1-навли қилиб чика-рилади.

Тузланган гўштдан тайёрланган консервалар тузланган ва ярим тайёр холга келгунча қайнатиладиган мол гўштига эритилмаган, яхшилаб майдаланган мол ёғи қўшиб тайёрланади. Тайёрланган ярим фабрикатлар яхшилаб аралаштирилади, прессланади, банкага жойланади ва оғзи маҳкам бекитилиб стерилизатсия қилинади. Бу хил консервалар сотувга олий ва 1-навли қилиб чиқарилади.

Парранда гўштидан тайёрланган консервалар—товук гўштидан тайёрланган желели филе, товук роз ва урдак гўштидан тайёрланган желели рагу, қайнатиладиган товук гўшти, гуруч қўшилган товук филеси каби турлардан иборат. Парранда гўштидан тайёрланган консервалар навларга ажратилмайди.

калла-почалардан тайёрланган консервалар — желели тил, ковурилган мия, томат соуси солинган буйрак ковурилган жигар ва жигардан тайёрланган

паштет консерваларидан иборат.

“Желели тил” консерваси мол, чўчқа ва қўйлар тилидан тайёрланади; “Ковурилган мия” консерваси — қорамол миясидан;

“Томат соуси солинган буйрак” консерваси — мол, қўй ва чўчқа буйракларидан; “Ковурилган жигар” консерваси — мол жигаридан; “Жигарли паштет” консерваси — мол ва қўй жигаридан, сариёғ, мия, чўчқа Ёги, сут, тухум сарирп, шурва ва турли зираворлар қўшиб тайёрланади.

Калла-почалардан тайёрланган консервалар навларга ажратилмайди.

Гўшт-ўсимлик консервалари мол, чўчқа, қўй гўштидап ловия, нўхат, ёсмик макарон, гуруч, томат соуси, турли хил мол ёглари ва бошқа маҳсулотлар қўшиб тайёрланади. Бу группага кўйидаги консервалар киради: мол, қўй ёки чўчқа гўштига ловия, нўхат ёки ёсмик қўшиб тайёрланган консервалар; ковурилган чўчқа, қўй, мол гўштига гуруч қўшиб тайёрланган консервалар; чўчқа ёги ва томат қўйиб тайёрланган ловияли ёки нўхатли консервалар; мол, қўй ва чўчқа гўштига макарон, утра ёки вермишел ва шурва қўшиб тайёрланган консервалар. Сифат жиҳатдан бу консервалар олий ва 1-навга бўлинади.

Мол ёги чушиб тайёрланган ўсимлик консервалари чўчқа, мол ва илик Ёгда шурва ёки томат соуси қўшиб, ловия ва нўхатдан тайёрланади.

Гўшт консерваларининг сифати органолептиқ физикавий-химиявий ва бактериологик кўрсаткичларига караб баҳоланади. Барча консерва банкалари герметик (огзи маҳкам) ёпилиши, занглашмаган, этикеткали бўлиши лозим. Банкалар ичидаги нарсаларнинг таркибий кисми стандартда кўрсатилганига мувоффик бўлиши керак

Занглашган банкалар, қопкоги кўтарилган (бомбажли), пачоқ бўлган, корпусининг ёки тагининг шакли ўзгарган, ифлос, йиртик этикеткали, - бузилганлик белгилари бўлган, суюклар, пай ва бошқа бегона аралашмалари, ёкимсиз ва ёт таъми қамда ҳиди бўлган консервалар савдога чиқарилмайди.

Гўшт консервалари ҳажми 3 кг гача бўлган оқ тунукадан ясалган банкаларга ва ҳажми 1 кг гача бўлган шиша банкаларга қадоқлаб солинади. Банка корпусига этикетка ёпиширилади.

Тунука ва шиша банкаларни консервалар ёғоч яшикларга, камдан-кам холларда қўйма картон яшикларга жойланади. Консерва банкаларининг катор ораларига картон ёки қоғоз кистирмалар қўйилади.

Барча турдаги гўшт консерваларини тоза ва қуруқ биноларда 0 дан то 15°C гача бўлган ҳароратда ва ҳавонинг нисбий намлигини 60—75% қилиб саклаш тавсия этилади.

5. Гўшт ва гўшт маҳсулотларини сақлаш.

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари холодилникларда ва музхона-ларда ёки қуруқ, тоза, совук ва яхши шамоллатиладиган коронги биноларда сакланади.

Саклашда ҳавонинг намлиги, ҳарорат, шамоллатиш ва бинонинг санитария холати гўшт ва гўшт маҳсулотларининг сифа-тига катта таъсир кўрсатади. Бинодаги ҳавонинг хаддан ташка-ри қуруқ бўлиши гўшт ва гўшт маҳсулотларининг куришига сабаб бўлади ва уларнинг ташки кўриниши бузилади. Ҳаво намлиги ошиб кетса, уларнинг морорлаши ва чиришига сабаб бўлади. Ифлос, заҳ ва илик биноларда гўшт ва гўшт маҳсулотлари тез бузилади, чунки бундай шароитларда микроблар, айникса, чиритадиган микроблар жуда тез кўпайди.

Совитилган гўшт ва гўшт маҳсулотларини осиб кўйиб сақлашда ҳарорат—1 дан— -2°C гача, ҳавонинг нисбий намлиги 75—85% бўлиши лозим. Музлатилган гўшт маҳсулотлари омбор ёки чакана савдо корхоналарида тоза ёғоч ва рухланган стёл-лажларга зич килиб тахланади ва усти брезент ёки бошка материал билан ёпилади. Улар— -2°C дан — -6°C гача ҳароратда ва ҳавонинг намлиги 85—90% қилиб сақланади.

Йил фасли ва зонага караб гўштларга табиий камайиш нормаси белгиланган. Масалан, совитилган қорамол ва кўй гуш-тининг камайиш нормаси 0,85 дан то 1,00% гача; музлатилган қорамол ва кўй гўштиники—0,55 дан то 0,90% гачадир.

Парранда гўштлари магазинларда Оо дан паст ҳароратда кўпи билан 5 сутка, 0° дан то 6° гача бўлган ҳароратда кўпи билан 3 сутка, 8°C дан юқори булмаган ҳароратда (музхоналарда), кўпи билан 2 сутка сақланади.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Гўштнинг таркибида инсон организми учун зарур бўлган қандай моддалар мавжуд?

2. Гўштлар ҳароратига караб қандай турларга бўлинади?

3. Суйиладиган хайвон турига караб гўшт қандай турларга бўлинади?

4. Мол гўшти неча категорияга ва неча навга бўлинади? Уларнинг товарлик хусусиятини тавсифлаб беринг.

5. Кўй гўшти семизлик даражасига караб неча категорияга ва неча навга бўлинади? Уларнинг товарлик хусусиятини тавсифлаб беринг.

6. Колбаса тайерлаш технологиясини гапириб беринг.

7. Қайнатиладиган колбасалар қандай тайерланади?

8. Қайнатиладиган колбасаларнинг қандай ассортиментларини биласиз ва уларнинг товарлик хусусиятини тавсифлаб беринг.

9. Дудланган колбасалар тайерлаш технологиясини гапириб беринг.
10. Дудланган колбасаларнинг қандай ассортиментларини биласиз ва уларнинг товарлик хусусиятини тавсифлаб беринг.
11. Гўшт конвервалари тайерлаш технологиясини гапириб беринг.
12. Гўшт консерваларнинг қандай ассортиментларини биласиз ва уларнинг товарлик хусусиятини тавсифлаб беринг.
13. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари сифатига кўйиладиган талаблар ҳақида гапириб беринг.

16-мавзу: Пластмасса товарлари экспертизаси

Режа:

1. Пластмасса товарларининг умумий тавсифи.
2. Пластмассаларнинг тасниф белгилари.
3. Термопластларнинг турлари. Уларнинг ва-зифаси, товарлик хоссалари, маркалаш усуслари.
4. Полиэтилен, полипропилен, полистрол, поливинил, фторопластлар, полиамидлар.

1. Пластмасса товарларининг умумий тавсифи

Пластмассалар — замонавий конструкцион материаллар. Табиий ёки синтетик полимерлар асосида олинадиган материаллар пластик массалар (пластмассалар) дейилади. Иссиқлик билан ишлов бериш ва механик ишлов бериш натижасида пластмассалардан юксак физик-механик ва эксплуататсия хоссаларига эга бўлган хилма-хил детал ва ашёлар ҳосил қилинади. Пластмассалар жуда муҳим конструкция материаллари бўлиб ҳалк хўжалиги турли соҳаларини ривожлантириша, биринчи нарабатда машинасозликни ривожлантириша ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Пластик деформатсия услублари билан ашёларга айлантириш мумкинлик қобилиятлари туфайли пластмассадан фойдаланиш коефитсient металлдаги 0,76—0,92 ўрнига 0,89—0,98 ни ташкил этади, яъни пластмасса га ишлов беришдаги чикит микдори металлга ишлов беришдаги чикит микдоридан 3—4 баравар оз бўлади. Пластмассалар бир қанча қимматли хоссаларга эга бўлганлиги туфайли кенг тарқалган: зичлиги оз, солиштирма пишиклиги, кимёвий ва электр изоляцион чидамлилиги юқори, товуш ва иссиқ ўтказувчанлиги оз, ишкаланиш коефитсientлари диапазони кенг ва ҳоказолар. Бундан ташқари пластмассалар оптик ва радиошаффофт материал ҳисобланади, кайишқоқ ва эластик бўла олади, уни осонлик билан бирон буюмга айлантириш мумкин.

Пластмассаларнинг купчилиги минерал мой ва бензин таъсирига чидамли, ипхаланишга яхши каршилик кўрсатади, вибратсион нагрузка шароит-ларида дуруст ишлайди.


Полимерларнинг ноёб физик-механик хоссалари, унча киммат эмаслиги, технология жараёнининг соддалигигина эмас, шу билан бирга пластмасса ишлаб чиқариш учун хом ашё ресурсларининг куплиги ҳам пластмассаларнинг кенг тарқалишига замин булди.

Кейинги вақтларда полимеризатсион пластмасса улу-шининг ортиши, поликонденсатсион пластмасса улушининг камайиши кузатилмокда, бунга полимеризатсион пластмассани ашёга айлантириш ва чиқитларидан фойдаланиш осонлигини сабаб қилиб келтириш мумкин.

Пластмассалар нечокли афзал бўймасин, баъзи бир камчиликлари ҳам бор: унча каттиқ, эмас, иссикка ҳам унчалик чидолмайди, ўзгарувчан кучда пишиклиги камаяди, бошка материалларга нисбатан тезрок эскиради (ёргулик, иссиклик, хаво, деформатсия таъсирида ва бошқа омиллар таъсирида тузилиши ва хоссалари ўз-ўзидан мукаррар ўзгаради). Пластмассадан конструктсион мате-риал сифатида фойдаланилаётганда уларнинг шу хосса-ларини назарда тутиш лозим бўлади.

Пластмасса таркибида полимерлардан ташкири тулдиргичлар, пластификаторлар, стабилизаторлар, котир-гичлар, бўёғлар ва бошка қўшимча моддалар ҳам киради, улар буюмларга муйян хоссаларни бахш этади. Пластмасса полимер материалнинг хоссасини белгиловчи асосий компонент хисобланади, ёки бoggовчи материал вазифа-сини бажаради. Бу нарса суюқ колдаги пластмассага влипни тулдириш, кртганидан кейин эса олган қиёфасини саклаб колиши қобилиятини бахш этади. Асосан синтетик смоладан, камдан-кам холларда тセルлюзоздан бoggовчи материал сифатида фойдаланилади. Одатда композитсиялар таркибида смола микдори 40—50 фоиздан ошмайди. Тулдиргич моддалар аралашманинг мухим компонента бўлиб, пластмассаларга механик ёки диелек трик хоссалар, термик жихатдан чидамлилик бахш этишда, шунингдек пластмасса ашёларини арзонга туширишда фойдаланилади. Одатда булар ёгоч ёки квартс толкони, графит, талқ асбест каби каттиқ ва арzon кукун материаллар, асбест, ил газлама, шиша, полимер каби тола материаллар ва когоз, газмол, ёгоч шпон (тактача) каби лист материаллардир. Тола материаллар кукун материалларга нисбатан пластмассани анча пишиқ қиласи.

Чизма 34




Пластификаторлар полимернинг окувчанлик ва ковушоқлик хароратини пасайтиради, пластмассанинг пластиклигини оширади ва бунинг натижасида буюмнинг шаклланиш жараёни энгиллаша-ди. Бири-бирига ва бошка компонентларга нисбатан кимёвий жиҳатдан инерт модда булмиш олеин кислота, камфора, алюминий стеарати, глицерин ва бошка моддалар купрок таркалган. Стабилизаторлар иссиқлик, ёргулик, кимёвий моддалар ва механик кучлар тъсирида пластмассаларда рўй берувчи пи-шикликнинг пасайиши, муртликнинг ортиши, ташки куринишнинг ёмонлашиши каби эскириш жараёнлари-нинг олдини олади ёки секинлаштиради. Турли хил туз, совун, эпоксид бирикмалардан эскиришга карши модда сифатида фойдаланилади. Уротропин, охақ магнезия каби қаттиклаштиргичлар пластмассанинг эримайдиган, суюкландайдиган, қаттиқ х о лат га ўтишини тезлаштиради. Пигмент, нитрозин каби бўёғлар пластмассаларга муайян ранг беради. Бир канча холларда пластмассага осон эрийдиган мумсимон моддалар қушилади, булар пресслашдан сўнг пластмасса ашёларни колипдан чиқариб олишини осонлаштиради.

Пластмассаларни ишлаб чиқариш қўйидаги асосий боск_ичлардан иборат: хом ашёни тайёрлаш, компонент-ларни аралаштириш, маҳсулотни кумоклаштириш ёки уни туйиш. Хом ашёни тайёрлаш уни элаш, контцентратларни тайёрлаш, туйиш каби оператсиялардан иборат бўлади. Аралаштириш эса дастлабки аралаштиришдан ва узил-кесил аралаштиришдан иборат. Дастлабки аралаштириш компонентларини маҳсулотнинг бутун хажмида бир текис таркатади, узил-кесил аралаштириш эса юкри хароратда утади ва аралаштирилаётган масса холатининг ўзгаришига ботик бўлади. Пластмассани қумоклаштириш унинг тукма зичлигини ва зарра улчамлари бир хилда чикишини оширади.

Чизма 35

Полимерларни химиявий тузилиши



2. Пластмассаларнинг тасниф белгилари


Ишлаб чиқариш усули, киздириш чогида ўзини тутиши, физик-механик хоссалари, таркиби, тўлдиргич модданинг тури, сортамент, вазифаси ва хрказолар пластмассалар таснифининг асосий белгилариидир. Ишлаб чиқарилиш усулига кўра пластмассалар полимеризатсией ва поликонденсатсион пластмассаларга, киздириш чогидаги ҳолати (термик хоссалари)га кўра термопротив ва термопластик пластмассаларга бўлинади. Термопластик пластмассалар (термопластлар) киздирганда юмшайди, кейин совитганда эса котади. Материал такорий қиздирилса сикл такорланади-ю, лекин термопластларнинг дастлабки хоссалари ўзгартмайди. Термопластларнинг макромолекулалари узаро молекулалароро кучлар билангина боғланганлиги шунга сабаб бўлади. Термопластик пластмассаларни кўп марта ашёга айлантириш мумкин, чикитлари ва қолиплашнинг яроксиз маҳсулларидан ашёлар тайёрлашда фойдаланилади. Термопротив пластмассалар (реактопластлар) киздиришнинг бошлангич босқичида юмшайди, сўнгра эса вакт ўтиши билан юқори ҳарорат ва босим таъсирида котади, такорий суюкланиш кобилиятини тамомила юқотади. Бунга сабаб шуки реактопласт молекулалари ургасида молекулалароро кучлардан ташқари янада пишик кимёвий боғланнишлар вужудга келади. Термопротив пластмассаларни такорий ишлаб булмайди. Реактопласт чикитлари ва уларни қолиплашнинг яроксиз маҳсулларидан ашёлар тайёрлашда фойдаланиб булмайди.

Физик-механик хоссалари жихатидан қаттиқ пластмассалар (узилиш чогида оз узайдиган ва ташки кучлар таъсирида шаклини сақлаб қоладиган қаттиқ қайишқоқ материаллар), яримқаттиқ пластмассалар (узилиш чогида юксак нисбий ва қолдик узайишга эга бўлган қаттиқ қайишқоқ материаллар), юмшок пластмассалар (юксак нисбий узайиш ва оз қолдик узайишга эга бўлган материаллар), юмшок ва эластик пластмассалар (чузганда кайтувчан катта деформатсияларга бериладиган материаллар) бўлади.

Пластмассалар таркибига кўра содда ва мураккаб пластмассаларга бўлинади. Содда пластмассалар боғловчи смоладангина иборат бўлади. Баъзан унга купи билан 10 фоиз пластификатор қушилади. Улар гоятда пластик юксак электрик хоссаларга эга, шаффоғ бўлади. Мураккаб пластмассалар таркибидан боғловчи моддалар, шунингдек маҳсус кўшимча моддалар бўлади.

Тулдиргач моддаси булмаган пластмасса тулмаган, шундай моддаси бор пластмассалар тулган пластмассалар дейилади. Мураккаб пластмассалар тулдиргич модда-сининг турига пресс-кукунларга, волокнитларга, кат-кат пластикларга ва газ қушилган пластмассаларга бўлинади. Пресс-кукун ёки пресс-материалларда кукун тулдиргич моддалардан: волокнитларда толали

түлдиргич моддалардан, тсат-тсат пластикларда эса газмол, когоз каби түлдирувчи катламлардан фойдаланилади. Газ тусшилган пластмассалар пенопласт (купик пласт) ва поропласт (говакпласт) хрлида тайёрланади. Пенопластлар катак-катак тузилган бўлиб, катаклари берқ бири-бири билан туташмаган бўлади. Поропластлар булат тузили-шида бўлади ва катаклари бири-бири билан туташган бўлади, улар газни ва бугаи ўтказади.




Пластмассалар сортаментта кўра кукун, гранул (кумок), хаб (таблетка), тулдиргич модда толаси, лист, плита, труба холида чиқарилади. Реактопластларнинг бაззи турлари суюк ҳолда чиқарилади ва тулдиргач моддаларга сингдириш, элимлаш, коплама сифатида югуртириш учун куладидир.

Пластмассалар буюмларга айлантирилиш усулига кўра прессланадиган ва куйиладиган пластмассаларга бўлинади. Одатда прессланадиган материаллар термореактив композитсиялар хисобланади ва иссиқлайн (тобсиз) пресслаш услублари оркали ашёга айлантирилади. Куйиладиган масса термопластик композитсиядан иборат бўлиб, тсуймани ис-сиклайн пресслаш услублари билан ашёга айлантирилади.

Пластмассалар ишлатилишига караб у мумий, маҳсус ва декоратив аҳамиятдаги пластмассаларга ажра-тилади. Конструкцион, фрикциян, зиддифрикцион, кимё-вий чидамли, электр изолятсион пластмассалар маҳсус аҳамиятдаги пластмассалар каторига киради. Пластмас-санинг номи узини ҳосил қилган полимернинг номидан олинади. Масалан, полиетилен — полиетилен полимеридан ҳосил қилинган пластмассадир. Полиамиидлар эса полиамиид смолалар негизида вужудга келтирилади.

3. Термопластларнинг турлари. Уларнинг ва-зифаси, товарлик хоссалари, маркалаш усуслари.

Полиетилен, полипропилен, поливинилхлорид, полистирол, этилен фторид полимерлар, полиамиидлар, полиметилметакрилат, полиформалдегид, пентапласт ва ҳоказолар полимерзатсия юли билан олинадиган полимерларнинг асосий турларидир. Шулар асосида ҳосил Килинадиган термопластлар суюк ҳолга келгунига қадар кўп марта кизиди ва совутилганида яна котади, яъни такрорий қолипланишга крdir бўлади. Одатда бу пластмассалар тулдирilmagan бўлади, лекин этарлича солиштирма пишиклика, яхшигина диелектрик хоссалар-га, кимёвий баркарорликка ва юксак зарбий қовушокликка эгадир. Исиккә унча чидаш бермаслиги, эскириш сабаби хоссаларининг тургун булмаслиги ва ёйилишга мойиллиги уларнинг камчиликлари каторига киради. Пластмасса таркибига 20—30 фоиз кукун ва тола тулдиргач моддалар кушиш натижасида унинг техноло-гиявийлиги сакланиб қолади ва ишлатилиш хоссалари ошади. 10-жадвалда берилган маълумотлар баззи термопластларнинг асосий хоссаларини кўрсатади.



4. Полиэтилен

Полиэтилен — термопластларнинг энг кўп таркал-ган турларидан биридир. Саноатда у нефтни хайта ишлашда қўшимча маҳсали булмиш этиленни полимерлаш юли билан олинади. Этилен — рангсиз газ бўлиб, меъёрдаги босим ва 0°Cли ҳароратда зичлиги 1,26 г/л ва МПа босим ва 25°C ҳароратда зичлиги 557 г/л бўлади. Этиленни полимерлаш схемаси:

Полиэтиленни маркалаш негизига уни ишлаб чиқариш усули ва асосий хоссалари кўйилган. Маркалашда "Полиэтилен" сўзидан кейин ракамлар, масалан, 11503—070 ёки 21 008—075 ракамлари келади. Бундаги дастлабки ракамлар (1 ёки 2) полиэтилен ишлаб чиқариш усулини (юкори босим ёки паст босим), кейнинг икки ракам (15 ёки 10)— маркаларнинг тартиб номерларини кўрсатади, туртингчи ракам (0) ишлаб чиқарилаётган барча марка-лардаги полиэтиленлар учун бир хилда, бешинчи ракам (3 ёки 8) эса тегишли зичлик гурухларини билдиради. Дефисдан сўнг кўйилган сунгги учта ракам суюкланма окувчанлиги кўрсаткичининг ун карга кийматини ифодалайди. Полиэтилен маркаларининг тартиб номерлари полимер-лаш учун фойдаланилган машина-ускуна типи (реактор конструкцияси)га боғлиқ бўлади. Масалан, реакторларда металлар билан хосил килинган барча маркалардаги юксак босим полиэтилени 50 гача борадиган тартиб номерлари билан, най реакторларда хосил килинган полиэтилен эса 50 дан кейинги номерлар билан белгиланади. Паст босим полиэтилени учун (ПЕНД) маркаларнинг номерлари 10, 20, 30, 40 ва хрказо 100 гача борадиган килиб белгиланган.

Полиэтилен узининг ижобий хоссалари, унча қимматга тушмаслиги, ишлаб чиқарилиш технологик жараёнининг соддалиги туфайли ҳал қужалигининг кўпгина тармокла-ри ва ўй-рўзкорда кўп таркалган. У юксак кимёвий ва электр изоляцисон, чидамли, намлик ўтказмайди, этарлича пишиқ ва технология вий, уни осонлик билан турли буюмларга айлантириш, пайвандлаш мумкин, пармалаш, аралаш, рандалаш каби турли хил механик ишловларга берилувчандир. Гоят зич полиэтилен анча пишиқ, каттиқ ва эйилишга чидамли бўлади, шунинг учун ҳам у кўйиладиган ва ҳажмий буюмларни, шунингдек машина ва механизам деталларини (тишли гилдираклар, втулкалар, вентилятор парраклари, прибор корпуслари, урнуклар ва х.к) тайёрлашда ишлатилади. Полиэтилен узига хос хоссалари туфайли кабел ва симларни изоляцисиялашда, радиолокаторлар, радио ва телевизион аппаратларга, телефонларга деталлар тайёрлашда кенг кўламда кулланади. Пинциклиги ва каттиклиги оширилган поли-етилендан комму нал ва саноат қурилмалари, су гори ш иншоотлари ва ирригация иншоотлари учун сув кувурлари, шунингдек газ кувурлари ишлаб чиқарилади. Зичлиги паст полиэтилендан бирмунча юмшок ва эластик ашёлар

тайёрлашда, шунингдек хилма-хил кабел ва симларни изолятсиялашда, коррозияга қарши қоплама материал сифатида, пленка, ип, лента, брус тайёрлашда, канистр, шиша идиш каби пулфаб тайёр-ланадиган ашёлар ясаща қулланади. Полиетилен плён-кадан озиқ-овқат, фарматсевтика ва кимё саноатида, тара ва уров материали сифатида, кенг тарқалган электроизоляцион ва гидроизоляцион материаллар, иссиқхона ва парниклар томига ёпиладиган материаллар тупрокда намликни саклаш учун арикларга ёпиладиган материаллар, пулфак ва аеростатлар, майший ахамиятдаги турли буюмлар тайёрлашда материал сифатида қулланади.

Полиетилен или ва толасидан аркон, балиқ турлари, бошқа хил турлар ва хракзодалар тайёрланади.

Полиетилен нитрат кислота, хлор ва фтор каби кучли оксидловчилар таъсирида бурдаланиб кетади. Полиетилен экструзия, босим билан қуиши, иссиклайн колиплаш ва пуллаш орқали буюмга айлантирилади.

Полипропилен

Полипропилен нефт маҳсулотларини крекинг қилишда кўп микдорда ажralадиган арzon ва сероб газ — пропиленни полимерлаш маҳсулидир. Пропилен катализатор иштирокида полимерланади: бунда паст босимли полиетилен ишлаб чиқаришда қулланган машина-ускуналарнинг узи ишлатилади. Полипропилен — гоятда иссиқбардош, қаттиқ, пишиқ, нисбий узаядиган энгил материалdir. Куч тушмайдиган бўлса уни 150°C гача борадиган ҳароратларда ишлатавериш мумкин. Совукда чидамаслик полипропиленнинг камчилиги ҳисобланади: —10°C га яқш температурада полипропилен мурт бўлиб колади. Полипропилен электр хоссалари жихатидан полиетилендан қолишмайди ва электр, радио ва телевизион асбоб, аппаратларига деталлар тайёрлашда ишлатилади. Полипропилен кимёвий жихатдан гоятда чидамли бўлғанлигидан ундан қувурлар, кимёвий аппаратлар, марказдан кочма насослар тайёрлашда, шунингдек коррозия га карт и коплама материал ва декоратив материал сифатида фойдаланиш мумкин бўлади. Ундан идиш-товор, шиша идишчалар, пленка ва тола тайёрланади. Полипропилендан тайёрланган пленка полиетилен пленкага нисбатан анча юкори ҳароратда хам ишлатилаверади, газ ва бугай камроқ ўтказади. Полипропилен пленкага минерал мой ва усимлик мойи таъсири этмайди. Полипропилен тола пишиқ, эластик ва сувга чидамли бўлғанлигидан кийим-кечак газламаси, сунъий муйна, трикотаж маҳсулотлар, шунингдек аркон, тур, балиқ тури каби буюмларни тайёрлашда куруқ узи, шунингдек бошқа табиий ва кимёвий толалар билан аралаш холда ишлатилади. Қуёш нури полипропиленнинг хоссаларига салбий таъсири кўрсатади. Курум полипропиленнинг сама рал и стабилизаторидир. Ароматик амин, алкил урнидаги фенол, фосфор бирикмалари, сулфид-ларни

кушиб пропилен эскиришининг олдини олиш ёки уни камайтириш мумкин. Полипропиленнинг юксак техник ва ишлатилиш хоссалари унинг сероблиги ва арzonлиги билан биргаликда бу материални ишлаб чиқариш ва уни истеъмол этишни кўпайтиришга имкон беради. Полипропилен босим остида куйиш, экструзия каби усуllар билан буюмга айлантирилади.

Поливинилхлорид

Поливинилхлорид — оқ тусдаги пластик модда бўлиб, умумий пластмасса ишлаб чиқариш хажмида полиетилендан сўнг иккинчи уринни эгаллади. У винилхлоридни

Ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Винипласт — 70°C ли ҳароратда кетма-кет жувалаш ва поливинил-хлоридни пленкага айлан-тириб тайёрланадиган қат-тиқ материал бўлиб, пленкани иссиклайн пресслаш юли билан ҳар хил калинликдага винипласт листлар олинади. Бу пайдада поливинилхлорид смолага стабилизатор-лар (аминлар, металл оксидлари) хамда сурков мойлари (стеарин, мой, мум ва хоказолар) кўшилади. Винипласт полиетиленга нисбатан зичроқ, пишикроқ, эйилишга чидамлирок, электрик пишиклиги коникарли, минерал кислоталар, ишкррлар ва туз эритмаларининг таъсирига кимёвий жиҳатдан чидамли бўлади. Винипласт полиетилен сингари нитрат-кислота, хлор ва фтор бирикмалари каби кучли оксидловчилар таъсирида майдаланиб кетади. Зарбий ковушокликнинг пастлиги ва сувда букиб колиш каби иллатлар винипластнинг камчиликлари категорига киради. Винипла-стнинг зарбий пишиклигини ошириш учун унинг таркибига акрилонитрил, бутадиен ва стирол композитсия-си (кискартирилганда АБС) киритилади. Шундай килиб хосил бўлган зарбага чидамли винипластдан асосан автомобилларнинг комплектловчи деталларини тайёрлашда фойдаланилади. Винипласт кимё саноатида ва электротехника саноатида коррозияга карши ва изолятсион материал сифатида кулланади. Винипластдан ишланган хилма-хил деталлар ва ашёлар, пленка, линолеум, лист, плита, кувур, стержен, пайванд хивичлари машинасоз-лиқда, бинокорликда, қишлоқ хужалигига ва бошқа соҳаларда кулланади. Винипласт А ва Б маркалари билан тайёрланади. Улар ташкил этувчи компонентларига караб бири-биридан фарқ килади. Пленкаларнинг калинлиги 0,3 мм дан 1 мм гача, листларнинг калинлиги эса 2 мм дан 20 мм гача боради. Пленка винипласт листлар тайёрлашда, электролиз ванналарида, кимёвий аппарат-ларни футеровка қилишда ишлатилади. Винипласт лист-лардан гальваник ванналар, вентилятсия системалари, эмирувчи суюқлик сақланадиган чонлар ва хоказолар тайёрланади, винипласт кувурлардан эса турли транспорт кувурлари монтаж килинади.

Пластикат винипластга нисбатан анча юмшоқ бўлиб таркибида 50 фоизга яқин пластификатор (дибутилфлотат, трикрезилфосфат ва бошқалар) бўлади.

Булар материал-нинг пластиклиги ва совукка чидамлилигини оширади, уни буюмга айлантиришни энгиллаштиради. Пластифи-каторлар миқдори яна оширилса, узилиш чогида материалнинг нисбий узайиши ортади ва чузилишга пишиклиги пасаяди. Поливинилхлорид смолани жувалаш ва ялтиллатиш натижасида турли шаклда эластик пластикат олинади. Пластикат юксак диелектрик хосса-ларга, яхши коррозион чидамлиликка эга бўлганлигидан электротехника, кимё саноатида, машинасозликда ва халқ хужалигининг бошка тармокларида кенг кулланади. Пластикатнинг анчагина кисми кабелларни изоляциялаш-га, электр симлари, изолятсион лента тайёрлашга ва хоказоларга сарфланади. Пластикатдан кистирма буюмлар ва герметиклаштиручи буюмлар, сувга, мойга ва бензинга чидамли қувурлар, пленка, сунъий кун, линолеум ва пол плиткалари, юритки қайишлари ва транспортер ленталари, мебел саноати учун кунгиралар, шунингдек ҳар хил халқ истеъмол буюмлари олинади. Поливинилхлориддан ясаладиган буюмлар штамповка усулида ёки пневматик усул билан қолиплаш ва ваккум шароитида қолиплаш усули билан тайёрланади.

Полистирол

Полистирол — пластмасса ишлаб чиқариш умумий ҳажмида полистилен ва поливинилхлориддан сўнг учинч уринни эгаллади. Уни эритувчи моддаларда

Полистирол юксак диелектрик хоссаларга эга, намлик-ка ва кимёвий чидамли материаллар. Шу туфайли ҳар хил кимёвий ускуна ва приборларни, лаборатория идишларини, аккумулятор корпусларини тайёрлашда коррозияга карши материал сифатида ишлатилади. Полистирол иссиқда унча чидамайди ва зарбий пишиклиги ҳам паст (гоятда мурт) бўлади. Уй-рўзкор техникаси ашёларини тайёрлашда ишлатилади. Ишла-таётганда зарбий нагрузжаларга дуч келмайдиган радио ва электр аппаратура деталлари, автомобил, холодилник (совутмоч) деталлари; радиоприёмник телевизор ва юксак частотали приборларнинг корпуслари; магни-топленка, фотопленка ва кинопленка кассеталари, галтаклари, кабел, кошин, пленка қобиклари шулар жумласидандир.

Зарбаларга чидаш берадиган полистирол автомобил-созлик ва тракторсозликда, радиотехника ва электротехника саноатида, умумий машинасозликда ва саноат-нинг бошка тармокларида зарбий кучлар таъсирига дуч келадиган деталлар ва буюмларни тайёрлашда ишлатилади. Синдириш коеффициенти юксак шаффоф материал сифатида полистирол оптик шишалар тайёрлашда, гигиена ахамиятидаги буюмлар тайёрлашда ишлатилади. Буюмлар юзининг офтобдан саргайиб кетиши, иссиқка унча чидаш бермаслик полистиролнинг камчиликларидан ҳисобланади. Полистиролнинг иссиқка чидамлилигини ошириш учун унга мармар толкони, ёки бошка хил тулдиргач

материаллар аралаштирилади. Босим билан қуйиш — полистиролни буюмга айлантиришнинг асосий услугидир.

Фторопластлар

Фторопластлар этилен фторли хосилаларининг полимерлари бўлиб, уларда этилендан фаркли улароқ водород урнини фтор ёки фтор билан хлор эгаллаган бўлади. Галогенларнинг углерод билан мустахкам кимёвий bogланганлиги туфайли фторопластлар барча термопласт-лар орасида гоятда термокимёвий чидамли бўлиб колди. Киме саноати дастлабки мономерининг таркибига кўра бир-биридан фарк тисладиган турт хил фторопласт: фторопласт-1, фторопласт-2, фторопласт-3 ва фторопласт-4 ларни ишлаб чиқармоқда.

Политетрафторетилен (С2Г4)П ва политрифторметилен (С2Г3С1)П энг кўп тарқалган.

Полиамиллар

Занжирида — СОНХ — амид группалар тутувчи юксак молекуляр бирикмалар полиамиллар дейилади. Аминокислота локтамларини полимерлаш ва диаминларни дикарбон кислоталар ёки уларнинг хосилалари билан поликонден-сатсиялаш полиамид синтез килишининг саноат услублари хисобланади. Капролоктамдан олинадиган капрон, гекса-метилендиамин хамда адипин кислотадан синтез килинучи найлон (анид) аминоенант ва аминопеларгон кислоталарнинг поликонденсатлари булмиш энант ва пеларгон энг кўп тарқалган полиамил смолалардир. Полиамиллар ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ўш материаллар асосан бензол ва унинг бирикмаларидан олинадиган осон эрийдиган кристалл моддалардир. Полишидларнинг кимёвий тузилиши ракам белгилар билан кўрсатилади. Полиамил биргина мономерни полимерлаб олинган бўлса, уни маркалашда "полиамил" сўзидан кейин мономердаги углерод атомлари сонига мувофик келувчи битта ракам қўйилади. Масалан, капролоктамни полимерлаб олинган капрон (поликапроамид) полиамил 6 дейилади. Полиамил диаминларни дикарбон кислоталар эки уларнинг хосилалари билан поликонденсатсия килиш оркали олинган бўлса, марказдаги ракам полиамил синтез килиб олинган дастлабки компонентлар сонини кўрсатади. иунда вергулгача бўлган ракамлар диаминлардаги углерод томлари сонини, вергулдан кейинги ракамлар эса икарбон кислоталардаги углерод атомлари сонини урсатади (масалан, гексаметилендиамин ва адипин. ислотадан олинган найлон-полигексаметиленадинамил полиамил 6,6 дейилади ва хрказо). Полиамиллар асосан синтетик тола ва пластмасса тайёрлашда ишлатилади. Роят пишик, каттитс ва крвушок термопластлар булмиш полиамиллар абразив материаллар билан эдирилишга яхши каршилик кўрсатади, шунингдек кимёвий гоятда чидамлидир. Улар металлар билан жуфтлашиб ишлаганида ишкаланиш

коэффициента паст бўлиб, металлар билан капишиб колмайди. Ковушоқ холатдаги полiamидни осонликча турли буюмлар, тола, пленкага айлантириш мумкин. Бунинг учун қолибларга қўиши, босим билан қўиши, марказдан кочма усул билан қўиши ва пресслаш, филералардан ситиб ўтказиш, шинек-машина усуллари каби маълум усуллардан фойдаланилади. Саноат машинасозликка атаб олти тида полiamид смолалар: капрон, найлон, 54-№, 68-№, АК-7 ва П-6 смолалариний тайёрлаб чиқармокдд. Аммо шуларнинг ичидаги капрон энг кўп ишлатилмоқда.

Полiamидлар содда пластмассалар холида, шунингдек уларнинг асосий хоссалариний яхшиловчи тулдиригич модда ва ёки пластификатор қушилган мураккаб пластмасса сифатида чиқарилади.

Тулдириувчи модда сифатида шиша тола полiamидлар-нинг физик-механик хоссаларига энг самарали таъсир кўрсатади. Соғ полiamидлар зарбий таъсиirlарга учрай-диган деталларни тайёрлашда, шиша толали полiamидлар эса зийлишга ва иссикка чидамли деталларни тайёрлашда ишлатилади. Автомобил ва тракторларнинг комплектлов-чи деталлари, иссикка чидамлилиги оширилган радиотехника ва электротехника деталлари шулар жумласидан Ҳисобланади. Полiamид тола трикотаж, сунъий муйна, гилам, чутка, сим изолятсияси, автомобил шиналари, арконлар, транспорт ленталари ишлаб чиқаришда қўлланади. Полiamид толалар механик пишиклиги, нисбий узайиши ва эластиклиги жиҳатларидан бошқа хил кимёвий ва табии тола турларидан устун келса-да, лекин нам холила уларнинг пишиклиги бирмунча пасаяди. Энант ва пеларгон толалари юксак механик хоссаларга эга.

Полиметилметакрилат, полиформалдегид ва пентапласт

Полиметилметакрилит мойга, сувга, бензинга гойтда чидамли, кислота, ишкор ва турли тузларнинг эритмалари таъсирига бардошлидир. Киме машинасозлигида органик шишадан бочкача, идиш, кислотабардош трубалар ва бошқа буюмлар тайёрланади. Электротехникада полиметилметакрилатдан электрик пайвандлаш чогида ёйни сундириувчи материал сифатида фойдаланилади. Чунки у ёйда парчаланаётуб анча газ чиқаради. Халқ истеъмол ашёларини ишлаб чиқаришда органик шишадан кенг кўламда фойдаланилади. Унча каттиқ. Эма(слиги, эйлишга ва иссиқка унча чидамаслиги, турли омиллар таъсирида хирадашишга, шунингдек ёрилишга мойиллиги органик шишанинг камчилклариидир. Штампаш, пресслаш, вакуум шароитида қолиплаш, айрим деталларни пайвандлаш, шунингдек термопластлар учун хос бошқача ишлов берих усуллари органик шишани буюмга айлантирувчи асосий услублардандир. Формалдегидни полимерлаш маҳсулни булмиш полиформалдегид ($-\text{CH}_2-\text{O}-$) юксак механик ва диелектрик хоссаларга, нисбий иссиқбардош ва кимёвий чидамли, каттиқ. ва зарбий пишиқ шаффоф

булмаган ок материалдир. Ишкаланиш коеффицента паст. Полиформалдегиднинг зичлиги 1,4 г/см³, 20 Сли хароратда чузилиш чогидаги пишиклиги 70 МПа ва узилиш чогидаги нисбий узайиши 16—75 фоиз. Машинасозликда втулка, подшипник шестерен, қувур, лист ва бошка буюмларни тайёrlашда ишлатилади. Бу буюмлар рангли металл ва уларнинг котишмаларидан ясалган деталлар урнини бемалол боса олади. Полиформалдегид термопластлар учун хос экструзия, босим билан қўйиш услуби ва бошка услублар билан буюмларга айлантирилади.

Пентаеритритдан олинадиган каттитс полимер-пен -тапласт сувга ва иссикка мутлақ чидамли, кимёвий чидамлилиги юксакдир. Пентапластнинг зичлиги 1,4 г/см, 20 Сли хароратда чузилиш чогидаги пишиклиги 42 МПа ва узилиш чогидаги нисбий узайиши 35 фоиз. Ундан эмирувчи мухитлардаги оширилган ёки пасайти-рилган хароратларда узоқ вакт ишлайдиган кимёвий ва совитиш машина-ускуналарининг деталлари тайёrlанади. Пентапласт термопластларни кайта ишлашга хос хамма услублар билан қайта ишланаверади.

Назорят ва муроҳаза учун саволлар

1. Пластмассаларнинг таркиби ва классификацияси.
2. Пластмассаларнинг умумий хоссаларига нималар киради.
3. Каучукларнинг классификацияси.
4. Каучукларни иктисодиётнинг тармоқларида тутган ўрни.

17-мавзу: Маний кимё товарлари экспертизаси

Режа:

1. Клейли товарлар.
2. Кир ювиш товарлари.
3. Дезинфитсиялаща, озаноторлар, дезодорантлар ва кемирувчилар ва қашоратларга қарши курашишда ишлатиладиган кимёвий товарлар.

1.Клейли товарлар.

Товарларни клейлашда асосан сентитик ва табиий воситалар асосида бир турдаги ёки ҳар хил турдаги товарларни маълум бир шароитда бирини иккинчисига ёпишириб, иситиш совутиш орқали ёпиширувчи моддалар орқали мустаҳкам ёпиширилишини таъмин этувчи моддаларга айтилади. Бир гурухга оид ёки ҳар хил гурухга оид бўлган товарларни клейлаш асосида мураккаб физик-кимёвий воситалар яъни товарларни устки кисмидаги хужайра молекулаларини бир-бирига ёпишқоқлик кучи ётади. Бу қолатни фанда адгезия деб аталади. Товарларни бирини иккинчисига кучли ёпишиши нафакат адгезияни интенсивлиги (ёпишқоқлиги, камраб олиши) клейлаш чизики, клейлашда плёнка яъни когезиялаш катта рол ўйнайди.

Товарларни клейлашни механик назариясида суюқ клей моддаси материалларни ковак (тешиклари) кисмига кириб у жойда қотади ва ўсимта ёки найзага ўхшаш учлар хосил қиласди. Бу назария усти текис ковакли материалларни ёпиширища қўл келади. Адсорбцияли назарияни асосида материалларни клейлашда молекуласи катта клей маҳсулотини ёпиширувчи юзасини адсорбциялаб ёпиширилмоқчи бўлган материални молекуласи билан бирикib ёпишқоқликни таъмин этади. Бу назария клейловчи моддоларни кимёвий табиатини эмас балки, товарларни бир-бирга ёпишқоқлигини полярсиз полимерларни хоссаларни ёпишқоқлигига боклик.

Товарларни бир-бирига клейлаш учун уларни юзаларини яхшилаб бир текисда тозалаб барча юзага сифатли қилиб юпқа клей сурилиб ёпиширилади. Бу қолатда клейни қайси товарга, уни юзига клейлаш мақсадига караб улар танлаб олинади.

Саноатда ишлаб чиқарилаётган клейларни асосини биринтирувчи моддалар ташкил этади. Улар табиий ва синтетик материаллар бўлиб яхши адгезияли хусусиятга, эгилувчанликка, эрувчанликка эга бўлиши лозим. Уларни клейлаш қобилияти уларни асосига кўшилаётган қаттиқлаштирувчи, пластификаторларга кўп жиҳатдан боклик бўлиб улар клейларни

модификатсиясида асосий ўринни эгаллайди.

Клейлар хусусиятларига, ишлатилишига, келиб чикишига физик хусусиятларига ва бошқа белгиларига кўра улар: табиий ёки синтетик гурухларга бўлинади:

Табиий клейлар:

1. Ўсимликларни крахмалидан, оксил, декстрин ва табиий каучик, смола асосида тайёрланган клейлар;

2. Ҳайвон организимлари асосида-мездорли, баликли, казиенли ва алъуминили;

3. Минерал моддалар асосида буларга-битумли, асфальтли ва силикатли.

Синтетик клейлар:

1. Термопластик смолалар асосида:-полиамидли, полистироль, поливинилхоридли, акрилли ва бошқалар.

2. Тенрмореактивли смолалар асосида-феноло-мочовина ва меламиноформальдегидли;

3. Синтетик каучук асосида-латекс асосида (дисперс каучук)

Клейларни фойдаланиш хусусиятларига уларни клейлаш қобилияти, эгилувчанлиги, қаётий қобилияти, сув ушловчанлиги иситишга мойиллиги ва бошқалар.

Ишлатилишига кўра клейлар куйидаги гурухларга бўлинади.

Контселярия ишларида фойдаланиладиган -асосан қоғоз ва картонларни клейлашда уларга поливинилатсетатли, фенолформальдегидли, табиий каучукли, синтетик каучукли;

Хўжалик ишларида фойдаланиладиган: обое, линолеум, плиталарни ва бошқаларни ёпиштиришда ишлатиладиган буларга: “Клей поливинилатсетатнўй марки А”; фенолформальдегидли смолалар асосида “БФ-2”; “БФ-6” ва бошқалар




Унверсалъ клей; ҳар хил материалларни клейлашда ёғоч, чарм, темир ва бошқалар буларга поливинилатсетатли, нитротセルлюзали: битумли: фенолформалдегидли; эпоксидли ва бошқалар.

Максус клейлар: кинопленкаларни, магнетли ленталарни, максус резиналарни клейлашда ва ёпиштиришда фойдаланиладиган буларга эпоксидли: нитротセルлюзали; табиий каучук асосида максус тайёрланланган клейлар киради.


Герметик ёпиштириш мақсадларида ванна, раквина, ойналарни очиқ жойларини тўлдириш ва ёпиш ишларида; Булар асосан 2 компанентли клейлар бўлиб улар смола ва котирувчи бўлоклардан иборат бўлиб, улар билан ишлашда резина кўлкоплар ёрдамида эктиёт бўлиб ишлашликни талаб этилади.

Клей маҳсулотларини сифат кўрсаткичлари улар сувли бўлса бир хил

моддалардан тайёрлангылғи, қаватларга ажралмаслиги, чүкма бўлмаслиги, герметик ёпишиши. Порошок қолдаги клейларга қотишма қолда бўлмаслиги, бошқа кўшимчалар бўлмаслиги, уларни ранги, хиди ўзига кос бўлишлиги талаб этилади. Плиткали клейлар яркироқ,, шишасимон уларни қалам билан урилганда бир қилда овоз чиқиши таркибидаги намлик даражасини билдиради. Уларни ҳар хил тараларга металли банкаларга (труба) қофоз пакетларга, пласмаса ва шиша идишларга, 150-200г қилиб жойланади.



Tabiiy xom – ashyolardandan olingan kleylar



2. Кир юувучи, доғларни кетказувчи, кийим тозаловчи ва үй жиқәзларини тозаловчи товарлар.

Кир ювиш учун ва уларга құшымча моддаларни ишлатилишида буларга совун, совунсақловчи ва синтетик юувучи моддалардан фойдаланилади.

Құшымча моддаларга юилган кирни оқартиришда, синкалашда, крахмаллашда, сувни юмшатында фойдаланиладиган кимёвий моддалардан фойдаланилади.

Ишлатиладиган ётқоз товарлари (простиня, пододиялник, наволички, одеяло) ички кийимлар ва бошқа товарларни кир бўлиши улардан фойдаланаани даврида улар кирланади. Бу товарарни кирланиши ёғи моддаларни, кукунларни, аминокислоталарни ва бошқа органик моддалар хисобига бўлади.

Сув кирларни тортиш қобилиятига эга бўлиб, кир таркибидаги ифлос моддаларни кўллаш ва кирни бўлокларини қисман кўллашг эришади. Кир ювишда сувни кир таркибидаги ювилиши лозим бўлган ёғларни яхширок тортиб олиш учун уларга юкори актив моддалар кўшилади. Бу қолда юкори актив моддалар (ПАВ) қутубли тузилишга эга бўлгани учун сувни гидрофил камда кир бўлокларини молекулалари ичига кириб, кир юзида пленка хосил қиласди. Бу қолатда кирли материал билан совун ўзаро реактсияга киришиб кир таркибидаги ёғ молекулаларини ўраб сув бетига олиб чиқади ва уни ишқалаганда у сувга ўтади.

Кир юувучи товарларни тозалашдан мақсад матоларни юзасидаги кирлар, доғларни кетказиш. Шундан келиб чиқкан қолда текстил ва трикотаж товарларини қолати, қайси тўқимачилик маҳсулотидан тайёрланганлиги, кирн қолати, кир юувучи моддаларни табиати ва контсентратсияси, темпратура, таркибидаги оқартиувчи, стабилизаторлар ва бошқа құшымчаларга боклик.


Совун классификацияси бўйича улар хўжалик ва атир совунларга бўлинади. Совун-бу натрий тузларини юкори ёғ кислотасини сувдаги эритмаси бўлиб, у юкори ювиш хусусиятига эга. Уларни тайёрлашда қайта ишланган қаттиқ ва суюқ ёглар ва нефт маҳсулотлари хисобланади. Хўжалик совунларни ассортиментлари Классификацияси бўйича ишқаланишига (сурилишига) кўра улар қаттиқ (бўлокли, майда бўлокли совун) ва суюқ қолда. Таркибидаги ёғ кислоталарини миқдорига караб бўлокли совун 60, 70, 72% ли, суюқ қолдагиси эса 40 ва 60% ли улар 250-400 гр қилиб ишлаб чиқарилади, буларни таркибида эркин ишқорни миқдори 0.2% - 0.15% гача бўлади.

Сифат қўрсаткичлари органалептик ва физик-кимёвий усуллар орқали аникланади. Органалитик усуллар ёрдамида уни қаттиқлиги, бармоқларга ёпишқоклиги, ёрқин жилвадор бўлмаслиги, ёғ моддаларини ажралиб

турмаслиги, ранги, бўлокларни тўғрилиги, дарс кетмаганлиги, деформатсияга мойиллиги, маркировкаси. Лаборатория усуслари орқали эрkin ўювчи ишкор ва ноорганик қўшимча моддалар ўрганилади. Кўпиртирилган 0.5% сувли эритмасини бирламчи кўпиги донодор кўпик бўлиб, у узок муддатга ўз қолатини сакласа бу совун юкори сифат кўрсаткичига эга бўлади.


Ҳар бир совун бўлагида уни қайси турга (60, 70, 72%) мансублиги қайд этилган бўлиши, ишлаб чиқарган хўжаликни реквизитлари ёғ кислотасини миқдори кўрсатилган бўлиши керак. Уларни яшикларга 50-кг, какртон яшикларга-20 кг дан жойлаб истеъмолчиларга чиқарилади. Саклаш даврида уларни намлиқдан, қамда деформатсияга мойиллигидан саклаш лозим.

Uy – ro'zg'orlarda foydalaniladigan maishiy kimyo tovarlari



ЧИЗМА 43

Sanitariya – gigenik maqsadlarda ishlatalidigan maishiy kimyo tovarlari



Атир совунқишилаб чикаришда ҳам асосан хұжалик совунини ишлаб чикариш технологиясидан фойдаланилади унда сифатли ва тоза ёғ моддалари, юқори сифатга эга бўлган ёғ кислоталаридан фойдаланилади унда сифатли ва тоза ёғ моддалари, юқори даражадаги ювиш хусусиятига эга бўлиб, улар иссик, совутилган ва совуқ сувда ҳам бирхил тозалаш хусусиятига, тез қуриш, сувда бўқмаслик, ёрилмаслик хусусиятларига камда юқори истеъмолли товар кўринишига эга бўлиши лозим. Бу совунларни ишлаб чикаришда ўсимлик ва ҳайвон ёғлари ва мойлари, палма ёғи, синтетик ёғ кислоталари, ҳар хил кўшимчалар (хид берувчи, ранг эрувчи, доривор моддалар ва бошқалар) ҳайвон ёғлари ва палма ёғи атир совунга қаттиқлик бериб, улар совунни совуқ ва иссик сувда кир ювиш хусусиятига эга. Уларни таркибига ланолин, селен, хвой пастаси ва бошқа биологик актив моддалар кўшилиб ишлаб чикарилади. Булар кўл ва юзларни терисини эластиклигини оширса, селен сернийўй (сулсен) тери ичига шимилиб соchlарни тўклишишини олдини олади. Фойданишига қараб уларниёғи терига, яхши ва ёғи терига, соқол олиш учун, кирлаган қўлга, болалар учун табобатли совунлар ишлаб чикарилади.

Улар каттиқ, суюқ ва порошок қолда бўлиб улар 74, 78 ва 80% ёғ кислоталар миқдори. Улар көзларга ўралган ва ўралмаган холатда яхши ва ёғи терилар учун “Банное”, “Хвойное” яхши терилар учун қатиқ совун кўшилган “Детское” ва бошқалар.

Табобатли совунларга “Дегтярное”, “Сулсеновое” ва бошқа атир совунлар З тадан-20 тагачан каттиқ ва картон көзларга жойланади ва реквизитлар кўйилади ва яшик камда коробкаларга жойланади. Тоза ва куруқ хоналарга -5 к темпратурада саклаш тавсия этилади.

Синтетик кир юувучи товарлар

Синтетик юувучи моддолар (СЮМ) к булар суюқ, пастали ва порошокли бўлиб, таркибида юқори активмоддалар ва органик ва ноорганик моддаларни кўшимчалар кўшилиб юқори актив моддаларни хусусиятларини оширишга мўлжалланилган. Синтетик юувучи моддалар хұжалик совунларидан ўзларини юқори фойдалилиги билан ажралиб туради. Улар юқори кир ювиш хусусиятига паст ҳароратда ҳам (40-50°C) сувни юмшоқ бўлишини талб этмаган қолда, кирни чидамлилиги ва рангига таъсир этмаслиги ва уларни ишлаб чикаришда озиқ-овқат хом-ашёлар ишлатилмаслиги ахамиятга эга.

Синтетик юувучи моддаларни салбий томонлари окувчи сувларда биологик парчаланишини ёмонлиги окувчи сувларда камда кир ювилганда кўл териларини кучли ёғсизлантириш хусусиятига эга.

Юзаки қ актив моддалар (ПАВ) ва органик, ноорганик моддалардан синтетик юувучи товарлага сифати ва кўринишини яхшилаш учун бошқа моддалар кўшилади. Триполифосфат натрий сувни юмшатиш ва кирни ювилиш

қобилятини яхшилаб сув таркибидаги магний ва калтсий тузларини эришини таминлайди.

Силикат натрий (юувчан шиша) эса кир ювиш машиналарини коррозиядан саклаш билан бирга ювиләтган кирларни оқартириш учун қўшилади. Перборат натрий кимёвий оқартирувчи модда бўлиб, кир ювиш эритмаси 60 кС дан ошганда кислород ҳосил килиб кирларни оқартириш хусусиятига эга. Кўпик ҳосил қилювчи стабилизаторлар эса кўпикларни бошқаришда хизмат қиласди.

Сулфат натрий қ ќўшимча юзаки — актив моддаларни фаолиятини бошқариш билан бирга кирни ювиш тезлигини оширишга ёрдам беради. Синтетик кир юувчи товарлар ҳар хил максадлар учун маълум ретсентлар орқали ишлабчиқарилади буларни 80% порошок, паста ва суюқ қолда ишлаб чиқарилади.

Синтетик кир юувчи товарлар консистентсиясига кўра суюқ, пастасимон ва порошоксимон бўлади. Ишлатилишига кўра кулар пахта ва кенаф толаларидан тайёрланган материалларни, шойи товарларини ва жунли қамда синтетик толалардан тайёрланган материалларни ҳаммабоп (универсал) ва маҳсус товарларни ювиш, бўяш, дезинфектсия килишга мўлжалланган кир ювиш воситаларга бўлинади.

Товарларни сиртки доғларини кетказишда ишлатиладиган кимёвий воситалар.

Доғларни кетказишда фойдаланиладиган кимёвий товарлар қуйидаги гурухларга бўлинади:

Ёғи ва бўёғи доғларни кетказувчи;

Сиёғи доғларни кетказувчи;

Вино, мева, сабзавот, шарбат доғларини кетказувчи

Занг доғларини кетказувчи;

Доғларни кетказишда фойдаланиладиган кимёвий моддалар ишлатилганда, буомоддалар доғларни ҳосил қилювчиларни (ёғ, бўёғ, сиёғ ва бошқалар) эритади ва кейин улар иссик сувда шимдирилган материал билан артилади ёки чутка билан тозаланилади. Доғларни эритувчи моддаларга уни табиатига қараб ҳар турдаги моддалар этил спирти, бензин, трихлоретан ва бошқалар, занги кетказувчи моддаларга шавил кислотаси, фтор водородли эритма ва бошқалар мисол бўлади.

Тозаловчи моддаларга катта ассортиментдаги майший кимё товарлари гурухига киради. Товар ассортиментлари фойдаланишларига қараб улар қуйидаги гурухларга бўлинади: буларга фарфорли, фаянсли, эмалли товарларни устки қисмини, шиша, кора рангли метал идишларни, уй-рўзкор идишларни тозалаш, пластмассали товарларни, ёғоч буюмларни устки қисмини ёғик бўёғларини тозалаш, барча толали материаллардан тайёрланган товар гурухлри,

сув қайнатылған идишларни курумларини, зангларни, канализация құвурларини, автомобилларни тозалаш, яхини тушириш күл тозаловчи воситалари ва товарлари ишлатилади. Тозаловчи бундай моддалар махсус ишларни бажарыща фойдаланилади.

Кремлар ёғи моддалар асосида парафин, воск, тсерезин ва бошқалар қамда әрітувчилар скипидар, уайт-спирт ва бошқалар. Булардан ташқары органик әрітувчилардан фойдаланилған қолда “Витси”, “Луч”, “Скипидарли оёғ кийими учун крем” ва бошқаларни күрсатиш мүмкін. Халқ хұжалигіда синтетик чарм ва пластмассали товарларни тозалаш учун юқоир актив моддалар күшилған “Нитроемал для кожа” ишлаб чықарылмоқда.

Юқорида көлтирилған товар гурухлари навларга ажратылмайды уларни сифат күрсаткышлари органалыптықтір. Бу махсулотларни стандарт талаблари бүйіча күйиладиган асосий талаблар уларни жойлашта, ташки күринишига, маркировкасы ва саклаш усуулларига күйилади. Баъзы товарлар ишлатылғандан сүнг уларни ярқыреклигі, чангни ушлашига, ёпишқыреклигі, ташки күринишига, хидига баҳо берилади. Бу гурухтар кирудік товарлар тез ўт олиш ва заһарлаш қобилиятика эга бўлганлиги сабабли уларнинг упаковкаларига оғоқлантириш сўзлари ва белгилари күйилади.

Махсулотлар асосан 200-500гр, баъзан 1000гр ҳар хил идишларга жойланыб истеъмолчиларга етказилади. Жойлаш қофозли пачка, пакет, полимерли ва шишилди банкаларга, кюветаларга, тюбикларга (металли ва пластмассали) жойланади қамда иккиласынан жыллаш учун қофоз каропкаларга, тахтали, фанерли ва пластмассали яшкларга 10-30кг килиб жойланади. Бу товарларни ёник, тоза, куруқ, ҳавоси айланадиган ва қуёш нурлари тушмайдын хоналарда сакланади. Бундай товарларни баъзилари аерозолли упаковкаларда ишлаб чықарылади.

Бу гурух товарларига кемируди ва құмурска (насикомие)ларга қарши халқ хұжалигіда ишлаб чықарыладын инсектешидлар (чумоли, паща, таракан ва бошқалар) күяга қарши, зоотсидлар (кемируди каламуш, сичкон ва бошқалар). Бундай товарлар парашок қолда, таблетка, аерозол, қалам, бўр колида ишлаб чықарылади. Булар токсик таъсирга эга бўлганлиги учун уларни ишлатилишида эктиёт чораларини кўллаш зарур.

Назорат ва мулохаза учун саволлар

1. Кимёвий маиший хизмат товарларини классификациясини шархланг?
2. Кимёвий кир ювиш воситаларини классификацияси?
3. Догларни ва тозалаш воситаларини классификацияси ва ассортиментлари?

18-мавзу: Нефт ва нефт маҳсулотлари экспертизаси

Режа:


1. Нефт ва уни кайта ишлаш асослари.
2. Нефт маҳсулотларининг тасниф ва вазифалари.
3. Бензин. Асосийтавсифлари ва маркалари.
4. Дизел ёнилги.
5. Қорамой. Асосий хоссалари, маркалари ва ишлатилиши.

1. Нефт ва уни кайта ишлаш асослари.

Суюқ ёғилги бирдан-бир ёнадиган суюқ казилма — нефтни қайта ишлаш натижасида олинади. Нефт кадимги денгизларнинг тубида ўсимлик ва хайвонот микроорганизмларининг қолдикларидан хосил бўлган бўлиб, мойсимон суюқликдан иборатдир. Ранги сарикдан тук жигар рангтacha боради, баъзида кора тусда хам бўлади; исфтининг туси унинг таркибига баглик бўлади. Нефтни қайта ишлаш натижасида юксак самарали ёғилги, сурков мойлари ва маҳсус мойлар, битум, парафин, курум ва бошқа нарсалар хосил бўлади. Нефтни қайта ишлаш маҳсулларидан пластмасса, синтетик тола, каучук бўёг, кир ювиш воситалари, захарли кимёвий дорилар ишлаб чиқарилади.

Чизма 64

Кайта ишланган нефт маҳсулотлари



Нефтни кимёвий таснифлаш углеводородларнинг ГУРУҲ таркибига асосланган бўлиб, крйси углерод устун туришига караб нефт парафинли, наftenли ва арома-тик классларга кири-тилиши мумкин. Технологик таснифлаш нефтнинг тўла тарки-би қамда ёғилги, мой, олтингугурт ва парафин канча бўлиши мумкинлиги Ҳисобнга асосланади. Нефтнинг таркиби уни бундан буён кайта ишлаш юна-, лишини, ишлаб чикр-рилувчи нефт мағсулотлари хили ва сифатини белгилайди.

Нефтдан ёғилги сифатида қарийб фойдаланилмайди, у товар нефт маҳрулотларига айлантирилади. Нефтни крйта ишлаш олдидан газ айирувчи аппаратга юборилади ва у билан биргалашиб чиқкан нефт гази айриб олинади, сунгра турли аралашмалардан тозаланади: эрнган газлар, сув, минерал тузлар, шунингдек кум, лойдан иборат механик аралашмлар ажратилади. Нефтни бевосита Хайдаш ва крекинг нефт маҳсулотлари олишнинг асосий усуllibидир.

Нефтни бевосита хайдашда тиник нефт маҳсулотлари, айникра бензин учча кўп чиқмаслиги таказосидан крекинг жараёни куллаш зарурати келиб чиқди. Бу жараён оғир углеводородларнинг узун молекулаларини парчалашга асосланган. Бунда ҳарорат молекулаларга асосий бузадиган таъсир кўрсатади. Юқори $\text{хар}^{\circ}\text{Ратли}$ термик крекинг ва каталитик крекинг бўлади. Термик крекингда (унинг ҳарорати $450\text{---}550^{\circ}\text{C}$ ва босими $3\text{---}6 \text{ МПа}$) керосин, газойл, корамой ва гудрон кайта ишланади. Аммо турли углеводородларнинг аралашмасидан иборат термик крекинг бензинлари физикавий ва кимёвий жихатдан этарлича баркарор булмаганлигидан улардан автомобил бензинларининг компонентлари сифатида фойдаланилади. Янада юккрай сифатли бензинларни олиш учун каталитик крекинг ишлатилади. У оғир углеводородларнинг парча-ланиш жараёнларини тезлаштирувчи ва яхшиловчи модда — катализатор иштироқида бажарилади. Каталитик крекинг ҳарорати $450\text{---}500^{\circ}\text{C}$, босими $0,2\text{---}0,3 \text{ МПа}$. Синтетик алюмосиликатлар ва баъзи хил гиллардан катализатор сифатида фойдаланилади. Юккрай сифатли бензинлар негизини ташкил этувчи ароматик углеводородларни олишга аталган риформинг каталитик крекинг турларидан бири ҳисобланади. Каталитик крек ингда бевосита хайдашнинг керосин ва соляр фрактсияларидан хамда иккиласми нефт маҳсуллари дистиллятларидан дастлабки хом ашё сифатида фойдаланилади.

Нефт мойлари олиниш усулига кура дистиллятли, қолдик ва аралаш мойларга бўлинади. Бевосита хайдаш ва крекинг жараёнида шундай углеводород олинадики, уларнинг таркибидаги бир канча аралашмалар углеводородларнинг хоссасини ёмонлаштириб юборади. Сифатли товар нефт маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун углеводородлар кимёвий, адсорбцион,

селектив, катализитик усуллар ва бошқа усуллар билан тозаланади. Кимёвий тозалаш нефт маҳсулотларига сулфат кислота ёки ишкррлар билан ишлов беришдан иборат. Шу билан бирга кислота ёки ишкрр смолали, сүлфитли, кислородли ва азотли моддалар билан ўзаро таъсирида бўлиб янги баркарор бирикмалар хосил қиласди, холбуки парафинли ва нафтенли углеводородлар улар билан ўзаро таъсирига киришмайди. Адсорбтсион тозалаш адсорбент (активланган кумир, окловчи гил ва бошқалар) катлами оркали нефт маҳсулотини фильтрлашга асосланган. Туйинмаган угле-водородлар, смоласимон, сүлфитли ва азотли моддалар-нинг молекулалари туйинган углеводородларнинг молеку-лаларига нисбатан кўпроқ кутбли бўлади, нефт маҳсулу-тидан ажраб чикиб адсорбент юзида жойлашади. Қоятда ифлосланган ёк;илгига ишлов беришда адсорбтсион материал сарфининг кўпайиб кетиши бу услубнинг камчилиги хисобланади. Нефт маҳсулотларини бошқа хил тозалашлардан сунг, масалан, кимёвий тозалашдан сўнг ундан асосан якунловчи бостсич сифатида фойдаланишга тугри келади. Селектив тозалашда тозалаш кенг кўламда кулланади. Катализитик тозалаш (гидротозалаш) кимёвий тозалашнинг бир тури бўлиб, нефт маҳсулотига катализатор (алю-мокобалтомолибден бирикмалар ва бошқа бирикмалар) дан фойдаланган холда юкри хароратда кисилган водород билан ишлов беришга асосланган. Натижада туйинмаган углеводородлар туйинган углеводородларга айланади (уг-леводородлар баркарорроқ бўлиб қолади), ёғилгининг сүлфитли, кислородли ва азотли фрактсиялари водород сүлфид ва бошқа осон ажраладиган газлар чиқариб парчаланади.

2. Нефт маҳсулотларининг тасниф ва вазифалари

Ёғилғи ва нефт мойи нефтни қайта ишлашнинг энг муҳим маҳсуллариридир. Нефт ёғилғи вазифасига кура икки асосий туруга: моторларда ёғиладиган мотор ёғилки ёки тиник ёғилгига хамда буг крzonларининг утхоналари, саноат ва уй печ курилмаларида ишлатиладиган крzon-печ ёғилқиси крzonхона, газкувури ва маший ёғилгиларга бўлинади.

Мотор ёғилғи моторнинг турига қараб ичдан ёнар моторларда ишлатиладиган карбюратор ва дизел ёғилгисига хамда ҳаво-реактив моторларининг ёғилгисига бўлинади.

Нефт маҳсулотларининг хоссалари машина ва меха-низмларнинг конструкциясига хамда улар ишининг техник-иктисодий кўрсаткичларига таъсири этади. Шунинг учун ҳам фойдаланиластган замонавий техниканинг

пухталиги, күрга чидаши ва тежамлилиги ишлатилаётган нефт маҳсулотларининг сифатига боғлиқ бўлади. Мам-локатимизда карбюраторли моторлар кенг тарқалган бўлиб, улар ҳам энгил автомобилларда ва кўпчилик юқ автомобиллари хамда автобусларда ишлатилади. Улар учун бензин — энгил ароматик нафтенли ва парафинли углеводородларнинг аралашмаси асосий ёғилки бўлиб хизмат килади. Бу углеводород таркибида уртacha молекуляр массаси 100 га яқин 4 тадан 10 тагача углерод атоми бўлади. Бензин таркибида углерод (85 фоиз) ва водород (15 фоизча), шунингдек кислород, азот ва олtingурт бўлади. Бензин — рангеиз ёки бир оз саргиш суюклик бўлиб ўзига хос хиди бор, зичлиги 0,70-0,78 г/см. Унинг ут олиш ҳарорати—40°C дан паст, котиш ҳарорати эса 60°C дан паст. Бензин ст, смола ва бошқа материалларнинг эритувчиси сифатида ҳам ишатилади. Бензиннинг асосий тисисми бевосита хайдаш ва каталитик крекинг усули билан олинади. Автомобил бензинларининг хоссалари, ёниш иссиклиги, детонатсион чидамлилиги, фракцион таркиби, кимёвий тургунлиги, коррозияга чидамлилиги, таркибидаги олtingугурт ва бошқа аралашмаларига қараб тавсифланади.

Дизел ёғилги бензин сингари парафинли, нафтенли ва ароматик углеводородларнинг аралашмаси бўлиб, уртacha молекуляр массаси 110 дан 230 гача борадиган 20 тагача углерод атомини тутади. У нефтни бевосита хайдаш маҳрули бўлиб кўпи билан 20 фоиз каталитик крекинг компонентлари кўшилган бўлади.

Дизел моторлар анча тежамли бўлади, чунки улардаги ёғилки сарфи карбюраторли моторларга нисбатан 30—40 фоиз паст, ёнадиган аралашманинг сикилиш даражаси эса кариб икки баравар юкри. Кейинги вактларда моторлар конструкциясини такомиллаштириш, янги конструкцион материаллар ишлатиш натижасида дизел моторларнинг кувват бирлишга ортичка металл кетиши камаймоқда.

Дизел ёқилги карбюраторли ёнилгидан фаркли улароқ углеводородларнинг керосини, газойлли ва соляркали каби детонатсияга мойил булмаган оғиррок фрактсияларини тутади. Дизел ёғилгининг физик-кимёвий хоссалари, ёниш иссиклиги, аланг олувчанлиги, фракцион таркиби ва ут олиш ҳарорати, ковушоклиги, хираланиш ҳарорати, кристаллана бошлиш ва кртиш ҳарорати, таркибида олtingугурт ва бошқа зарарли аралашмалар канчалиги билан тавсифланади. Реактив авиатсия моторлари учун нефтни бевосита хайдаш маҳсуллари бўлмиш керосин ва лигроиндан, шунингдек айрим нефт дистиллятлари газойл фрактсияларининг иккиласи олинган маҳсулотлар билан хамда гидравлик тозаланган нафтларнинг бевосита хайдалган дистиллятларидан ёғилки сифатида фойдаланилади.

Корамой, камдан-кам холларда тошкўмир ва ёнадиган сланетсларни қайта

ишлиш маҳруллари бўлмиш козон-печ ёнилгисининг энг кўп тарқалган туридир. Улар келиб чикиши, таркибидаги олтингугурти ва вазифасига кура таснифланади. Корамой нефтни бевосита хайдаш жараёнида, шунингдек нефт маҳсулотларини крекинг килиб олинади. Газ турбина ёғилгиси ва рўзкор печ ёғилгиси нефтни хамда иккиласи маҳсулотларни бевосита хайдаш дистиллят фрактсияларидан ишлаб чиқарилади ва темир юл транспортида, халқк хўжалигининг бошқр тармоқларида, шунингдек ақолини таъминлашда, майда комму-нал-маиший корхоналар қамда кишлoқ хўжалик корхо-наларини таъминлашда фойдаланилади. Ёниш иссиқлиги, қовушоклик, котиш ҳарорати, зичлик, ут олиш ҳарорати, куллилиқ таркибидаги олтингугурт ва бошқа аралашмалар қорамойнинг энг муҳим тавсифларидир.

Сурков мойлари ёғилги қаторига кирмайди ва унга ушбу бобда товар нефт маҳсулоти сифатида каралади. Улар машина ва механизмлар ишқ;аланадиган кисмлари-нинг ишқаланиши ва эйилишини камайтиришга, ишқала-ниш кучини энгишга, энергия сарфини камайтиришга, машиналарнинг кизийдиган кисмларидан иссиқ олишга, машиналарни коррозиядан мукофаза этишига мулжал-ланган. Улар ҳарорат, босим, тезлик ва бошқа ишлатиш кўрсаткичлари билан бирга техниканинг пухта ишлиши ва кўпга чидашини анчагина белгилаб беради.


3. Бензин. Асосий тавсифлари ва маркалари

Ёнилги сифатида бензиннинг энг муҳим тавсифларидан бири унинг детонатсион чидамлилигидир: бензиннинг детонатсион чидамлилиги канча юкри бўлса, мотор шунчалик самарали ишлайди. Ёнилги аралашмасининг сикилиш даражаси кутарилиши билан моторнинг куввати ва фойдали иш коефитсиенти кутарилади. Мотор цилинтри тўла ҳажмининг ёндириш камераси тўла ҳажмига бўлган нисбати сикилиш даражаси бўлиб у карбюраторли моторлар учун 4 билан 10 микрсида бўлади. Аммо муйян сикилиш даражасида ёнилгининг меъёрий ёниши бузилиб дистонатсион ёниш бошланаб кетади ва у мотор цилинтрида аланга фронтининг тарктиш тезлигини бирдай ошириб юборади (25—35 м/С дан 1500—2000 м/С гача кутарилади) ва ёнилги аралашмасини портлатади. Шу пайтда ҳосил бўлган портлаш тулкрии поршен ва цилиндр деворларига урилиб дириллаш ва такиллашни вужудга келтиради, ёнилги чала ёнади, кувват пасайиб кетади ва моторнинг асосий крсмлари барвакт эйлади, бузилади. Турли бензинлар учун детонатсия турлича сикилиш даражаларида бошланади. Ёгилги аралашмасида углеводородларнинг оксидланиш маҳсуллари бўлмиш пе-роксидларнинг ҳосил бўлиши детонациянинг асосий сабабчисидир. Нефтнинг энг энгил фрактсияси сифатида бензин мотор цилинтрида дистонатсион ёнишга кўпроқ мойил бўлади. Шунинг учун ҳам детонатсияга юл қўймаслик учун автомобилни ясаган завод

аник мотор турига тавсия этган марқадаги бензиннинг узидангина фойдаланмоқ зарур. Ёнилғининг детонатсион ёниб кетишига қарши турға олиш кобилияти детонатсион чидамлилик дейилади ва октан сони билан тавсифланади. Октан сони қанча юккөр бўлса цилиндрда шунча кўп ёғолги аралашмаси сикилиши мумкин. Синалаётган ёғолгини октан сони маълум этalon намуналарининг аралашмалари билан тақкослаш принципи бензинларнинг детонатсияга қарши хоссаларига баҳр бериш негизига кўйилган. Икки углеводороднинг: юксак зиддидетонатсион хоссаларга эга бўлган изооктан билан осонгина детонатсияла-надиган меъёрдаги гептан аралашмаси этalon ёғилги сифатида кабул килинган. Изооктан ва меъёрдаги гептандан иборат бўлиб зиддидетонатсион хоссалари жихатидан шу ёнилги билан баб-баравар аралашмадаги изооктан хажмий фоизига сон жихатидан тенг шартли бирлик октан сони дейилади. Изооктанинг октан сонини 100 деб, меъёрдаги гептанинг октан сонини эса 0 деб қабул қолинган. Масалан, бензин 76 фоиз изооктан ва 24 фоиз меъёрдаги гептандан иборат аралашма сифатида ишлаганида детонатсияланса, шу бензиннинг октан сони 76 га тенг бўлади. Октан сони типовой бир цилиндрли моторлар билан жиҳрзланган маҳсус курилмаларда тадқиркерт услублари билан аникланади. Аммо мотор услуби билан синаш моторнинг анча давоматли ва зуриқиб ишлаш режимида үтказилади. Шунинг учун ҳам мотор услуби билан олинган октан сони тадқиркерт услуби билан олинган октан сонидан одатда бирмунча баландрок бўлади. Шу тафовутга бензиннинг сезирлиги дейилади. Детонатсион чидамлиликни ошириш учун ёнилғига зиддидетонатор деб аталмиш маҳсус моддалар кушилади. Тетраэтилкургошин энг самарали зиддидетонатор ҳисобланади. Туссиз қуюқ суюклиқдан иборат тетраэтилкургошин ёнилғида эрир экан, унда пероксид бирикмалар хосил бўлишига тускинлик килиб детонатсион чидамлиликни яхшилади. Соғ тетраэтилкургошин қоятда захарли бўлғанлигидан ёнилғига унинг этил суюклиги хрилидаги эритмалари ($0,5-1,0$ г/кг гача) кушилади. Натижада ёнилғининг октан сони 10—12 бирлик кутарилади. Шу юл билан олинган ва этиллаштирилган бензин деб аталағиган бензин ҳам захарли бўлиб, у билан муомалада маълум эҳтиёт чораларига риоя этмоқ зарур. Захарланиб колишининг олдини олиш учун этиллаштирилган бензин буюлади. Кейинги вактларда захарсиз янги марганетсли зиддидетонаторлар (марганетс пентокарбонили MnCo₅ ва бошқалар) ишлатилмокра, октан сони катта этиллаштирилмаган бензин ишлаб чиқаришда эса эфир билан спиртдан кушиладиган модда сифатида фойдаланилмокра. Саноати-миз А-80, А-91, А-93 ва А-95 маркали автомобил бензинларини тайёрлаб чиқармоқда. Бензин маркасидаги "А" ҳарфи автомобилники эканлигини, ракам эса энг кам октан сонини билдиради.

Чизма 65

Бензин ва уни маркалари



Фраксия таркиби бензин сифатининг ва унинг бугланувчанлигининг, яъни суюн холатдан газсимон хрлатга ўтиш кобилиятигининг мухим кўрсаткичидир. Ёнадиган аралашма хосил бўлиши, мотор кизишининг давомати ва уни ишга туширишнинг осонлиги ёғилгининг бугланувчанлигига boglin bўлади.

Бензиннинг фрактсион таркиби нефт маҳсулотлари хайдаладиган маҳсус приборда аниқланади. Унда ёнилғи намунаси газсимон холатга ўтказилади, сунгра уни конденсатсиялаб суюклик улчов цилиндрига йигилади. Хайдаш жараёнида найнай бошлаш, обдон найнаш бензин ҳажмини 10, 50 ва 90 фоизининг кайнаб бўлиш ҳарорати ва найнаш охиридинг ҳарорати ёзиб куйлади. Автомобил бензинлари 35—205°C ҳароратда бугланади.

Кимёвий барнаорлик бензиннинг оксидланishi, смола ва куйинди носил бўлишига ва мотордаги бошна хил кимёвий ўзгаришларга чидамлилиги билан ифодаланади Намда ёнилганинг фрактсион таркибига ва унда смола ва смола носил нибуичи моддалар микдорига boglin bўлади. Смола углеводородларининг огар молекулалари тамомила ёниб битмай нУвларнинг деворлари ва мотор тсилинд-рида мурт ва натти, Fx куйинди хрида ултириб нолиб ёниш жараёнини ёмонлаштиради, ёнилғи сарфини кўпайтиради ва моторнинг нувватини пасайтиради. Смола миндори маҳсус стандартлар билан белгиланади ва бензиннинг турли маркалари учун 7—15 мг/100 мл дан ошиб кетмаслиги керак. Турли чидамсиз бирикмхпар, масалан, туйинмаган углеводородлар ва хрказолар смола Хосил к-ил Увчи моддалар бўлиб, саклаш ва ташиш жараёнида оксидланиб смолага айланади (20-жадвал). Смола хосил бўлиш интенсивлиги нефтнинг кимёвий таркибига, уни хизит ишлаш усуллари ва сахланиш ҳароратига bogliq bўлади.

Бензин оксидланганида кис-лороднинг босими анча пасаяди, чунки унинг бир хисми смола ва кислоталар хосил Хилишга сарфланади. Турли маркалардаги автомобил бензинларининг индуктсион даври камида 450—900 минут булмоги керак. Кимёвий чидамлиликни ошириш учун ёнилғига ёғоч смолали, детонафтал каби зиддиоксидловчи моддалар xУшиладики> булар бензиннинг оксидланиш индуктсион даврини оширади. Бензин таркибидаги минерал кислоталар, ишхорлар, фаол сулфит бирикмалар, сув ва бошха аралашмалар чон, тисстерналар, ёнилғи баклари хамлз ёнилғи берувчи аппарат деталларига катта таъсир кўрсатади. 100 мг ёнилғи таркибидаги кислоталарни нейтраллаш учун зарур уювчи калий (КОН) миллиграммларининг сони бензиннинг кислоталилигини кўрсатади ва бу михдор 3 мг дан ошиб кетмаслиги керак. Мавжуд сулфит бирикмалар мотор иш органларини коррозияга дучор хилишидан ташкри ёнилгининг детонатсион чидамлилигини пасайтиради, смолалар хосил бўлишига кўмак беради. Бензин таркибида олтингугурт ханча 03 бўлса, унинг сифати шунча к>хори bўлади.

Олтингугурт борлиги соф мисдан ишланиб жилоланган пластилкани бензинг ботириб, унинг ханчалик коррозияга учраганлигига хаРЗб анихла-нади. Бензин маркасига хаРаб таркибидаги олтингугурт 0,10—0,15 фоиздан ошиб кетмаслиги керак.

4. Дизел ёнилғи

Дизел ёнилғисининг асосий сифат күрсаткичларидан бири унинг алангаланувчанлиги бўлиб ёнилғининг ут олдириш манбай сиз алангаланиб кетаолиш қобилиятини кўрсатади ва унга тсетан сони билан баҳр берилади. Тсетан сони лаборатория қурилмасида бир цилиндрли мотор воситасида синалаётган ёнилғи намунасининг уз-узиданалангаланиш хаР°Ратиниеталонёнилғи билан так;хослаб аникланди.

Одатда дизел ёнилга суюқлик ички ишкаланишининг солиширма коефитси-ентидан иборат кинематик қовушоқлик билан тавсифланади. Дизел ёнилғининг қовушоқлиги ҳароратга боғлиқ бўлади ва ҳарорат пасайганида қовушоқлик ортади: тезюарар дизелларнинг ёнилғиларида у 20°С да, секинюарар дизеллар учун эса 50°С да аникланди. Кинематик қовушоқлик 20°С ҳароратда вискозиметр капилляри ортсали белгиланган ёнилга миқдорининг оқиб ўтиш вақтига кура аникланди. Тезюарар моторлар учун дизел ёнилғининг крвУш°клиги 1,8—8,0 мм /с, секинюарар моторлар учун эса 36 мм²/С гача боради. Йилнинг совук; мавсумида дизел ёнилғининг қовушоқлиги камрок; бўлган кишки навларини ишлатиш зарур, ҳар°Рат пасайганида қовушоқлик бирмунча ортади.

Паст ҳароратда ёнилғанинг хирадашиш ҳарорати, кристаллана бошлаш, кртиш ҳарорати ҳам моторнинг ишига таъсир килади. Ёнилғи узининг фазовий бир жинслилигини юктиб хирадашадиган ҳароратга хирадашиш ҳарорати дейилади. Бунда каттик углеводородлар хосил бўлиши оқибатида унинг ташки куриниши ўзгаради. Ёнилға яна совиса таркибида каттик фаза ортади ва кристаллар пайдо бўлади. Дастлабки кристаллар хосил бўладиган ҳарорат кристаллана бошлаш ҳарорати дейилади. Ёнилғининг ҳаракатчанлиги тамомила юқолган ҳарорат котиш ҳарорати бўлади. Хирадашиш, кристаллана бошлаш ва котиш ҳарорати дизел ёнилғанинг фрактсион таркибига боғли*; бўлади. Масалан, парафинли углеводородлар паст котих ҳароратига эга бўлганлигидан, ёзлик ёнилға навларини ишлаб чиқаришда, баланд крташ ҳароратига эга бўлган нафтенли углеводородлар эса кишки ёнилға навларини олишда ишлатилади. Мотор меъёрида ишламога учун хирадашиш ҳарорати атроф мухитнинг энг паст ҳароратидан 3-5°С паст, кртиш ҳарорати эса 10-12°С паст булмога лозим.

Дизел ёнилғаси таркибида олтингугурт бензиндагига нисбатан қамиша кўп


бўлади, чунки сулфитли бирикмаларнинг асосий кисми нефтдан 200°C дан юккаби олинади. Олтингугурт ва сулфитли бирикмалар мотор деталларида, айникра тезюар мотор деталларида коррозия вужудга келтиради. Шунинг учун хром тезюар дизеллар мумкин кадар кам сулфитли ёнилги билан ишлатилмоги лозим. Бундан ташкари мотор сулфитли ёнилги билан ишлаганида эйилиши (49-расм) ва куйинди хосил бўлиши ортиб, унинг хуввати пасаяди ва мойнинг оксидланиш жараёнлари тезлашади. Олтингугуртнинг заарли таъси-рини камайтириш учун тозалаш чогида уни ёнилгидан синчиклаб чихариб ташламок зарур. Дизел ёнилгига Хушиладиган рух нефтенати каби зиддикоррозион Хушимча моддалардан фойдаланиш, шунингдек муайян композитсияда хУшилаДиган моддалар тутувчи мотор мойини тугри танлаш сулфитли коррозияга харши самарали кўраш усулидир. Фаол сулфитли бирикмалар борлиги мис пластинкада синаб аникланади.


Дизел ёнилгининг коррозиен фаоллиги таркибida сувда эрийдиган кислоталар ва ишхорлар, кислород бирикмалари, смолалар, механик аралашмалар ва сув Ханчалигига хам боғлик бўлади. Ёнилгига кислота реактсиясини вужудга келтирадиган минерал кислота ёки моддалар бўлишига, шунингдек механик аралашмалар ва сув бўлишига юл хуйиб булмайди. Механик аралашмалар ёнилги берувчи аппаратларнинг деталларини сийхалкаш-тиради, уларнинг михдори бир иш даврида уртacha таркибаги ёнилги намунасини хоғоз фильтрдан ўтказиб аникланади. Дизел ёнилгидаги сув бензиндагидан кўпроҳ бўлиши мумкин, чунки дизел ёнилгининг гигроскопиклиги юхорироҳ бўлади. Сув ёнилгига ХУШИЛИб эмулсия Хосил хилади ва бу эмулсия мотордаги ёнилги берувчи аппаратда коррозия вужудга келтиради.

5. Корамой. Асосий хоссалари, маркалари ва ишлатилиши.

Корамой хозонхона скилгиси сифатида кўп ишлатилади ва кимё саноати учун химматли хом ашё Ҳисобланади. Корамой нефтнинг юксак молекуляр фрак-тсияси сифатида ХУЮХ 'копкора суюклиқдан иборатdir. корамойни маркалашда ховУшоклик асосий сифат кўрсаткичи бўлади ва баклар, тисистерналар, танкерлар ва бошха идишларни тулдириш хамла уларни бушатиш, корамойни кувурлар оркали ташишни, печларнинг утхоналарига бериш шартларини белгилаб беради.

Чизма 66





Қорамойнинг қовушоқлигига шартли қовушоқлик бирлиги ($^{\circ}$ ВУ) билан баҳр берилади ва берилган ҳароратда 200 мл қорамойнинг узлуксиз окиш вактининг 20 С ҳароратда шундай ҳажмда дистилланган сувнинг оқиб ўтиш вактига бўлган нисбати билан аниқланади. Синов ВУ вискози-метрида дистилланган сувнинг капилляр оркали стандарт оқиб ўтиш вакти (51 ± 1 с) билан ўтказилади.

Қорамойнинг к;овушоқлиги ҳарорат, зичлик ва смолаликка боғлик бўлади. Паст ҳароратда қорамойнинг қовушоқлиги анча ортади, шунинг учун ҳам ёнилги қиздириб олинганидан кейингина уни идишлардан бушатиш ва кувурлар оркали хайдаш мумкин бўлади.

Қорамойнинг кртиш ҳарорати ҳом ашёнинг кимёвий таркибига ва нефт маҳсулотларини олиш усусларига боғлик бўлади. Парапфинли нефтдан бевосита хайдалган қорамойнинг кртиш ҳарорати 25 С дан ошади, крекинг-қорамойники эса 25 дан 34° С гача боради.

Қорамойнинг куллилиги ҳом ашёни тайёрлаш ва қайта ишлаш сифатига боғлик бўлиб, таркибидаги тузлар, ноорганик аралашмалар кўшиладиган модда, шунингдек нефт аппаратининг коррозия маҳсулларига боғлик бўлади. Хрзирги вактда саноатда нефтни тайёрлаш ва қайта ишлаш жараёнларининг такомиллаштирилиши натижасида товар қорамой таркибидаги кул анча камайди.

Қозонхона ёнилғиси таркибидаги олтингугурт дастлабки нефтнинг кимёвий таркибига боғлик бўлиб, серсулфит қорамойда 3,5 фоизгача, сулфитли қорамойда 2 фоизгача ва оз сулфитли қорам^ойда 0,6 фоизгача боради. Сулфитли нефтни ёкиш натижасида кислотали оксидлар хосил бўлиб, қозон ва аппарат деталлари коррозиясини зурайтириб юборади ва атроф мухитни ифлослайди. Водород сулфид билан содда олтингугурт айникса кўп коррозия хосил қиласди. Шунинг учун ҳам кам сулфитли қорамой биринчи навбатда мартең печлари, металлургия саноатининг куйиш, прокат килиш корхоналари ва бошқа корхоналаридаги иситиш нурилмалари каби технологик иситиш курилмаларида кулланади.

Мамлакатнинг нефтни қайта ишлаш саноати ёнилги сифатида фойдаланиладиган бир неча маркадаги қорамой ишлаб чиқаради: Ф-5 ва Ф-12 маркали флот қорамойи, 40 ва 100 маркали утхона қорамойи шулар жумласидандир. Маркага киравчи ракамлар (5, 12, 40 ва 100) 50° С ҳароратдаги энг юккрай қовушоқликни шартли қовушоқлик бирликларида кўрсатади. Ф-5 ва Ф-12 маркали қорамой (енгил ёнилғи) кема крzonхоналариди, 40 маркали (уртача ёнилғи) ва 100 маркали (огар ёнилғи) қорамой умумий ахамиятдаги хамма крzonхона ва иситиш курилмаларида оммавий ёнилғи сифатида ишлатилади (21-жадвал). 40 ва 100 маркали қорамой таркибидаги олтингугуртига қараб камсулфитли, сулфитли ва серсулфитли қорамойга

бўлинади.

Мартен печларига мулжалланган ёнилғи МП маркали камсулфит ва МПС маркали сулфитли бўлади. Газ турбина ёнилғиси икки хил маркада: оддий ТГ маркада ва олий сифат ТГВК маркада бўлади, рўзкор печ ёнилгаси эса ТПБ марка билан чиқарилади.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар:

1. Нефть ва уни қайта ишлаш бўйича талаблар нималардан иборат?
2. Товар нефть маҳсулотларини сақлаш шартлари қандай методларни ўз ичига олади?
3. Бензиннинг асосий тавсифлари ва маркалари қандай моддалардан ташкил топган?
4. Дизель ёнилгисидан асосан қандай мақсадларда фойдаланилади?
5. Корамойнинг асосий хоссалари, маркалари ва ишлатилишига нималарга эътибор берилади?

Глоссарий

1. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”-узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси ва кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмларидан бири бўлиб, у ўкув тарбия жараёнида ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратади.

2. Таълим тамойили – талим тизимини ривожлантириш жараёнида ўкувчи талабаларга мустақил билим бериш, уларни эркян мустақил фикрлай оладиган қилиб тарбиялаш, таълим тамоилларини чуқур англаш ва бу билимларни ҳаётга тадбик этиш ҳисобланади.

3. Таълимдаги онглилик ва фаоллик-талабалардан кўтаринки кайфият, кўпроқ билимга интилиш, мустақил фикрлаш ва холосалар чиқариш.

4. Товар – сотиш, олиш, алмашиш учун тайёрланган маҳсулот у ишлаб чиқариш орқали бунёд этилиб ишлаб чиқаришни иқтисодий омиллари орқали амалга оширилади. Товар ишлаб чиқариш – бу сотиш учун мўлжалланган товарларни ишлаб чиқариш ва у билан табий хўжаликларда ишлаб чиқарилган товарлар истеъмолчиларни талабларини кондиришлари керак. Товар ишлаб чиқариш бозор иқтисодини асосини ташкил этади.

5. Товар ишлаб чиқариш – ишлаб чиқаринши ижтимоий-социал формаси бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотиш, сотиб олиш, алмашиш учун мўлжалланади.

6. Товар ишлаб чиқариш омиллари – ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчи ресурсларини: иқтисодий ресурслар, ер, меҳнат, ишбилармонлик имкониятлари, сармояларии ишлаб чиқаришга сарф этиш ва ундан фойда олиш.

7. Баҳо – ишлаб чиқарилган товарларни пул бирлиги. Товар ишлаб чиқарилганда у жамиятга келтираётган фойдаси, ишлаб чиқариш учун шаклланган ресурсларни йигиидисини ташкил киласди.

8. Иқтисодий самарадорлик – ишлаб чиқаришида ишлатиладиган ресурсларни тежаб-тергаб, ҳамда замонавий технологии усулларни кўллаш натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни таннархини арzonлаштириш ҳисобига олинган иқтисодий фойда.

9. Товарларни сифатини баҳолаш – ишлаб чиқарилётган маҳсулотларни ёки истеъмолга мўлжаллаиган товар ўгу тарбиялашади, ишлаб чиқариш учун тасдиқланган норматив-техник талабларга жавоб бериш керак.

10. Квалиметрия – маҳсулотларни микдорий кўрсаткичларини баҳолашда этalon товарга нисбатан солиширилган микдори.

11. Сифат – товарларни сифат кўрсаткичларини аниқлашда сифат ва микдор кўрсаткичларни стандарт талабларига мослиги.

- 12. Органолептик усул** – товарларни сезги органларимиз (эшитнш, күриш, тамни сезнш, катта-кичиクリгини) оркали аниклаб товарларга баҳо берилади.
- 13. Физикалык-кимёвий усул** – бу усуллар ёрдамида ўрганилаётган товарларнн таркибидаги курук модда, товарларнн эриш ва қотиш температурасы, товарни тузилиши, ички тузилиши ва таркибидаги фаол мөдделарнн миқдор ва сифат күрсаткичлари аникланаби ўрганилаётган товарга баҳо берилади.
- 14. Дифференциал усул** – товарларнн сифат күрсаткичларини аниклашда ўрганилаётган товарни бирламчи күрсаткичларини, этalon товарни шу күрсаткич билан таккосланади.
- 15. Комплекс усул** – бу усул оркали товарларни органолептик ва физикалык-кимёвий анализлар оркали олинган маълумотларни натижаларига кўра товарларга баҳо берилади.
- 16. ИСО 9000** – халкаро стандартлар шу күрсаткичлардан бошланади ва хар бир товарларни стандартлари сертификатлари ифода килинади.
- 17. Унификация** – товарларни бир хил функцияга эга бўлган товарларни бир тизимга тушириш учун уларни конструкцияларидан сифат күрсаткичини аниклашда бир хил усуллардан фойдаланиш мумкинлигига айтилади.
- 18. Тинизация** – товарларни янги ассортиментларини яратилишда яратилмокчи бўлган товарлар учун авваллари шунча мос келадиган конструктив мосламалар ва технология процесслардан фойдаланишга имкон яратади.
- 19. Махсулотларни сифат назорати** – *миқдорий* ва сифат бўйича махсулотларни назорат килиш.
- 20. Назорат тури** – товарларни классификациялари бўйича маълум бир күрсаткичларнн назорат килиш.
- 21. Назорат усули** – махсулотларни сифат күрсаткичларини аниклашда қайси усуллар оркали аникланади.
- 22. Махсулотларни нави** – махсулотлар орасидаги айирмали белгилари оркали бир-биридан фарқ қиласиган товарлар гурухига айтилади.
- 23. Соли** – хар хил рангта эга бўлган кристалл химияний модда.
- 24. Кислота** – мураккаб кимёвий модда, унн молекуласи.
- 25. Индикатор** – кислотали ва ишқорий шароитда рангии ўзгартувчи лакмусли котоз.
- 26. Гидратация** кимёвий реакциялар вактида мөдделарни сув билан кўшилганда содир бўладиган холат.
- 27. Концентрация** – кимёвий мөдделарнн бирор бир эритувчи мөдделарда маълум миқдорда эриган миқдорини кўрсатади.
- 28. Взвесь** – сувларни майда заррачалар билан кўшилганлиги.

29. Алмашинув реакцияси – кимёвий реакцияларда иккни мурakkab моддаларнинг молекулаларипи бир бири билан алмашши.

30. Кислотали ангидрид – кислотали оксидлар ёки ангидритларни кислородли кислоталар.

31. Грамм атом – моддаларни граммм – атом миқдорини тенглик атом массасига тенглиги.

32. Қайтарилимайдиган реакциялар – кимёвий моддаларни бир йўналишга кайтмас ҳолатдаги реакциялари.

33. Қайтариладиган реакциялар – кимёвий моддалар реакциига киришганда тўғри ва қайтарилиши реакцияларга эга бўлиши мумкин.

34. Эритилиш – моддаларнинг 100 гр эритувчида маълум бир темпратурада ва вактда эриганлиги.

35. Рақобатдошлиқ – товар ишлаб чиқарувчилар, сармояларни энг яхши бизнесга йўналтирган ишбилиармонлар орасида, бозордаги сегментларга товарларни жойлаштиришда ва бошқаларда рақобатчилик ва ракобатбардошлиқ бўлади. Рақобатбардошлиқ, рақобатчилик бозор иктисадини асосий қонунларидан бири хисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конститусияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларни манфаатларини ҳимоя қилиш” Қонуни -1996 йил 29 августда қабул қилинган.
3. Ўзбекистон Республикаси “Махсулотларни сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни – 1997 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллый дастури. -Т., 1999.
5. ЎзР “Ташки иктисадий фаолият” тўғрисидаги қонунлари (иктисадий-хукукий масалалар) Т.1995
6. Каримов И.А. Ўзбекистон иктисадий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. – Т 1995.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари 1995йил, 5 январдан 2001 йил 1 январгача. - Т.: Адолат, 2000.
8. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т. , 1997.
9. Абдураҳмонов А. Саодатга элтувчи билим. -Т.: Моварауннарх, 2001.
10. Аюпов Р.Х., Илхомова э. Компьютер тармоклари ва интернет тизими. Т., ТМИ, 2002 йил.

11. Гафарли М.С. и Касаев А.Ч. Узбекская модель развития: Мир и стабильность -основа прогресса - М.: ДРОФА, 2000.
 12. Додобаев Ю.Т., Усмонов С.Н. Бозор иқтисодиёти асослари. -Т. : 1999.
 13. Доугерти К. Введение в эконометрику. Пер. с англ. -М. : 1999.
 14. Ханттсе э. и др. Теория управления кадрами в рыночной экономике. -М. , 1999.
 15. Чепурной И.П. “Товарная экспертиза”. Ростов на Дону, 2006.
 16. Салихов С.А. “Товаршунослик (озик-овкат ба ноозик-овкат товарлари товаршунослиги” фани бўйича ўқив-услубий мажмуси. “Иқтисодий талимда ўқитиш технологиялари” сериясидан. Т.: ТДИУ, 2006. 144 б.
- Интернет сайtlар**
17. www.mfer.uz Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвеститсия ва савдо Вазирлигининг расмий сайти
 18. www.cer.uz “Экономическое обозрение” журналининг расмий сайти

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

С.А. САЛИХОВ

МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг
2014 йил 30 октябрдаги мажлисида мухокама этилган ва
5610100 - Хизматлар соҳаси (Товарлар экспертизаси хизматларини
ташкил этиш) таълим йўналиши талабалари учун

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Техник мухаррир: Азаматов Ш.
Дизайнер: Сайдуллаев Х.

Босишга руҳсат этилди 10.11.2015
Шартли босма табоби 16,4.
Қоғоз бичими 60x80 1/16
Адади 50 нусха.